

ЎШМЖ



Адабий-
бадий,
ижтимоий-
сиёсий
ойбитик

III
Март

1982 йилдан
чиқа бошлаган

Муассислар:

Ўзбекистон ЛКЕИ
Марказий
Қўмитаси ва
Ўзбекистон
Ёзувчилар
уюшмаси

Бош муҳаррир:

Омон МАТЖОН

Таҳрир ҳайъати:

Эркин АЪЗАМОВ
Эркин ВОҲИДОВ
Хуршид ДАВРОН
Владимир ЖОНИБЕКОВ
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ
Ҳамид ИСМОИЛОВ
Насриддин МУҲАММАДИЕВ —
масъул котиб
Олим ОТАХОНОВ
Азим СУЮН
Абдуқодир ЭРГАШЕВ
Нурали ҚОБУЛ
Абдурашид ҚОДИРОВ
Усмон ҚУЧҚОР
Ғаффор ҲОТАМОВ —
бош муҳаррир ўринбосари

Тошкент
«Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси

Усмон Азимов



* * *

Муסיқа! Измингга тушганлар хордир —
Ҳамма пинҳон дардни ошкор этди куй.
— Жоним, нажот борми?
— Нажот? Ҳа, бордир! —
Куйгин! Яна куйгин! Фақат яна куй!

Муסיқа! Узилсин сенинг торларинг —
Қайтадан кўнгилда титранди алам.
Гулханга айланди йўғу борларим:
— Жоним, оловдаман!
— Ёняпман мен ҳам!

Муסיқа! Жонимнинг ичида бурал,
Бўғзимга қадалган азобинг оздир.
— Жоним, ёнмоқ бунча шириндир бу гал!
— Жоним, бирга ёнмоқ барибир создир.

Қиш

У пайт пальто киймас эди қиш,
Қўлқопи йўқ эди қўлида,
Қиш — ямоқли, ардоқли калиш,
Оёқ қўйсанг — қорга кўмилар.

Яйрамасди иссиқ уйларда
Изгириннинг уввосин тинглаб.
Қиш — мол боқиб музлаган бола —
Дарвозадан киради титраб.

Қиш кезмасди дил очар маҳал
Кўчаларда бурқситиб нафас.
Қиш — даҳлизда жон сақлар сандал,
Қиш — печкали уйларга ҳавас.

У пайт китоб ўқир эди қиш —
Ҳаяжондан титраб товуши.

ОСМОНИНГГА
ЕТМАДИ БЎЙИМ..:

Қиш — зиндондан чиққан Алпомиш.
Қиш — Барчиннинг синиқ нолиши.

Қиш — эртакнинг ҳароратида
Қалб остида эриган тошлар.
Қиш — орзунинг шароратидан
Китобларга тўкилган ёшлар.

Баҳор. Тун. Довул.

Гувиллади чинор тун бўйи,
Чинор оқди тун бўйи, гўё
Шаршарадай, кўчгандай қуюн,
Ногоҳ пайдо бўлгандай дарё.

Чироғимдан тушган ёғдуни
Ҳозир мавжлар тарайдигандай.
Деразанинг эсин оғдириб,
Балиқлар жим қарайдигандай.

Гувиллади чинор тун бўйи,
Тун бўйи у чайқалди-ку маст.
Боғда қурди баҳайбат ўйин,
Чопди — ўзин кўтарганча даст.

Фалак жомин беўхшов чертиб,
Чайқаларкан мастликда соҳир,
Шундоқ кирди деворни йиртиб
Ва менга ҳам узатди чоғир.

У, иккимиз қурдик соз суҳбат,
Алёр айтдик тонггача шўх-шағн:
— Соғ-саломат бўлинг...
— Минг раҳмат!
— Сиз — телбасиз...
— Сиз эса — улкан!

Чинор қайтди тонгда боғига,
Довул битди. Битди тунги эрк.
Илдиз — яна ер қучоғида,
Деворлар — бут. Дарвозалар — берк.

Ёзги боғ

Қайси ошиқ бахтини қучди,
Олма отди қайси малика?
Боғда «тўп»-«тўп» олмалар тушди —
Сукунатга тўп-тўп ваҳима.
Қоронғуда, терак учида
Қайси шамол чопди кўпқари?
Ховуз — юлдуз тўла ичида —
Осмонни нақ қўйди тўнтариб.

Сен йиғладинг термулиб боққа —
Боғда гўзал эди тун беҳад!
Мен елканга қўлим қўймоққа
На куч топдим, на раҳм-шафқат.

Фақат мен ҳам боғларга боқдим
Чироқларим кўксимда ўчиб.
Назаримда узоқ-узоқдан
Боққа руҳлар келдилар кўчиб.

Шундай кеча, шу боғда шоён
Янги дунё яратар оллоҳ.
Ҳар зарраси шафқатдир — аён,
Ҳар томчиси садоқатдир, оҳ...

Шундай кеча янги дунёга,
Шайтон олма уруғин қадар.
У жим боқар Момо Ҳавога,
У ҳам буюк — Худованд қадар...

Куз

1

Оташин тахтидан қулар саратон,
Самода титранар ҳазин тиниқлик.
Қайдандир адашиб қайтади армон —
Руҳингаги киради муҳам синиқлик.
Етмоқ оғирлашар — юрагинг теран,
Унга чўкиб кетар зирқираб жисминг.
Гаплаша бошлайсан самоват билан —
Тилинга келади оғир сўз: «Бисмил...»
У, умр! Йўқликнинг бизга совғаси,
Беҳудуд ҳечликдан — садақа, тортиқ —
Митти саодатнинг буюк савдоси —
Муваққат юлдуздек ўртагай ортиқ.
Тунги салқинларнинг намхуш бағрида
Туғила бошларкан минг тугун савол,
Кўнги яқинлашиб келар тангрига,
Фожеа туюлмас оқибат — завол.
Қара, қандай оқар Вақтнинг дарёси:
Соҳили чексизу мароми сокин.
Унда ўтиб кетган тунлар сиёси,
Унда мен етмаган кундузги ёлқин.
Синган қайиқ каби турибди ғамгин
Балчиққа кўмилиб ҳорғин сумбати,
Вақтнинг мароми бузган юрагим —
Саноқли кунимнинг сонсиз ғурбати.
Ҳа, ҳаёт ўзининг пўлат домиди —
Бостириб келмагай фалокат туйқус.
Заволот жимгина қўнар ёнимга
Боғларга оҳиста тушган каби куз.
Худойим! Тамоман уйқудан уйғот —
Бедор онларингнинг бўлай марҳами...
Тунлар завол билан қураман суҳбат
Худди ҳаёт билан гаплашган каби.

2

Боғим кетди — қолган кўнглим ёбони,
Олдида қум, ортидадир довоғи,
Келаётган ўзааларнинг даврони —
Тўхта-я, тўхтагин, умрим карвони.
Ғам селини тун-кун кечиб ўтдинг сен,
Кишанларни узиб, ечиб ўтдинг сен,
Кўз ёшларни ичиб-ичиб ўтдинг сен —
Тўхта-я, тўхтагин, умрим карвони.

Орзулар ўтларда ёниб кетдилар,
Шамоллар кулларни олиб кетдилар.
Ҳатто куллари ҳам ғолиб кетдилар —
Тўхта-я, тўхтагин, умрим карвони.

Кетган — офтоб, қолган — митти чироқдир,
Чироқни пуфлаган мастон фироқдир,
Осмонга қарадим — осмон йироқдир —
Тўхта-я, тўхтагин, умрим карвони.

Вақт шоҳ бўлса, оллоҳнинг йўқ кўмаги,
Тебраниб-тебраниб толди юрагим,
Ҳар босганинг — жонимнинг бир бўлаги —
Тўхта-я, тўхтагин, умрим карвони.

Бир ўжар довулда учиб қоляпман,
Туянгдан сирганиб тушиб қоляпман,
Йўлингда қумларни қучиб қоляпман —
Тўхта-я, тўхтагин, умрим карвони.

Жонимни бунча тез фидолар қилдим,
Гарчи эшитмайсан — дуолар қилдим,
Ортингдан эраниб садолар қилдим:
— Тўхта-я, тўхтагин, умрим карвони.

О, бекор шаън ўйлар суриб боряпсан,
Билмайсан, қайларга юриб боряпсан,
Боряпсан — тупроққа кириб боряпсан —
Тўхта-я, тўхтагин, умрим карвони...

3

Дунё рўйи бунчалар азиз —
Термилдимми — йиғи томоқда.
Тирикликда висол йўқ ҳаргиз,
Келгандайман видео айтмоққа.
Кўнглим чексиз дардларга тўлар —
Бору йўғим Вақтнинг кўйида.
У, осилиб йиғласам бўлар
Теракларнинг узун бўйига.
Азоблардан этмагай халос,
Юрак қўймас бекор ёқишин.
Нега менга бўлмади мерос
Турналарнинг қанот қоқиши.
Кулфидир Вақтнинг темир сарҳадни.
Кетганича йўли тикандир.
Турнанинг ҳам сизгагай ҳадди.
Шамолнинг ҳам йўли шикандир.
Ваҳ, айлана бошлади тезкор
Бошим узра фалакнинг чархи.
Кўзни очиб юмганчалик бор —
Аниқ — инсон умрининг нархи.
Дилга кўрсат юзингни, дунё,
Қайта-қайта ўртасин танни.
Кўзларимни, мана, юмдим, о..
Очмоққа ҳам улгураманми?

4

Уриндим — асроринг еча олмадим, —
Ҳар битта жилвангда минг сирли тугун.
Фақат, тангрим, кечир, бандаларингдан
Эрку Озодликни кутганим учун.
Қичқирдим — бўғзимда қотдилар унлар,
Кўз ёшларим оқди сув каби бетаъм.
Ахир, тангрим, кечир, қоронғу тунлар
Бўзлаб, йўл сўрадим бандаларингдан.
Сенинг осмонинга етмади бўйим,
Ердан паст кўкларни айладим тавоб.
Фақат, тангрим, кечир, бандаларингдан
Мангу саволларга изладим жавоб.
Раво айламайсан менга меҳрингни,
Ҳатто кўрғазмайсан ғазабу зуғум.
Тангрим, фақат кечир, бандаларингга
Бир қатра Озодлик бермаганим-чун.
Қон юган кўримлар учун кечиргин,
Бемаҳал ўлимлар учун кечиргин.
Кўзларим ёшлиги учун кечиргин.
Дунёнинг тошлиги учун кечиргин.
Кечиргин — кўйингда адашганимни,
Кечиргин — куйингда тинмаганим чун.
Кечиргин — эрк учун талонганимни
Ва эрк сенлигингни билмаганим-чун.

Ойдин Ҳожиева

БОЛАЛИК БАЙРАМЛАРИ

Бадиа

Олисдан келган овоз

Бир патила сочли қизча бор эди. Майиздаккина. Хаёлчан. Икки яшарлиғида отаси дунёдан ўтди. Ғарибгина пахса уйда она билан икковлон қолишди. Қизалоқ тийрак, зеҳни тез. Биров айтган гапни тўтидай илиб олар, юрган йўлида бижирлаб, ўшани такрорларди.

Она эл қатори яшарди. Улар ойда, ҳафтада бир марта иссиқ овқат кўришарди, бошқа пайт дастурхонда тарик зоғора, туршак, сопол кўзада муздай сув. Қизчага она қаламидан кўйлак тикиб берганди. Бахмал дўпписининг попуклари сариқ шалоладай юзларига сочилиб турарди. Ёз бўйи оёқчалари кавуш кўрмас, офтоб тигида қорайиб, кун бўйи чигирткадай сакраб юрарди. У дарахтларга узоқ тикилиб қоларди. Қушлар билан суҳбатлашарди. Дарахтлар шохидан турли қуш патларини топиб, тож қилиб кийиб оларди. Тенгқурлари уни қирғий келди, сени олиб қочади, деб қўрқитишарди. У эса қирғийдан тап тортмай, митти баҳодирдек ялангликда бир ўзи қоларди.

Йўллардан чиройли тошчаларни топар, тўптошлари қаҳрабодай тиниқ ва силлиқ эди. Қўғирчоқларига қараб онасига тақлидан алла айтарди. Дугоналарининг ҳавасини келтирарди.

Унинг говмиш сигири бор эди. Мол боққани ангорга чиқишарди. Танқислик йиллари. Болақайлар сигирларининг сутларини соғиб, ун қориб, тунука идишчада атала қайнатиб ичишарди. Уйга қайтган эса, эчкиэмар бор экан, сигирларни эмиб қўйди, деб баҳона қилишарди...

Қизалоқ бугдой поясидан бувишаклар тўқир, бувишаклари тилла туморчалардай товланарди. Қиёқлардан акинакавушлар ясарди, саватчалар тўқирди. У ҳар баҳор аввал қалдирғочни, сўнг турналарни қийириб кўтиб олар, қирда лайлакларни томоша қилиб, кўшиқ айтарди:

Лайлак келади тоққа,
Қулоқларида ҳалқа.
Ҳалқаси тушиб қолди,
Ўтирди йиғламоққа...

Қишлоқдан лайлаклар учиб кетганига неча замон бўлди. У қизалоқнинг болалиги ҳам ўша лайлакдай учди-кетди. Ундан хотиралар, болаликда учратган кишиларнинг самимий чехралари ёди қолди. Уша беғубор эсдаликларни қоғозга тушириб, сизга етказишга жазм қилди. Мана, патила сочли, қорашириндан келган оёқяланг қизалоқ рўпарамда жилмайиб, сўйлай бошлайди. Мен уни бироз сайқаллаб, Сизга етказишга ошиқаман...

Баланд супали ҳовли

Ҳовлимиз Новача тўпида. Иморатлар кунгай қурилган. Бир ёқ пахса девори Наврўз Қоранинг, бир томони нўғай Акбаровларнинг, бир қаноти эса Одил Бўроннинг деворига туташ. Кунчиқар этагида томорқа. Ёзда бугдой пишади. Мен хўп қўшиб, хирмон янчганларни томоша қиламан. Катта супамиз бор. Унинг пастида — салкам уч қулоч қуйида ползимиз. Шолғом кавлаб олганимиз ҳеч эсимдан чикмайди. Бунинг сабаби бор, албатта: биз, болалар, шолғом қазирдик. Омон билан Ҳаловат кичкина кетмонча тутишган, улар кавлашар, мен шолғом териб, уюмлардим. Бир куни бошимга кетмон тегиб кетди. Чап кокилимнинг шох жойидан бошим ёрилди. Тизиллаб қон оқарди. Ҳаловат ва Омон қўрқиб, кетмонни ташлаб, ура қочишди. Мен чириллаб йиғлаб қолдим. Онам бечора мени овутиб, уйга олиб кирдилар. Кийгиз куйдириб бошимга боғладилар. Қон тўхтади. Онам жанжал кўтариб Роби холянинг ҳовлисига бормадилар. Бошим тузалиб кетди. Дўхтир қаёқда, дейсиз!

Супамиз ёзда пешинлари мисдай қизиб кетарди. Соя йўқ. Дарахт йўқ. Оёғим жиз-жиз куяди. Уйимиз иккита: бири етти болор, бири беш болор. Уртада мадонча. Беш болорга туташ бир қадамлик йўлак. Ундан кунгай томорқага дарча очилган. Сўнг тандирхона туташган. Тандирхона қанотида яна мадонча: дон-дун, ёғ турарди. Ҳовли пастида эса сабзи ўра. Пахса деворнинг қуйи этагида алоҳида кир ўра, бир чеккада кулхона. Ёз кечалари супада ухлардик. Юлдузлар олтин дарахтининг меваларидай осилиб турарди. Улар сирли, салобатли. Юракка яқин. Юлдузлар ҳар кеч чиқишар, мен уларга термула-термула уйқуга кетардим. Енимда онам. Кўйлақларидан тандир иси келади.

Отамни соғинаман, кўргим келади. Отамни хаёлан тасвирлашга ҳаракат қиламан: ҳеч эслолмайман.

Отам 1944 йил ноябр ойида дунёдан ўтган эканлар. Нарзи опам Фарҳод қурилишга кетиб, ўша ерда Камол Ермуродга турмушга чиққан эканлар. Отам норози эканлар. Бошлари ёстиққа етган, опамни кўргани борибдилар. Унинг Ширин деган қизчасини кўргач, меҳрлари ийиб, гина-кудуратни унутибдилар. «Ҳамма болаларга меҳр кўргуздим, ўқитдим, шу кенжамга ҳеч вақо қилолмадим», деб, менга битта кавушча ва кўйлакча олиб келибдилар. Ҳеч қанча ўтмай, отамни дард йиқитибди. Мотамда ҳамма йиғлаб юрса, мен янги кавушча, кўйлакчани кийиб, ўйнаб юрган эканман.

Новачадаги ҳовлимизнинг ўймақори катта ёғоч дарвозаси бор эди. Гужумданмиди, билмадим, гулқори эди. Кейин Мағалак тўпига — Ражаб опам бизни ўз қарамоғига кўчириб олиб кетдилар. Ҳовлини сотишди. Бир муддат Назокат опам кўеви, унинг онаси, укалари билан туришди... Ҳовлини Бахмал опа сотиб олгач, кичкинагина уйга алмаштиришди. Катта дарвозасини Бахмал опа Бўстонга кўчириб олиб кетди. Шунда қилиб қишлоқнинг тўй-ҳашамда ҳофизлик қилган, пахсакаш, даллол, талқон экиб, нос қилувчи, меҳнатдан тинмаган Ҳожимурод бобонинг болалари дарвозасиз қолди...

Мен ўша ҳовлидаги баланд супада, кундузи қизиб кетиб, кечалари иссиқ уфурадиган сўрида ухлардим. Осмон тиниқ. Юлдузлар кўкнинг олтин тугмаси. Ҳаволар мулойим. Қулоқни қоматга келтирувчи самолётлар товуши йўқ. Дўрмон ариқдан қайрилиб чиққан тасмадекина ариқча деворимиз орқасида жилдираб, ўрикзор чорбоққа ўрмалаб оқиб ётарди. Дунё эртақдай сирли. Қурбақалар қуриллар, чигирткалар чириллар, ҳаёт сокин сувдай бир маромда оқарди. Деворлардан кадиналақлар «мўралаб», сап-сарик ошқовоқлари лўла болишга ўхшаб ётарди. Молхона томида ғўзапоялар саржиндай тахланиб ётарди...

Сайфи бибининг ўрикзори

Баҳорда Сайфи бибининг ўрикзори пушти гулзорга ўшаб аланга сочарди. Ям-яшил дарахтларнинг шохларига чумчудай осилиб довучча терардик, қайлардандир бўшаган темир идишчаларни топиб, далада довчажўшак қилардик. Сап-сариқ нордон, мазали таом бўларди. Урик пишиши олдидан далалар ўртасидаги дарахтларни бригадир Жума Дўст бобо хонадонларга бўлиб берарди. Қўриқлардик. Урикни қоқиб олардик. Томларга ёярдик. Қўритардик. Қопларга яппиз ва хулбўй солиб, қишга ўрикни гўлини қилиб қўярдик.

Мезонда ўрикзорлар қаҳрабо дарёсидай мавж урарди. Ер билан битта бўлиб ётган тиллоий барглари тўплаб, мол-қолга йиғнаб элтардик. Кузда дарахт шохларига чуғурлашиб чиқиб олардик. Роса шилим терардик. Тотли, мазали. Қоринни тўқлаб юрардик.

Оҳ, ўша қандак ўриклар қани! Кесилиб кетди. Сайфи биби оламдан ўтди. Ёлғиз ўғлини кута-кута кўзлари очиб кетди. Харобгина кулбаси қолди. Халталарда ўриклари қолди. Қўллари чангак, оёғи шол бу кампир қишлоқнинг келин-қизларига палак, кашта нўсхалар чизарди. Белбоғларга, енгашталарга, қўлкашталарга, палакларга, ойнахалталарга, култапешакларга, рўйжоларга сафсар рангли қаламини намлаб, титроқ қўллари билан гул чизиб берарди. У ғариб эди, умиднинг мўлтираб турган кўзлари эди. Унинг титилиб кетган шолчаю похолга айланай деган бўйрасида ўнгиб, кир бўлиб кетган энсизгина кўрпачалари борлиқ бисоти эди. Икки-уч халта қўриқланган ўрикдан, ўғлидан қачонлардир келган, ёзувлари ўчиб кетган мактублардан ўзга бойлиги йўқ эди.

Катта ариқ бўтана оқар, икки қирғоғи тизза бўйи хулбўй ва шўрага чулғаниб ётарди. Кўприк ўрнида ёғоч нов доим шилдираб ётарди. Уша «кўприк»дан ўтардик. Бибининг уйига фалла, далама, бўғирсоқ, зоғора, тариқпалов олиб борардим. Йиғлаб-йиғлаб дуо қиларди. Оппоқина, озғингина, сочлари оқарган, бир бурдагина кампир эди.

Ўғлининг бугун ёдгорликлар лавҳасида номи борми! Номаълумлар рўйхатидами! Ҳеч ким билмайди. Эй, одамзод! Бу дунёга ҳам учун, азоб-ўқубат, айрилиқ ва ҳижрон учун туғилганмисан! Шунча кенг дунёда чумчуқнинг инидай омонатгина, кўримсиз кулбачада оламдан ўтиб кетган кампирга уйқусиз тунлари қора чироқдан ўзга сирдош боринди! Тунлари эшигидан ой мўралаб ўтганда, тирқишлардан изгирин бигиздай суқилиб кирганда бу нигорон, кимсасиз, чорасиз аёлниги ёлғизгина ўғли руҳи нечоғлик чўқираган экан! Бўйра устида сомондай сарғайиб ётган вужудига баҳор эпкинлари, қалдирғоч вижир-вижир, айт-чи, озгина дармон берганмисан!

Оҳ, одамзод-а! Ҳаёт бунча бешафқат! Ҳаёт бунча ширин! Ҳаёт бунча одамни умидвор қилади! Бибини қачон кўтаришди, қачон сўнги маконига қўйишди, қачон унинг эшигига тамба уришди... Биз энди бу уйга бормай қўйдик. Гўдак хаёлимиз тез унутди...

Ҳикоят момо

Мағалак тўпида яна бир момо бор эди. Навдадеккина. Келинларига сўзи ўткир. Ҳар сешанба кўни биби сешанба маросимини қанда қилмасди. Эски чархи бор эди. Йигирганида ғалати хиргоми қиларди:

Чархгинамининг паст таноби
Саккиз тугун.
Саккиз ой кетган оғам
Келсин бугун.
Саккиз ой кетган оғам
Келса бугун,
Бошидан айлантирай
Чархи дугим.

Тўпарни иккига бўлиб оқадиган ариқча бўйида қоратоллар зангори гулхандай шовуллаб ётади. Тўпроқ йўл билқиллаган. Қишда лой. Ёзда тўпроқ бўрон. Қор ёғса тизза бўйи оқ кўрпа дейсиз. Дунёни қор босган гўё. Кимнингдир тушган изидан босиб мактабга ўтардик. Ҳикоят момо ана шу йўл бўйида

кичкина гулханча ёқар, алланима дуоларни ўқиб, оловдан қизлардай чақон сакрарди. Култапешаклари остидан чувалган пахтадан каллапўш тикиб, кийиб оларди. Ёзда ямоқ-ясоқдан, кузнинг узун кечалари кўрак чувишдан эринмасди. Умрида табибга иши тушмаган. Момонинг асли исми Ҳикоят бўлса ҳам, биз болалар уни Саидқул биби дердик. Унинг тўрт ўғли урушга кетиб, ёлғиз Муҳаммад Саидқул қайтиб келганди.

Халилбойнинг икки сағири қолганди: Наим ва Зиёда.

Раҳмон ва Равшан мужаррад кетишиб, шаҳид бўлишган. Самбиттолдаккина биби офтобшувоқда мудраб, ип йигириб ёки ямоқ-ясоқ қилиб ўтирарди. Унинг оҳ уриб, нола-навозиш қилганини, ўксиганини кўрмасдим. Уз иши билан андармон, ақидаларини хато қилмай бажарар, икки келини билан бир бодомнинг мағзидай аҳил яшарди.

Йиллар ўтиб, юраклардаги айрилиқнинг тафти босилиб, қишлоқда бирин-кетин янги авлод туғила бошлади.

Булар урушдан омон қайтганларнинг иккинчи ҳаётлари эди. Шундай кунларнинг бирида Умар поччам хонадонинида иккинчи ўғил туғилди. Момога поччамнинг опаси келин бўлиб тушганди. Қариндошлик ҳурмати, ўғилчага қўйиладиган Абдураҳмон исмини Ҳикоят бибига маслаҳат солишди, руҳсатини олишмоқчи эдилар. Лекин биби: «Мен сизларга нима ёмонлик қилувдимки, шаҳид кетган боламнинг номини олмоқчисизлар! Ҳар гал Раҳмон деб чақирганларнингизда, менинг куйган бағримга яна бир доғ соласизларми», дебди. Ўғилча рамазон ойида туғилган эди, Рамазон аташди.

Қанча сувлар оқиб ўтди. Не азизлар бу қишлоқча йўлларига гард юқтирмай умргузаронлик қилишди. Қишлоқда Раҳмонлар туғилди.

Момо юз билан юзлашиб оламдан ўтди. Юрагида уч ўғилнинг доғи билан ўтди. Ҳикоят момонинг Раҳмони оламга қайтиб келмади. У, жаннат боғига адашиб учиб келган бир қушдай, уруш замбараклари ҳуркидио учди-кетди...

Бўстон таърифида

Дарвоқе, қишлоғимизнинг номини айтмабман-ку! Қишлоғимиз — Бўстон! Катта тепалик-қўрғони бор. Енида Хўжа Бўстон мазори. Уша қўрғонда, онамнинг айтишларича, қалан-дарлар яшашган. Уларнинг гуржилари ҳам бўлган экан. Утган замонда бою боёнлар қаландар оши беришаркан. Ана ўша қаландарлар гуржиларини эргаштириб, қатор бўлиб келишаркан. Уларга кийимлик, назру ниёз бериларкан. Улар ниёз қилганини дуо қилиб, қўрғондаги горларига қайтишаркан. Биз кўчиб келган тўпарни Рўзибиён — Мағалак дейишарди. Ҳовилари оддийгина.

Новача тўпаридо Одил Бўроннинг уч қават пахса деворли ҳовлиси бор эди. Дарвоза олдида баҳайбат кекса гужум дарахти шовуллаб турарди. Дарвозахонасида ёғоч синчли «курсилари» бор эди. Кираверишда Намоз аканинг аёли ва болалари яшашарди. Супалари ёзда қақраб ётарди. Кунга қараган қатор уйлар бўларди. Кичкина дарчадан ҳаётга, яъни томорқага чиқиларди. Анжир ва анор, гилос, олча дарахтлари шўғил мева қилиб, шохлари ларзон бўлиб ётарди. Кўм-кўк боғ жаннатнинг бир парчаси эди.

Пахса девор тағидан тасмадеккина ариқча ўрмалаб, Сайфи бибининг чорбоғи орқали пахта пайкалларига чиқиб кетарди.

Одил бўрон урушда қаттиқ жароҳат олиб қайтган, серфарзанд, аёлманд киши. Эллигинчи йилларнинг бошида: «Қуриядан қўлингни торт», деган плакатлар, широрлар чиқди. Ушанда ҳар кўни Ҳаловат гап топиб келарди:

— Амаким ҳар кеча болаларини кучоқлаб, ухламай чиқадилар. Осмонга термуладилар. Уйқулари ўчиб кетади.

Урик ва тутдан ўзга бойлиги бўлмаган ғарибгина қишлоқнинг ҳақиқий жаннати, бўстони бўлган шу ҳовлига «Қурияга кўзини олайтирган» ёвлар келишини ўйлаб, биз болалар ҳам паришон бўлардик.

Қурияга қўлини чўзганлар келмади. Бироқ бир пайтлар милиция, қамоқхона, ҳушёрхона нималигини билмаган қишлоққа шаҳарнинг барча ташвишу зарда кирдикорлари кириб келди. «Фалончи ўн беш суткага тушибди», деган афсусли гаплар чиқди. Ваҳоланки, кўйди-чиқди қилиб, давлат идораларига «қозилашиб» бормаган қишлоқ аҳли. Элнинг андишаси дида бўлган.

Бир пайтлар ҳар тўйда бир янгиладиган тандирлар туруми бузилиб, гли тўкилиб ётибди.

Онамнинг айтганларини тинглаб, кўз ўнгимда «Зум-зум шаҳар» эртаги манзаралари жонланди.

Эмишки, Кенжа қиз Зум-зум шаҳридан отасининг кўзига тўтиё олиб қайтаётди. У йўлда гуржичасини ўйнатиб, ҳайдар кокиллари тилла эгар узра сочилиб, гул-гул очилиб, шундай деб кўшиқ айтиб бормоқда:

Зум-зум шаҳрига бордим,
Зув бордимув зув келдим.
Бир подшонинг ўғлини
Хўп алдатиб келдим!
Уйна, гуржичам, ўйна,
Уйна, гуржичам ўйна.

Гуржичаси от атрофида айланиб ўйнар, мис кўнғироқлари жаранг-журун қилар, от ҳам кўнғироқ садосига мослаб қаддам ташлар, ўтган-кетганнинг кўнглини хушлар экан. Иттифоқо, йўлда қирқ қаландар учрабди. Улар Кенжа қизининг ҳуснига, ўйнаб бораётган гуржичасига қарай-қарай, махлиё бўлиб, бўйинлари қотиб, бошлари тескари бўлиб қолган эмиш.

«Бўстон қўрғони ғоридаги қаландарлар ўшамикан! Кенжа қизнинг жамолига мафтун бўлиб, ҳали ҳам йўл қарармикан!», деб ўйлардим...

Оғилхоналарида соғин сигири, молхонада улови бўлган хонадонлар бугун давлатнинг сунъий сутларига кўз тикиб қолишди. Автобуслар ҳам шовқин, ҳам тутун пураб, қишлоқнинг кичкина йўлида гиз-ғизон. Ажабо, толдан, теракдан кўпроқ акас дарахтлари йўлнинг икки ёқасига қайдан келди! Биз бир пайтлар акасларнинг меваларини илга тизиб, маржон қилиб тақардик. Хушбўй эди. Нега бу йўллар ёқасига жийда, чинор, бодом экишмаган экан боболаримиз! Саволлар айланади бошимда... Ахир Бўстонда сарвлар, шамшодлар, жаннат мевалари бўлгучи эди-ку. Мирза бобонинг, Одил Бўроннинг антиқа боғидан нишона излайман...

Зиқна боғбон

Шундоққина ҳовлимизга туташ вино заводи бор эди. Узум пишигида йўллар тирбанд бўлиб араваларга тўлиб кетарди. Вангозию Тошрабатдан, Ғардиёну Арабондан арава-арава узум келарди. Завод ишчиларининг қўли-қўлига тегмас, баъзан иши битмаган аравакашлар навбат кутиб, арава гупчаги тагида тўнаб қолишарди. Онам тунука чойнакда чой дамлаб, иккитагина шапати нонни рўмонга ўраб, боғбонларга чиқарардилар. Мусофирни сийласанг, савоб бўлади, дердилар. Узум камчил эди. Мағалакнинг бола-бақраси ишком атрофидаги арилардек ғужғон ўйнашарди. Ҳимматлироқ аравакашлар бир шингил-ярим шингил узумни дувиллаган болаларга улашарди. Зиқна ва бадфеъллари эса гоҳ қамчи билан сийлашар, гоҳи эса...

Бир куни Бобожон ўка чирқираб кирди. Бир хиллиси аравакаш унинг кўзига нос туфурибди. Онам бечора аравакашини қойиб-қойиб, ўкамнинг кўзини ювиб, анча азият чекдилар. Уша йили Умар поччам ток қаламчалари олиб келиб экдилар. Шивирғони экан. Кейин ҳусайни, биҳишти экилди. Энди дастурхонга қиш бўйи узум қўйиладиган бўлди. Сўнг олма пайдо бўлди. Урик дарахти ҳосилга кирди. Кичкинагина ҳовлимизда Умар поччамдан қолган боғ бугун ҳам ширин-шакар мевалар тугиб, файзиёб бўлиб турибди. Фақат бу боғдаги довдарахт қуриб қолмаслигини, ёз пайтида экинлари қақраб, гулини ташламаслигини истайман.

Анаву-чи, зиқна боғбон нима бўлди денг! Эртаси куни қишлоқнинг бола-бақраси йиғилиб, уни тигипарронга олди. Қолган узумини ерга ағдариб, зиқна қочиб қолди... Уша йили узумларини совуқ уриб кетибди эмиш.

Муллатош адирда

Уйимизда сўт-қатиқ сероб бўларди. Бир эмас, икки сигири-миз оғзимизни мой, дастурхонимизни тўкин қилган «қайна, хумча». Олти-етти яшарлигимда сигир етаклаб, адирга, Мехр-али чўпоннинг чайласига борардим. Ангор тизза бўйи ўт.

Унда-мунда харсанглар. Муллатош адирларининг бир қаноти каналга туташиб кетган. Каналда кўприк йўқ, нав бор эди, шундан у ёғи Вангози ерлари. Утлоқда қоқигуллар юлдузлардай ўйнаб, пирпираб учади. Туятовонлар миттикулчаларини барги-га яшириб турарди. Хушбўй шувоқ ҳиди адирликини тугтиб кетган. Ажриқ бахмалдай тўшалган. Утлар чимтол бўлиб ётган. Сўфитўрғай бирам кўпки! Сап-сариқ. Тожи ҳам бор. Нега Сўфитўрғай экан! Азондан чулдирай бошлагани учунмикан! Тошлар қўзидай антарилиб ётарди. Дарахтдан нишона йўқ. Негадир қўй боқиладиган яйловларда дарахт бўлмайди. Билсам, чўпонлар қушдан қизганиб, дарахт экишмас экан. Битта дарахт камида 200 та қушга паноҳ бўлар эмиш! Дон-дунининг уйини куйдирар эмиш... Фақат қўтонни ўраган пахса девор сояси анқога шафе. Мехр-али чўпоннинг тўртта ёғочдан тикланган, томига бўйра солинган чайласида доим юмшоқ нон ва хушбўй пишлоқ бўларди. Чўпоннинг аёли пешинда дастурхон ёзар, муздай сув, иссиқ нон ва пишлоқ билан мени сиёларди.

Сигирнинг арқонини шоҳига ўраб, қўйворардим. Кенг адирда ўт чимдиб, қавшаниб, қоринни тўйдириб, кун ботар пайт маъраб йўлга рўпара бўларди. Мен кун бўйи офтоб ва шамол марҳаматида оёқланг, бошланг адир кезар, шувоқ ораларидан ёстовуқ қўйиб кетган тилло тухумини излар эдим. Ҳар куни биттадан тилло тухум топиб, гўзал келинчагига олиб бориб берган ўтинчига ҳавасим келарди. У тилло тухумини бозорда гавҳар баҳосига пуллаб келаркан. Алқисса, ўтинчи ғаройиб шаҳар қуриб, подшо бўлган экан. Тополмасдим. Келинсултур-гилардан дасталаб, уйга олиб қайтардим. Йўл бўйида, ариқлар лабидан сербаргалар кўп бўларди. Шамак ўтларнинг говак поясида сарлаб, сибизга қилиб олардим.

Сибизга нозик овоз чиқаради. Йўл-йўлакай яна жўхорининг ширин поясини қайириб, шимиб, лабларим ёрилиб кетарди. Муллатошнинг пастак деворларидан баланд сулалари кўриниб турарди. Дарвозалари пастаккина, занжирланмас, бола-бақра ҳам кам эди. Чунки бўй етган йигитларини уруш ўриб кетган, аёлларнинг кўпи салту сувоё эди...

Йўлнинг чап қанотидаги каттакон тепалик ҳали ҳам бор. Унда дев, аждаҳолар яшайди дейишган. Юрагимга ҳарос тушади. Узун сочли парилар, уларнинг пешинги базмлари ҳақида ўйлайвериб, кўзларим тиниб кетарди.

Мана, ўнг қўлдаги гирди ўралмаган ўй. Янги қурилган. Унда Мехр-али чўпоннинг қизи ва аскар Ғафур ака яшашади. Яқинда тўйлари бўлган. Гулпошша новчагина, оппоққина, сочлари узун қиз. Ғафур ака чўтур.

Намозшом эди. Гулпошша соч ювар, Ғафур ака бўлса мис обдастада сув қуярди. Баланд супадан пастгача мажнунто новдаларидай эгилган қоп-қора сочлар атласдай товланарди...

Мехсетими, чеченми, қорачами — ҳеч ким суриштирмаган. Улар аҳил яшашган. Ун бир фарзанд кўришди. Мехр-али бобо 50-йилларда ўз ватанига кетди, лекин Гулпошша шу ерда томир ёйиб қолди.

Илиқ тўпроқ йўлда сигир мендан олдин шитоб билан борар, тўёқлари қирсиллаб, еливлари тирсиллаб... Ғўсоласини эмиздиган пайт бўлганди-да...

Онам говмишининг эмчакларига қаймоқ сурадилар, қўшиқ айтиб ийдирадилар.

Оппоқ нурдай товланиб челақ сўтга тўлар, гўсала эса говмишининг еливларини туртиб-туртиб, эркаланиб эмар, сигир кўзларини юмиб ҳузурланиб турарди.

Катта саватлар остида қатор сопол идишда сўт нондай қаймоқ боғлайди.

Ёз кечалари сават тагида ой балқийганга ўхшарди. Эрталаб ширчой ичамиз. Ҳар икки ҳафтада онам қаймоқни қориб, маска қилиб, куйдириб, сарёғ оладилар. Асалдай сап-сариқ, қумоқ-қумоқ сарёғ таннинг роҳати. Уша пайтларда сарёғ териб юрувчи солиқчилар бўларди. Катта-катта тунука идишларда сарёғларни йиғиб кетишарди. Сўнг тухум йиғиб олишадиган бўлишди.

Тошбиби кампирнинг ақидалари

Онам молга мехрибонлар. Қиш кунлари сувни ҳам молга иситиб, кепак қориб, қайнатиб ичирадилар. Сап-сариқ кунжара сероб эди. Ивитиб қўярдилар. Кўзни шамғалат қилиб, мен ҳам карсиллатиб кунжара ердим. Тансиқ бўлса керак-да! Чигитнинг қипиги мўл эди. Унга сомон, кепак аралаштириб, эрта наҳорда аввал молга қарайдилар — «Бойнинг боласи нон

деб, камбағалнинг боласи «мол» деб уйғонади», дейдилар онам.

Сигир болалайдиган пайт-ку, уйқулари қочади. Қуш уйқуси бўладилар. Кечаси икки-уч уйғониб хабар оладилар, оғилхонада фонус ёқиб қўядилар. Исиріқ тутадилар. Сигир туғса — байрам! Ғўсалани ўраб-чирмаб, уйнинг бир кунжагига боғлаб қўядилар. Уйимизда мўл-кўлчилик бўлиб кетади, бутун қишлоққа фалла, долама тарқатадилар. Фалла олиб борган қосамга қўшниллар туз солиб қайтаришади. Туз қутлуғ саналганидан бўлса керак-да!

Доим мадоннинг бир четида тоштуз бўлади. Онам уни вақти-вақти билан тили қараш боғлабди деб, сигирнинг охурига қўядилар. Тоштузни ялаган мол тузалиб кетаркан! Сигирнинг бузоғи тўлпича бўлгач, опаларимнинг бирига берадилар. Ғунажин бўлгач, уйингга қутбарака, дейдилар. Жувона бўлса, семиртириб сотишади. Бир гал бузоқчамиз ўлиб қолди. Онам бир кўйдилар, бир кўйдилар... Унинг терсини олиб, сомон жойлаб, тулуп қилишди. Ҳар гал сигир соғишаётганда мол бечора тулупни искаб-искаб, сўнгра ияр, то онам соғиб бўлганларича тулупни ялаб-юлқарди. «Она-да», дердилар кўйини онам. Онам то кўздан, оёқдан қолгунларича, ўзлари молга қараб, тагини тозалаб, соғиб, товоқ-товоқ сутларни айнитмай-чиритмай, саришта қилиб келдилар. Онам тўшакка михланган, молнинг меҳнати сансолар бўлавериб, охири сигир бозорга солинди. Барака чашмаси қуриди.

У сигир, назаримда, етим қизнинг пахтасини еб, ип йигириб берадиган ҳосиятли говмиш эди. Онамининг эртақларидаги халоскор жонлиқ эди... Ҳовлида жонлиқ бўлиши керак, дердилар онам. Келган бало аввала молга уради, мол бўлмаса — одамга, дегувчи эдилар. Балки шундандир, хонадонларда мол-хол камайиб, одамлар орасида касал кўпайиб кетди. Оқ умрининг табиат яратган халоскорлари, табиблари меҳнатидан қочган ғофил бандалар! Тегаги ўтин, териси пўстак, гўшти, суви таниннга дармон бўлган фариштани нега уйингдан бадарға қилдинг! Сени қайси шайтон йўлдан оздирди!

Қўлдан берганга қуш тўймак, дейдилар. Ёти олиनावериб, зардоб қолган сутга кўз тикиб ўтирмай, биттагина түёқ сотиб олсанг, уйингга барака қиради-ку... Утлоқлар, серкўкат ариқбўйи, заранглар қани, дейсанми! Яйловларинг ҳам ўрнига келар. Кунжара ўзингга ҳам тегар. Чигитнинг қипиғини кўтара савдо қилиб хорижга жўнатаётганлар сенинг мол-холингни ҳам ўйлайдиган замон келди, чоғи!

Болалик байрамлари

Ҳайит ва байрам, қишлоқ тўйларини интизорлик билан кутардим. Ҳайитда-чи, янги кўйлак тикиб беришади. Сочларимни қирқ кокил ўришиб, учига жамалак, ёки пилик тақиб қўйишади. Янги мато топмаганлар-чи, оналарининг ўнгиб, сузилиб кетган кўйлақлари, ёки қалғай рўмолларини бўяб, бичиб, янгидан кўйлак тикишади.

Кўклам кезлари онам бир қозон бўёқ қайнатадилар. Аввалига оқ доқа рўмолни ҳар ер-ҳар ердан ип билан тугиб, бўяб оладилар. Ой гули рўмоллар пайдо бўларди. Сўнг эскирган, ранги ўчиб кетган сурп кўйлақлар солинади. Ҳар хил «янги» мато пайдо бўларди.

Онам узун бичимли, кенг ўлчамли кўйлақлар қиядилар. Мен қизи тушмагурга бу ёқмасди. Қишлоқдан нарида жиккакина Фотима тикувчи яшайди. Уша чеварга бичириб олиб, қўлда кўклаб, тикиб берадилар. «Фарғонача» кўйлак, «Пара-везли» кўйлак, «барра тишли» кўйлак... Кўйлақларининг энглари узун-узун. Кавушчаларим резинадан. Этикчаларни қиш бўйи ҳам кўрмасдим. Ҳайитларда ўсмадан ҳам кўпроқ хино қўйиш расм эди. Кафтларимга, тирноқчаларимга, оёқларимга қўядилар онам.

Узум ғўрасини тўйиб, хинога аралаштириб, бир ҳовуч туз ҳам солинади. Қўлларимнинг кафтлари, бармоқларим «сочиғ»ларига, оёққа малҳам бўларкан билсам хино.

Хуллас, ясан-тусан билан ҳайит қилгани кўчага чиқардим. Бўстон бозори расталари ҳайит кунлари тим-тирс бўлиб кетади. Саёхатчиларнинг ривоят қилишича, Бўстон бозори XIX-асрнинг 80-йилларида пайшанба кунлари гавжум бўлган экан. Бозор орқасида эса мазорот бор. Хўжа Бўстон мазорига оналаримиз, опаларимиз билан чиқамиз. Унаштириб қўйилган қизлар чиқишади. Кувёв жўралари билан бир томонда ғурунғ қуради. Қайлиқ чиройли кийиниб олган, атрофида янгалари

дастурхон ёзишиб, бола-бақрага қанд-қурс, ҳовла, қандолат, нўхат шўрак, пастир ва рўмолча улашишади. Арвоқлар руҳини шод қилиш учунми, ўтганлар хотираси учунми, ё ҳаётга шукрона айтиш учунми, одамлар мазорбошига йиғилишади. Келин қариндош-уруғларга салом қиларди. Бизнинг кунимиз туғди: ширинликка ўч аридай келин атрофида гир айланамиз.

Карнай, сурнайчилар, ҳуштаклар, бозбараклар, атторларнинг минг турли ипақлари, сақич, ҳунармандларнинг ғаройиб санъати — элақдан тортиб бигизгача, офтобдан ёғоч тароққача кўчанинги икки тарафида терилиб ётади...

Арафа кунлари онам тиним билмайдилар. Қир-чирдан асар қолмайди. Тандирларнинг кулико шифтларидаги исларгача тозалайдилар. Тандирхона, ошхона — мадоннинг тўрт бурчида нуқча — пахта ёғига ботирилган чўпда қўлбола шам ёнади. Ўтганларнинг руҳи айланиб юради, дейдилар. Ҳаммаёқ саришта бўлса, чироқлар ёниб турса, арвоқлар шод бўлади экан. Кун бўйи бўғирсоқ пиширадилар. Бўғирсоқ дегани — оддийгина хамирни юпқа қилиб ёйиб, ўчбурчак шаклида қирқиб, ёққа қовуриб олинади. Ширин бўлади.

Хонадонлар қўни-қўшинга бўғирсоқ тарқатади.

Чақалоқнинг беш кечасида ҳам бўғирсоқвой пишади. Узоқ-яқин қариндошлар, оёқ ўзиб кетган ёру биродарлар яна бир-бирларини эслашиб, азиз меҳмон бўлиб келишади. Кейин-кейин ҳайит кунлари мазорларга комсомол «соқчилар» қўйиладиган бўлди. Мазорбошига чиққан ўқувчиларнинг рўй-ҳати мактабларга етиб боради. Биз ҳам кашшофлар бўйин-боғларини тақиб, «Соқчилар» учун чиққанмиз. Ота-онамиз ўргатган, бизнинг мурғак тасаввуримизга дунёнинг гўзал ва содда удумлари шодлигини берган аъналарга қарши курашишни бизга мактаб ўргатди.

Унинг хатолигини бугун тушуниб турибмиз... Ота-оналаримиз кўчага чиқмасалар-да, удумларни қанда қилмай бажаришди, эътиқодларидега собит қолишди.

Дунё уларнинг яхшилик, эзгулик, инсоний меҳру шафқатга ошно дилларини яланғочлаб, қашшоқ қила олмади. Эътиқодинг, соддалигинг, ерга боғлиқлигинг, сабру тоқатинг билан бунча улғу экансан, муқаррам Она!

Она

Болалигим кечган қишлоқда пастак деворлар, кичик дарчалар бор. Дарвозалар қулфланмас, эшиклар занжирланмасди. Одамларнинг мол-қоли, товуғига қоровул сергаккина бир кучук бўларди. Сандиқларда ортиқча бисул йўқ. Тоқчадаги чойнак-пиёласию идиш товоғи саноқли. Гул чизилган идишлар, ёғоч қошиқлар чиройли.

Онамнинг кишилик кийимлари тахмон биқинидаги қоқиқда илиғли туради. Кишилик махси-қалишлари алоҳида. Кўчага чиқсалар, бошга соладиган сарандозлари — ука-жиянларимнинг ятакчасими ёки камзулчасими... Уч қават кўйлак қиярдилар. Оппоқ кўйлақларининг энглари кенг, икки-уч қайириб қўядилар. Меҳмондан ёки тўйхонадан келсалар, доим қандми, майизми, туршакми, жийдами бизга тутқазадилар. Биз қанд-қурс текканда қувониб, улоқчадай дикрлаб, ўйнаб юрамиз.

Баҳмал култапешаклари, унинг бигизаки чаман йўрмаларини яхши кўрардим. Лачаклари қордай оппоқ. Гард юқтирмайдилар. Қулоқларининг орқасидан ўтказиб, чиройли қилиб, «териб-териб» бўклаб қўядилар. Лачакнинг ҳамралган учлари кўксиларига тушади. Кўйлақлари оҳорлангандай ялтирайди. Беқасамдан калтачалари бор. Узун, тўпикларига тушиб туради. Уни маракада қиядилар, белларига қўкдан ёки оқ доқадан белбоғ оладилар. Қишлоқ аёллари бир йўл бўлишиб таъзияга боришади. Аррос уриб йиғлашмайди, айтиб-айтиб, нола қилиб, марҳумни мактаб-мактаб, садрга тушиб, гир айланиб, давра олиб, гўяндалик қилишади.

Онам баланд бўйли, қорамағиздан келган. Тишлари садафдай оппоқ, гуручдай тизилиб туради. Овозлари майин, эртақ айтсалар сеҳрланиб, бу дунёни унутиб, эртақ қасрида кезгандайман.

Учоқбоши саранжом-саришта. Ғўзапоя оловида мазали овқатлар пишади. Онам саҳархез, озода, камсуқум. Ҳар бир ҳарақатларида бир байтгина қўшиқ тўқиб ташлайдилар, хушхушонлик билан юмушга уннайдилар. Ош дамласалар гуруччи қагир билан уриб кўриб, хом дамидан бир товоқчага озгина солиб, менга ва жиянларимга узатадилар.

Дамла паловни, дам есин,
Чўпчак ўтинни кам есин.
Сергўшту серсавзи бўлсин,
Нўхоту майизи бўлсин,
Устида илиги бўлсин,
Бувиси есину ўйнасин!
Жаҳури, жаҳури...

Учоқдаги оловни тортиб, устига кул бостириб қўядилар, биз эса қўшиққа маҳлиё, онамининг атрофида айланамиз. Қўй сўйилганда тандирга кабоб, гўшт ёпиб берадилар, ҳа! Она ўтди. Унинг тандир кифтида турадиган рапидаю энгичалари, қозон тепасида осиглиқ ёғлоғисию сарқитилган ёғ соладиган мой хурмача унут бўлиб кетди.

Ой гардишмай, қаваат-қаваат патирлари тушга айланди. Опаларим келишса (улар тўртта — Нарзибиби, Бибиражаб, Назокат, Шарифа), кеч тушганда кетар бўлсалар, қўйнингга нон солиб ол, дейдилар. Жиянларим бешиги ёстиқчаси тагида бир бурдагина нон турарди. Вақт-бемаҳал кўчага чиқар бўлсак, бир бурда нон тутқазадилар. Нон муқаддас, у инсонни инсу жинсдан, хавфу хатардан асрайди экан.

Мана шу бир бурдагина нонда Онанинг чексиз меҳру муҳаббати борлигини қайдан билибман-а! Эшиқдан қўшиқ айтиб келган ҳофизми, тиланчими, лўлими — нон олиб чиқадилар. Еки дарвозахонага ўтқиздириб, бир ошам насиба сузиб берадилар. Дунёга сочилган ризикни териб юраркан жаҳонгашталар. Мусофирга хайру эҳсон қилсанг, умринг узоқ, биринг икки бўлар эмиш.

Онам мунгли, майин овозда хиргойи қиладилар:

Қизил гулни тақиб олдим билакка,
Нозаниннинг доғи қолди юракка,
Қизил гулни сувга солса, сўлимас,
Шаҳрингизда мусофирлар юримас...
Шаҳрингизда мусофирлар юриса,
Қўлда рўмол, кўзида ёш қуримас...

Онам бу қўшиқни ўғир туйганда, ёрғучоқ тортганда, ямоқ-ясоқ қилганда такрор айтардилар. «Мусофир» сўзи маъносида дард, изтироб, шафқатга муҳтожлик бор экан билсам. Шовқин, ола-говур шаҳарда, кундузи югур-югурлардан тинкам қуриб, ён-веримда опа-сингилларим йўқлиги, қадри билинганча, эсимга лип этиб «мусофир» деган сўз келаверади...

Йўқотилган дулдуллар

Шўрободга кўп меҳмонга борамиз. Катта опам Нарзибибиникига. Ушанда Фармон тоғанинг сулувгина аёли албатта бизни уйига чақиради. Уларнинг катта ўрик чорбоғи бор. Ўрикзорнинг бир қаноти анорзорга туташ. Уйларида асал сероб. Фармон тоға уста асалчи. Унинг қўти-қўти асаларилари гувиллаб ётади. Анорзор чўғ сочилган майсазордай товланади. Анорнинг олов гуллари чиройли, унинг шуъласи ҳовлини шафақдай қоплаб олган.

Дастурхонда нону асал. Чинни косалардаги асал қаҳрабоддай тиниқ, шиннидай қуюқ. Мезбон кирган-чиққанида биздан айланиб-ўргилади. Дастурхоним ками кўсти бўлса, жоним садқа бўлсин, деб алқайди. Унинг сўзлари шеър сатридай мулойим ва самимий. Қалдирғочдай болалари бири-биридан хушфёъл, тинч-тотув оиланинг эрка қушлари.

Зум ўтмай қаймоқни, патирми, сарёғми, ширгүрүч тўла товоқми кўтариб қўшиллар кириб келишади.

Биз болакайлар чой билан ҳушимиз йўқ, уй пойгагидаги сопол кўздан муздай сувни симираимиз.

Уйнинг баланд шифтидаги қалдирғоч ини полопонларга тўла. Қалдирғоч пириллаб, уй тоқиларига қора атлас қанотларини теккизиб дам-бадам ташқарига учиб кетади. Чиройли тумшукчаларида курт-қумурска олиб келишади. Жиш болалари узун бўйинларини чўзиб, баравар чирқиллашади. Тумшукларидagi сарғиш ҳошиялари, қип-қизил «бақбақа»лари живир-живир қилади. Она қалдирғоч навбат билан полопонлари оғзига емиш ташлайди.

Боғ ичида ёғоч карт. Унда юмшоқ кўрпачаларда чордона қуриб Фармон тоғанинг оталари ўтирадилар. Саллалари оппоқ. Қошларигача оқ оралаган. Икки рўди қип-қизил, саломат қария. У кишининг дастурхонларида кичкина лълича,

нимкосада шинни, ликобчада эса ҳолвайтар. Кичкина паккида ҳолвайтардан чорбурч қилиб кесиб, биз болакайларга тутадилар. Меңдай узоқ умр кўриб, пиру бадавлат бўлинглар, деб дуойи фотиҳа қиладилар.

Уларнинг ҳовлисига элтадиган йўлка тошдай қаттиқ. Ёз кунлари чунонам қизиб кетадики, тоvon босиб бўлмайди. Дарвозалари рўпарасида кенгаш сайисхона. Қатор сомон сувоқ охурлар. Йўғон болор устунлар. Томига қамиш босилган олди очик узун айвонлар тузилиши «П» ҳарфига ўхшайди. Ҳовли саҳни эса усти очик. Майдони қоқ ер. Дарвоза кўпинча қулф-лоғлик. Деворнинг нураган қанотларидан сайисхонага қириб, беркинмачоқ ўйнаимиз.

Отхонада от йўқ. Кечқурунлари колхознинг аравага қўшилладиган чўбир отини етаклаб Бўрон бобо ўтадилар.

Нега сайисхона бўш! Отларни қайси дев ўнгариб кетган! Саволимга жавоб тополмасдим. Отнинг ҳам деви бўлади, дейишарди. Ё одамларнинг қилган гуноҳлари учун уларни девлар ўз маконига олиб кетгандир! Охурларнинг «лабида» темир қоziқлар сеҳрланган кўйи турар, уларнинг тили-забони йўқ. Кейин-кейин билсам, отлар ҳам урушга кетган, кейинроқ эса гўштага топширилган. Хуллас, жаннат париларини Гўрўғлига етказадиган отларни ер одамлари йўқотибдилар. Турмушларидан файз, хаёлларидан жозоба арибди. Муқаддас қадам-жолар отхоналарга айлантирилган йиллар экан ўша пайт...

Фармон тоғанинг оталари синчи бўлган эканлар. Фармон тоға ҳам от деса, жонини аямас экан. Отларни жоҳил амалдорлар гум қилишгач, Фармон тоға (у пайтда ўн саккиз-ўн тўққиз ёшли йигит бўлган экан) асаларичиликка майл қўйибди...

Келинойининг айтишича, тоғанинг тушларига бот-бот йўқотган дулдулларни кишнаб кираркан, икки-уч кун тоға паршон хаёл юраркан. От туёқлари йўлда тарақлаб, тошга тегса, юлдузлар сочилиб, қумга тегса нуқра сочилиб борур...

От боради ориллаб,
Отган ўқдай шориллаб,
От шамолга боради
Авазхоннинг желаги-я
Бораётир-да пириллаб.
Тебагаси тиркиллаб,
Қабатида узанги
Бораётир-да жорқиллаб.
Устида борар бек Аваз
Бойбичадай иркиллаб...

Уша йиллардан қолган фоже бир ҳикояни 1989 йилнинг мезонида, Бухорога борганимда эшитдим.

Ситоран Моҳи хоса. Хонам сафед мени кофуриг гуллари билан ҳайратга солди. Бир ёнда тилсим кўзгу. Унда гулгун қизларнинг бахту кўрқув аралаш чехраси тасвири бордай. Амир Олимхонга рус пошшосининг ноёб тўхфалари.

Хоналарда уста Шириннинг даҳо истеъдоди чизган ғаройиб гуллари «ғунчалаб» ётгандай. Инсон ақлу закосининг меваси бўлган ганч гуллар, нақшин ойна суккути, улуғ донишманд шоирларнинг равоқларда битилган ўлмас байтлари нақадар армон солади юракка. Сим тўр томорқада товус қанотларини ёйган, тирки камалак ерга тушгандай. Товуснинг аянч ва армон тўла кичкириғи юракка ваҳм солади.

Ҳазрати Баҳоваддин ёдгорлиги. Вожаб, унинг узун-узун устунлари мунаққаш хоналари яқин кунларгача отхона бўлиб қолган экан. Одамзод эътиқод сақлаб бош қўядиган табиатнинг ғаройиб сонияларида покиза рўхлар билан мулоқот қиладиган байтул қуддус — муқаддас хоналарни булғаш қайси динда бор ўзи!

Нилобий ранглар, сафсар ва феруза кошинлар билан безатилган пештоқлардаги турли оятлар, ҳикматлар... Бинонинг салобати, маҳобати остонадан қадам ташлашингиз билан рўҳингизни ғайб дунёсига етаклайди. Ҳовли саҳнидаги қудуқ сувини шифобахш дейишди. Қудуққа ташланган чигирик даста-гига боғланган занжир. Қалайи кружка. Одамлар ихлос билан бу идишдан сув ичиб кетишаркан. Эй, ўзи сиғинар даргоҳларини гумроҳларга оёқости қилган журъатсиз авлод! Озод рўҳингга занжир солган, қанотли туйғуларингни қайчилаб, Ер юзида ўрмалаб яшашга сени мажбур қилганлар кимлар! Омборхона, қамоқхона, ўғрихона, ахлатхоналарга айлантирилган саждагоҳларнинг, топталган меҳробларнинг учун неча минг йил тоат-ибодат қилсанг, тавба-тазарру қил-

санг, бу жиноятларинг ювилар, биласанми! Билмайсан! Мен ҳам билмайман!

Чунки менинг-да болалигим оғзига талқон солган, юрагида даҳшат бойқушлари сайраб турган, бир бурда нон ва тирикчилик кўйида кўзини юмиб яшаганлар орасида кечди.

Каттакон, бешафқат шаҳарда эса, гоҳ мўнқиб, гоҳ бурним қонаб, гоҳ кимнингдир ҳимматидан кўнглим ўксиб, бугун орқа-ўнгимга қараб, йўқотганларимни англаб турибман... Юрагимда оғриқ, руҳимда толиқиш, билагимда титроқ... Лекин ўз онгсизлигимдан пушаймонлиғ, журъатга ўлик бор менинг бугунги лаҳзаларимда.

Тўрткўз

Чошгоҳ. Опам ўчоқ бошида идиш-товоқ ювиш билан банд. Қўдахола эса бешик билан овора. Бир маҳал узоқдан Хосият хола кўринди. У важоҳат билан келарди. Поччам остонага тумшугини қўйиб ётган Тўрткўзга қарадилар. Ит думини лиқиллатиб, кўзларини мўлтиратиб, эркаланиб, мўқофот сўрагандай бўларди.

— Ҳа, қароқчи, тагин бир балони орттирганга ўхшайсан-да,— деб поччам аста қўзғалиб, тандирхонага ўтдилар.

Хосият лаби-лабига тегмай койинарди:

— Бу савилингизни даф қиласизми, йўқми!

— Ҳа, ҳамсоя, хуш кўрдик! Келинг, ўтиринг,— дедилар биби.

— Кечагина ёғ кўйдириб эдим. Хурмачаси билан гумдон бўлибди. Мана бу бало-қазонингизнинг иши бўлса керак, баранка топгур...

Тўрткўз лўкиллаб поччамнинг изларидан тандирхонага кирди. Бир пайт койинганча, кулганча поччам хурмачани кўтариб чиқдилар.

— Хола, бу савил ўғирлик қилмаса, хумордан чиқмайди, чоғи. Мана, тандирнинг кифтида турган экан. Бир қатраси ҳам тўкилмаган. Тилсиз жонивор-да, урган билан одам бўлармиди бу махлуқ...

Тўрткўз Абдухалил поччамнинг оёқларига суркалар, ялинганнамо қараб қўярди бизларга...

Тўрткўз, аиниқса, ёзда ҳар кеча бир нима «ижод» қилиб турарди. Кимнингдир кавуш-махсиси, кимнингдир пўстаги, элаги, супраси, хуллас, ошхонаю кавшандозда ниманики турса, бирини ташиб келарди. Гоҳ ўчоқбошида, гоҳ томорқада у нарсалар топиларди. Гоҳида анча кундан сўнг ҳовлининг бир четидан кўмилган бўлиб чиқарди.

Бу кунгиси жудаям ошиб тушди. Эрдон тоғаникида тўйга бир ҳафта нон ёпишганди. Нон териб қўйилган мадончанинг туйнуги бор экан.

Тўрткўз қурмагур кечаси билан ўша туйнукдан ошиб, даста-даста нонларни ҳовлига ташиб келибди.

Эрталаб қўдабиби турсалар, тандирхона кифти тўла нон! Аввал содда биби ҳайрон бўлди: «Кўзимга бирор нарса кўринмаяптими!», деб, алҳамдуну ўқидилар. Гарангсиб турдилар. Поччам хижолат чекдилар-эй, роса! Ими-жимиди Эрдон тоғаникига бориб, тушунтирдилар...

Тўрткўз айланиб-ўргилиб ялинчоқлик қиларди. Поччам итга қўл кўтара олмадилар.

Уша кўни қош қорайганда итни эргаштириб, Ғардиён қишлоқ томонга бордилар. Маҳзун бўлиб, итга термулиб, айтдилар:

— Берган нонимга розиман. Сен ҳам қилган хизматингга рози бўл. Кўни-қўшни олдига ёмонотлиқ қилиб қўйма. Сен ҳам худонинг севган бир жонотисан. Тўрт томонинг қибла. Кунингни кўр, жонивор. Измидан эргашма!

Итнинг қоп-қора қошлари остида кўзларидан ёш томчиллади-да, йўл устида қўнқайиб ўтириб олди. Поччамнинг ортидан анчагача тикилиб турди. Сўнг тун зулматига сингиб кетди.

— Кўп ақлли ит эди Тўрткўз. Лекин ақлли ҳам тўғрилиқка ишлатсагина қадри бўларкан,— дедилар поччам хомуш.

Тўрткўз «қўйчивон» кечаси рама-рама қўйларни ҳайдаб, товуқларни олдига солиб қағқағлатиб катакларга солиб қўяркан.

— Тавба, қандай қилиб мой тўла хумчаларни ташиб келар экан! Ақл бовар қилмайди. Одамдай эпчил, тадбиркор ит эди, дейишарди...

Хўжа Ўбон каромати

Фарида опа касалга чалиниб қолди. Хаёлот эмиш. Кун бўйи келинчак уй бурчагида жимгина ўлтирарди, гоҳ хомуш, гоҳ жилмайиб нималарнидир пицирлайди. Баъзан қўлига ип-игна олиб, даструмоллар тикади. Келган-кетган одам билан иши йўқ. Бировга қаттиқ гапирмайди. Баъзан қаҳ-қаҳ уриб кулади. Она бечора унинг олдига тез-тез киради. Келинчак бувагини эмизаркан, у билан жилмайиб ўнсиз сўзлашади. Бешик тебратаётиб маҳзун нола қилади.

Дўхтирларга зир югуришди. Дори-дармон беришса, келинчак оғзига ҳам олмади. Фолбин ва қушночларга олиб боришди, уларни хушламади.

Келинчакни Бухоронинг тош кўчаларида эмизикли боласи билан шифохоналарга етаклашди. Бу баланд бўйли, сочлари узун, қорачадан келган нозик-нихол келинчакнинг дардига даво топилмасди. Қилмаган ишлари қолмади. Ахийри Хўжа Ўбондаги чиллахонага зиёратга отланишди.

Оқшом. Кичик-кичик кўбаларни сидириб, супуриб юргувчи қоровул чол ишларини саранжомлади. Келинчакка ширгуруч, нон, қумғон ва сопол пиёла қўйиб, дарчадан чиқиб кетди. Эшик зулфини илмади.

Ҳамма ёққа қўрғошиндай жимлик чўкди. Яна тонг оқаргунча ёлғизлик. Дарчага бош урган шамолнинг нафасини, намозшомгул шохларида тўни бўйи сайраб чиққан чирилдоқ хонишини, итларнинг тўнги безовта ҳуришини тинглаб ётиш — қисмат.

Тонг бўзарганда чолнинг ҳофиз овозидай ширали товушда Қуръони карим оятларидан такрорлагани эшитилади.

Ҳозир эса зим-зиё тун. Бунда даво истаб, сиғиниб, ё фарзанд тилаб, ё хасталиқдан форигбонлик истаб, бош уриб келишади. Бир-икки кеча тунаб қолишади.

У эса бу кеча еттинчи тун ҳисоб бунда тонг оттиради. Ҳаммиша бепарво, товушларга диққат қилмайдиган хаёли безовта бўла бошлади. Тун унинг жунжикиб турган жисмига гоҳ илондай ўрмалар, гоҳ оловдай чирмаб олар, гоҳ дарёдай тўлқинларида қалқитар, гоҳ илиқ ёмғир бўлиб руҳ дарёсини тоширар...

Ширгуруч совуб қолади. Қумғоннинг қайнаб турган бағри илимилиқ бўлади. Пиёладаги чойни эса кўнгли тортмайди. Баданига гоҳ қалтироқ кирар, гоҳ биров қамчилагандай елкалари сирқираб оғриқ берар, кичкина дарча ташқи оламни беркитиб турган сирли қопқадай кўринарди. Унгу туш аралашиб кетади. Гоҳ балиқча айланар, мрамар ҳовузда сузиб юрар, гоҳ каптарга айланиб, учгани-учган.

Гоҳ жиққа терга тушар, қизиган гиштда ўтиргандай лоҳас бўлар.

Дарчанинг бир табақаси ғийқиллаб очилди. У сесканиб кетди. Қўрқувдан кўзларини юмди. Зулфин шарақлагандай бўлди. Юраги шув этиб, кўзларини очди. Остонада икки чироқ ёниб турарди. Дарчанинг очиқ табақаларидан тун кўринар, раъногул ҳидли илиқ шабада сирғалиб кирар...

Чироқ яқинлаша бошлади. У хансирарди. Катта қоп-қора бир ит унинг ўстига бостириб кела бошлади. Сопол товоқдаги ширгуручни ер, деб ўйлади келинчак. У нонга ҳам, ширгуручга ҳам тегмади. Келинчак бурчакка тикилиб, ғўжанак бўлиб олди. Девор уни маҳкам ушлаб турар, ҳилва вужуд михлангандай қотиб қолди. Ит унга тикилиб турар, қора атласдай ялтирар, катта қулоқлари кўзларига тушиб, яна ваҳимали кўринарди. Ит қари эди. Кўзлари ёшланиб, оғир-оғир нафас оларди. Итга: «Тур, кет», деёлмади. Онги ёришди.

Нималар демоқчи бўлди. Лекин тили тошдай оғир бўлиб танглайга ёпишган, бўғзига нимадир тиқила борар, билакларидан куч кетиб, ичидан иссиқ бир нарса сизиб бормоқда. У терга ғарқ бўлди. Ит ҳамон кетмас, шундоққина тумшуги келинчакнинг юзига тегиб турар, лекин ирилдамас, даф қилмасди. Нохос келинчак ўлтирган бўйра ости юмшаб, ўпирилиб пастга тушаётгандай бўлди. Аллақандай куч уни пастга, тубанга тортар, у инграганча қаърга ботиб борарди. Томирлари зириллаб, бармоқларининг учидан игналар отилиб чиқиб кетаётгандай. У кўзларини юмиб олди. Икки қўли шилқ этиб икки ёнига тушди. Боши оғирлашди. Чайқалиб-чайқалиб, нимдошгина чит ёстиққа беҳол эгилди. Эгилдию уйқуга кетди.

У ўзига келганда кун ёйилиб кетганди. Дастурхондаги нону ширгуруч кеча қандай бўлса, шундайлигича турар,

дарча эшиги бир табақаси очик. Ҳовлида қоровул чол куймаланиб юрарди.

Бироздан сўнг Она келди. Қўлида тугун. Иссиқ нон. Кийим-кечак. У сарандозини кўйди-да, кизи ёнига чўкиб кўзларига жовдираб боқди. Мунис ва мулойим чеҳрасида оллоҳдан ўз жигарбандига шифо тилаб, минг андишада яна хастасининг олдига келган Умиднинг сўврати бор.

Келинчак аста ўрнидан турди. Кўйлаklarини тузатган бўлди. Онаси олдига келиб чўнқайди. Унинг юзларига тикилди. Кўзларига аччиқ ёш қуйилди. Ва онанинг оппоқ дока рўмол ташланган елкаларига бош қўйиб, ҳўнграб йўглаб юборди. У ёш боладек хўрсиниб, узоқ йўглади. Она ҳам унсиз йўғлар, кўз ёшларини дока рўмолнинг учига артар, жигарбандининг елкаларини силарди.

Келинчак тилга кирди.

— Она, кетайлик. Уғлим ичкиб қолгандир... Кетайлик, Она, тезроқ жўнайлик...

Бу калима етти йилда айтган бирдан-бир сўзи эди. Она тавалло қилар, шўкрона айтар, чиллахона остонаси хокини кўзига суртар, тинмай: «Узингга шўкр, қиблайи олам», дерди...

Соя қайтганда Она ва келинчакни қоровул чол кузатиб чиқди. Уларнинг иккисини эшакка миндириб, катта йўл бека-тига олиб борди. Чол ҳарчанд таъкидламасин, Она ва келин-чак йўловчи машина кутишмади. Пой-пиёда қишлоқ томон жўнашди. Йўл бир ярим тошча, яъни ўн километрдан олис-роқ эди. Лекин Она ва келинчак дунёни унутган, кавушлари-га қум тўлиб, йўлда кетар, дардмандлар сизинган Хўжа Убон тобора йироқда қоларди.

Айтишларича, қизғаниш, ғанимлик ва рашк билан келинчак-ка едилган зиён унинг руҳига шайтон бўлиб кирган. Шў захмат вас-васасини Хўжа Убоннинг кимсасиз туни, одам сизинган муқаддас руҳлар қувганди. Келинчак отдай бўлиб кетди. Сутма-сут фарзандлар кўрди. Ҳаммаси майин, дилкаш, насима, болалари қобил, бир этак неваралари ҳам бор.

Бу чексиз-чегарасиз дунёда не мўъжизалар бўлмайди экан. Болаликда гувоҳ бўлганим бу воқеани унутолмайман. Муқаддас руҳлар қудратига ишонгим келади бугун.

Кўз туморли ҳанги

Кўк ҳанги эшагимиз бор эди. У рўзғорнинг дастёр улови. Тегирмонга дон ортиб борамиз, тортилган унни юклаб [Дўр-мон қишлоғида тегирмон бор эди] уйга қайтамыз. Ҳанги бир маромда йўғларар, унга от ҳам етолмайди, дердилар онам. Қалами хўржунларига бўрикала, амири, зомича [ҳандалак] тўлдириб олиб келардилар поччам бозор кунлари. Бобожон укам туйғундай тўқим устида ўтирар, поччам эса эран-қаран пиёда қайтардилар. Файзулла тоға, юрган йўлида қофия тў-қиб юрадиган сўзамол, ҳангимизни «Победа» деб атарди. Кейин бизга ҳам тўрт йўл шеър ўргатиб қўярди:

Эшақинам ҳанги эди,
Тўқимлари янги эди.
Хала чўпга тоқати йўқ,
Холбовойдай банги эди...

Бу таъриф Холбовонинг қўлоғига етиб, роса адабимизни берган, «бобомизнинг қўйларини кўрсатган».

Кейин Файзулла тоға бошқа шеър ўргатди:

Эшақинам моча эди,
Чўлга қараб қочар эди...

Хуллас, ўт терсак ҳам, кузда ғўзапоя ташисак ҳам, жўхори чўкиртакларини кавлаб уйга ташисак ҳам — дала бошида «По-беда» ҳангимиз тайёр турарди.

Қишда далага маҳаллий ўғит ташиймиз. Ҳангимиз тўлди-рилган кашшани адашмай шудгорлик ёбонга олиб борар, Баҳром тоға кашшани бўшатиб, «Йўрғала, шоввоз», деб ҳанги-ни қишлоққа қайтарарди.

Уша йили эшак ўғриси оралаб қолди қишлоққа. Бизнинг қишлоқдан ўғирланган эшакни — Азизобод, Тошработдан ўмарилган эшакни — Бўстон бозорига пуллаб юришгани ҳақида миш-мишлар тарқалди...

Ҳангимизга ҳам «харидор» чиқиб қолса, денг!

Уша куни қош қорайгунча тандиргилга тандирсоз ишлов берди. Унинг ёғоч куракчаси гилга ҳар тушганда «там-там» деган товуш чиқарди. Хом тандир танасида бармоққа ўхшаш из қолади. Тандирсоз тез-тез чой сўрайди. Белбоғининг учига тугик нос кадисидан носвой отиб олади.

У хиргойи қилиб тандирни «пишитар», пешонасида бодроқ-бодроқ тер ялтирарди.

Бир ёқда пахсакашлар пахса уришади. Пишитилган сар-ғимтил тусли лой сақичдай юмшоқ.

Бир киши пастда туриб лой ирғитади. Пахсакаш уни чақ-қонлик билан илиб олади. Девор кифтига кўндиради. Икки чеккасини бел билан тарашлаб, туширади. Саҳардан соя қайт-гунча, намозгар салқинидан ой ботгунча пахсакашлар тиним билмайди.

Хуфтонда куроқ дастурхон атрофида ҳашарчилар жам бўлишиб, тамаддига ўтиришади. Шўрва ва ёғли патир торти-лади. Гурунг ўша кеч алла-паллагача чўзилди. Ҳашарчилар сафига Уроқ ўғри ҳам қўшилганди.

Хонадоннинг сигири йўқ. Тўй харажатини деб уни бозорга солишган...

Сухбат оёқлади. Тандирсоз бўшаган носқовоғини тўйчи кам-пирдан тўлдириб олди. Пахсакашларга бека иккитадан иссиқнада патир тугиб берди. Улар тарқашди.

Супада қатор қилиб ўрин солинди. Ҳамма донг қотиб ухлади. Қизалоқ эса хаёлга ғарқ, у ўз юлдузини излайди. Олтин қозик ёғдулари юзларига сочилади. Сомон йўли кумуш тумандай чўзилган. Тун салқини этни жунжиқтиради.

Гоҳ лип этиб мушук томдан сакрайди.

Уй шифтидаги қалдирғоч чурқиллаб қўяди.

Эшак айланаб ўтувчи ариқ чўлдирагани-чўлдирагани. Қур-бақалар қуриллаган.

Ой нурида деворга тирмашган кўланка кўринди. Кўланка де-вордан бўлиб бўкри тутга минди. Тутдан пастак омборхона томига ўтиб олди. У чўнқайиб ўтирарди. Тут тагида эса ханги боғлиқ.

Бир пайт нимадир шувиллади. Чангиб кетгандай бўлди. Қизалоқ сесканиб кетди. Кўзларига қум кирди. Кўзлари ачиш-ди. Уста-уст аксириб юборди ва кўрқув-даҳшат аралаш қич-қирди:

— Онажон! Дев! Дев! Ана, томда ўтирибди. Туринг, бизни ўғирлаб кетади...

«Дев» эса аллақачон бўкри тутга сирпаниб, ундан девор ошиб, тупроқ йўлга сакраб жўфтакни ростлаб қолганди. Эшак бесаранжом ҳанграб юборди. Ҳамманинг уйқуси ўчиб кетди. Девни қувиб етиб бўлармиди!

Тонг-азонда яна тандирсоз, пахсакашлар келиб, ўз ишлари-га машғул бўлдилар. Уч кун бу ҳовлига танда қўйган Уроқ ўғригина келмади. У эшак ўғирлагани тушган экан. Ярим кечаси у мозор тупроғини сепаиб, одамларни ухлатиб қўйиб, ўғри-лик қиларкан.

Тандирсоз кула-кула айтарди:

— Узиям бу ҳангини ғиротга менгзаб мақтаб ётувди. Бир балоси бўлмаса, шудгорда қўйруқ на қилур! Кўзининг тағига олган экан-да, муттаҳам!

— Холамўлло, энди эшакка туморми, кўзмунчоқми тақиб қўядиган бўлдингиз,— деди пахсакашлардан бири.

Дарҳақиқат, ўша кунёқ холамўлло, яъни онам, эшакнинг нўхтасига туморча, кўзмунчоқ, жийда қўшиб чатиб қўйдилар. Уғри эса қишлоққа бошқа келмади. Қиш кечалари қўндоқ-дан товук олиб қочадиган тулки ва шағолларгина қолди, хо-лос.

Кейинроқ бу гўшти ҳаром, меҳнати ҳалол эшак зотига қирғин келди. Гала-гала эшакларни қирга ҳайдаб, баъзи бе-шафқатлар керосин сепаиб гугурт чақиб, қўйиб юбордилар. Тирик алангани кўнраб неча кун йўглаб, жиянларим тушларида босинқираб чиққанлар...

Одамзод бунча ғофил бўлмаса!..

Ўлмас Ҳусайн



Дилимнинг сўқмоғидан
 йўл солади мусиқа

Кўзларимни юмган чоқ
 Ёмғирдай эзгин-эзгин
 Дилимнинг сўқмоғидан
 Йўл солади мусиқа.
 Тепаликка ўрларкан,
 Енгил-енгил олиб тин
 Чиқиб қолар қошимдан
 Сочи тўзғиган бола.

Бир болаки, нигоҳи
 Хаёлидай беғубор.
 Юраги митти куртак —
 Таратади нафис бўй.
 У ҳам эрта менингдек
 Уксишин ўйлаган пайт
 Оҳиста бўзарар тонг,
 Оҳиста тугайди куй...

Сап-сариқ ҳилолу япроқлар аро
 Ғариб йўловчидай тентираган куз,
 Мен сенга ўхшайман, кўзимга қара,
 Овозим, шеърларим, севгим-да — маъюс.

Сир

Сирнинг кўйлаклари тумандан,
 Қоматига мослаб бичилган.
 Узи эса нозик сумандан,
 Ҳалок бўлар агар ечинса.

Манзара

Тинмай савол берар чалғи
 Азроилдек совуқ, нохуш.
 Нилий осмон тушар қалқиб,
 Бедазор бош чайқар хомуш.

Қайтсин деб интизор кўзларга ўйқу
 Йўл олдим, ҳамроҳим қувончу қайғу.
 Тонг бошин кўрпадан чиқарган чоғи,
 Бир боққа кўндим.

Соч каби ўтлари урарди белга,
 Одоб-ла ёнимдан ўтарди жилға,
 Хушҳаво гўшани этиб кўналға,
 Дилни бўш кўйдим.

Бошимда бир булбул бошлади хониш,
 Қошимда қизғалдоқ лов этиб ёнмиш,
 Ҳаммани ёлғиз ишқ шу куйга солмиш,
 Йиғладим, йиғладим.

Оҳ, шом ила келмиш моҳим мен ёққа,
 Чоҳ қаздик зардобли, аччиқ фироққа,
 Қўл чўздик муҳаббат тутган табоққа,
 Тўймадик, тўймадик...

Кипригига иниб шабнам
 Хаёлимда турар ўйчан —
 Яна бир бор кўрайин деб,
 Келдим олис-олислардан.

Ғунчаларга тикиламан
 Бардошимга тилаб тўзим.
 Яширади ҳаво мендан
 Вужудини бўтақўзнинг.

Кипригига иниб шабнам
 Хаёлимда турар ўйчан.
 Олисдан бир кўришгаям
 Зор қилдинг-а, ҳарир туман.

Маъюсгина кираркан кеч
 Далаларга тушиб салқин.
 Чиқармади бағридан ҳеч
 Қишлоқ — қариб қолган кампир.

Мен ортимга қайтаркан жим...
 Кўксимдаги оғриқларни
 Силар эди шабаданнинг
 Майингина бармоқлари.



Токчада қолганда урчуқлар
 Қизлари тизилиб сўқмоққа
 Қадим кўзаларни қучоқлаб,
 Сув олиб қайтишар булоқдан.

Ранг-баранг дарчалар бекилар
 Уйларга тарқалиб кетишгач.
 Нақадар бой экан тоғликлар —
 Қанча ипак, яна қанча ганж.

Таниш сўқмоқ, ҳарсанг деворлар
 Этар экан ўйим нурафшон,
 Энтикаман оғир бемордай —
 Тикиламан йўлга нигорон.

Яшил бахмал ортган карвонни
 Қароғимга жо этар қирлар.
 Секингина қоққан дарчамни
 Астагина очсайди дилбар...

Юборардим бийрон совчилар —
 Кўндирарди ота-онасин.
 Узим эса элтиб берардим
 Қўлларига бахтнинг сарасин.

Намоз Эргашев



Ҳикоя

Қабристон чеккасида ғалати икки қабр пайдо бўлди. Қабрлардан бирининг атрофи панжара билан ўралган, мраммар тош қўйилган. Аммо қаровсизликдан атрофида янтоқ, буталар ўсиб ётибди. У билан ёнма-ён иккинчи қабр оддий бўлса-да, тевараги кўм-кўк майсага бурканган. Шуниси таажжубки, бу икки қабр бошқа қабрлардан ҳийла йироқда, қабристоннинг одамлар назари тушмаган чеккасида. Ҳар куни кечқурун шу қабрлар олдида бир телба аёл келади. Аёлнининг юз ва қўллари ниҳоятда кир, яланг оёқлари тарам-тарам ёрилиб кетган. Кўйлагининг ранги ўчиб, уада бўлиб қолган, бошидаги доккаси кир дастмолга ўхшайди. У телбалардек кўча-кўйда бақириб чақирмайди. Қоматини тик тутганча, доимо қовоғини уйиб юради.

Аёлнининг эркак зотига кўзи тушгандагина жазаваси тутарди. Тасодифан рўпара келган эркакни қарғамасдан ўтмасди. Аммо бирорта ҳамқишлоғи, ҳатто ёш болалар ҳам уни мазах қилишмас, лозим бўлган чоғда ҳам унга сўз қотишмасди.

Аёл бугун ҳам, одатдагидек, оқшом пайтида қабристонга йўл олди. У тупроқ кечиб бораркан, ёнидан ўтиб кетган икки эркакнинг ортидан тикилиб, бир зум тўхтади.

— Ҳу, қирилиб кетгур,— деди тишларини ғижирлатиб.

Сўнг елкасига сирғалиб тушган доккасини ёпиниб, йўлида давом этди. Эркаклар унинг ҳақоратларини эшитган бўлсалар ҳам қайрилиб қарашмади. Фақат бошларини ғамгин чайқаб қўйишди.

Аёл қишлоқдан чиқаверишда қаддини секинлатиб, охирги хонадон дарвозасига бурилди. Дарвозани қия очиб, ҳовлига таклифсиз кирди. Шовқин кўтариб ўйнаётган болалар аёлни кўришлари билан жимиб қолишди, бирин-кетин урчуқ йигираётган беканинг панасига ўтишди. Бека урчуқни ерга қўйиб, ўрнидан турди.

— Кел, Нигоражон,— деди у аёлга жой кўрсатиб.— Тортинмай келавер. Қани, ўт, айланай. Мен ҳозир...

Зум ўтмай бека уйдан коса тўла қовурилган гўшт олиб чиқди. Эпчил

ҳаракат билан дастурхон ёзиб, косани аёлнининг олдида қўйди. Болаларини: «Туринглар, нари бориб ўйланглар», дея жеркиб, ўзи уйга кириб кетди. Ёлғиз қолган аёл дастурхонга энгашиб, шошиб овқатлана бошлади. У оғзига кетма-кет гўшт тикар, лунжи шишиб, яхши чайнолмай, чала ямлаб ютарди.

Аёл овқатланиб бўлгач, «Ҳай» деб чақирди. Эшик тирқишидан кузатиб турган бека шошиб ташқарига чиқди.

— Латта бер!— деди аёл қўлини чўзиб.

Бека югургилаганча дастмол келтирди. Аёл дастмолни олиб ўрнидан турди-да, ҳовли этагидаги молхона томон юрди. Дастмолни қуриган тезакка тўлғизиб тугиб олди ва илдам юриб кўчага чиқди.

У қабристонга етиб келганида, қуёшнинг сўнгги ўроғи ҳам тоғ ортида эди. Аёл икки қабр оралиғида пича хаёлга толиб ўтирди. Сўнг қўққисдан сакраб туриб, шоша-пиша тугунни ечди. Тугундаги тезакни кўлида эзгилаб, «Мана, сенга аблаҳ, мана сенга мараз! Қирғинга учрагур, мана, сенинг ҳақинг!», деб бақирганча мармартошли қабр устига соча бошлади. Бу — Қобил чолнинг қабри эди. Тугундаги тезак тугагач, аёл қотиб-қотиб кулди. Кула-кула хуморини ёзиб, бирпас тин олди-да, иккинчи, теварагини майса қоплаган қабр ёнига борди. Лаҳза ичида аёлнининг кулгидан бужмайган юзи таранглашаб, кўзлари ғазабдан қисилди. Гавдасини қабр устига ташлаб, ёш боладек ўкириб йиғлаб юборди.

Бу — отасининг қабри эди...

* * *

Шокир чол қаттиқ шамоллаган эканми, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди. Бахтга қарши уйда ўтини ҳам тугаб қолган экан. Қўшнилари: «Боғдаги қуриган дарахтларни кесиб келиб берайлик, йўқса қийналиб қоласиз. Ота гўри қозихона бўлмас, баҳорда кесилганлари ўрнига янги ниҳоллар ўтқазилади», десалар ҳам у қулоқ солмади.

Чол юзидаги тер қотгач; хуржундан шопни олиб, жингил кесишга тутинди. Бир даста кесмай чарчади чоғи, шопни ташлаб, ўтириб олди. Атроф жимжит, борлиқ сукунатга чўмган. Шу пайт ғалати товуш эшитилди. Чол аввал чўчиди, сўнг ердан шопни олиб, ёнверига

синчков тикилди. Товуш тандир ор-
тидан келаётган эди. Чол товушни
бутун вужуди билан тингласа-да,
фарқлаёлмади. «Тавба, на хайвон,
на ҳашарот овозига ўхшайди,—
дея хаёлидан ўтказди у.— Инсу
жинс эмасдир-ов, нима бўлса ҳам
шу томонга борай-чи».

У тандир ортига ўтиши билан
сесканиб кетди. Чолнинг шундоқ
рўпарасида номаълум бир одам
тўнтарилиб ётар, дам-бадам зў-
риқиб инграрди.

— Ие, Мирвали полвон-ку!— ба-
қириб юборди чол.— Ё, тавба, ё,
алҳазар!— Чол илдам тиззалаб,
полвоннинг бошини кўтарди.—
Мирвалибой, ҳой, Мирвалибой!—
полвонни силкиди у.— Сизга нима
бўлди? Кўзингизни очинг, полвон!

Полвон кўзини очмади, мажол-
сиз ингради. Полвондан анқиган
қўланса ҳиддан чол бошини орқа-
га торти.

— Сувл!— базўр пичирлади пол-
вон.— Ёниб кетяпман, сув беринг.

Чол нима қиларини билмай ат-
рофга мўлтиради. Бу яқин орада
сув йўқ эди, тез қайтишини ўйлаб,
чол ҳам сув ғамлаб чиқмабди.

— Сувл!— яна пичирлади пол-
вон.— Сувл!.. Аблах, ароққа... қўш-
ган экан...

Чол ҳеч нарса тушунмади.

— Ким, нимани кўшган ароқ-
қа?— сўради у энгашиб.

— Баттол, заҳ... заҳар қўш-
ган...— хириллади полвон гавдаси-
ни кўтаришга интилиб.

— Заҳар!— чолнинг кўзлари
олайиб, орқага тисарилди. Ёқаси-
ни очиб туфлади, полвоннинг сў-
зига ишонмагандек, ўзича ғудран-
ди:— Шундай пайтда-я! Тавба, бу
одамлар худодан ҳам қўрқишмай-
ди чоғи.

Чол энгашиб полвоннинг кўкра-
гини уқалади. Беморнинг гапи-
ришга мажולי қолмагани шундоқ
сезилиб турарди. Чол отга томон
чопди. Отни етаклаб келди, бироқ
қаққайганча ҳаракатсиз туриб қол-
ди. Жуссали полвонни бир ўзи
отга ўнгаролмаслигини билса-да,
анча уринди. Иложи қолмагач, от-
га термулди:

— Жонивор, қара, ўлай деяпти.
Ақлли жонзотсан-ку, раҳминг кел-
син. Чўккала, жонивор, чўккала!—
Чол отнинг ёлини сийпаб яғринига
майин қоқди. Ёлвориши беҳуда
кетди. От итоат этмай, тисланиб
тураверди. Чол вақт ўтган сайин
натижа йўқлигидан асабийлаша
бошлади. Гоҳ полвонга, гоҳ отга
тикиларкан, бошини қуйи эгди. Ин-
сон қайғуси таъсир қилдими, ё
гойибдан ақл кирдими, от тумшу-

ғи билан чолни туртди. Кутилмаган
меҳрибонликдан қувонган чол отни
эркалаб, яғринига қоқди. От пиш-
қирганча ортга тисарилиб, секин
ерга чўккалади. Чол полвонни отга
ўнгариб қамчи босди. От қишлоққа
кириб келганда, қуёш қизариб, бо-
та бошлаган эди. Касалхона киш-
лоқдан анча олисда. Чол вақтни ўт-
казиш хавfli эканлигини ўйлаб,
от жilовини полвоннинг уйига
бурди.

Чол полвонни уйга қўйиб, ўзи қў-
ни-қўшниларга хабарга югурди. У
қайтиб келганда ҳовли дод-фарёд-
га тўлган эди.

Одамлар гангираб қолишгани-
дан, ҳатто полвонни супага — кўр-
пачага ётқизишни ҳам унуттишган-
ди. Кимдир касалхонага, кимдир
муллага югурган, ҳаммаёқ тўс-тў-
полон. Полвоннинг атрофини қария-
лар ўраб туришибди. Чўпон кутил-
маганд бошини кўтариб, чол ва
раиснинг отаси томон қўлини шоп
қилди. Ҳамма икки чолга қаради.
Чўпон норози бўлгандек бош чай-
қади-да, «Қо... қотил!», деганча
ҳушидан кетди. Қариялар беихтиёр
орқага тисарилишди. Қулоқни қо-
матга келтираётган ола-говур ти-
ниб, ҳовлига оғир сукунат чўқди.
Барча икки чолга қараб қолган эди.
Одамлар ниманидир кутишарди.
Чол эса қўлини икки ёнига уриб,
«болам»лаб йиғларди. Ниҳоят Қо-
бил бобо, раиснинг отаси, ўзини
қўлга олиб, чолга ғазабнок тикил-
ди.

— Хўш,— деди у чолнинг елка-
сига туртиб,— қилғилиқни қилиб
қўйиб, энди куйганингиз нимаси?

Чол унинг сўзларини ё эшитма-
ди, ё тушунмади.

— Сиздан сўраяпман, Шокир-
бой,— деди Қобил бобо чолни қат-
тиқроқ туртиб.— Ўзингизни бунча
гўлликка солмасангиз?

— А?... Чол кўз ёшларини ар-
тиб, бошини кўтарди.

— Қаерда эдингиз, деб сўраяп-
ман.

— Қаерда?... Қаерда дейсизми?
Ҳа-я, харобазорда.

— Харобазорда?

— Ҳа, жингил кесгани борган
эдим.

— Жингил дейсизми? Ўйлаб га-
пирыяпсизми ўзи?— Қобил бобо
одамларга мурожаат қилди:— Қа-
нақа ахмоқ ёзда жингил кесиб юра-
ди? Шокирбой, харобазорда жин-
гил нима қилсин? Лақиллатгани
бола яхши!

— Тўғри,— деди чол бақирӣққа
хотима бермоқчи бўлиб.— Мени
учратганда полвон бироз тузук эди.
Кейин заҳарнинг таъсири кучайган
чоғи, аҳволи оғирлашди...

Чолнинг гапидан одамлар бир-
қалқиб тушишди. Кимдир шид-
дат билан ёриб чиқиб, «Ў, мараз!»,
дея ўшқирганча чолга ташланди.
Бу одам полвоннинг акаси эди. Ур-
йиқит, тўс-тўполон бошланиб кет-
ди. Полвоннинг оға-инилари чол-
га шундай ёпирилишдики, агар
одамлар аралашмаса, чолнинг бур-
да-бурда бўлиши турган гап эди.
Аллақайдан етиб келган участка
инспекторининг ҳуштак овозигина
жанжални бироз тўхтатди. Ҳовлига
оғир сукунат чўқди. Гўё ҳамма
участка инспекторининг нима дей-
ишини кутаётгандек эди. Қобил
бобо бу сукунатдан талвасага ту-
шиб қолди. «Шокир чол ўзини
ўнглаб олмасидан нимадир қилиш
керак. Чора топиш керак, фақат
тезроқ!..» У салобат билан ҳовли
ўртасига юрди.

— Ҳалойиқ!— қичқирди баланд
овозда.— Бу қилигимиз шариятга
тўғри келмайди, инсофдан ҳам
эмас. Шокир шундай хунрезлик
қилган экан, жазосини олади. Қо-
нун бор, ана, участковой келган.
Шокирни олиб кетсин. Муслмон-
чиликка пешво тепиб, бечора мар-
ҳумга озор берманглар-да.— У қў-
лини пешонасига қўйиб, йиғлаб
юборди.

Қобил бобонинг сўзлари одам-
ларга таъсир қилдими, ҳовлида
гурра йиғи кўтарилди. Участка ин-
спектори оқсоқолнинг имоси билан
бир йигит кўмагида чолни суяб,
кўчага олиб чиқиб кетди.

Чол уч кун деганда аранг ўзига
келди. Тепасида мунғайиб ўтирган
қизига тикиларкан, кўзларига беих-
тиёр ёш қалқди.

«Қайси айбим учун мени уриш-
ди?»— Чолнинг хаёлига келган илк
фикр шу бўлди. Аммо қилмиши-
дан жиндай айбга арзигулик унсур
тополмади. «Уларни ҳам тушуниш
керак,— кўнглидан кечирди
чол.— Жаҳл чиққанда ақл қочади,
сал қизишиб кетишди»...

— Менга қарама, қизим...— пи-
чирлади чол қўли билан юзини тў-
сиб.

— Қараётганим йўқ, ота. Узим,
шундай...— Нигора рўмолининг
учи билан оғзини беркитди. У овоз
чиқармасликка ҳаракат қилар, ам-
мо дам-бадам энтикиби пишиллаши-
дан йиғлаётгани сезилиб турарди.

— Шу ростми?— сўради Ни-
гора.

— Наҳотки сен ҳам менга ишон-
масанг, қизим?— деди чол.— Эй,
худо, шунча кўргилик етмагани-
дек, ўз жигарим, биттаю битта қи-
зим ҳам менга ишонмай ўтирса!..

Чол: «Бугунми-эртами Полвон-

нинг оға-инилари келиб узр сўрашади», дея умид қилганди. Янглишган экан. Кўп ўтмай, чол мутлақо кутмаган воқеа содир бўлди. Кечқурун чолнинг уйига бир одам келди. У район прокуратурасининг бош терговчиси экан. Терговчи чолни бир соат эринмай тергади. Бирор тайинли гап ололмагач, тўрт-беш варақ қоғозни қоралаб қайтиб кетди. Чол кун сайин чўпдек озиб борарди. Ниҳоят, унинг сабр кассаси тўлди. Чўпоннинг «қирқ»и бўладиган куни кийиниб, кўчага чиқди. Чол марҳумниқига бормоқчи, бўлган воқеани халойиқ ўртасида сўзлаб бермоқчи эди. Марҳумниқига буриладиган кўча бошида оқсоқолга дуч келди. У изидан айғоқчи қўйилганидан хабарсиз эди. Шу сабаб оқсоқолнинг муюлишда рўбарў келиши чолда таажжуб уйғотмади. Оқсоқол табассум билан чолга яқинлашди.

— Йўл бўлсин, Шокир ака?

— Полвонниқига,— қисқа жавоб қилди чол.

— Қўйишармикан?..

— Қайдам,— хўрсинди чол,— балки қўйишмас. Лекин урсалар ҳам киришим керак. Хоҳ ишонсин, хоҳ ишонмасин, бўлган воқеани бир айтман. Кейин ўзим киришаман. Барибир топаман уни.

— Кимни?

— Уша... Полвонни ўлдиргани.

— Қандай қилиб?— оқсоқолнинг кўзлари маккорона қисилди.

— Қандай бўларди. Сўрайман, суриштираман. Полвон ўшанда менга бир баттолнинг ароққа захар қўшиб ичирганини айтганди. Юрагим сезиб турибди, полвонни захарлаган шу қишлоқдан. Асқардан сўрайман. У билса керак.

— Асқар дейсизми?

— Ҳа, полвоннинг ёрдамчиси. Нигора айтди, фаҳмимча, у ниманидир сир тутаяпти.

Оқсоқол бу сўзлардан қалтираб кетди. Чол ерга қараб гапираётганидан унинг бу ҳолатини сезмади. Орага бир муддат жимлик чўкди.

— Шокирбой,— деди оқсоқол майин оҳангда,— бир каттанинг, бир кичикнинг гапини ол, деган нақл бор. Агар йўқ демасангиз, бир гап айтмоқчиман.

— Хўш?

Оқсоқол чолга яқинлашиб, қўлини унинг елкасига қўйди:

— Сиз ҳозир чўпонниқига кириб, овора бўлиб юрманг. Кирсангиз, совиган аламлари қайта аланга олади. Шундоғам бечоралар қон ютиб ётишибди. Мен ўша кунги қизималигимдан ҳалиям афсусдаман. Сизнинг одам тугул, чумчуқ-

қа озор бермаслигингизни биламан. Ишонинг, буни чин кўнгилдан айтяпман. Энди сиз айтган гапга келсак, ўша маразни албатта топиш керак. Аммо уни топиш сиз айтгандек осон иш эмас. Шунинг учун шошилманг. Сабр қилинг. Сўнг биргаликда ҳаракат қилсак. Нима дейсиз?

— Маъқул,— деди чол ва оқсоқол билан хайрлашиб, уйига кетди.

Кечқурун чолга раисдан чопар келди. Чол аввал ҳайрон бўлди, эрталабки суҳбат ёдига тушгач, енгил тин олди. Кийимларининг чангини қоқиб, раис юборган машинага ўтирди. Раис шоҳона ясаглиқ хонанинг тўридаги креслода ястаниб ўтирарди. У чол билан илиқ кўришиб, ўтиришга таклиф этди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, мақсадга ўтди.

— Шокир бобо,— деди,— ишингизни ўзантирадиган бўлдик. Энди қоровуллик эмас, чўпонлик қиласиз. Кўпни кўрган, оғир қийинчиликларни бошдан кечирган одамсиз. Шунинг учун ҳам масъулиятли ишни сизга таклиф қиляпман.

Чол елка қисди. Тўғриси, кутилмаган бу «мехрибон»ликдан жаҳли чиқди. «Тавба!— кўнгилдан кечирди чол.— Бу раис халқиям қизиқ-да. Нимани хоҳласа, шуни амри вожиб дейди. Мундоқ танасига ўйлаб кўришни эп билмайди...»

— Хафа бўлмайсиз, раис, чўпонлик қилолмайман,— деди чол чўрт кесиб.— Узингиз биласиз, дармон кетиб, кундан-кунга қурияпман. Қоровуллик ҳам оғирлик қиляпти. Минг бор шукрки, давлат қарилик нафақаси тўлаб турибди. Шу ҳам бизга етиб ортади.

Раиснинг қовоғи уюлди. «Оббо тўнғиз-эй, хийла асов кўринади-ку, бу қаланғи? Дўқ-пўлиса қилсаммикан? Йўқ, бунақа «фақир»лар жиззаки бўлишади, уни яхши гап билан алдаш керак».

— Истасангиз, қўшимча ҳақ тўлаймиз,— деди у чолга зимдан боқиб.

Чол унга ажабланиб тикилди.

— Ҳайрон бўлманг,— давом этди раис,— чўпонлик қилаверасиз. Ой охирида қўшимча варақага имзо чекасиз, холос.

Чол бошини енгил чайқаб, жилмайиб қўйди.

— Йўқ, мен рози бўлолмайман.

Чол қайтгач, қоровулхонага кирмай, боғни айланди. Колхозчилар олма, узулмарни қутиларга жойлаб, жўнатишга тайёрлаб қўйилган эди. Бу унга бироз таскин берди. Чол мевалар топширилгач,

ишдан бўшашни кўнглига тугди. У қоронғи тушгунча боғда тентираб юрди. Нигоранинг товушини эшитганидан сўнг қоровулхонага келди. Қизи келтирган шўрвани ичиб, қаравотга чўзилди. Аммо мизғий олмади, ҳамон юраги ғаш эди. «Яхши иш қилмадим,— кўнглидан ўтказди у,— ҳойнаҳой, раисга бу масъалатни Қобил берган. Балки чўпон бўлса, одамлар кўзидан панада, таънаю дашномдан йироқ юрар дегандир. Оббо, раис-эй, «чўпон бўлинг» дейди-я. Ахир қишлоқда бунга иштиёқманд озмунча одам борми?» Чол чўқур «уф» тортди.

— Шокир бобо? Ҳо-о, Шокир бобо!— эшик қия очилиб, қоровулхонага колхоз ҳисобчиси кириб келди.— Ҳорманга келдик, бобой!

— Э-э, марҳамат!— чол ўридан туриб, бухгалтерга жой бўшатди. Ҳисобчи қаравот четига омонатгина ўтирди.

Улар бир соатлар чамаси суҳбатлашиб ўтиришди. Ҳисобчи чолнинг арз-додига бош қимирлатиб, ҳамдардлик билдирар, ора-чора ўзи ҳам нолиб қўярди.

— Сув йўқми?— сўради у соати-га нигоҳ ташлаб.— Нима учундир томоғим тез-тез қақрайдиган одат чиқарган.

— Эсим қурсин,— деди чол сакраб туриб,— гуруннга берилиб, чой дамлашни ҳам нутибман.

Чол чойга уннади. Чой дамлаб келгач, ўтириб, суҳбатни давом эттиришга чоғланди. Бироқ сўзи яна бўлинди:

— Яқинроқда бўлса, икки дона олма келтирсангиз. Кўнглим тусаб қолди. Энди хафа бўлмайсиз-да.

Чол: «Бажонидил», дея ташқарига чиқди. Қоровулхона яқинидаги қутидан бир этак олма олиб қайтди. Чол қанчалек қистамасин, ҳисобчи чой ичмади, иштаҳа билан олма еди. Раҳбар одамнинг ёш боладек шошиб олма ейиши чолнинг кулгисини қистатди. Завқланиб пиёлага чой қўйди. Чойни ичгач, чолни уйқу боса бошлади.

— Энди бизга рухсат,— деди ҳисобчи,— меваларни эртага вагонга ортамин. Шуни айтиб ўтай деб кирувдим. Хўп, эмасам.

Чол ҳисобчини кузатди-да, ўринга чўзилди...

Эрталаб дағал турткидан чўчиб уйғонди. Тепасида колхознинг бообрў кишилари туришарди. Чол хижолатдан беўхшов жилмайиб, «Қарилик-да», дея ўридан турди. Хонага разм соларкан, столга нигоҳи тушиб, ҳайратдан ёқа ушлади. Қай кўз билан кўрсинки, столда бири бўшаган, бири ярим вино ши-

шаси, пала-партиш чекилган папир-рос қолдиқлари, ғижимланган анча пул тўзғиб ётарди. Етмагандек, чолнинг кийимидан ҳам вино ҳиди анқирди.

— Қилғиликни қилиб, энди нимасига ёқа ушлайсиз,— деди ҳисобчи.

— Буни ким қилди, демоқчи бўлаётгандир-да,— истехзоли кулди кимдир.

— Чиқинг бу ёққа,— жеркиди ҳисобчи жаҳл билан,— колхознинг шунча мевасини сотиб еган қорнингиз ёрилиб кетмасин тагин. Бироз тоза ҳавога ҳам тўйинг, бўлмаса пулдан бўкиб қоласиз.

Чол карахт бўлиб ташқарига чиқди. Кўзи боғ тарафга тушгач, гап нимада эканлигини тушунди. Кечагина қутиларга жойланган мева гум бўлган эди. Шунча мевани ими-жимиди ўмариб кетишганига, бундан қандай беҳабар қолганига чолнинг ақли етмади. Шу пайт боққа раис, унинг изидан участка инспектори кириб келишди. Участка инспектори чолни туртиб, четга чиқарди-да, аллақандай қоғозларга имзо чектирди. Чол ким нима деса, шунга қулоқ тутар, фикрини жамлаб ололмас, ҳамон сарсари эди. Ёнига келган раисни кўргандан сўнг бироз ўзига келди.

— Бу нима қилиқ, Шокир бо-бо?— деди раис бош чайқаб.

Чол ўзини тутолмади, хўнграб йиғлаб юборди.

— Йиғини бас қилинг!— буюрди раис.— Қариган чоғда турмани ҳам кўрадиган бўлдингиз. Ҳеч бўлмаса қизингизни йўлаб иш қилсангиз бўлмасмиди?

Чол жавоб бермади. У дудуқланиб йиғларди. Ниҳоят, йиғидан тийилиб, раисга яқинлашди. Овози қалтираб деди:

— Худо тепамда, бундан хабарим йўқ, раис. Лоақал қўлим теккан эса ит бўлай агар.

Раис чуқур хўрсинди, кейин бошини қоровулхона томон ирғаб деди:

— Анави пуллар бўлмагандаям, ишониш мумкин эди. Энди бир нарса дея олмайман...

Бошлиқлар кўп тортишишди, ниҳоят, раис участка инспектори ва район вакилига деди:

— Мен шундай қарорга келдим. Аввал масалани колхозда муҳокамага қўйсак. Мевалар қайтарилиб, харид қилганлар ушланса, боғбонга яраша чорани ўзимиз кўрамиз. Бекаму кўст ишлаб келган... Раис сифатида сизларга илтимосим шуки, орани очиқ қилгунимизча «иш»ни органга оширмай турса-

ларинг. Ҳал этолмасак, ўзимиз сизларга хабар қиламиз.

Эртаси куни тушда раис уни яна идорага чақиртирди. Раис хонада қўлини орқасига қилиб, у ёқ-бу ёққа юраркан, асабийлашаётгани сезилиб турарди. Ниҳоят, сўз очди:

— Шокир бобо, бу нима қилганингиз-а? Сизни нима мажбур этди бунга?

— Худо ҳаққи, мен бундай қилганим йўқ,— деди чол йиғлаб-сираб.

Раис бақириб юборди:

— Бўлмаса ким, мен қилганманми?

Чол бир нима деёлмай бош эгди. Раис бироз юмшаб креслога ўтирди-да, ўзича койинди:

— Нима қилишингиз билмайсан киши. Органга топширай десанг, бир томондан қариндош, иккинчи томондан ҳамқишлоқ. Билламан, бу ишни сиз қилмайсиз. Лекин қилгансиз-да!.. Меваларни ким ташиб кетганини билмайсиз. Ё биласизми?

Чол бош чайқади, раис енгил хўрсинди.

— Барибир ўғри сиз бўлиб қоясиз, шуни тушунасизми?— сўради у қўлларини кўкрагига чаптириб.— Меваларнинг пулини сиздан ундириб олишга тўғри келади. Уф!.. Орада мен икки ўт ўрта-сида қолдим.

Хонага жимлик чўкди.

— Раис,— деди чол гуноҳига иқрор одамдек,— агар менга ишонсангиз, бошқа иш беринг. Астойдил ишлаб, ўзимни оқлайман. Меваларнинг пулини ҳам оз-оздан тўлаб узаман. Ёрдам қилмасангиз бўлмайди. Ўзим-ку майли-я, қамалиб кетсам, қизимга қийин бўлади.

Раис кўп ўйланди, кейин елка қисиб деди:

— Билмай қолдим. Сизга қандай иш беришим мумкин. Ўтган сафар чўпонликни таклиф қилгандим, ёқамдан олдингиз...

Раиснинг сўзи бўлинди:

— Мен розиман, раис. Буюрсангиз ҳозироқ яйловга кетаман.

Раис ўрnidан турди. Секин бош ирғади-да, суҳбатга чек қўйди:

— Ҳай, ўтган ишга салавот. Бўпти, фақат синаш шарт билан. Мен иложини топиб, бу ишни «бостибости» қилишга уриниб кўраман.

Чол гапирмади, «Раҳмат», дегандек бош силкиб, хонадан чиқиб кетди. Раис чолнинг изидан қараркан мағрур жилмайди, эшик ёпилгач, «қаҳ-қаҳ» отиб кулиб юборди.

Шундай қилиб, чол олтимиз беш ёшдан чўпон бўлди. Ҳалигача шубҳаланиб юрган одамлар чол-

нинг қотил эканига энди чиндан ишонишди. Чунки у ўзини «фош» қилган, чўпонни йўқотиб, ўрнига чўпон бўлган эди. Шу тахлитда бир ой ўтди. Яқшанба куни кутилмаганда Асқар чолнинг енгидан тортиб, чайлага етаклади. Утиришгач у чуқур хўрсиниб, чолга тиклиди.

— Майли, нима қилса қилишсин. Етар шунча вақт азобланганим. Бунақада юрагим зардобга тўлиб, сил бўлиб ўламан,— деди у.

— Нима гап, тинчликми ўзи?

— Биласизми, Мирвали ака қазо қилган куни раис эрталаб олдимизга келган эди. Мирвали акам раис билан бақиршиб қолишди. «Шунчасига чидаганим етар,— деб бақира бошладилар Мирвали акам,— энди менга қул бўл демоқчисан-да? Йўқ, янглишасан, раис, янглишасан. Агар ҳозироқ тўрт юз бош қўйингни олиб кетмасанг, шу бугундан овоза қиламан. Ҳа, менга дўқинг ҳам, ширин сўзинг ҳам кор қилмайди энди. Индамансам, уйингдаги ахлатни ҳам елкамга ортадиган кўринасан. Пул керак бўлса, ўзингнинг қўйларингдан сот. Ҳе, инсофингга ўт тушкур! Бўлди, етар энди. Эртага бутун сирингни халққа овоза қилмаган ҳам номард...»

Раис индамай машинага ўтирди-да, жўнаб кетди. Тушга яқин раиснинг отаси ва бир нотаниш одам келди. Ўзларининг қўйдан бирини сўйишди. Раиснинг отаси Мирвали акамни сеҳрладими, ҳар қалай, акам бир оз юмшаб, улар билан ўтирди. Тушга яқин гўшт пишди. Мен чой дамлаб бердим-да, сурувни қўтонга қайиргани кетдим. Қайтиб келганимда меҳмонлар кетишган эди. Мирвали акам бетоқат бўлиб, «Тобим қочяпти, хўп десанг, мен уйга борай», дедилар, йўлга отландилар.

— Шунақа дегин?— чол тишларини ғижирлатиб, муштларини қисди.— Аблах!..

Чол тўшакка михланди. Умрининг охирги кунлари кўп қийналмади. Ҳафта ўтар-ўтмай осонгина қутулди... Чолнинг ўлимидан Нигора хабарсиз эди. Дафн маросими тугар чоғда қабристон дарвозаси томондан чинқириқ эшитилди. Нигора сочлари тўзғиган, оёқяланг ҳолда ҳаллослаб югуриб келарди. У ўзини қабр устига ташлаб, ўкириб йиғлаганча сочларини юла бошлади. У тинчлантирмоқчи бўлганларни силтаб ташлар, бошини тупроқ уюмига тўхтовсиз уради. Сўнг у кутилмаганда жимиб қолди. Кейин эса бошини кўтариб қула

бошлади. Кулгидан тўхтаб одамларга бир-бир қараб чиққач, яна йиғига ўтди. У қабри тирнаб, тупроқ сиқимлади-да, одамларга ўгирилди. Олдин кулди, кейин кўзларини олайтириб: «Мана сенларга», деганча тупроқни сочди. Одамлар ортга тисарилишди, сўнг биринкетин қабристон дарвозаси томон юришди.

Нигора қабр тепасида қолди. У дам кулар, дам йиғлар, ҳар томонга аямай тупроқ сочар эди...

Асқар ўгирилиб, қабристондан чиқаётган одамлар томон қаради. Тўдага яширингач, яширинча Тошниёз қассобни қидирди. Уни топди, шошилмай ёнига ўтди, қассобнинг биқинига туртиб, пичирлади:

— Тоға, пичоғингизни бериб туринг.

Қассоб Асқарга ажабланиб қаради, сўнг: «Калланг жойидами, пичоқни нима қиласан, керак бўлса мазордан чиққандан сўнг оларсан», демоқчи бўлди-ю, одамларнинг диққатини тортмаслик учун бошини бир чайқаб, яктагининг ён томонини очди. Асқар пичоқни оҳиста қинидан суғурди...

— Менга қара, Қобил! — Қобил шундоқ қулоғи тагида жаранглаган таҳдидли овозни эшитиб, беихтиёр орқасига ўгирилди. Ўгирилди-ю, тиғи қуёш нурида ярақлаб кетган пичоқни элас кўрди, қоқ юрагига урилган зарбдан инграб юборди.

Одамлар таққа тўхташди. Қобил гапиролмади, кучаниб тилини чиқарганча ерга юзтубан кулади. Асқар одамларга ҳадик аралаш термўлди, одамлар ҳам унга шу кўйи тикилиб қолишган эди. Асқар орқасига тисарилди, одамлар унга беихтиёр йўл беришди. У ўн қадамларча тисарилиб боргач, янтоқзор оралаб қоча бошлади.

Одамлар ҳамон ҳайрон қаққайиб туришар, Асқар эса яланглик томон жон-жаҳди билан чопиб борарди.

* * *

Ой секин-аста булутлар орасига кириб, кўздан буткул ғойиб бўлди. Борлиқни ваҳимали тун пардаси қоплади. Оғир сукунатга чўмган қабристон ярим тунда аёл кишининг оғир фарёидан ларзага келди. Буни фақат қабристон қоровули эшитди. Фарёд тобора заифлашиб, ниҳоят тинди. Илон ўз қурбонидан узоқлашди. Қоровул қўлларини кўтариб алланарсалар деб пичирлади-да, юзига тортди...

Назми

Музаффар Усмон Аҳмад



Ғижжак

Отам хотирасига

*Деворда осифлиқ турибди ғижжак —
Отамнинг умрлик йўлдоши.
Деворда осифлиқ турибди ғижжак —
Онамнинг севимли кундоши.*

*Қайда ул азиз қўл, ул меҳрибон қўл?
Қайда ул сеҳргар? Жавоб бер ахир.
Минг кун ўтди, балки ўтгандир минг йил,
Ғижжак чалинмасдан турибди сағир.*

*Камон қиллари ҳам ташлаётир тоб,
Кундан кун тўлиқар куйлашга зор соз.
Қайда? Сукут. Қайда? Сукут. Йўқ жавоб...
Ғижжак ўз-ўзидан чиқарар овоз...*

*... Онам мудрар экан совуқ тўшакда —
«Олло!» — беихтиёр уйғониб кетар:
Ғаройиб мусиқа! Тун ярим чоқда
Ғижжак нола этар, нолалар этар!*

*«Мени, ҳам ўзингни қийнама, жоним,
Оҳ урсам, сендан-да ўтажак нолам.
У кетди, келмайди...»
Девордан олиб,
Кундошин қучоқлаб юпатар онам...*

* * *

*Севишмадик бизлар чинакам,
Қадримизни ошириб келдик.
Юракларда ёнган ўтни ҳам
Не учундир яшириб келдик.*

*Мана энди турибмиз бесўз,
Аҳволимиз ошқору аён.
Менинг юрагимда бир афсус,
Сенинг юрагингда — бир армон...*

* * *

*Юрагимда ҳар кун эрта-кеч
Бир ифтихор, қувонч сезаман.
Мен — бахтлиман!
Эътироз йўқ ҳеч,
Чунки сени севдим, севаман!*

*Юрагимда бор бир армоним,
Мен шу боис мангу тиланчи.
Бахтлиман деб айт менга, жоним,
Севаман деб айтақолсанг-чи?!*

Севаман деб
айтақолсанг-чи...

Жажжигина мўъжиза, салом!
 Ҳар қадаминг — умид ва ташвиш...
 Кел, мен сени кўтариб олай,
 Эй, дунёнинг гўзал ташбиҳи!

Интиласан, қадамчаларинг
 Фаришталар рафтормикин?
 Энтикасан, замин чанглари
 Вужудингга ўрларми секин?

Кўй, покиза оёғинг зинҳор
 Ерга босма, бу ер — нокири.
 Бунда шайтон таёқлари бор,
 Гурзиси бор Мункарнакирнинг.

Кел, яхшиси бошимга чиқ сен,
 У заминдан бироз юқори.
 Сен баланд бўл тупроқдан, йўқса
 Гуноҳлари сенга юқади.

Ўтир, маҳкам осил бошимга,
 Ҳавас қилсин бор башарият.
 ... Типирлайсан,
 Заминга нега
 Тушмоқчисан, жажжи ҳуррият?..

Кўҳна уйлар

Кўҳна уйлар турар кўҳна қалъада,
 Тўкилай-тўкилай деб турар алҳол.
 Ҳар бир кўҳна уйнинг эса олдида
 Ултирар биттадан кампир ёки чол.

Улар ўлтириши мумкин икковлон,
 Бу ҳеч ўзгартмайди уй кайфиятин.
 Кўҳна радиодан аҳён ва аҳён
 Кўҳна мақом янграб қолади ҳазин.

Муסיқа шўх бўлар баъзан.
 Ва лекин
 Кайфиятни сира ўзгартмас куйлар.
 Катта-катта очиб дарча, эшигин
 Ҳар кун йўл қарайди бу кўҳна уйлар...

* * *

«Севаман!»— деб кулди кўкда ой,
 «Севаман!»— деб чайқалди терак.
 «Севаман!»— деб шовқин солди сой,
 «Севаман!»— деб титради юрак.

Сўнг...
 Ҳаммаси алвидо айтди,
 Ой, терак ва сой айтди видо.
 Видо — ханжар — юракка боғди,
 Бўйсунмади бу ўжар аммо.

Ой бекинди,
 Ииқилди терак.
 Мана, сой ҳам оқар йироқда.
 Фақат юрак,
 бу ўжар юрак
 Ҳамон ўша-ўша титроқда.

* * *

Эсим қурсин,
 бари эсимда, бари.
 ҳатто ҳар кипригинг эсда то ҳануз.
 Мен бурилиб кетарканман тесқари,
 бўзлаб қолган эди шаҳло-шаҳло кўз.
 Шу кетгандан кетдим...
 Не гуноҳ этдим —
 Ки, менга ҳозир ҳам ўша дардлар эш.
 Сени айбдор қилиб мингта шеър битдим.
 Бағримдаги оғриқ босилмади ҳеч.

Синдирсам, синдирдим балки бир ниҳол,
 Эвоҳ, боғ уволи бўйнимда, ёраб!
 Тунлар сувратингга тикилганча лол,
 Тазарру айтаман энди мен бўзлаб:
 «Қайдасан, севиклим, ойдаи яғонам,
 Наҳот етиб бормас сенга бу даъват?!
 Илтижо қиламан тушларимда ҳам,
 Сен бир кўриниш бер, кечирдим деб айт!»

Сен қолиб, кетяпман наридан нари,
 Масофа ошмоқда, ҳижрон ошмоқда.
 Расминг сарғаймоқда вақт ўтган сари,
 Кўзларинг...
 Кўзларинг катталашмоқда!

Толстой

Столимнинг устида, ана,
 Оппоқ қоғоз турибди.
 Оп-поқ!
 Менинг эса қалбимда яна
 Вужудимда бошланди титроқ.
 Боришим шарт столга ҳозир,
 Кўлга қалам туттишим керак.
 Оқ қоғознинг устига ҳозир
 Ҳар хил сўзлар битишим керак.

Қандай қийин яқин бормоғим,
 Қандай қийин қоғозга ёзмоқ!
 Қалтирайди қўлим, бармоғим,
 Ахир оппоқ бу қоғоз,
 Оп-поқ!

Ёзса арзирли сўз излайман,
 Борми шу сўз?
 Борми ҳақиқат?
 Ва қоғозга нени сўзлай мен,
 Унга не дей одамлар ҳақда?

Қалтирайман, чиқмас овозим.
 Яқинлаша олмайман бироқ.
 Ахир қоғоз шунчалар тоза —
 Бориб

бўлмас
 даражада
 оқ!..



УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛАР МАФИЯ ВА УНИНГ ХОМИИЛАРИ

Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар
Вазирлигининг мафия ва уюшган
жиноятчиларга қарши кураш бош-
қармаси бошлиғи Тўра Холматов
билан ошқора мулоқот

— Тўра Холматович, аввало бир нарсани келишиб олсак: бутунлай ошқора суҳбатлаша оламизми сиз билан?

— Албатта-да, нимага энди, ахир, бугун ошқор айтилмаётган нарсанинг ўзи қолмади-ку.

— Бўлмаса келишдик. Бундай савол туғилишига ҳозирги кунда асосан икки муаммо қуршовида қолганимиз сабаб бўляпти. Биринчиси: бозор иқтисодиёти шароитида қандай яшаймиз? Иккинчиси: жиноятчилик муттасил шундай ўсиб бораверармикин ё «суръат»ни бироз тушириш мумкинми? Ҳар икки муаммо вужудга келишининг боиси «қоинот гултожи» — одамнинг, гарчи, рўзнамаларнинг ҳар кунги сониде ёзилаётгандек (инсон омилига эътибор ошяпти!) «қадрли» экани, ҳаётда эса тамоман тесқари ҳақиқат давом этаётганидир: одам деганининг кадри пистанинг пўчоғи билан барабар бўлди. Одамлар бу «кўпга келган тўй»га милисанинг ҳам озми-кўп «ҳиссаси» борлигини айтишяпти.

— Ҳақ гап. Биз ҳар қанча кўзбўямачилик қилмайлик, ҳақиқат ўз йўли билан одамларга этиб бораверади. Шунинг учун доим ҳолис бўлишимиз зарур. Аввало иқтисодий соҳада туб ўзгаришлар қилмасак янада ҳароб аҳволга тушишимиз бугун қундай равшан бўлиб қолди. Жумхуриятни, қолаверса, бутун мамлакатни мавжуд тангликдан бозор иқтисодиёти муносабатларининг мустаҳкам қоидалари ва ҳаётга жорий этиладиган аниқ тадбиқи олиб чиқади. Бозор шароитида қандай яшашимиз эса ёлғиз худога аён. Менинг назаримда, бозор иқтисодиётига ўтиш катъий тартиб-қоидалар билан таъминлангач, молиявий хўжалик фаолиятини қаттиқ назоратга олиш керак. Ҳали бунга киришилгани йўқ.

Мазкур жараёнда ҳуқуқ-тартибот органлари, хусусан, уюшган жиноятчиларга қарши кураш ташкилотининг ўйнайдиган роли катта. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш бир кунлик иш эмас. Биз ҳозирча уюшган жиноятчиларнинг алоҳида «бўғин»лари жиловини қўлга олишга эришдик. Гап шундаки, бир қанча йиллар аввал умумий жиноятчилар билан ҳуфёна иқтисод муттаҳамлари қўшилиб ҳамкорлик қилишга ўтган. Энди эса бу «юхо»ни йўқ қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқ билан мададланган, ижтимоий ҳимояланган ички ишлар ходимлари «бутун фронт бўйлаб» кескин ҳужум уюштиришлари даркор. Айни кунларда илдизи мустаҳкам бўлган бу ижтимоий ваҳшийликка қарши курашини борасида ички ишлар вазирлигида маълум чора-тадбирлар ишланяпти. Бирок ҳали иқтисодиёт механизмининг барча бўғинлари тўғри йўлга қўйилмасдан, қонунчилигимизда туб ўзгаришлар бўлмасдан туриб жиноятчиликни фақат милисанинг қўли билан тўхтатиш мумкин эмас.

— Дарҳақиқат, қирғин-барот воқеалар, одам ўғирлаш, гаровга олиб кетиш ва айниқса, қотиллик ҳоллари жуда кўпайиб кетяпти. 1989 йилнинг ўзида жумхуриятимизда 531 марта одам ўлдириш жинояти содир бўлган. Бирок аксарият ҳолларда қотиллар топилмаган. Бу жиноятларни очиш ёки бошқаларининг олдини олиш бари бир ички ишлар ходимларининг иши деб ўйлаймиз. Бу каби жиноятчилик ошишининг сабаби нимада ўзи?

— Давлатимизнинг ижтимоий ва иқтисодий тузилишидаги ожиз жиҳатлар, камчиликлар маълум табақаларнинг, муттаҳам савдогарларнинг, ижтимоий мулкни талон-тарож қилувчиларнинг доимо «илҳомини кўзитиб» келади. Уларнинг фаолияти кейинги йилларда, айниқса, сезиларли даражада ўсди. Ҳисобда турмайдиган камёб моллар ишлаб чиқаридаган яширин ташкилотларнинг сони ошди. Эгаллик масъулиятининг йўқлиги, лоқайдлик ва қолаверса ҳароби чиккан қонунлар, молиявий ҳуқуққа ҳаётда амал қилинмаслиги натижасида ўғирликлар, порахўрликлар юз берапти ва шунинг натижасида жиноий йўллар билан эришилган моддий бойликлар айрим кишиларнинг қўлида тўпланиб қоляпти. Бу эса яна минглаб муттаҳамларнинг, жиноятчиларнинг диққатини ўзига тортди. Уюшган тўдаларга бирлашган жиноятчи унсурларнинг фаолияти фавқуллода ошди, охир оқибат зўравонлик билан амалга ошириладиган жиноятлар ҳаддан ташқари кўпайди.

80-йилларда жиноятнинг оғир турлари: қароқчиларча тунаш, фуқаролар ҳонадонларига ўғирликка тушиш, уларни қўрқитиш эвазига катта пул, маблағлар талаб қилиб одамларни гаровга олиб кетишлар авж олди. Лекин кизиғи шундаки, асосий ҳолларда жабрланувчилар катта микдордаги меҳнатсиз даромадга эга бўлган шахслардир.

Шу билан бирга давлат ишлаб чиқарган молларнинг камёблашуви, пулнинг ўта кадрсизланиши ҳам ҳонадонларга ўғирлик, шахсий автомашина, усқуналарнинг ўғирланиши ва бошқа жиноятларга сабаб бўлмоқда.

— Аниқ маълумотлар тасдиқлайдики, энг оғир жиноятлар кун сайин қарра-қарра кўпаяпти. Одамларда эса ички ишлар ходимларига ишонч даярли қолмади. Чунки шундай фактларга дуч келинмоқдаки, катта жиноий тўдаларга милисанинг ўзи шерик бўлиб чиқяпти. Бунақа фактлар ички ишлар Вазирлигининг обрўсини тўкиши турган гап.

— Албатта, бугунги кунда баъзи жиноий ҳолатларда у ёки бу шаклда ички ишлар ходимларининг шериклик қилганликлари ҳодисаси сир бўлмай қолди. Биз учун

бу аянчли, аммо ўзимиз ҳам оғзимизни очиб қараб турганимиз йўқ, ички ишлар сафини тозалаш учун курашяпмиз. Лекин бу билан бутун ички ишлар ходимлари фаолияти устига мағзава тўкиш ярамайди, чунки ўз хизматида содик, соф виждонли ходимлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, конунга хилоф иш тутувчи суд ва прокуратура ходимларининг жиноятчилиги ҳам озмунча бўлмаётир, бироқ уларни фош қилиш ниҳоятда машаққат, бу борада бизда жуда катта қийинчиликлар бор.

— Демак, бизда ҳали гдлянчилик давом этяпти дегнг?

— Ҳа, давом этяпти.

— Қайси маънода?

— Бизнинг доимий назоратимизда турмайдиган йирик мафия йўқ. Нимага уларни дарҳол қўлга туширмайсизлар, деб сўрашингиз мумкин. Гап шундаки, кўркмасдан айтишим мумкин: чет эл мафияси каби биздаям мафия муҳофаза қилинади. Мисол учун, дейлик, бир тўда жиноятчи раҳбари билан жиноят устида қўлга олинди. Раҳбар жиноятини тан олади, биз гувоҳимиз бунга, кўриб турибмиз, лекин бизнинг гувоҳликларимиз, биз бўйнига қўйган жиноятлар судда ҳисобга ўтмайди. Чунки биз одам эмас, «миллиса»миз. Мантликни қаранг. Еки ҳамма жиноятлар бўйнига бирма-бир қўйилган дейлик бировнинг. Шунда бизга турли тўсиқлар қўйила бошлайди. Ҳар хил шаклда. Ёхуд, жуда бўлмаса қаматиб, эртаси куни жиноятчи бўшатиб юборилади. Еки «тепа»дан очикдан-очик пўписалар эшита бошлаймиз.

— Шуларни очик гапираётганингиз учун сизга гап тегишидан кўркмайсизми?

— Сиз сўрадингиз, мен айтдим. Ошқора гаплашишга келишдик-ку ахир.

— Жиноятчилар орасида қайси миллат вакиллари кўпроқ?

— Бу борада ўзимизда аниқ статистик маълумотлар йўқ. Шу иш билан шуғулланувчи ҳуқуқ маъҳади бор. Аммо шу нарса аниқки, бизда жиноятчиларнинг раҳбарлари байналмилал бўлгани каби уларнинг миллий таркиби ҳам байналмилалдир. Масалан, мана қўлимда бир неча жиний ишлар тарихи. Моия Осеянте гуруҳи — армани; Темур Ашуров гуруҳи — осетинлар; Герман Жумаев гуруҳи — татар, тожик, ўрис, ўзбек аралаш; Тўлкин Авлиёров гуруҳи — ўзбек.

— Улар қандай жиноятлар қилишган?

— Ҳар бирининг узундан-узок тарихи бор. Мисол: М. Осеянте гуруҳи тинч аҳолига қароқчилик қилган. Катта миқдордаги пул эвазига одамларни гаровга ушлаган ва ҳоказо. Улар олти кишидан иборат эди. 1989 йилнинг 31 декабрида битта-битта қўлга тушди. Ҳозир Олий суд масаласини кўриб қияпти.

Самарқанд мафиясининг сардори Г. Жумаев бошчилигидаги гуруҳнинг содир этган жиноятлари ҳам шунга ўхшаш. Бундан ташқари бир қанча одамларнинг ҳаётига зомин бўлишган. Йирик миқдордаги «пул ўйинлари» да иштирок этган. Улар бултур 10 май куни қўлга олинди. Аини пайтда тергов ишлари олиб бориляпти.

Т. Ашуров гуруҳи ўн икки кишидан иборат бўлиб, барчаси спўрт мастерлари ва қуролланган эди. Энг оғир жиноятларни содир этишган. Қонундаги ўғрилар, «гастролёр» жиноятчилар. Уларни қўлга тушириш чоғида ички ишлар ходимларидан бирига оғир тан жароҳати етди. Кўп ўтмай у ҳалок бўлди. Жиноятчиларнинг наган ва пистолетлари тортиб олинди.

Т. Авлиёров беш марта судланган. Гуруҳидаги ўн уч кишининг тўрттаси олий ўқув юр்தларида ўқийди. Юзларига никоб қийиб тинч аҳолига ўн марта қароқчилик қилгани аниқланди. Бундан ташқари улар томонидан зўрлаш, котиллик ҳолатлари содир этилган.

— Юқорида сиз санаган жиноятчи гуруҳлар тагин ҳомийлар кўмагида озодликка чиқиб кетмасмикин?

— Менимча, улар энди кутулиб кетолмайди. Янаям худо билади. Сиз айтгандай ҳомийларнинг ёрдам қўли узун чиқиб қолса, яна бизнинг ва халқнинг шўри қурий-веради.

— Ўтган йилнинг ноябрида ЎзССЖ матбуот маркази ойнаи жаҳон ва рўзнамалар орқали хабар тарқатди: Тошкентда маҳбуслардан бир нечтаси яна бир қанча назоратчини гаровга ушлаган. Буни кўпчилик тушунмади. Қамокхонада гаровга ушлаш қанча бўлади ва улар кимлар эди?

— Гаровга олинганлар уч киши: бир аёл ва икки эркак. Улар қамокхона назоратчилари эди. Бешта маҳбус уларни алдаб эшикни очтириб, бўйинларига сунъий пичок ва сунъий портлатгич қадаб кўрқитишган, бошқа яккахоналарнинг қалитларини тортиб олишган. Бу ишни асосан беш маҳбус қилган. Маҳбуслар бизга шарт қўйишди: «Бизга қурол, машина берасанлар, акс ҳолда барча яккахонадаги маҳбусларни бўшатиб юборамиз!» Бизнинг жанговар гуруҳимиз маҳбусхонанинг орқа томонидан девор ошиб тушди. Гаровга ушланганларни, маҳбусларнинг қаттиқ қаршилигига қарамай қутқариб олдиқ. Қароқчилардан иккитасини жойида отиб ташлашга тўғри келди.

— Яна янги йил кунлари бир «хушхабар»ни марказий телевидение эълон қилди. Тошкент тергов маҳбусхонасидан беш киши ер ости лаҳм йўли орқали қочиб чиқиб кетибди. «Постда» рўзнамаси лаҳм йўлининг суратини ҳам босди. Қўрага қамалган қуённинг девор тагини тешиб ташқарига чиққанини эшитган эдик. Буни биз учун янгилик бўлди. Наҳотки қамокхоналаримизнинг заминини шунчалик бўш бўлса?!

— Жумҳуриятимиз тергов қамокхонаси 1938 йилда қурилган. Ўз-ўзидан аёнки, иморатлар бутунлай эскирган. Бизда ўн беш нафар эшикбон туриши лозим бўлса, бор-йўғи икки киши қоровуллик қилади. Уларнинг ҳам бири аёл. Сабаби, масъулият катта ва хавфлиликдан ташқари маоши жуда оз. Иккинчидан, назорат техникаларимиз ўта хароб. Чет элларда, кинода кўрганингиздек, маҳбуснинг ҳар бир ҳаракати замонавий аппаратларда қузатиб турилади. Бизда талаб қилишни билишди (прокуратура ва бошқа хўжайинлар). Лекин замонавий техника воситалари билан таъминлашга на маблағ ажратишди, на ҳафсала қилишди. Аҳвол шундай давом этиши, маҳбуслар қуён бўлиши учун доимий имкониятдир. Бояги гаровга ушлашлар ҳам ана шунинг оқибати.

— Мамлакатимизда ҳар йили ўртача 20 минг киши бедарак йўқоқаркан. Шуларнинг саксон фоизи ўлдирилган, тасодиқий ҳоллардагина ўзи ўлган бўлиб чиқаркан. Агар шунча кишининг ўрнида моллар бўлганида ҳам бизнингча, Шўролар иттифоқи чорвачилигига катта зарар етган бўларди ва шу зарарни қоплаш учун «муҳим тадбирлар» ишлаб чиқиларди. Йўқотилган ва ўлдирилган одамзот учун бировнинг жарима тўлаганини ҳали эшитганимизча йўқ. Айтинг-чи, сиз кўп йиллик тажрибага эга ва хусусан, шу каби жиноятлар билан шуғулланувчи киши сифатида ушбу ҳолатни қандай тушунтириб берардингиз?

— Сиз айтган факт фақат ички ишлар Вазирлиги томонидан эълон қилиниши мумкин. Бизнинг Вазирлик нашрларидан ўқиган бўлсангиз керак. Бари бир яшириб ўтиришга ҳожат йўқ энди. Минг афсус, бу факт тўғри. Зўравон жамиятимизнинг бир маҳсули деб қараш керак бунга. Одамнинг қадри пул билан ўлчанмайди-ку, лекин давлат ноҳақ ўлдирилган, йўқотилган беғуноҳ кишиларнинг жабрдийда оиласини химояга олиши, моддий ёр-

дам бериши керак. Мана, масалан, hozир афгон тупроғида ногирон бўлганларга катта миқдорда пул тўланыпти. Хўш, инсонпарварлик нуктаи назаридан қаралганда бошқа тупроқда ёвузлик бўлди нимаю ўзимизнинг Ватанда жабр кўрди нима — инсонга бир хил зиён етятикку. Шу фикрдан келиб чиқиб, биздаги жабрдийдаларга ҳукумат жарима тўлаши ҳуқуққа айлантирилиши керак. Бошқа жумхуриятлар бу масалани кўриб чиқиб, аниқ режалар белгилашмоқда. Биз ҳали жим турибмиз. Аммо ҳукумат ноҳақ қурбон бўлганларнинг ўрнини пул билан қонлай олмайди бари бир. Инсон азиз. Қаердаки, шу инсоннинг азиз жонига тажовуз бўлса, ўшанинг илдири, айбодори албатта топилуши даркор.

— Кўплаб оддий милисалар ва кичик офитсерлар билан суҳбатлашган чоғимизда улар бизга шубҳа остига олинган жиноятчининг танига азоб бериб жиноятни бўйнига олдириш ҳуқуқи берилуши керак, шунда иш анча осон кўчарди дейишади. Чунки бусиз жиноятчи ёлгон айтиб қутулиб кетиш ҳоллари кўп бўларкан.

— Ҳамкасбларим бўлгани учун кечирсинлар-у, милиса дегани қўлидан аввал бошини ишлатиши керак. Биз жиноятчининг қилмишини ашёвий далиллар билан бўйнига қўйиб беришимиз лозим. Жиноятчиликда шубҳага олинган кишини, гарчанд унинг ҳақиқатан жиноятчи эканини ҳис қилсак ҳам уришимиз мумкин эмас. Бу ўзи адолатдан ҳам эмас. Чунки аксинча, у ҳалол бўлиб чиқса-чи? Унда нима қиламиз? Бизнинг вазифамиз уларни уриб бурнини қонатиш эмас, қилган безорилигини асослаб, бўйнига қўйиб, сўнгра суд ҳукмига ҳавола этиш. Уриш тарафдорлари кўпроқ ўз саводларини ошириш, уddaбуронлик, хушёрлик, одамгарчилик ҳақида ўйланлар.

— Милиса ашёвий далил топгунча жиноятчи жуфтатни ростлаб қолса-чи?

— Мен бошқа нарсани назарда тутяпман. Ички ишлар ходимлари илгари профессор Вишневский назариясига амал қилишарди. Вишневский таълимоти бўйича агар шубҳа остига олинган киши ўзини жиноятчи ман деб тан олса, тамом, уни жазолаш керак. Бу усул сталинчилар учун роса қўл келган. Қанчадан-қанча бегуноҳлар зўрлаб «айби бўйнига қўйилиб» қатл этилди. Турғунлик даврида ҳам бу усул жуда қўл келди. Партократлар учун. Энди эса эскирди.

— Бизнингча, бунинг учун сизларда кадрлар сифатини ошириш керак, шекилли. Чунки, кўп гувоҳи бўлганмизки, милисаларнинг асосий қисми ҳарбий хизматдан бўшаб келиб шубҳа соҳада ишлаётган, ҳатто ички қонунларни ҳам тузук билмайдиган, ўзларида ҳеч бир фикр йўқ, «тепа»нинг чизган чизигидан чикмайдиганлар — «жанобларнинг отган ўқлари» бўлиб чиқади. Фикримизча, ўшаларнинг савиясини, билимини ўстириш, керак бўлса, оддий, одамгарчилик юзасидан бўладиган муомалаларни ҳам ўргатиш, ўзининг ишини яхши ўзлаштириши мумкин бўлганларнигина қолдириш керак.

— Қўшиламан фикрингизга. Ҳақиқатан ички ишлар ходимларининг тайёргарлик даражаси, айниқса, оддий ҳамда кичик бошлиқлар таркиби савиясини ўстириш биз учун орзулигича қоляпти. Менинг фикримча, ички ишлар хизматида номзодлар олиш танлов асосида бўлиши керак, танлов шундай бўлиши керакки, шахсий ҳужжатларининг «тоза»лигига ёки тан-жони соғлиги билан кифояланмасдан, бошланғич тайёрлов сифатини ошириш лозим, хизмат пайтида қандай вазиятда бўлмасин, бегуноҳ фуқароларга ёрдам беришга ва химоя қилишга қодир ходимларни ишга олиш лозим.

— Ички ишлар Вазирлигининг бир мутасаддиси матбуот орқали кўп чиқишларида «халқнинг ўзи бизга

ёрдам берсин» дейди. Халқнинг эса бу ёқда шўри қуриб турган бўлса, у билган милисалар ҳар қадамда кўр-қоқ, укувсиз ёки, кўпинча порахўр бўлса, кимга ишониб кўкрагини қалқон қилсин? Сизнингча, «халқнинг ўзи ёрдам бер»ишидан ташқари ҳам имкониятлар борми? Умуман, ушбу вазиятни ижобийлаштиришнинг қандай аниқ йўллари бор?

— Бари бир жамоатчиликнинг фаол ёрдамисиз милиса жиноятчиликка қарши қурашишга ожиз. Ўша оғир жиноий ишларнинг фош бўлишида оддий меҳнатқашларнинг катта мадад берганини кўплаб мисоллар билан тасдиқлаш мумкин. Матбуот эса, афсуски, бу мавзунини жуда ҳам ёритади. Бирок барча айбни халққа тўнкаш ҳам аҳмоқликдир. Чет мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда ички ишлар ходимлари иш услубини янада такомиллаштириш зарур. Ички ишлар фаолиятидаги салбий жиҳатларни фош этиш муҳим, лекин шу билангина кифояланиш адолатдан эмас. Бу жиҳдий иш-ку, бирок милисанинг яхши ишлаши учун етишмовчиликлари, унинг ички муаммоларини ҳам айтиш лозим. Халқни химоя қилиш учун милисанинг ўзи ишончли химояга эга бўлиши керак. Жумхурият раҳбарияти билан ҳамкорликда ушбу йўналиш бўйича баъзи ижобий қадамлар ташланапти. Жумладан, милисани ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш хусусидаги қонун қабул қилинди. Умид қиламизки, тартиб сақлаш аскарларига ғамхўрлик бу билан чекланилмайди. Жиноятчиликни, айниқса, уюшган жиноятчиларни бир зумда даф қилиш мумкин бўлмаган ҳодиса. Бунинг учун ҳуқуқ қосбонлари органларининг моддий аҳволини мустаҳкамлаш, етарли техник қуролланишни таъминлаш ва шунингдек, ижтимоий, ҳуқуқий химоя зарур.

— Бу замонда моддий таъминотдан-ку хурсанд одамнинг ўзи йўқ, лекин сизларда техниканинг етишмаслиги ажабланарли экан.

— Бўлмасам-чи, биз ўзи бошқармада бор-йўғи 25 кишимиз. Бизга ажратилган машина эса 4 та. Уларга ям кўпинча бензин берилмайди ёки кам берилади. Агар ҳозирги шароит билан ҳисоблашладиган бўлса, бизнинг сафимиз ўртача юз эллик киши бўлиши, шуларнинг ҳар иккитадан биттасида енгил автомашина бўлиши лозим. Ахир, жиноятчи машинада ишини битириб қуён бўлиб қолса, ички ишлар вазирлигининг ходими пийёда қувадими? Бу жуда қулгули. Тасаввур қилинг: бир киши, сизга жиноят содир этилаётгани ҳақида хабар берди. Жиноятчилар бир-иккита эмас. Жабрланувчилар химоясиз. Ходимларнинг бир қисми хизмат сафарига, яна бир қисми бошқа жиноятнинг изидан кетган. Юборай десангиз, одам йўқ, минай десангиз улов йўқ. Ёки «бензин лимити тугади-ку», деб хархаша қилиб туришса, додингизни кимга айтасиз. Кейин бир сўз билан «милиса ишламайди-да», деб қўяқолишади. Шу туфайли ҳам жиноятчиликнинг кунни туғди ҳозир.

Тағин ишимизда мустақиллик бўлса, шунга яраша янги бино беришса қўнглимиздагидай ишлашимиз мумкин бўларди.

— Жумхуриятимиз президенти кўрсатмаси ва Вазирлар кенгаши қарорига мувофиқ аҳолидан совуқ қуроллар тортиб олиш бошланди. Қарорнинг бажарилиши қандай бўляпти: қанча қурол тортиб олинди, турлари қанақа ва улар кимларнинг қўлида экан?

— Жумхурият раҳбарлари мазкур қарорни бажариш учун ички ишлар Вазирлиги билан кенг қўламдаги ишларни амалга ошира бошлади. Қарор чикқандан бўён 2000дан зиёд, ўтган йил бошидан эса 5000дан ошиқ совуқ қуроллар қўлга олинди. Кишилардан тортиб олинган ёки ихтиёрий топширилган қуроллар асосан текис милли ов милтиқлари, шунингдек қўлбола қуроллардир;

пистолет, карабин, автомат, портловчи куроллар, хусусан, граната ва артиллерия снарядлари ҳам бор. Улар кўпинча жиноятчилардан, шубҳа остидаги кишилардан тортиб олинган.

— Касбингиз оғирлигини ҳис қилиб турибман. Шу соҳани чин маънода севасизми ўзи?

— Ҳа, мен шу касбни севаман, чунки ўзимни халққа хизмат қилувчиларнинг кичик аъзоси эканлигимни мудом ҳис қилиб тураман.

— Ута шахсий савол: худоба ишонасизми? Охиратгачи?

— Бирёқлама жавоб беролмайман, ҳар бир киши нимагадир ишонади, аксинча бўлиши мумкин эмас.

— Куръони шариф, умуман, диний асарларни ўқиб турасизми?

— Ўқийман. Менинг соҳамда ишлайдиган киши ҳар бир воқеадан хабардор, замон билан ҳамнафас бўлиши керак.

— Милисанинг истиқболига шахсан ишонасизми?

— Юқорида айтганимдек, ишонч-эътиқодсиз яшаб бўлмайди. Яна ишончим комилки, вақтинчалик қийинчиликни енгиб ўтамиз,— жиноятчиликка қарши кураш маъносигагина эмас, бус-бутун ишимизнинг барча тармоқларида. Бошқа йўл йўқ.

— Раҳмат. Мана, янги — қўй йили бошланди. Зора бу йилда одамларимизнинг феъллари ҳам бир оз юмса, шафқатлироқ, меҳрлироқ бўлишса, натижада сизу бизга, халққа хотиржамлик етса.

— Бу бизнинг ҳам орзумиз. Насиб этсин.

Мулоқотчи: С. Ҳамза ўғли.

МУҲАРРИРИЯТДАН:

Сўхбат босмаҳонага туширилиш чоғида ЎзССЖ Ички ишлар Вазирлигидан ушбу хушxabарни олдик: ССЖИ халқ депутатларининг II съезди қарорига мувофиқ шу йилнинг январ ойидан ҳудудлараро уюшган жиноятчиларга қарши кураш бошқармаси тuzилди. Бошқарма маркази — Тошкент шаҳри. Бошлиқ — сўхбатимиз қаҳрамони Тўра Холматов. Унинг таркибига Туркманистон, Ўзбекистон ва Тожикистон жумҳуриятлари киради. Асосий мақсад — мафия, уюшган жиноятчиликлар, иқтисодий бузғунчилар, коррупция, халқаро жиноятчилар, қонуний ўғриларга қарши кураш, уларнинг таянчларини топиш, очиб ташлаш. Жанговар, феъли, қўли тоза, ишга берилган ходимлар ишга олинган. Техника, қурол-яроғ, кечаси кўришга мослашган ускуналар, телефакс, БЕК, ООС, махфий ёзиб оладиган магнитофонлар ва бошқа аппаратлар билан таъминланди. Ички ишлар Вазирлиги 2-3 ой ичидаёқ бошқарма ўз кучининг самарасини кўрсата бошлашига ишонади.

ХАБИБА ҚУРБОНБОВА. Жиззах шаҳрида туғилган. 1981 йили Низомий номидаги педагогика олийгоҳини тугатган. Ҳозир Жиззах туманидаги 20-урта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди.

Хабиба Қурбонбоева



Ҳайрат

Ёмғирнинг, остида чопар болакай,
Томчилар инади юзи-кўзига
Кўтарилар ҳовур бўлиб ҳайрати,
Севинч ранги югуради юзига.
Ёмғирнинг остида чопар болакай,
Гўё ёмғир инган бир гулдор у ҳам.
У силкинса фақат кулгу тўкилар,
Тўкилар энтиқиш, ҳаяжон бу дам.

* * *

Ҳали бу хонага кирмоққа шошма,
Юрак, ўзгартиргин либосларингни.
Хиёл, кўзларингга пардаларни торт,
Алам, чиқармагин ҳеч сасларингни.

Армон, қўлларингни яширгин, қара,
Деразани очиб юборма ногоҳ.
Азоб, сен тўнингга маҳкамроқ ўран,
Елканга ботмасин ҳар ғаюр нигоҳ.

Рўмолингни менга бериб тур, қувонч,
Кўйлагинг барибир кенглик қилади.
Эшик тутқичини тортавер, бардони,
Энди кираверсак бўлади...

Ғамгин баллада

Ҳар кун остонадан уятчан тонлар
Илинжга осилиб зўрға киради.
Сочилиб ётади сассиз жаранлар,
Беллари қақшайди, базўр юради.
Эшикнинг тамбасин телба умидлар
Тортади куч билан, суғура олмас.
Тушларини бузган гўдак йиғиси
Ҳасратга қоқилиб, чиқиб кетолмас.
Дарчадан ҳовлига мўралар сирлар,
У кўтган шамоллар негадир елмас.
Туёғига ўтқир михлар қоқилган
Бахмал жабдуқли бир аргумоқ келмас...



Муҳаммад Исмоил

Сирдарё вилоятининг Ховос туманида туғилган. ТошДД журналистика куллиётини битириб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Таржима кенгашида муҳаррир бўлиб ишламоқда.

Илинж

*Ким кўрди экан жаҳонда, оё, хушлуқ,
То бир киши айлағай таманно хушлуқ.
Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлуқ,
Омодадурур ёнида юз нохушлуқ.*

Алишер Навоий

*Бунда уни топмас асло
қўрқитгувчи йчли йқ.
Бунда ҳаёт бордир, аммо
қутқаргувчи нажот ййқ.*

*Бунда ҳаёт бордир, аммо
бўлса ундан кўнгли тўқ.
Шу ҳаётни севса, асло
қутқаргувчи нажот ййқ.*

*Тун ярмида туради у
ташлаб кетар уйини.
Тарк этмайди аммо қайғу,
тинмас кўнглил қуюни.*

*Имкон бордир яшамоққа,
ййқдир ўлмоқ имкони.
Чунки ййқдир, имкони ййқ
асраш учун иймонни.*

*Иймон уни енгиб қўймас,
Иймон букун — ғам фақат.
Ҳаёт эса — кетиб бўлмас
тўрт ёғи берк мамлакат.*

*Бу куфрга тўла чоҳнинг
қазоси қачон келур.
«Зеро фақат Оллоҳнинг
ғуруҳи ғолиб эрур».*

*Дунё — куфрлар чоҳи.
Оллоҳ, сақла, бер қадр.
Иймон бўлмаса, зеро,
Дунё сариқ қақадир.*

Шоирга

*Сен адашган аёл ҳақда ёзмоқчийдинг ёмонлаб,
Ўз умрига аза тутиб, сўзлаганда хаёлан.
Урамига олди, чирмаб ўша ўрмон, ўша қалб,
Юз ўғиргинг келди бу чоғ алданган ҳаётингдан.*

*Бир лаҳза фориг бўлдинг, қолмади шодлик, ғуссанг,
Орзу — таъмағирликдир. Барчаси унутилди.
Сокинликни қўмсадинг. Чунки бахтга етишсанг,
Бахт бир кун уқубатга айланишини билдинг.*

*Бу дунёда борми ўзи адашмаган бир кимса,
Инсон хато қилмоғ-у тузатмоққа яралган.
Ҳаёт узун. Муҳаббат, мардликнинг умри қисқа,
Жафога тўла дунё, синов — бизга аталган.*

*Шоир, олис ҳам холис аёлнинг оламида
Эгасиз эркинликни туйятибсан бироқ.
Умрини увол дема, етай деб камолимга
Ҳамдард бўлгин, дунёни англағайсан яхшироқ.*

* * *

* * *

*Сенга интиқ онимда
келишингни кўп кутдим.
Сен келдинг-у, ёнимда
эканингни унутдим.*

*Келдинг-у дилда бўлган
соғинчларим ййқолди.
Севги келмади деган
абдий озор қолди.*

*Ишқмиди имконимда,
нимадир энди ййқдай
Азобловчи — жонимга
отилмаган бир ййқдай...*

Таъкид

*Дунёни мушфиқ билма,
Юрма бунча хокисор.
Сендан нажоҳ кутсин у,
Ҳам измингга бўлсин зор.*

*Аммо енгиб дард-алам
Яшашдан тўйдирса гар,
Сен наҳрига ботар дам
Ўлим қилгайдир ҳазар.*

*Ана унда ётибди висол,
Сендан бахтлар тиланади у.
Гўёки сен бахтиёр мисол
Бахтсизлардай эланади у.*

*Боролмайсан ёнига унинг,
Бахтли бўлишингни билсанг ҳам.
Ва ёлғиз қоласан, қолаверасан,
Ўзгалар учундай бу олам.*

Сўнгги ўкинчлар

*Ўжар ва бебош ҳис ачитқи каби
Идрокни қоплади. Ишқ азоблари,
Дарди энди менда қадр топмайди,
Софлана олмайди энди матлабим.
Нейтрондай ўқида айланса иқрор,
сўнмас эди, сўнмас
ишқ васвасаси.
Барибир энди мен, барибир бекор,
Тушунмоқ истайман
меҳр не асли?*

*Энди истасам ҳам, истамасам ҳам
Келгандай ўткинчи ҳислар иқлими,
Мезондаги нурдай омонат алам
тўплай олмас дилнинг
эзгу халқини.*

немишлардаги Хенрих Хейне, руслардаги Жуковский, Пушкин, Лермонтов, Усмонли туркларидаги Холид Зиё, Тавфик Фикрат каби улуг сиймолар қаторида «ўзбек шоирларидан Фитрат билан Чўлпон шундоғ шоирларнинг энг олдин эсга олатурғонларидандур»,— дейди. (Уша китоб, 134-бет).

Профессор Абдурауф Фитрат бўлса, ўзининг «Адабиёт қондалари» (Т., 1926) китобида услуб масалалари юзасидан фикр юритиб, «тажохули ориф» (билмасликка солиш) санъатига Чўлпон шеърдан шундай мисол олади:

Шерали Турдиев

ТОНГ ЮЛДУЗИ ҚИСМАТИ

Чўлпон меросини ўрганиш тарихидан

XX асрнинг дастлабки чорагида, айниқса, Октябрь тўнта-риши арафасида адабий-маданий меросимиз осмонни узра Хамза, Абдулла Қодирий, Фитрат каби янги улугвор сиймо-лар ёрқин юлдуз бўлиб чарақладилар. Хусусан, Чўлпон На-войидан кейинги бетакрор истеъдод соҳиби сифатида тез танилди ва кўп ўтмай ўқувчилар қалбини абадий забт этди. Унинг илк шеърлар тўплами «Булоқлар»га ёзилган би-ринчи тақризларда ҳам Чўлпоннинг шеърият дунёсидаги янги оҳанглари, ўзига хос овози, изланишлари ҳақида фахрланиб ёзилди: «Чўлпон ўзбекининг янги шоиридир. Унинг учун ўз-бек элининг бу кунги руҳи, ҳоли, сезгиси «Булоқлар»да қай-найди. Ўзбек тили, ўзбек оҳанги «Булоқлар»да сайрайди, ўқийди. Ўзбекининг руҳи тўлқинлари бунда кўпирадир, кўклар сайин учадир, кўтарилди. «Булоқлар»да ўзбекининг сезгиси инграйдир, сизлайдир, титрайдир...

Ўзбек янги шеъриятининг оҳангсиз бўлишини ўйламайин сўзлайтурғон оғизларга «Булоқлар» туфурадир. Ўзбек адабиё-тига тил тегдурмоқчи бўлғон машҳур «нодонлар»га бу «Булоқлар» куладир...» (В. М. «Чўлпоннинг «Булоқлар»и. «Туркистон», 1923, 10 декабр).

Чўлпоннинг кичик замондоши шоир Шокир Сулаймон эса Чўлпонни халқимиз истиқболга умид ва ишонч билан қа-раган буюк шоиримиз деб таърифлайди ва бунинг исботи учун шоирнинг қуйидаги мисраларини мисол келтиради:

«Ийғола юртим агарчи, бу кунингда йўқ баҳор,
Келгуси кунларда бахтинг юлдузи ўйнаб қолар.

Муаллиф Чўлпоннинг бу мисраларига «хатто ўлик жон-ларни ҳам руҳлантириш» каби кучли қувватга эгадир деб баҳо беради. (Шокир Сулаймон. «Юксалишнинг биринчи бос-қичи». «Фарғона», 1924, 7 август).

Берлин Давлат дорилфунунининг фалсафа-тарих куллийети талабаси Аҳмад Шукрий бўлса Чўлпон ва Шекспир шеърияти ўртасидаги уйғунлик ва руҳий яқинлик тўғрисида фикр юри-тиб, самимийлиги жиҳатидан Чўлпон хатто Шекспирдан ҳам устунроқ деб ёзади:

«Чўлпон оти қўлоғимга кирдикча кўзимга Шекспир руҳи кўринадирда турадир. Шекспир лиризмаси билан Чўлпон шеърияти орасида нақадар айирма ахтарсамда уни топаол-мадим. «Уйғонишни неча топқирлар ўқиб чиқим. Шекспирни мутулаа этдим. Энг сўнг Шекспир Чўлпондир, ёхуд Чўлпон Шекспирдир фикрга келдим. Чўлпон шеърлари Шекспир самимийлигидан ўтадир. Чўлпон бизда севги тангриси, сезги яратувчисидир. Чўлпон—лирик. Чўлпон—шоир. Чўлпон—Чўлпондир. (Аҳмад Шукрий, «Чўлпон—Чўлпондир», «Кўмак», Берлин, 1923, № 1, 19—20 бет).

Профессор Абдурахмон Саъдий ўзининг «Амалий ва наза-рий адабиёт дарслари» (Т., 1925) китобида жаҳон адабиё-тидаги қайғу-мотам шеърлар ёзувчи инглизлардаги Байрон

Бир-икки яхши сўз айтдинг,
Ҳолимни англаганимми!
Кўзларни қайғули артдинг,
Ҳолимга йиғлаганимми!
Ётқиқлар битдимми энди
Ортиқ мен сенга яқинми!
Қарғишлар кетдимми энди!
Олдимми эски ҳақимми!
Тўлдирғич қопқора тўнлар,
Епқични олдимми биздан!
Юргайми, ёғдули кунлар
Сен босган севгили издан!..

Бу даврда М. Бехбудий, А. Қодирий, Фитрат каби Чўлпон ижоди на фақат ўзбек танқидчилигининг, балки рус танқид-чилари ва адабиётшуносларининг диққатини ҳам ўзига тортди. Инқилобгача ва ундан кейинги дастлабки даврларда рус шарқ-шунос ва туркшунос олимларидан А. Самайлович, Г. Андреев, С. Малов, Б. Пестовский, М. Февралский ва бошқалар М. Бехбудий, А. Фитрат, С. Айний, А. Қодирий, Чўлпон каби ижодкорларнинг айрим айрим саҳна ва шеърый асарларини рус тилига таржима қилиб, маҳаллий ва марказий матбуотда тар-ғиб-ташвиқ қилдилар, шахсий кутубхоналарида ардоқлаб сақ-ладилар.

Чўлпонга нисбатан танқиддаги бу самимий муносабат ВКП(б) МКнинг 1925 йил августидаги «Фирқанинг адабиёт соҳасидаги сиёсати ҳақида» қароридан сўнг кескин ўзгарди. Шу йилларга қадар матбуотда олқишланиб келинган А. Қоди-рий, Фитрат каби Чўлпон ҳам адабиётда йўқсил ғояларига ёт бўлган буржуа мафкурасини ўтказувчилар қаторида тан-қид қилинади. «Қизил Ўзбекистон» рўномаси саҳифаларида Чўлпон ижоди, дунёкараши, унинг ўзбек адабиётида тутган ўрни, йўқсиллар адабиётига муносабати ҳақида очилган му-нозараларда Айн (Олим Шарафиддинов), Ойбек, Усмонхон ва бошқалар актив қатнашадилар. Хусусан, адабиётшунос олим ва танқидчи Айн «Ўзбек шоирлари. Чўлпон» мақоласида шундай ёзади: «Ўзгаришгача ҳам ундан сўнгги адибларимиз орасида энг кўп ёзувчи, булар орасида айрим ўрин тут-қувчи шоир шубҳасиз Чўлпондир. Унинг айрим ўрин қозо-нишига сабаб эски қолмаимизнинг тор рамкасини бузиб, пар-чалаб унинг (қоласимиз) ифода йўсинини, оммага англашмай-дурган тилни соддалаштириб, оммага яқин қўйиш учун ури-нишидир... Унинг тили содда, ҳар бир турли фикр, туйғулар-ни ифода қилишга ярарлик ҳам нуқсонсиздир. Бу кунги ўз-бек адабий тили шубҳасиз Чўлпон тилидир. Бутун адабийли-лик унинг тилини бирор ўрнак танийди, унга тақлид қилади. Чўлпон бунинг билан тақдир этиларлик, мақтанарликдир...

Чўлпон ким? У кимнинг шоири деган сўроққа, қисқача қи-либ, Чўлпон бутун кирликдан озод инсондир; ...у йўқсил халқ-нинг шоиридир,— деб чиройлик жумла билан жавоб берувчи-лар, унга баҳо қўювчилар ораимизда бор.

Чўлпоннинг бу кунгача ёзган асарларини текшириб чиқ-сак юқоридаги баҳонинг бутунлай нотўғри эканини англаймиз. Чўлпон миллатчи, ватанпараст, бадбин зиёлиларнинг шоири-дир. Унинг мафкураси шуларнинг мафкурасидир. Уни қай-натғон, унга илҳом берган нарсалар шулардир... У бу со-ҳада ёшларни ўз мафкура татсирига, миллатчи ватанчилик ҳисларини ўтказар» («Қизил Ўзбекистон», 1927, 14 феврал). Ойбек бунга қарши «Чўлпон. Шоирни қандай текшириш ке-рак?» мақоласида шоир маҳоратиға ҳақиқий баҳо беришни талаб қилиб чиқади: «Чўлпон бизнинг ҳозирги адабий эх-тиёжимизга жавоб беролмас деб, ундан қўл йиғамизми? Менимча, бу нарса хато. Бу кун рус биродарларимизга қара-сак, улар Пушкинни қандай севганлигини кўраимиз. Пушкинни

рус ишчиси, комсомоли, фирқалиги, олими— ҳаммаси севади, ҳаммаси ўқийди. Пушкин инқилобдан сўнг ҳам Пушкин бўлиб қолди... Ҳозирги йўқсил ёшлар унга яна катта қиймат берадилар. Уни ўқиб, асарларининг гўзаллигида чўммак истайдилар... Биз ҳам Чўлпондан қўл тортаолмаймиз. Чўлпон янги адабиётда янги нарсалар яратди. Мувашшах адабиёти ўрнига бу куннинг бадиий завқига яраша ёқимли, гўзал шеърлар ўртага чиқарди. Бугунги ёш насл унинг содда тилини, тотли услубини, техникасини кўп севади. Ундан кўп гўзалликлар олади. Чўлпоннинг мафкураси эмас, балки яратган бадиий намуналари ўқилади, воз кечилмайди» (Ойбек, «Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак?», «Қизил Ўзбекистон», 1927, 17 май). 1927 йил Октябр ойи бошларида бўлиб ўтган «Мафкура учун кураш ва бунда маданиятчиларнинг вазифалари» кенгашида Ўзбекистон Коммунистлар фирқаси котиби ўртоқ Аҳмад Икромов маъруза қилиб, матбуот сифталарида бўлиб ўтган бу баҳсларга ҳам муносабат билдиради. Маърузада ўртоқ Аҳмад Икромов Чўлпон ижодида, жаҳидларга, асосан ВКП(б) МК 1925 йилги адабиёт сиёсати ҳақидаги қарори руҳидан келиб чиқиб, фақат тор синфийлик жиҳатидан ёндашади, Айн фикрларини қувватлаб, Чўлпонни русларнинг Пушкини билан қиёслаган Ойбек фикрига эътироз билдириб дейди: «Баъзилар «адабиёт адабиёт учун» деб тушунишади. Биз бундай тушуниш даврини ўтган бўлсак керак. Адабиёт ҳам синфлар учун ишлайди. Ул синфларнинг аҳволини чиройлик қилиб кўрсатади. Масалан, Туркиянинг «Иттиҳоди тараққий»чиларини олсак, ёхуд жаҳидларнинг асарларини олсак, улар шеър, адабиёт йўли билан ўз тиллакларини тушунтирар, тасвир қилар эдилар. Масалан, шоир Номик Камол феодаллар қўлида «ватан»нинг хароб бўлаётганини «Эй, ватан» деб қичқариб айтади. Айн Чўлпонни мафкура ёғидан тўғри танқид қилди, Чўлпоннинг ҳозир бизга қарши буржуазияни ёқлаб ёзган шеърлари билан Пушкиннинг шеърлари орасида ер билан осмонча фарқ бор («Қизил Ўзбекистон», 1927, 10 октябр).

Бундай қарашларга Чўлпон «Эътироз» номли аризасида норозилик билдирган бўлса-да, барибир, улар кейинчалик адабиётда Чўлпон асарларини таъқиқловчи курашнинг кучайишига олиб келди. Масалан, Сотти Ҳусайн 1929 йилда В. Яннинг Чўлпон таржимасидаги «Ҳужум» пьесасига тўхтаб: «Асар яхши тузилган. Унинг устига Чўлпоннинг санъати кўшилиб, яна ҳам томошабинларнинг диққатини ўзига тортди. Русчадан таржима қилувчи Чўлпон бу асарга борлиқ маҳоратини тўкиб солган» («Шарқ ҳақиқати», 1929, 25 январ) деган бўлса, орадан 2—3 йил ўтгач ёзган «Ўзбек театри» тўплами ҳақида» номли мақоласида Чўлпон ҳақидаги ўзининг аввалги ижобий фикрларидан қайтиш у ёқда турсин, ҳатто у ҳақда ижобий фикрда бўлган Техановични ҳам миллатчилик фикрларини тарқатишда айблаб шундай ёзади: «Уша вақтларда (1927—1928—1929 йилларда) ўзбек давлат театрига муаллимлик қилган Теханович Чўлпон билан бирликда миллатчилик фикрларини ёқловчи илмий адвокат бўлиб майдонга чиқди... Теханович Чўлпонларни тамомила ўз ҳимоясига олади» (С. Ҳусайн. «Ўзбек театри» тўплами ҳақида», «Ўзбекистон шўро адабиёти». 1932, № 3, 59-бет).

Ваҳоланки, Чўлпон ижодида бу даврда фақат Техановичгина эмас, москвалик театршунос А. Февралский, қозонлик адабиётшунос Зариф Баширий ва бошқалар ҳам катта баҳо берган эдилар. Татар адабиётшуноси Зариф Баширий 1929 йили Қозонда нашр этилган «Ўзбек адабиёти» китобида Чўлпон маҳоратли шоир эканлиги ва бу соҳада унинг айрим татар ёшларига ижобий таъсири ҳақида шундай деб ёзган эди: «У маъно бойлиги, ширали тили, услуби, ифодаси билан санъатнинг энг юқори босқичига кўтарилиб чиқди. У санъат ёғидан, бизнинг Тўқай билан Дардманга ортиғи билан баробар келарлик даражага етди.

Чўлпон мактаби, ўзининг санъатча кучлиги орқасида, тил-услуб ёғидангина эмас, маъно ва мундарижа жиҳатдан ҳам бир қанча ёш шоирларни ҳам ўз йўлига тортиб кетди».

ВК(б) МК 1932 йил 23 апрел қароридан кейин А. Қодирий, Фитратлар билан бирга Чўлпон ижодига нисбатан ҳам ижобий гаплар аста-секин жонлангандай бўлди. Унинг А. С. Пушкин, Н. В. Гоголь, И. С. Тургенев, А.П. Чехов, М. Горький, В. Шекспир ижодидан таржималари, М. Горький, А. Лоҳутий, Фузулий, Увайсий, Юсуф Қизик ҳақидаги мақолалари, айрим шеър ва ҳикоялари ҳамда «Кеча ва кундуз» романи, «Соз»

(1935) шеърлар тўплами нашр этилди. Улар ҳақида баъзи ижобий тақризлар ёзилди, шоир ҳаёти ва ижодини ўрганиш ўрта мактаб адабиёт дастурларига ҳам киритилди. Шунга қарамадан бу илиқ шабадаларнинг ўрнини кўп ўтмай ҳалокатли бўронлар эгаллади. Унинг асарлари киритилган мактаб дастурлари, асарларини нашр этган матбуот шўбалари, у ҳақида ижобий фикр билдирган Ҳомил Ёқубов каби айрим мунаққидларнинг бошлари ҳам бўлога қолди. Ишдан ҳам бўша-тилиб ишсиз қолди. Чўлпоннинг бутун ижоди, рус ва жаҳон мумтоз адабиётдан қилган таржима асарларининг байналмилалчилик аҳамиятлари ҳам бир томонга итқилиб ташланди. Чўлпон миллатчиликда, бузғунчиликда айбланди. (Н. Тўрақулов. «Ҳамлет»га тўхмат» (1936), Туйғун. «Жўшқин лирика ниқоби остида зараркунандачилик», «Охиригача қош қилмавиз», Юнус Латиф. «Чўлпоннинг «Сози»»). Ҳатто Ҳомил Ёқубовнинг шоирда бир қадар ғоявий силжишлар бўлганлиги ҳақидаги гаплари ҳам буржуа миллатчиларини илоҳийлаштириш, уларни шўро ёзувчиларига айлантиришга уриниш деб қаралди.

«Тўлқин» имзолик танқидчи ўша йилларда ҳатто шундай деб ёзишдан ҳам тоймади: «Чўлпон Шекспирнинг «Ҳамлет», Гогольнинг «Иван Иванович билан Иван Никифорович ўрталарида бўлган низолар тўғрисида ҳикоят» деган асарини нуқул арабий сўзлар, диний-хурофий иборалар, мадраса тили, Чигатой адабиётининг тили билан таржима қилган, буни совет меҳнаткаш халқи ўқиган билан ҳеч тушулмади... Буюк пролетар ёзувчиси Максим Горькийнинг вафотига бир йил тўлиши муносабати билан 18 июнда «Қизил Ўзбекистон» газетаси бир саҳифа материал берди. Чин кўнгилли, совет ватанига содиқ ёзувчилар ва адабиётчилар тургани ҳолда шу саҳифада халқ душмани Чўлпоннинг мақоласи босиб чиқарилди. Бир қанча сигналларнинг берилишига қарамай, душманга матбуотдан яна минбар бердилар.

Бу материалларнинг ҳаммаси, албатта, редакциянинг адабиётчилари Аъзам Аюб, Иззат Султонларнинг қўлидан ўтиб, муҳаррир Камоловга борган, миллатчи Камолов учун бу нарсаларни босиб чиқариш асл мудоаа-ку» (Тўлқин. «Халқ душманларига совет матбуотида ўрин йўқ», «Ёш ленинчи», 1937, 10 август).

Шундан кейинги қарийб йигирма йиллар давомида А. Қодирий, Фитрат каби Чўлпоннинг номи, асарлари то фирқанинг XX қурултойига қадар мутлақо тилга олинмайдиган бўлди, ҳатто тилга олганлар ва асарларини ўқиганлар ҳам қатагон қилинди.

Фирқанинг XX ва Ўзбекистон зиёлиларининг I қурултойидан сўнг 30-йилларда бегуноҳ қурбон бўлган Ф. Ҳўжаев, А. Икромов каби фирқа раҳбарлари, А. Қодирий, Фитрат каби адиблар қатори 1937 йилда бегуноҳ қатагон бўлган Чўлпон ҳам оқланди. У дастлаб Иззат Султонов, Аҳмад Алиевларнинг 20-йиллар ўзбек адабиёти ҳақидаги мақолаларида жиддий ғоявий-сиёсий зиддиятларни бошидан кечирган муаллиф сифатида тилга олинди.

Шундан кейин Озод Шарафиддинов таҳрирчиси, Мўҳсин Зокиров тўпловчиси бўлган «Тирик сатрлар» китобида, «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали (1967, № 6) саҳифаларида Чўлпоннинг мақолалари ва шеърлари адабиётшунос олим Наим Каримов ва бошқалар томонидан тўплайиб, эълон қилинганини, Аҳмад Алиевнинг 1983 йил нашр этилган «Адабий мерос ва замонавийлик» китобини ҳисобга олмаганда Фитрат, Чўлпон ижодларига эҳтиёткор муносабатда бўлиш то фирқа XXVII қурултойига қадар адабиётшунослик асарларида у ёки бу даражада давом этди. Чўчиб, ҳадиксираб ўрганиш у ёқда турсин, ҳатто ижобий томонга қараб дадилроқ ҳаракат қилишга бўлган ҳар қандай интилиш ҳам тўсиқча учради ва матбуотимиз бу ҳақда ўша йилларда оқиқдан-оқиқ ёзиб ҳам чиқди: «20-йилларда ўзбек совет адабиёти тарихидаги кем-тикларни Чўлпон ва Фитратнинг сохта кўз ёшлари билан эмас, балки Ҳамза, Ғайратий ва бошқа жуда кўп курашчи шоирларнинг ғоят ҳаққоний, юксак ғоявий шеърий асарлари билан тўлдириш керак» («Қизил Ўзбекистон», 1962, 29 январ), «Тирик сатрлар» китоби ҳам дунё юзини кўрар-кўрмай тарқатилишдан тўхтатилди ва матбуотда қаттиқ танқид қилинди. «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1967 йил 6-сонида Чўлпон тўғилган куннинг 70 йиллиги муносабати билан нашрга тайёрланган унинг асарлари рўйхати ҳам дунё юзини кўролмади. Бунинг устига бизнинг «20-йиллар ўзбек ҳикояси» мав-

зуидаги диссертациядан ҳам Чўлпон ҳикоялари таҳлил қилинган ижобий фикрлар ва ҳикояларидан парчалар мутлақо чиқариб ташланди ва бир йилдан сўнг 1969 йилда кечикиб ҳимоя қилинди...

1969 йил Москвада ССЖИ Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Ўзбек адабиёти кенгаши мажлисида ССЖИ ФАнинг «Наука» нашриётида рус тилида нашр этишга тайёрланаётган бир жилдлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи» номли илмий асар кўлэзмасини ўқиб чиққан профессор А. И. Дейч Чўлпон ва Фитратларнинг ўзбек адабиёти тарихида турган алоҳида ўринлари ҳақида марҳум совет шарқшунос олими Е. Э. Бертельс хотираларини эслаб шундай деган эди: «Марҳум Е. Э. Бертельс, агар сизлар ўзбек адабиёти тарихини чинакамига ўрганоқчи бўлсаларингиз унда Чўлпон ва Фитрат каби улкан санъаткорларни билишларингиз керак бўлади, деб таъкидларди».

Қайта қуриш ва ошкоралик даврининг шарофати билан Чўлпон ҳаёти ва ижодини ўрганиш ишларида ҳам ижобий сил-шишлар юз берди.

Кейинги йилларда унинг шеърлари, ҳикояларидан намуналар, «Кеча ва кундуз» романи ўзбек ва рус тилида босилди. 1988 йили «Чўлпон» нашриёти унинг «Баҳорни соғиндим» номли шеърлар тўпламини адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул сўз бошиси билан кўпмиг нусхада босиб чиқарди. Таржимашунос ва адабиётшунос олима Н. В. Владимирова, Ҳамид Исмоилов ва бошқалар Чўлпон ҳикоялари ва романлари, таржималари устида тадқиқот олиб бормоқдалар. Ғафур Ғулوم номли Адабиёт ва санъат нашриёти Озод Шарафиддинов, Наим Каримов, Шерали Турдиев ва бошқалар томонидан тўпланган Чўлпон асарларининг бир жилдлигини нашрга тайёрлади.

Бироқ улуғ санъаткоримиз ижодий мөросини ўрганиш ва нашр қилиш соҳасида амалга оширилган маъқур ишлар мутлақо етарли эмас. Биз Чўлпоннинг мангу руҳи олдида ҳали кўп қарздормиз.*

Замира Эшонова

Ҳақ йўли, албаффа, бир ўқилгуси



Чўлпон шеърляти ҳақидаги ҳақиқатга, асл моҳиятга етиш шундай бир йўлки, унга кадам қўйган киши ҳамон қалин-қалин жилдлар остида умргузаронлик қилиб келаётган сохта тарих билан баҳсга киришмай, ундаги оёғи осмондан келтирилган ҳақиқатларни тикламай туриб, мақсадга эришиши гумон. Бугун адабиётшунослигимизнинг шу муборак йўлга юз бурниш вақти келди. «Фурсат келмайди, келтирилади» дейишади. Шу мақсадда, Чўлпон шеърлятининг, ўтмиш танкидчиларининг ибораси билан айтганда «миллатчилик ва аксиникилобий руҳдаги», ҳозиргиларнинг тилида эса «мураккаб ва зиддиятли» деб аталаётган намуналаридан бири бўлмиш «Бузилган ўлкага» шеърини ўзимизга таҳлил объекти қилиб танладик. Чўлпон дунёқарашининг, изтиробу аламларининг энг тиник кўзгуси бўлган бу шеърнинг илдиэлари асримиз бошидаги Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига, айниқса, халқимиз тарихида кескин бурилиш ясаган 1917 йилги октябр ўзгаришига бориб тақалади. Ана шу илдиэларни излаш босқинчидаёқ, бизнинг сохта тарих билан бўладиган баҳсимиз бошланади. Биз ҳозиргача оммадан беркитилмиш келинаётган фактларга таяниб, фикр юриштиш йўлидан бормокчимиз. Шу сабабли, мақолаимизда кўпдан-кўп кўчирмалар келтиришга мажбурмизки, бунинг учун азиз ўқувчимиздан олдиндан уэр сўраймиз.

Асримизнинг биринчи чорагидаги Туркистон турмушининг йирик муаррихларидан бири Турар Рискулов «Октябр ўзгариши ва Туркистонда ерлик халқлар» мақоласида куйидаги фикрларни баён қилади: «1917 йил ўзгаришигача Туркистонда овруполиклар ўртасида ўзгариш ҳаракатлари жуда кучсиз бўлган каби (сотсиал-демократлар фирқаси 1917 йил ичинда, аммо большевиклар фирқаси октябр ўзгаришидан кейингина ташкил қилинди), ерлик халқ ўртасида ҳақиқий «ўзгариш ҳаракатлари ҳеч бир кўрилмас эди... Ул чокда ерлик халқ ўртасида эндигина бошланган ўзгариш ҳаракатлари миллий-маданий ҳаракатлардангина иборат бўлиб, ушбу ҳаракатнинг овруполиклар ўртасида секин-секин кўрина бошлаган ўзгариш ҳаракатлари билан ҳеч бир алоқаси йўқ эди». Чўлпон дунёқарашини, ҳеч шубҳасиз, 1905 йилги ёш турклар ҳаракати (1905 йилги рус инкилобининг эмас) турткисида юзага чиққан ана шу миллий-маданий ҳаракатлар таъсирида шаклланди. Шу ҳаракатнинг кўзгулари бўлган «Ойна», «Тараққий», «Садон Ғуркистон», «Садон Фарғона», «Хуршид» каби газета-журналларда Абдулҳамид Сулаймон деган номнинг учраб туриши ва

бу дастлабки намуналарнинг мазмун-мундарижаси юқоридаги фикрни тўла тасдиқлайди. «Кундан-кун куч олиб, бутун турмушда ислохот ясаш даражасига етган ва тобора миллий-озодлик ҳаракати тусини олаётган» бу ҳаракатнинг ўз мақсадига қанчалар яқинлашаётганини ушбу парчадан билсақ бўлади: «1916 Энасув, Сирдарё музофотлари ҳам Жиззах уезида бўлган ихтилол ҳаракатлари чор ҳокимияти ва рус муҳожир қулоқларини шошириб қолдирди. Мана шул ҳаракатлар ерлик халқ кўкрагида қандай инкилобий кучлар кўмилиб ётганлигини очик кўрсатдилар». Туркистон халқлари кўксиде куч тўплаётган ана шу инкилобий вулқон-портлаш — мустамлака, қуллик занжирларини узиб ташлаш палласига яқинлашганда Русияда 1917 йил октябр ўзгариши юз берди. «Миллатлар турмаси»нинг чекка бир бўлаги Туркистонга ҳам етиб келган бу тўнтариди туфайли ўлкадаги табиий-тарихий жараён — миллий-озодлик ҳаракатининг тақдири фавқулодда мураккаб босқичга кадам қўйди. Бу ҳаракатнинг бошқа кўплаб намоёндалари қатори Чўлпон ҳам дастлаб бу ўзгаришни қувонч билан кутиб олди. Бунинг боиси — Чўлпон октябр ўзгариши Туркистонда миллий инкилоб бажариши лозим бўлган вазифани — ўлкани босқинчилар ҳукмронлигидан қутқариб, унинг тақдирини ўз эгалари қўлига топширади, деб ўйлади. Унинг бу қувончини Туркистон ўлка советларининг 1917 йил ноябрда бўлиб ўтган съездининг маҳаллий халқни камситувчи қарорлари ҳам буза олмади. Чунки у бу съезд Туркистонда қолган мустамлака ҳукуматининг йиғини, унинг қарорлари большевиклар инкилобига, уларнинг дастурига зид деб тушунди. Шу сабаб, Туркистон эгаларига янгидан қилинган хўрликка қарши Хўқандда йиғилган ўлка мусулмонларининг фавқулодда қурултойини ва у эълон қилган Туркистон мухториятини Русия инкилобининг маҳсули деб қабул қилди, уларни чин дилдан олқишлаб шеърлар ёзди («Озод турк байрами», «Оллоҳу акбар», 1917, декабр). Бу шеърлар миллий уйғонини нурларидан кўзи очилаётган минглаб ватандошлар севинчининг ифодаси эдики, бунинг Тошкентда бўлиб ўтган 50 минг кишилик мухторият намоёншининг бир овоздан қабул қилган ушбу қароридан ҳам билса бўлади: «Биз мусулмонлар, синф ва даража аюрмаларига қарамасдан Туркистон мухториятин олқишлаган ҳолда, ишонамизки, буюк Русия Револуцияси тарафиндан эълон этилган халқ ҳокимияти асосларининг суянчи ҳақина Русиянинг бирлашган демократияси Туркистон хал-

қининг бутуниси тарафиндан бир оғиздан баён этилган тилагина кўшилур, ҳам бизга истиқбол йўлига қадам босувда ва ўз кунимизни ўзимиз кўра бошловда ёрдам этар...» («Улуғ Туркистон», 1917, № 42) Бу қонуний тилакларнинг тугилуви ва бунчалар қатъий ишончга айланувига-авваламбор миллий тафаккурда юз берган ўзгариш, қолаверса, большевиклар инкилоби, уларнинг дастуридаги миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳақидаги жихатдан ва Лениннинг 1914 йилдан бери бу бандни «сиёсий жиҳатдан ўз-ўзини белгилаш, ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузиш ҳуқуқи маъносида бошқа маънода тушуниш мумкин эмас», деб қайта-қайта такрорлаши замин бўлганди. Туркистон халқлари, шулар ичида Чўлпон ҳам шу буюк ваъданинг вафосини кутардилар. Бирок Тошкентдаги кўп минг кишилик тинч мухторият намоённинг «Александровский парк»да тўпланган 1,5—2 минг большевиклар томонидан милтиқ ва пулемётлардан ўққа тутилиши ана шу умумхалқ ишончига, шу жумладан, Чўлпон ишончига ҳам отилган биринчи ўқ бўлди. Туркистон миллатлари томонидан бир овоздан маъқулланган Туркистон мухториятининг қонга ботирилиши эса большевикларнинг «улуғ идеал»ларини қоши қилиб қўйди — уларнинг, ўша давр зиёлиларидан бири айтганидек, «ёлғиз ҳокимият учунгина талашғонликлари очик кўрина бошлади». «Ура берсанг гаюр тортар энг ёввош ит ҳам», дейди А. Орипов. Муқаддас туйғулари — дини, миллати, номуси тақдирланган халқ «бойлар ва уламолар ҳукумати»ни тугатиш бахонасида ана шу энг муқаддас ҳуқуқлари топта-лаётганини кўргач, қўлига қурол олди. Очик айтиш керак, халқ хали қуролли курашга тайёр эмас эди. (Бу — миллий-озодлик ҳаракатининг тарихимизда ўталмай қолган ҳаққидир). Лекин юзага келган воқелик уни шунга мажбур қилди. Инкилобдан кейинги иккинчи ойдан бошлаб қизиб кетган бу қизғин жанглар асосан Туркистоннинг юраги бўлмиш Фарғона водийсида, энг қонлилари эса ўша давр Туркистоннинг «Масков»и бўлган Хўқандда бўлиб ўтди. Бу воқеалар ҳақида коммунистлар фирқасининг органи бўлмиш «Иштирокиюн» газетасидан олинган қўйидаги парчага диққат қилсак, унда ҳамон тарих қатлариде қолиб келаётган ҳақиқат сасини эшитиш мумкин: «Хўқанд воқеаларидан сўнг Фарғона мусулмонларига қилинган жабр-зулм, маҳаллий халқнинг динина, миллатина ва оиласина ясалган ҳужум ва таҳдидлар бу халқни динини, миллатини, оила ва номусини ҳимоя қилиш учун ишчи ва камбағал-факирлар душманларига қўшилиб, шўролар ҳукумати қарши «жиходи муқаддас» эълон қилурга мажбур этмишдир. Бунга Мадамин ва Эргаш шайқаларина қатнашгон баъзи фирқаларнинг ўзларина бергон исм ва олдиларига қўйгон шиорлари шохиддир. Бунинг ичинда халқни алдатув учун дин ҳам миллатни қурол этувчилар-да йўқ тугалдур, албатта. Лекин шунинг билан баробар дин ва миллат йўлида қурол ва қурбон бўлғонликларинда инкор қилурга ярамайду. Шу сабабли, Фарғонада бўлгон исёнларни ҳар ҳолда оддий бир босмачилик ва ёхуд аксилинкилобчилик дебгина атаб бўлмай. Балки халқ исёни ва маҳаллий ҳукуматнинг халққа қилгон жабр-зулмидан бош кўтарилгон авом ихтилоли деб атарга тўғри келади ва ҳатто бу воқеаларни рус тарихида бўлгон Пугачёв ва Истипан Разин воқеаларина ўхшатишга ҳам ярайдир. Пугачёв ва Разин ўз орқаларина қанча одам йиқкон бўлсалар, Мадамин ва Эргаш ортинда ҳам шунча одам бордир. Бунинг ичинда юрт-ериндан ва оиласиндан ажралгон бечора ишчилар ва камбағал фуқаро-да йўқ эмасдир» (1920, № 34). Туркистон тарихининг энг машғум кунларидан бўлган Хўқанд фожеалари большевикларнинг «тинч халққа сулҳ, бахт ҳам тинчлик» бериш шиори остида Туркистон мухториятини, унга аҳд берган ўн минглаб мусулмонларни тигдан ўтказув сиёсатининг маҳсулидир. Бу воқеаларни бир гуруҳ бойлар ва реакцион уламоларнинг шўролар ҳукуматига қарши ясалган аксилинкилобий фитниси деб тарих ёзганлар нима учундир «1918—20 йилларда Фарғонада оққан, хиди Тошкент, Самаркандларни эмас, Масков, Ленинградларни ҳам тугиб кетган ҳақли на ҳақсиз қонларни» (Чўлпон), улар ҳақидаги ўша йиллар газета ва журналларни кўмиб юборган қуйидагига ўхшаш ҳақиқатларни халқдан яширадилар: «Туркистон мухториятининг миллат мажлиси ила муваққат ҳукумати ўтурғон Хўқандда 30 январ ила 10 феврал орасинда қизил гвардия ила мусулмонлар ўртасинда ғоят қаттиғ ва қонли урушлар бўлди. Ниҳосинда қизил гвардия тўп, пулимёт ва тўфанг ила мухторият тарафдорлари мусулмонларни тору мор келтириб, ша-

харни ўз қўлига олди... Ҳозир Хўқанднинг мусулмон тарафинда ёнмагон, зарарланмагон юрт йўқ даражада экан. Бошда бик кўп бинолар, жомеъ ва мадрасалар, чорсу ва магазинлар тўп ва пулимётлардан зарарлангонлар. Сўнгдан бир қисм ўсаллар, балхаса, арманлар тарафиндан таланиб, ёндирилгонлар. Бир қисм ўсаллар ҳар ховлига от-ароба билан кириб, мусулмонларнинг ҳама мол ва ашёларини туйаб олиб чиқгонлар. Ичинда бўлгон жон асарин ҳамасин ўлтурғонлар. Ондин сўнг кирисин сеппи ва ёхуд «дору» солиб, ўт таратгонлар... Бу воқеалардан Хўқанд шахри даҳшатли бир манзара ташкил этгон. Эски шаҳарнинг учдан бир улуши тамомила хароб бўлгон. Ҳар ерда ўликлардан товлар ҳосил бўлгон. Оларнинг бир улуши ёниб кўмирға айлангон. Хароботнинг кўринишин тасвир қилиб етирирга мумкин эмас... Ҳозир Хўқандда ўн мингларча кишилар уйсиз, кийимсиз, ошсиз қолдилар. Улганларнинг сони-хисоби ҳозирча маълум эмас. Хўқанд халқи бунларнинг сониин ўн минглар тийрасинда ҳисоблай экан. Шунинг ўстина хибс этилгонлар бор...» («Улуғ Туркистон», 1918, № 68). Ярим асрлик орузи бўлмиш эрк, мустақиллик тилаган халқ бошига солинган бу даҳшатли киргин манзараси Ватанини очик кўз билан севгучи қалбларда абадий муҳрланиб қолди. Чўлпон қалбининг қайғу ва ҳасрат дафтари худди мана шу Фарғона кўкини тугган, бутун Туркистонни ларзага келтирган қатли ом лаҳзаларидаги фарёдлардан бошланди. Унинг кўз ёш булоғи Фарғона заминини ғарқ бўлган ҳақсиз қонлар, беғуноҳ жонлар йўқловиде очилди. Мана шу фожиалар унинг созиға марсия оханги, фарёд лисонини берди. Шу зайл, «қабликка ўхшаб, чирик ва ўликлар исига тўлган» юрт тупроғида ғўрстон зулмати чўккан юрагини чангаллаб қолган шоирнинг тубсиз ҳасрати ифодаси бўлиб, «Бузилган ўлкаға» шеъри дунёға келди...

Бу шеър ўзбек шеърятинда Ватан ҳақида ёзилган энг гўзал, энг қайғули, энг мағрур ва энг мардона шеърдир. Чўлпон 1920 йилдаги бир шеърда:

**Кўнгилдаги муҳаббатнинг учқунин,
Хаёлимнинг бир бурчида беркитдим.
Ул учқунинг кучлигидан сийнамда
Ҳеч тузалмас, оғир яра бор эдим,**

деб ёзганди. Бу шубҳасиз, юрт, Ватан муҳаббати эди. Уни кўп вақт хаёлидагина ардоқлаб келган шоир бу ботиний эркинликка қарши исён кўтарди. Ва «Бузилган ўлкаға» шеърда ана шу улкан муҳаббат бор бўй-баста билан намоён бўлади. Унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир белгисиде шу чексиз муҳаббат қайнаб-тошади. Ана шу муҳаббат оловидан сачраган учқунлар наъра бўлиб отилади:

**Эй, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,
Нима учун бошингда қуюқ булут, кўланка?**

Ватан ҳақидаги бу қайғули қўшиқ энг авж пардадан бошланади. Шунинг учун унинг илк байтини тўғри тушуниш — шеърдаги тубсиз ҳасратни, дилўртар сўроғлар жавобини илғашга замин бўлади. Таъбир жоиз бўлса, шеърнинг тилсимини очадиган қалит ҳам айнан ана шу илк байтда пинҳон. Биринчи мисрадаги «кўкларга салом берган тоғлар» ўлкаға нисбатан сифатлаш бўлиб қолмасдан, мустақил образ ҳамдир. Юқсак, осмонўпар тоғлар — ўзбек адабиётида хамиша улғворлик, мағрурлик, мангулик тимсоли бўлиб келган. Шеърда бу образдан келиб чиқадиган биринчи маъно ҳам шу. Қолаверса, инсоният тарихида ўтган буюқ даҳолар ҳам энг аввало юқсак тоғларга қиёсланганки, шеърда бу образ ушбу маънони ҳам ифода қилади. Тоғлар образини бундай талқин қилишга Чўлпоннинг «Улуғ хинду» мақоласида Р. Тагорни «Жимолай тоғлари қадар ҳайбатли ва улуғ» деб таърифлаши ҳам имкон беради. Демак, Чўлпон «Эй, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка» дер экан, бу билан у бир пайтлар тоғлари мисол улғвор, қадди тик, мағрур, енгилмас бўлган, «Бир замонлар ер юзинда ўз бошли, Улуғ, шонли маданият тугадирган» даҳолар бешиги бўлмиш қадимий юртга, унинг эгаларига хитоб қилмоқда. Бирок шоир Ватани ўтмишини шунчаки кўз-кўз қилиш ниятида қўлиға қалам олмаган. Бунинг сабаби аён — шу муқаддас юрт кўкида қора булутларнинг қундан-қун қуюқлашаётгани, унинг истиқболини тўсаетгани шоир хотирасини жунбушга келтиради, жонини ўтарга ташлайди. Хўш, юрт осмонини қоп-

лаган куюк булут, кўланка нима? Айтиш керакки, бу образ 20-йиллар ўзбек шеъриятида энг кўп қўлланилган, ҳамда ўша давр Туркистон вокелигига энг мос тушадиган образдир. Табиатда кўни қора булут коплаши ундаги мувозанатнинг бузилганлиги, зулмат тантанасидир. У заминни илохий адолат тимсоли куёш жамолдан маҳрум қилади. Бу ходиса бадий образга айланар экан, шубҳасиз, шу мазмун устига ижтимоий маъно ҳам кашф этади. Инкилобдан кейинги Туркистон вокелигидан келиб чиқсак, бу образга юкланган бош мазмун — Туркистон турмушида адолатнинг қайта кўмилгани, ундаги ижтимоий мувозанатнинг такрор бузилганини ифодалашдан иборатдир. Бунинг устига куюк булутни кўкка, ҳақиқатга интилган миллат қаршида пайдо бўлган ёвуз куч деб ҳам талкин қилиш мумкин. Бундай хулосага келишга Чўлпоннинг шу даврда ёзилган бир шеърдаги:

**Коп-қора дев каби булут йғини,
Коплаб олди яна куёш юзини,**

деган мисралари ҳам асос беради. Бу ходисага «яна» сўзининг нисбат берилишига диққат қилсак, унинг моҳияти чуқурроқ очилади. Чўлпон озгина илгар:

**Суюнингиз:
кўпдан бери зиндонда,
Куёш кўрмай эхлал қолган кўнгилар,
Чиқар кунлар этди сизга ундан-да,**

деб чин дилдан суюнган, «олдимизни тўсган булут парчаси, кучли бир ел қўриб, йиртилди», деб ишонган эди. Бирок, «кўринган туш, жимлайган алдас, чорлаган сароб» бўлиб чиққач, Чўлпон кўз ўнгида ҳақиқат — куюк булутлар моҳияти — уларнинг ўша эски қора булут лочинларининг кўланкаси, сояси эканлиги намоён бўлади. У эски булутлар эса юрт устига қулик, хўрлик, зулм чимматини ёпган рус босқинчилари экани аён. Шунинг учун шоир энг муқаддас, энг табиий ҳуқуқи — ўз ерига эга бўлмоқ истаги топталган, чикди деб ўйлаган куёшни ўз қонига бўялган, қоронғилик қаърига кўмилган ўлкага мурожаат қилар экан, шафқатсиз ҳақиқатга мос келадиган ана шу образларни қўллайди. Чўлпон тасвирлаган бу ҳақиқат турмушдан олинганига, у айтган кўланка ўша машъум Русия куллигининг кўланкаси эканлигига заррача шубҳа қолмаслиги учун шу ерда яна бир зум тўхтаб, тарихга мурожаат қилишга мажбурмиз. Зеро, Чўлпоннинг «оқ номига илинган қора занжир»ни буткул узиб ташлаш мажбурияти ҳам шунини талаб қилади.

«Иштирокиюн» газетасининг 1920 йилдаги 109-сонида «Шўролар даврими, мустамлакачилик даврими?» деган бош мақолада ушбу фикрларни ўқиймиз: «Оё, рус империалистлари кўлинда мазлум бўлиб келган мазлум Туркистон мусулмонлари бул уч йил ичда мазлумлар ҳукуматидан бир фойда қозона олдими? Йўқ. Охирда ҳақиқат маълум бўлдики, Русия шўролар аппаратининг бошида ўшал эски Русия императорлигининг генераллари, чиновниклари ўзларининг (махсус) амалиндан фойдаланиб, бечора ерли Туркистон халқини оти шўро (аппарати) бошида ўлтириб, панчўнтагизм, панрусизм йўли билан сўралар». Ҳукумат газетасининг бу фикрларини шу йили Туркистонга келган «Қизил Шарқ» поездининг сиёсий комиссари Сафаров ҳам тасдиқлайди: «Тўғриси айтганда, ҳозиргача Туркистонда шўролар ҳукумати қурилмаган. Ҳукумат тепасига рус колонизаторлари билан эски ҳукумат чиновник тўрлари, бойлар миниб олиб, ўз мақсадларига ишлаб, 95 фоиз халқнинг манфаатига ишламаганлар.» Инкилоб, большевиклар байроғи остида халқ бошига қора кунларни солган янги мустамлакачилар ҳақида Лениннинг «РКП (б)нинг Туркистондаги вазифалари тўғрисида МК қарори лойиҳаси юзасидан мулоҳазалар»ида қуйидаги фикрлар мавжуд: «Мустамлакачилик сиёсати билан кучли заҳарланган рус ишчиларининг фавқулодда нозик катламлари қўлида бўлган бу муносабатлар (қелгинда оврупаликлар билан ерли халқ ўртасидаги) совет ҳокимиятининг 2,5 йили ичда ижобий томонга ўзгарди эмас, аксинча, энди миллий зулмдан қутулдим деб ўйлаган маҳаллий аҳоли томонидан чоризм агентлари хатти-ҳаракатларининг давоми деб қабул қилинган, моҳият эътибори билан ҳам худди шундай бўлган ажабтовур «коммунистик» ҳаракатлар туфайли янада кескинлашиб кетди». Ана шу «ажабтовур «коммунистик»

ҳаракатлар»ни очик кўз, уйғок хотира билан кузатиб турган Чўлпон Туркистон келажаги бу ҳаракатлар оқимида қай тарафга кетаётганини чуқур англаган ва бу машъум оқимни ҳақ йўлига буриш илинжида нолалар қилган. Унинг овозида Ватаннинг забонсиз хилқатларидан тортиб, забун инеонларигача — барчанинг ғаму хасрати, йиғи саслари, уларнинг зўрликлардан безган товушлари қўшилиб, фавқулодда фожей бир оханг касб этади:

**Салқин сувлар тоғдан қуйи тушаркан,
Томчилари ёмғир каби учаркан,
Нима учун йиғлар каби инглайлар?
Ёв борми? деб тўрт тарафни тинглайлар?
Табиатнинг ўтини йўқ ўтида,
Шарақ-шарақ қайнаб чиққан булоқлар
Хар қоронғу, кўрқинч туннинг бетида
Шифо истаб келмасин дер кўноқлар!
— Бу нега?
— Айт менга!**

Шу тарзда шеърга зулму зўравонликлардан ингранаётган табиат овози кириб келаркан, шоир унинг тили билан илк байтдаги куюк булут, кўланка образларини янада ривожлантириб, уларнинг моҳиятини ошқор қилиб боради. Бу образлар ўз борлигини очик намоён қила бориб, шеър давомида юрт тупроғини қонга ботирган, унинг кўм-қўқ гўзал ўтлоқларини топтаган, тоғ-тошларда ўйин қилган гўзал қизлар, ёш келинларни, юрт эгаси сор бургутларини қиличдан ўтказган, еру кўк, элу юртни ҳароб қилган ваҳший ёвга, зулмат дарақчиси — чақирилмаган кўноққа айланади. Агар биз истикболи булут остига қирган эл муножотини қозоғга тушираётган шоир қалбини, унинг сатрлар орасидан силкиб турган юрак қонларини кўра олсак, кўз ўнгида шафқатсиз ҳақиқат қаршида минг бор ўлиб-тириляётган улуг бир руҳ пайдо бўлади. Ватан деб ўртанаётган бу руҳ сатрлар бағрига ана шу ҳақиқатнинг яланғок сувратини солади:

**Сенинг каттик, сирт бағрингни кўп йиллардир эзганлар,
Сен безсанг-да, қарғасанг-да кўкрагингда кезганлар.
Сенинг эркин тупрогингда ҳеч ҳақки йўқ хўжалар,
Эгасини бир қул каби қизғонмасдан янчалар.**

Бу ҳақиқат ўз сийратини-да аниқ-тиниқ кўрсатишда давом этади. Қуюк булутга нисбатан «ёв», унга нисбатан эса «хўжалар» ифодаланаётган моҳиятнинг конкретлашувини таъминлаётган, тобора кульминацияга кўтарилаётган образлардир. Шу сабаб «хўжалар» дастлабки образларнинг маъно-мундарижасини ҳам ўзинда мужассамлаштирган сермаъно образдир. Улар — эркинлик истаган бўйинларга қишан солиб, ҳалокатга судровчи, бошқаларни тубанлар деб атовчи, «озод бўлсин бу ўлка, кетсин унинг бошиндаги кўланка» деган юрт кўкида баттарроқ қуюқлашаётган қора булутлар. Жаннат каби тупроқ гўдақларни ёстағувчи, имонларни топтағувчи ёвларнинг, унда ҳеч ҳақки йўқ хўжаларнинг ифлос оёқлари остида эзиллаётгани шу тахлит ўз борлигини тўлиқ намоён қилгач, шоир руҳида бу ҳақсизликка қарши исён жўш уради, томирида кўзғалишининг ваҳший қони кўпиреди:

**Нега сенинг қалин товшинг «кет» демайди уларга?
Нега сенинг эркин кўнглинг эрк бермайди қўлларга?
Нега тағин танларингда қамчиларнинг қулиши?
Нега сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши?
Нега ёлғиз қон бўлмишдир улушинг?
Нега бунча умидсиздир турмушинг?
Нега бунча кўзларингда туташувчи олов йўқ?
Нима учун тунларингда бўриларнинг қорни тўқ?
Нима учун ғазабингни уйғотмайди оғу-ўқ?
Нима учун борлигинда бу даража бузғунлик?
Нима учун ўч булутти селларини ёғдирмас?
Нима учун куч тангриси бор кучила солдирмас?**

Бу сўроғлар бир пайтлар кўксига ўзлик туйғуси, миллий гурури, душманга нафрати собит бўлган, энди эса шоир кўз ўнгида уларни йўқотаётган халқда шу юксак туйғуларни асраб қолишга зор қалбнинг нидалари. Бу мўъжизага фақат ҳақиқатгина қодирлигини англаган шоир юракларда сўнаётган ўч оловини алангалантиришга интилиб, юрт бошига шу кўрғунлик-

ларни солган ёвуз кучларни фош этнишни кучайтира бориб, уларни бўрилар дейиш билан ҳақиқатни тасвирлашда ўзига хос кульминацияга эришади. Никоб остидаги бу «бўрилар»нинг юрт тупроғида изгишидан мақсадлари аён:

**Биламизким, «озодлик» деб бақирган, шовкин қилган
Бўриларнинг оч кўзлари олтин тўла ерларда.**

Уларни «бўрилар» дейиш билан Чўлпон ҳақиқатнинг бошқа бир жиҳатини ҳам тан олишга мажбур: ўз тупроғида оч бўриларга истаган ваҳшийликларини қилишга йўл берган, ўз қони билан уларнинг қоринни тўйдириб юрган халқ — кўйдаи ёвош, кўкрагида номус олови ўчган, ғазаби ўлган... Шунинг учун юқоридаги исёнкор сатрлар фақат юрт душманларига нафрат сочиб қолмасдан, унинг муте эгаларига ҳам таъна-армон селларини ёғдиради. Бир пайтлар Некрасов «халқ ҳадсиз истибод остида ухламоқда, у ўқдан кўркади, маърифатга кўл чўзмайди», деб афсус-надомат қилганди. Чўлпоннинг шунга яқин бу ўтли гиналари, армонлари шу мудрок халққа бўлган чексиз муҳаббатнинг, уни уйғотишга, ўзлигини англаштишга бўлган кучли иштиёкнинг меваларидир. Чўлпоннинг ана шу жиловлаб бўлмас иштиёк турткисида «Нима учун ўч булут селларини ёғдирмас, нима учун куч тангриси бор кучила солдирмас», деб хайқариши бугун кимларнидир чўчитиши аниқ. Негаки, уларнинг тили билан айтганда, Чўлпон халқни шўролар ҳукуматига қарши қўлга қурол олишга чорлапти! Биринчидан, биз бу даъватни бугунги кун дунёкараши билан баҳолашга минг бор ҳақсизмиз. Уни бугун яна шоир «миллат болаларини қурол ушлаб, босмачиликка қўшилишга, тоғ-тошларга чиқиб кетиб бўлса ҳам, душманга қарши курашишга ундайди» деб сохта тарих мақомига солиш ўтмишга нисбатан жиноят, келажакка нисбатан эса оқлаб бўлмас хиёнатдир. Иккинчидан эса, инқилобдан кейинги Туркистон воқелигидан келиб чиқсак, ўлкада биз тушунадигандаки инқилоб ҳам, биз тахмин қиладиган шўролар ҳукумати ҳам бўлмагани, фақат «йиқилган истибод декорацияси ўзгача тузилгани» (Чўлпон) ойдинлашди. (Буни ахир Ленин партияси тан олганку!), Хўш, шундай шароитда Чўлпоннинг ўз халқини уни тағинда кулликка судраётган хўжаларга, қонини сўраётган бўриларга қарши қўлга қурол олишга чорлаши шунчалар катта ғуноҳми? У бундай шароитда халқни исёнга даъват қилмай, уни янги кулликка кўникишга ундаши, ўзи эса янги кулликка мадҳиялар битиши керакми? Бундай дейиш, шубҳасиз, бугунги кун манқуртларининг гапи. Бирок асл шоир учун ҳақиқат ҳамма нарсадан, ҳатто ўз ҳаётидан-да муқаддасроқдир. Шу боис Чўлпон бутун дунё мазлумлари бир овоздан:

**Кўзгал лаънат-ла тамғаланган,
Куллар ва очлар дунёси!
Озодликка эришмоқ фақат
Ўз кучимиз-ла бўлур,**

деб куйлаётган бир пайтда ана шу буюк жўрга қўшилди, куллар дунёсини исёнга ундади...

Шеър ўз финалига яқинлашар экан, шоирнинг юрт кўксидан «ағдарилган, йиқилган оғир тожининг захар ўқи»ни олиб ташланишига бўлган ишончи сусая боради. Бу бежиз эмас эди, албатта. Аста-секин дини, миллати, номусини химоя қилиш учун қўлга қурол олган халқ дарё бўлиб оққан қонлардан, таъқибу хибслардан саросимага тушиб, эътиқод — аъмолидан орта чекинишга, тўпу пулемётлар оғзида «бахт келтирган»ларга бўйин эгишга бошлади. Очлик, яланғочлик, улар ортидан келган турли балою офатлар чағғалига итқитилган халқни бора-бора, Ж. Неру ёзганидек, мавҳум миллий орзулардан кўра, очликдан азоб бераётган ошқозонини қандай тўлдириш фикри кўпроқ қизиктира бошлади. Тоғу тошларга чекинган миллий-озодлик ҳаракати ҳам кўп ўтмай ўз моҳиятини ўзгартира бошлади. «Жиҳоди муқаддас» номи остида бошланган бу исёд бошига кейинчалик Успенский, Монстров, Муханов каби ашаддий собик чор мустамлакачилари чиқшидики, бу ҳам нон эмас, эрк сўраган сўнги ботирларни жангсиз таслим бўлишга мажбур қилди. Лекин Чўлпон буткул умидсизликка ҳам тушгани йўқ. У «ҳақ йўли албатта бир ўтилғуси» деб ишонгани учун бундай таслимчиликка кўника олмайди. Зеро, ҳар қандай исён бу — умид маҳсули. У:

**Нима учун ёвларингни бир замон,
Йўқ қилгудай темирли ўч йўқ сенда —**

дер экан, таназулга юз тутаетганлар кўксига ўтмиш шавкатидан олов ташлашга интилади. «Тирикларда улугворлик йўқ экан, бизга улуг қабрлар керак!» деган эди Некрасов. Чўлпоннинг юқоридаги янглиғ наъра тортиши — кенглик ҳаёллари кўнга учаётган, бутун умидларни ёвлар кўмаётган дамдаги сўнги илинж, сўнги талпиниш эди... Энг авж пардадан бошланиб, муҳаббат, нафрат, ўч, ғазаб оҳангларига йўғрилиб оққан бу исён кўшиғи охирда яна энг авж нуқтага кўтарилади — юрт тақдирини қутқаришни унинг асл эгалари қаршида очик қолдиради:

**Эй ҳар турли қулликларни сиғдирмаган ҳур ўлка,
Нега сенинг бўғзингни бўғиб ётар қўланка?**

...Бу адалли ҳақ фарёдини ютиб юборган каттол замон, Чўлпон созини-да, жисмини-да маҳв этди... Лекин Чўлпон ҳамиша «кўксидан қисилиб чиққан наъралари ухлаган дилларга силжиб оқиниши, оҳининг ўтидан чиққан шуъалари халқи кўксидан бир кун келиб жой топиниши, даҳшатли фарёдлари одамлар қалбида буюк-буюк ўзгаришлар вужудга келтиришини» орзу қилиб ўтди. У гўзал қунларга қачон етиш эса сиз билан бизнинг — яна уйғошига шайланаётган миллатнинг ўз кўлимизда. Ахир, фурсат келмайди, келтирилади-ку!..



ТАНИШИНГ: ЗАМИРА ЭШОНОВА

Замира Эшоновна асли Бухородан. Яқинда Тошкент дорилфунунининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битирди. Кейин эса аспирантурага кирди. Замира талабалик чоғидаёқ илмга ташналиги, кўп нарсани билишга интилиши билан ажралиб турарди. Айниқса, у ҳар бир муаммонинг тағига етишга ҳаракат қилар ва бу йўлдаги қийинчиликларни бардош билан енгилга уринарди. Хуллас, Замирада ҳақиқий олима бўлиш учун зарур сифатлар — тиришқоқлик, меҳнатсеварлик ва энг муҳими — мустақил фикрлаш, масалаларга янги жиҳатдан ёндашиш мавжуд эди. Яна бир муҳим гап — Замира мавжуд фикрларга танқидий қарашдан чўчимас, «катталар» билан баҳсга киришишдан қочмасди. Мен унинг илмий раҳбари, бироқ у ҳатто илмий раҳбарининг фикрларига зид фикр айтишдан ҳам чўчимайди. Замира ҳозир Чўлпон шеърини устида илмий иш олиб бормоқда. «Ҳақ йўли, албатта, бир ўтилғуси» мақоласи ушбу масъулиятли ишнинг дастлабки мевасидир. Унда «Бузилган ўлкага» шеъри ҳам нозиклик, ҳам жасорат билан ҳаққоний таҳлил қилиб берилган. Мақола шу жиҳатдан шеърнинг аввалги тадқиқларидан мутлақо фарқ қилади.

Чўлпон шеърини ҳали олимлар томонидан кашф қилинмаган буюк бир қитъа! Чўлпон буюклигини кашф қилишда Замирага муваффақиятлар тилаймиз. Илмнинг машаққатли йўлларида ёш мунаққидни Чўлпоннинг руҳи қўлласин!

**Озод ШАРАФИДДИНОВ,
профессор, Беруний мукофоти совриндори,
Жумҳуриятда ҳислат кўрсатган фан арбоби,**

Исмоил Тўлаков



Буфрини бозмагим
ўтми, курашга

Темурийлар

Тождорлари, тожсизи — бари,
Ҳарб санъатин ўрганиш-ла тене
Она сўзга — назм оламига
Ҳисларини оча олган кенг.

Беш асрким, баҳс давом этар,
Беш асрким топилмас жавоб—
Килич билан зафар қучганлар
Нечун шеърни қилурлар тавоб?

Бири деди:— Шухрат, шон учун,
Бири деди:— Шунчаки ҳавас,
Сўзу тигни тенг қўймоқ учун
Кашф этилган бир ҳийла холос.

Тун ила тонг, заҳару асал
Доим жуфт-жуфт келгандай, дўстлар,
Темурийлар руҳиятида
Қамти турган қиличу ғазал.

Улар нодон, доғули эмас,
Бошқарса ҳам юртни кўз билан,
Тиг-ла топган гуноҳларини
Ювиб юрган она сўз билан...

Гуноҳлар тасбеҳи

Гуноҳлар тасбеҳи қўлингда,
бир-бир ўтказасан тошларин.
Уни юволмайди,

оқизиб кетолмас йўлингдан
шашқатор ёшларинг.

Гуноҳлар тасбеҳи қўлингда,
узукка кўз каби... ярашар.
Беғуноҳлар гуноҳларингга
Бутун вужуди-ла қарашар.

Мен жим кетаяпман

Мен жим кетаяпман.
Оёғим сўзлашар сўқмоқлар билан,
Излар қолар маънос сўроқлар билан...
Ложувард осмон чиқар йўлимга
қўлида турфа хил чироқлар билан.

Мен жим кетаяпман...
Дарахтлар сўроққа тутмоқ бўлади,
Шамоллар кўксимни титмоқ бўлади,
Зулмат-чи комига ютмоқ бўлади,
Печакгул йўлимда сиртмоқ бўлади.

Мен жим кетаяпман...
Нур каби чийрилган садолар билан,
бир инжа, бир мунис наволар билан
кўзларим илоҳий имолардан лол—
сўзлашиб боради самолар билан...

Мен жим кетаяпман. Тинчимни бузма.
Изим — гулларимни топтама, узма.
Мен-ку йўқотганман ажодим изин,
болам йўқотмасин изимни... Эзма!

Мен жим кетаяпман...

Нидо

Ёрилгин деб қанча нидолар қилдинг,
ўзингни бу йўлда фидолар қилдинг.

Ёрилмади тошлар, туравердинг тек,
бағрига олмади мунис онадек.

Мунча ўртанмасанг, азизим, мунча,
шу тош арзирмиди аслида мунгга.

Тошлар турфа хилдир. Очгил кўзингни,
қай бирига айтган эдинг Сўзингни?..

* * *

Ширин тушлар кўрасан... Албат
ушалади ушалмас орзунг—
ўғлинг бўлар паҳлавон келбат.

Тоғни уриб талқон қилади
Сен томонга отилган тошга
кўкрагини қалқон қилади.
Шодлигидан йиғлайди дарё...

Тушлар сени алдаса ногоҳ,
учиб кетса, кетса гар учиб
кўксингдаги оққуш баногоҳ—

Ушалмаса орзуинг... Албат
мен қайтадан дунёга келиб,
ўғлинг бўлгум паҳлавон келбат...

Шухрат Деҳқон



қалдирғочлар қайтмаган баҳор

Ҳикоя

Термизга келиб тушишганига уч кун бўлди. Шаҳар жуда иссиқ экан. Ҳали саратон бошланмай қуёш шунчалик тафтига олган, нақ «ёндираман» дейди! Йигитларнинг чекига Афғонистон тушибди, беш-олти ой машқ қилишгач, ўша ёққа олиб ўтиб кетишаркан. Командирлар шундай деди.

Уйдан чиққанларига бир ҳафтадан ошибдики, Муҳаммаднинг кўнгли ғаш.

«Ҳаммани ота-онаси кузатиб қолди, менинг шўрлик бувим бўлса...» У ҳамон ўзини кузатгани вокзалга ҳеч ким чиқмаганидан ўкинardi.

Бу ҳам майли-ку, бир йилдан бери бувиси хаста, тўшакка михланиб қолган. Ётган ерида кўз-

ларида филт-филт ёш билан узатиб қолди уни.

— Худоё ой бориб омон қайт, болам,— деди шикаста товушда.— Келгунингча борманми, йўқми... Омонатимни топширсам, мендан рози бўл. Узинг тепкилаб-тепкилаб кўмарсанми дедим. Шу ниятда не-не қийинчилик билан катта қилувдим, афсус... Майли, бориға розиман, болам. Омон қайтсанг, бас. Шу уйда менинг, ота-онангнинг чироғини ўчирмай ўтирсанг бўлгани...

Ҳеч қутилмаганда чақириб қолишди уни армияга. Маҳзунани кўришга ҳам улгуролмади. Қизга айтадиган анча-мунча гаплари бор эди-я, эсиз. Роса хафа бўлгандир ундан, хайрлашмасданоқ кетворибди, деб...

Келганларининг эртасигаёқ бошланди хизмат. Қийин экан жуда. Тағин ҳам булар оддий машқ, холос. Эртадан кечгача белларига зил-замбил темир-терсак, елкаларига яроғ осиб туядек лўкиллаб тоққа чиқишади — пастга тушишади, тилларини осилтириб тинмай югуришади, тошдан тошга сакрашади, ерга ётиб илондай судралишадими-ей...

Командир тепаларида туриб буйруқ қилгани-қилган. Бирон гапини тушунишмаса бўралаб сўқади.

Аксига олиб куннинг ўтиши ҳам бир қийин... Бирпасда йигитнинг жонига теғди хизмат. Кўз олдида тўшакда мўлтираб ётган бувиси жонланаверди. Ким қараптийкин унга? Елғиз қолди-я, шўрлик. Саломат бўлса ҳам майли эди. Ноинсофлар қулоқ солишмади-я, унга. Ҳарбий комиссарликдаги лейтенант кўзини лўқ қилиб: «Армиядан қочясан, кўрқоқ!», деди. Бошқалар олиб қолди-ку, эркатойларини! Унга қолса афғон тугул ундан нарига ҳам бораверарди-ку, бувиси...

Муҳаммад бувисининг қўлида тарбияланган. Кампирнинг айтишича, ота-онаси магазинчи бўлишган экан, фарзанд кўрмай юриб-юриб охири Муҳаммад туғилган, лекин кўп ўтмай фожиа юз берибди. Магазинни туйқус тафтиш босиб, мирдан сиригача текширибди. Жуда катта камомад чиқибди.

— Ун кун ичиди пулни топиб, жойига қўймасанг, эр-хотин икковингни қамоқда чиритаман,— дебди тафтишчи дадасига. Нима қиларини билмай, ҳали у қариндошиникига, ҳали бунисиникига югурибди у. Бироқ уруғ-аймоқлардан ҳам, ошана-оғайни, қўни-қўшнилardan ҳам ҳеч ким ёрдам бермабди. Охири дадаси тафтишчининг остонасига бош уриб, кўз ёши тўкиб ялиниб-

ёлворибди. У аблаҳ ҳам, майли, ёпти-ёпти қилиб юбораман, мунча берсанг бўлди,— деб оғзига сиққанича сўрабди. Шунда нима қиларини билмай, боши қотган дадаси уйга келиб оғилхонага ўзини осиб қўйган экан.

Айтилган муҳлат тугаб, азадор онасига суддан чақириб қоғози келибди. Шундоқ ҳам адоий тамом бўлган онаси овози борица дод дебди-ю, ҳушидан кетиб йиқилибди. Бўлак қайтиб турмабди...

Афғонга олиб ўтишганига ҳам уч ойдан ошди. Қандаҳорда, тоғлар орасида жанг қилишяпти. Жуда хавфли жойлар, ажалнинг ўзи ортингдан қувиб юради. Ҳар қадамда пистирмага дуч келиш ҳеч гапмас.

Муҳаммад бир неча бор разведкага ҳам бориб келди. Босмачи дегани худди ўзининг қишлоғидаги чолларга ўхшаш саллали, серсоқол кишилар экан.

«Тавба, уларга нима зарил?— деб ўйларди у ҳар сафар.— Болачақаси билан уйда тинчгина ўтиришса бўлмасмикан?»

Жанг пайтида ҳам сира уларни отгиси келмайди, беихтиёр ҳам-қишлоқлари тушаверади ёдига. Лекин отмаса ўзининг ҳолига вой-да. Босмачи курғур ҳам аяб ўтирмайди.

Кечаги қирғин-барот жанг тун ярмидан оққунча давом этди. Муҳаммад энг яқин сирдоши, ҳамюртидан ажралиб қолди. Шу тун мижжа қоқмади. Ёдига бувиси тушиб, баттар сиқилди. Юраги бир нимани сезгандек безовталанаверди. Кўз ўнгига фақат биргина манзара: ўша, сувоқлари кўчиб, чўкиб қолган уй, нурсиз кўзларини шифтга қадаб, бир коса иссиқ овқатга зор бўлиб ётган бувиси...

Бугун Жобирдан хат келди. Оҳ!!! Бувиси, шўрпешона бувиси... Улганини уч кунгача ҳеч ким билмабди-я! Мурда айниб, ҳид тарқалгандан кейингина хабар топишибди. Бағритошлар, бемеҳрлар!

Муҳаммад ўкириб-ўкириб узоқ йиғлади...

Умр жуда шошқин-да. Кунлар, кунлар кетидан ҳафталар ва ойлар бир-бирини қувалашиб ўтаверди. Бора-бора Муҳаммад ҳам шароитга кўникди. Бугун жуда ёмон бўлди-да. Босмачилар қишлоққа яшининг экан, уларнинг касрига аҳолиниям катта демай, кичик демай қириб ташлашди. Буйруқ шу бўлганидан кейин бажаришлари керак-да. Қани, бажармай кўр-чи! Жангдан сўнг почталыон келди. Яна Жобирдан мактуб... У бугун навбатчи эди, хатни чўнтагига солди-

да, шоша-пиша шериги билан бирдонларни БТРга юклаб, йўлга тушди. Сув келтиришлари лозим эди.

Тош ётқизилган сўқмоқ йўлдан ярим соатлар чамаси юришгач, ниҳоят, анҳор кўзга ташланди. Муҳаммад энгашиб бидонни сувга ботирганини билади, бўйнидан икки дағал қўл бўғиб, судраб кетди. БТР ёнида шериги қип-қизил қонга беланиб, бақрайиб ётарди...

Босмачилар орасида ўзбеклар ҳам бор экан.

— Қаерликсан?— деб сўради тўрида ёнбошлаб ётган чўққисоқол.

— Ўзбекистондан...

— Мусулмон бўлсанг керак?

— Ҳа...

— Исминг нима?

— Муҳаммад.

Утирганларнинг ҳаммаси бир бирига қараб, маъноли кўз уриштириб олишди.

— Ҳм... Мусулмон бўлсанг, бир калима келтириб юбор-чи?

Муҳаммаднинг дили ёришди. Буви унга эскичадан анча-мунча сабоқ берган, ҳар гал уйку олдиан уч-тўртта калима ўгириб ётарди у. Вужуди қалтирашдан тўхтаб, қандайдир дадиллик сезди. Ўзини босиб, қироат билан «Алҳамду»ни ўқиб берди.

— Хў-ў-ўш, яхши... Нега мусулмон бўла туриб ўрусларга хизмат қиляпсан?

— ...

Орага ғалати жимлик чўқди. Муҳаммаднинг тили калимага келмас, жамики нигоҳ унга қадалган эди. Чўққисоқол киши (афтидан, бошлик бўлса керак) ўрнидан туриб ўтирди-да, ёнидаги мўйсафиднинг қулоғига алланималар деб шивирлади.

— Сиз нима десангиз — шу-да, пирим,— деди сўнг овозини баландлатиб. Эшоннинг имоси билан пойгакдаги икки дароз йигит уни қўлтиғидан ушлаб, ташқарига етаклади. Орадан бир пиёла чой ичгудек вақт ўтди. Муҳаммадни яна ичкарига олиб киришди.

— Гап бундай,— деди эшон салмоқлаб,— сенга ҳеч қандай жазони лозим топмадик. Сабаби, исминг Муҳаммад экан. Бизнинг пайғамбаримизга эътиқодимиз кучли... Лекин доим шуни ёдингга тут ҳеч қачон одам зотига ўқ отмайсан. Қурол ўқталсанг ўзингдан кўр. Худонинг қарғиши жувонмарг қилади.

Муҳаммаднинг юраги ҳаприқиб кетди, бироқ севинчини ташига чиқармади.

— Бора қол энди. Пешонанг ярқираган экан. Сени Муҳаммад

пайғамбарнинг руҳи сақлаб қолди.

У озод бўлганига ишониб-ишонмай, отиб қўйишмасмикин, дея ҳадиксираб тоғдан туша бошлади. Гўё ҳозиргина гувоҳи бўлган воқеалар тушдек...

Казармада дастлаб ҳамюрти Акбарни учратди. У ҳаммомдан чиқиб келаётган экан.

— Акбар!— Кучоғини очиб у томонга юрди.

Муҳаммадни кўриб, Акбарнинг авзойи бузилди.

— Соткин,— деб тўнғиллади-да, бурилиб кетди. Йигитнинг қўллари ҳавода муаллақ қолди. Қилиб қўйган ишининг даҳшатини ҳис қилди. Боя қутулганига шукр қилиб, бу ёғини уйламабди...

— Нима қилиб қўйганингни биласанми?— дея ўшқирди командир.

— Ҳали ҳамма сирларимизни ошкор қилиб келган чиқарсан?! — Улар мендан бунга сўрашгани ҳам йўқ, ахир.

— Бу эртагингни онанга айтасан! Тайёр «тил»ни ҳе йўқ бе йўқ қўйиб юбораверар экан-да. Билман уларни, анойи эмас.

— Олег Митрофанович, рост айтяпман, ҳеч нима сўрашмади мендан.— Унинг кўзлари ёшга тўлди.

— Унда нега қўйиб юборишди, а?— дея хунук тиржайди командир.

Муҳаммад ҳаммасини қайтадан сўзлаб берди. Барибир командирнинг ишонмаганини сезиб, ичидан зил кетди.

— Истасангиз, қасам ичишим мумкин. Агар шу гапларимда зигирча ёлғон бўлса...

— Хватит!— деди у столни муштлаб.— Қилғиликни қилиб, яна...— Муҳаммад бошини қуйи эгди.— Майли, ҳозирча юра тур. Яқин жангда исботлайсан ҳақ-ноҳақлигингни.

«Гап тамом» дегандек у дераза томон ўгирилиб, тамаки тутата бошлади. Қўли билан «чиқиб кетишинг мумкин» дея эшикни кўрсатди...

Муҳаммад яккаланиб қолди. Қуролдошлари унга ётсираб, жирканиб қарашар, қўйиб берса уни ғажиб ташлашга тайёр эдилар. Ҳатто энг яқин дўстлари ҳам ундан юз ўгиришди. Ошпазларнинг эса куни туғди. Унга ҳаммадан кам овқат беришади. Муҳаммад ўзининг сотқин эмаслигини исботлашга бир неча бор уриниб кўрди. Бироқ ҳар гал у бориб қўшилган давра ари инидек тўзғиб кетарди. Ягона умиди бўлажак жангдан эди.

Ниҳоят, разведкачилардан босмачиларнинг босқини ҳақида хабар олинди. Кеч кузак, ҳаво анча совиб қолган. Ҳамма буйруқни кутиб, шай бўлиб турибди. Муҳаммад қаттиқ ҳаяжонда.

Бирдан душман томондан ўқ учиб келди, улар ҳам жавоб қилишгач, аёвсиз жанг бошланди. Муҳаммад... автоматини кўлига олди. Бехос қалтирай бошлади, хаёлида мўйсафид жонланди.

— Ҳеч қачон одам зотига ўқ отмайсан, ҳеч қачон, ҳеч қачон...— Унинг овози қулоғи остида жаранглайверди.

Жанг эса давом этарди. Қаердан-дир бир дайди ўқ визиллаб учиб келдиго қаққайиб турган йигитнинг кўкрагига қадалди. Кимники эди бу ўқ, босмачиларникими, ўзимизникиларники — Муҳаммад англаёлмай қолди. Гурсиллаб ерга қулади...

Жанг тугагач, аскарлар ҳалок бўлганларнинг мурдаларини йиғиштириб ола бошлашди. Муҳаммаднинг жасади устига келгач эса қўл силтаб нари кетишди.



Мунаввар Фармонова

«Баҳор зеби олам бўлғай»

Алишер Навоий лирикасида табиат энг аввало чинакам ҳурлик таянчи, эрк салтанати сифатида улуғланади. Унинг ғазалларида табиат ва инсонни бир-бирдан ажратиб бўлмайди.

Айниқса, Навоий шеърлятида табиат фасллариға алоқа-дор намуналарни кўп учратамиз.

Баҳор — табиатнинг энг сўлим, гўзал фасли. Бу фаслда дала-боғлар яшил либосда, дашту биёбонлар ранг-баранг гуллар билан безанган бўлади.

Қирлар ол рангда қуёш билан ранг талашади. Шоир шунинг барчасини оламнинг зеби-зийнати деб таърифлайди:

То фасли баҳор зеби олам бўлғай
Ул зеб ила боғ сабзу хуррам бўлғай.

Шоирнинг сўзлари одамни табиат кўркидан завқланишга, уни бутун нафосати билан авайлаб асрашга даъват этади.

Шарқ халқларининг табиатга муносабати гулзор, бўстон, айниқса, боғ-чорбоғ тушунчалари билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам классик шеърлятида Боғ тасвирляриға кенг ўрин берилган. Унда Боғ фақат тасвир объекти эмас, балки шеърлий образ ҳамдир. Алишер Навоий поэзиясида бу образ воситасида жуда кўп фикр ва хилма-хил манзаралар ифодаланган.

Сарв озодимни боғ ичра хиромон истарам,
Сабзасин сарсабзу гул баргини хандон истарам, —

дейди шоир бир ғазалида. Бунда ёрнинг «боғ ичра» хиромон юришини ишташ — шунчаки орзу, ошиқона хаёл эмас. Балки табиат гўзаллиги билан инсон гўзаллиги орасидаги уйғунликни тасвирлаш ҳамдир.

Юзунг боғиға булбулдур Навоий,
Наво қилса, онинг овозидур бу.

Шоир ёр юзини боққа ўхшатиб, ўзини шу боғ булбули деб хаёл қилади. Боғ тушунчаси орқали Навоий фақат ошиқ билан булбул ўртасидагина эмас, «сунбул» ва «сарв» билан боғбон орасида ҳам ҳолат яқинлигини топади.

Хусн боғинда кўруб зулфу қадингни боғбон,
Чекти хижолат сунбулу сарви хиромони била.

Боғ тимсоли Алишер Навоийнинг юзлаб шеърляриға жуда гўзал ранглар бахш этгандир. Шоир боғ манзаралари ёрдамида ўзининг ишқий кечинмаларини, орзу-армонларини таъсирчан тасвирлайди. Бундай шеърларнинг тарбиявий аҳамияти ҳам катта. Уларни ўқиган кишида боғни севиши, боғни ардоқлаш туйғуси ўса боради.

Алишер Навоий инсоний ҳис-туйғуларни ифодалашда тез-тез табиат ҳодисаларига мурожаат қилиб, турли ранг ва оханлар танлаган. Чунончи, шоир ҳижрон ва айрилиқни табиат ҳодисаларига суянган ҳолда шундай тасвирлайди:

Боғ мендек сорғориб, булбул менингдак бўлди лол,
Гўё мундоқ бўлур бир гулдин айрилғонға ҳол.

Кўз фаслида боғларнинг, дарахт баргларининг саргайиши, атрофда сариқ ранг ҳукмрон бўлиши табиий. Боғнинг саргайиши лирик қаҳрамоннинг ҳолатига, яъни боғ саргайишидан булбулнинг фиғон чекиши ошиқ азобляриға қийёсланади. Демак, лирик қаҳрамоннинг боғ монанд саргайиши, булбулсифат афғон чекишиға унинг «бир гулдан айрилғон»и сабабдир.

Ердаги яфроғ ғарибу хоксор ар бўлмаса
Мен киби не важҳдиндур юзи сориг, ашқи ол.

Биз ҳаётда қизғиш, сарғиш баргларнинг ерга тушганини кўп кўрганмиз. Ана шу ҳол лирик қаҳрамон руҳиятини баён этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилган.

Сувғаким тушмуш қизорғон барглар кўрган киши
Кўз ёшим ичра бағир парзоласи айлар хаёл.

Лирик қаҳрамон таъкидича, сув юзидаги бу «қизарғон барглар»ни кўрган киши ошиқ кўз ёшлари ичра сузиб юрган бағир парчалари деб хаёл қилади. Сув ошиқ кўз ёшляриға, қизғиш барглар — юрак «пар косаси»ға қийёсланади.

Шоҳи Мажнундурки, урён бўлубон афғон қилур,
Барги Лайлидурки, нилу игна бирла қозди хол.

Ушбу байтда яланғоч дарахт шоҳларининг ҳолати мажнуннинг афғон қилишиға, дарахт баргляридаги қорамтир нуқталар — дона-дона ҳоллар эса Лайлининг гўзал холиға ўхшатилади.

Ҳажр аро оҳимға боқмай борди, лекин шукр эрур,
Ким хазонда сарвға айб еткурмас шамол.

Ҳажр — бу хазонлик демак. Лирик қаҳрамон айрилиқдан оҳ уради. Бу оҳлар — хазонлик шамолляри «сарвға айб» етказмайди. Сарв — бу қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб тўғри ўсадиган дарахт, маъшуқа — сарв. Сарвнинг баргляри саргаймайди, хазон ҳам бўлмайди.

Васл англа ишқ боғининг баҳоридин нишон,
Ҳажр билгил гар тилар бўлсанг хазонидин мисол.

Баҳор — бу яшиллик, гўзаллик тимсоли. Васл лирик қаҳрамон учун энг сеvimли пайт. Васлга етиш «ишқ боғининг баҳоридин нишон» бўлса, ҳажр-айрилиқ — бу боғнинг хазонидан дарак беради.

Бу чаман раъноляри саркашлик этгандин не сўд
Ким хазон торожидин эмин эмастур бир ниҳол.

Бу «чаман раъноляри», ошиқлар ўзаро итоатсизлик этишляридан ҳеч фойда йўқ. Чунки «хазон торожидин» — ўлим қутқусидан ҳеч бир «ниҳол» — кимса омон қолмайди.

Эй Навоий, бу хазон ўлғай баҳор ила бадал
Келса давлат гулбуни шаҳзодаи соҳиб жамол.

«Шаҳзодаи соҳиб жамол»нинг келиши хазонлик, айрилиқ ва мусибатлар ўрниға «баҳор» — шодлик, гўзаллик келиши билан қийёсланади.

Алишер Навоийнинг табиат ҳодисаларига муносабати унинг поэтик маҳоратини кўрсатиши билан бирға табиатнинг жозива ва гўзалликлар макони эканлигиға диққат-тимизни жалб этади, уни авайлаб асраш лозимлигини уқтиради.

НИГОХ

НАВРҮЗ — ЯНГИЛАНИШ, ПОҚЛАНИШ БАЙРАМИ

Бугун диёримизда ўзгача тантана — ўзбек, тожик, қозоқ, туркман ва бошқа халқлар ўртасида дўсту биродарлик, ҳамжихатлик, одамийлик ва меҳмондўстликни тараннум этувчи байрам — Наврўзи олам кезиб юрибди.

Бу не ҳолким, ёшарибдур само ҳам, ер ҳам?
Ёшартирмиш қалбларни Наврўзи олам!

Наврўз нафақат Ўрта Осиё, балки Яқин Шарқ халқларининг ҳам анъанавий янги йил байрамидир. Бу байрам авваллари бир ҳафта, ўн кунлаб давом этган. Байрам кунлари Наврўзга хос турли-туман маросимлар ўтказилган. Биз қуйида ана шундай маросимлардан айримлари ҳақида тўхталмоқчимиз.

НАВРҮЗ РАСМ-РУСУМЛАРИ:

1. Наврўз кунлари ҳамма эрта тонгдан яхши ниятлар билан ўрнидан туради. Одамлар эски кийимларини ташлаб, янги озода кийимларини, кизлар эса баҳорга мос кийимларини кийишади. Бу кунларда ҳамма хурсанд бўлиб юриши керак, чунки байрам хурсанд, шод бўлиб ўтказилса, киши йил бўйи хурсанд бўлиб юради, дейишади. Наврўз кунларида бир пайтлар аразлашиб қолган кишилар бир-бирлари билан ярашади. Адоватлар барҳам топади. Қўни-қўшнилар, қариндошлар бир-бирларини йўқлашади, совға-саломлар юборишади. Бетоб кишиларнинг ҳолидан хабар олинади, ночорларга ёрдам берилади. Ёш йигит-қизлар бир-бирларига гулдасталар тақдим этишади. Уйлар, кўчалар тозаланиб, уларга сув сепилади.

2. Кексаларимизнинг гапига қараганда, байрамдан бир-икки ҳафта олдин катта идишларда — бугдой, арпа, зиғир, тарик, нўхат, жўхори, шоли каби етти хил донли экин етти қатор қилиб ундирилган ва уларнинг унишига қараб шу йилги ҳосилдорлик аниқланган.

3. Деҳқонлар яратгандан йил бўйи намгарчилик етарли бўлишини тилаб, байрам куни кўпчиб турган ерга қалин қилиб сув сепишган.

4. «Кўк бойлаш» маросими. «Наврўз сумалак» майсаси Наврўзнинг асосий рамзи ҳисобланган. Сумалак учун ўстирилган бугдой майсанинг маълум қисми маҳсус «Кўк бойлаш» учун ажратилган. «Кўк бойлаш» деб, сумалак қилувчи аёллар томонидан келган меҳмонларга оз-оздан тортиқ қилинишига айтилган. Кўк бойланган киши, бунинг эвазига имконияти даражасида сумалак тайёрлаганларга ул-бул тортиқ қилган.

5. «Қозон тўлди» маросими. Кишилар Наврўз кунла-

ри йил давомида ризқ-рўзимиз бутун бўлсин деб қозонларини тўлдириб овқат қилишган ва қўни-қўшнилари билан баҳам кўришган.

6. «Йил боши». Наврўз куни ҳамма энг тансиқ таомлардан тайёрлаб, табиат кучоғига — қир адирларга чиқади. Суюқ овқатлар бир қозонга солинади ва бундан ҳамма татиб кўриши керак. Олиб чиқилган овқатлар далада ҳамма билан биргаликда баҳам кўрилади. «Йил боши»да ёш келинлар ўзларини танитиб, хизмат қилишади. Бу маросим жумҳуриятимизнинг Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ҳозиргача сақланиб қолган.

7. «Сумалак қўзғаш». Наврўз куни тайёрланган сумалак «Наврўз сумалак» деб аталган.

Наврўз сумалакни қариялар ўзларига умр, келинчак ва кизлар ўзларига бахт тилаб қўзғашади. «Сумалакни қўзғаетганда нима яхши ниятларингни тиласанг оллоҳ етказди» — дейишади қариялар.

НАВРҮЗ ҚҶШИҚЛАРИ

Наврўз куни сумалак қайнаётган қозон ва ёқилган гулханлар атрофида ёр-ёрлар, лапарлар, кўклам қўшиқлари янграйди. Ҳазил-мутойиба авжига чиқади. Масалан:

Дошқозонда сумалак,
Ковламаган армонда,
Бир-бирининг кўнглини
Овламаган армонда.

Сумалакка ўтин йўқ,
Қайда экан даласи?
Келмадим ҳашарга
Болаларнинг дадаси?

Бир-бирларининг билимларини, ҳозиржавоблигини
синаб кўриш учун ҳар хил топишмоқлар айтилади.
Масалан:

Ҳовузи қулум-қулум,
Поча дароз, калта дум.

(Туй)

Мана шундай маросимларга бой бўлган Наврўзи олам покланиш, янгилашиш, инсонларни бир-бирига меҳр-окибатли, диёнатли, имон-этикодли бўлишга чақирувчи улуғ байрамдир. Наврўзи олам муборак, азиз юртдошлар!

Абдурахмат НОРҚОБИЛОВ,
ТошДД толиби.

«ХАР КУНИНГ НАВРҮЗ ҮЛСҮН!»



Турсун Али Муҳаммад

Миллий цирк гуруҳи тузиб, халқ кўзида юрганимга янги йилдан ошибди. Озми-кўп, яхшими-ёмон хизмат кўрсатаётган бўлсак, одамларнинг ўзлари айтсинлар, бироқ ушбу ҳунарни дастлаб эгаллай бошлаганимдан бошлаб бир хулосага келганман: пирларимиздан тортиб, ўтган барча дорбоз, паҳлавонларимиз одамларнинг гуруҳини кўтаришга хизмат қилишган. Ота-боболаримиз ҳам, устозларимиз ҳам ёпиқ майдонларда эмас, очикда, халқнинг кўз ўнгиде томоша кўрсатишни афзал билишган. Сабаби, томошабин эркин, сен эркин — бемалол ўйнайсан, бемалол томоша қилишади. Иккинчи сабаби — бизда, ўзбекларда ёпиқ жойда ўйнаш азалдан русум эмас, чунки аввало ўзингнинг юрагинг сиқилади, сўнгра қани, бировга анови бинода полвон томошаси бўляпти, юр кирамиз десангиз, «паттаси неча пул?» деб сўрайди. «Бир ярим сўм», десангиз, «Кўй-е, кинога тушақоламиз» деб унамайди. Ўзбекининг табиати ўзи шунақа: бир ярим сўмга патта олиб ўйин кўришни хоҳламайди, бироқ ўйингоҳга ўзи келиб таъсирланса киссасидан 25 сўм пул чиқариб баракалла полвон дея узатиб тураверади. Хоҳласа — текинга томоша қилиб кетавериши мумкин. Биз ундан, у биздан ўпкаламайди.

Кўпинча бизни спўртчилар қаторида санашади. Йўқ, спўртчи эмасмиз, санъаткорлармиз. Гарчанд кўп жисмоний куч сарфласак ҳам. Мисол учун тўнгич ўғлим Равшаннинг 400 килолик семонни кўкрагига қўйиб, уни бир полвон 10 килолик босқон билан уриб синдирадиган усулимиз бор. Бу — санъат. Узини ўзи ишонтириш санъати. Агар у ўзини ўзи ишонтиролмаसा эди, аллақачон бу нарсадан воз кечган ёки худо кўрсатмасин, майиб бўлган бўларди. Кенжа ўғлим Бахтиёрни олинг. Кўрган бўлишингиз керак, у чархланган пичоқлардан ясалган нарвонимиздан пичоқларнинг дамига яланг оёғини босиб тепага

Турсун Али Муҳаммадни матбуот саҳифаларида эмас, кўпроқ ўйингоҳ, сайилгоҳларда, давраларда халққа томоша кўрсатаётган чоғида кўргансиз. У — полвон. Шундай полвонки, бировни мағлуб қилмайди, бировнинг уриб бурнини қонатмайди, ўзи билан ўзи олишади, халқ томоша қилади: ҳар хил мураккаб усулларда тош кўтаради, темир соққаларда ўйнайди, тишида машина юргизади, машина кўтаради. Уғиллари Равшанбек, Шавкатбек ва Бахтиёрбек акробатика, полвонлик, йог усулида машқлар бажаришади.

Турсун Али ака раҳбарлик қилаётган «Водил чинори» цирк гуруҳи Ўзбекистондаги энг сара миллий жамоа ҳисобланади. Шу тўғрисида у киши нафақат жумҳуриятимизда, балки иттифоқ ва жаҳон миқёсида ўзбек миллий санъатини намойиш этиб келаётган катта санъаткор.

Бой ўзбек миллий эстетикасини ўзида мужассам қила олган шахс. Ўзбек миллий маданияти, урф-одатлари ва ўйинларининг катта билимдони. Ўйин баҳона ана шу урф-русумларимизни халққа фаол тарғиб қилапти. Саъй-ҳаракатларидаги катта мақсад: одамлар қалбиде инсоний, миллий гуруҳ, олижаноблик тўғрисида кўзга ташвиш; миллий маданиятни кўз қорачўғидай асрашга ундаш. Узининг амалдаги эътиқоди ҳам шу. Бундан ташқари ўта камбағалларвар. Адабиётнинг ашаддий мухлиси. Бундай фазилатларга эга кишилар, айниқса, мана бу меҳр-оқибат тобора кўтарилиб бораётган замонда анқонинг уруғи эканлигини яхши биласиз. Бу ҳам эмас, у киши миллий одатларимизнинг билимдони экани, мураккаб ва айна пайтда жозибадор ўйинлари, ўта чиройли ҳамда таъсирчан салотагирлик санъати сабаб, менда катта ихлос уйғотган. Турли жойларда ўйинларини қизиқиб кўрганман, характери ни кузатганман. Шу боис кўнгулда бир кучли ниёт пайдо бўлди: шу одам билан ўзбек полвонлари ва халқ миллий санъаткорлари ҳақида биргаликда китоб ёзсак. Худо хоҳласа, бу китоб охирлаб қолди. У полвоннинг тилидан ёзилган. Куйи а Сиз, Наврўз арафасида китобнинг «Ёшлик»боп қилиб тайёрланган кичик парчасини ўқийсиз.

чиқади. Тағин 1,5 метр баландликдан ялангоёқ синиқ шишалар устига сакрайди. Шиша парчалари эса акалли унинг оёғига ёпишмайди ҳам. Сўнгра у ўша шиша синиқларига елкасини қўйиб ётиб олади. 70 килолик бир киши кўкрагига чиқади. Мўртгина суяклари бир оз бўлсин, майишмайдиам. Шунда баъзи юраги салқин аёлларимиз беҳосдан қичқириб ё йиғлаб юборишади. Кўпинча койийман уларни. Чунки болани ўша ҳолатдан уйғотиб юбориши мумкин-да. Бу йог санъатига киради. Баданни, танани қотириш усулимиз бор, буям йог. Ўйингоҳларда кўп такрорлайман: «Биродарлар, кўркманглар, боланинг ҳунари шу; ўзини ўзи чиниктирган, ўргатган, шуни эгаллайман деб ҳаммомда баданини семонга ишқаб қонатиб юборган, кечаси кўрпаси тагига шиша синиқларини опкириб устида ухлаб қолган маҳаллариям бўлган. Шу нарсага ишқи борлиги учун ўйнатпимиз. Агар боланинг баданини пичоқ ё шиша кесадиган бўлса, мен уни ўртага чиқармасдим. Сизлардан илтимос, жим туриб томоша қиласизлар». Менинг ҳар хил тош кўтаришлариму занжир узишим, ҳатто мошина кўтаришим ҳам санъат деб ҳисоблайман. Чунки биз биров билан эмас, ўзимиз билан ўзимиз олишамиз.

Бу ўйинларнинг пайдо бўлишида ҳам биров билан олишиш ёки бирор кишини мот қилиш сабаб бўлмаган. Оддий эҳтиёж: тўйлар, Наврўз байрами, ҳар хил томоша, сайиллар тўғрисида вужудга келган. Мен пайғамбаримизнинг ушбу ҳадисини майдонда доим такрорлайман: «Кўрашиб бировни енгган, бировнинг бурнини қонатган, бировнинг кучини синдирган полвон эмас — ўзини ўзи енгган полвон». Ҳозирги Наврўз сайилларида, эътибор берган бўлсангиз, оддий кишилар тош кўтариш мусобақаларида қатнашишяпти. Узларни синашяпти. Демак, шунга эҳтиёж бор эканки, қайтадан тириляпти удулар.

Мана, Бултурги Наврўзғи қандай тантаналар билан ўтганини кўрдик, қувондик. Ҳўп, бу яхши. Яхшилиги — миллий ўйинлар жиллақурса шу баҳона маъмуриятнинг эътиборига тушди. Бироқ мени бир нарса афсуслантирди. Ойна жаҳонда суткалаб узлуксиз кўрсатув берилди. Наврўз билан халқни табриклаётган биродарларимиз нуқул гапни айлантириб келиб сумалакка тақашади. Ленталарда ҳам нуқул сумалак тайёрлаётган қишлоқ аёлларини намойиш этишди. Ҳўш, Наврўз байрами деганимиз шундан иборатми, хурсандчилигимиз боиси бор-йўғи сумалакми? Тўғри, ора-чорада хўроз чўқишуви, кўч-қор шохлаштириш, чанқовузчилар, кўпқари, тош кўтарувчию курашчилар беллашувлари берилди. Йўқ, телевидение ходимларидан нолимаёялман, аксинча, раҳмат айтиш керак уларга, қозонда бори-да. Афсусланганимиз — Ўзбекистонимизда миллий урф-одатларимиздан ташқари миллий ўйинларимиз ҳам нақадар қашшоқлашиб кетибди. Бир пайтлар мен биладиган моҳир кўғирчоқ ўйнатувчилар, товоқ ўйинчилар, муаллақчилар, илон, ханжар, қилич ютувчилар бор эди. Кўп кишилар бунни тасаввур қилолмаслиги ҳам мумкин. Йўқолиб кетган баъзи ўйинларни мен ҳам билмайман, биздан катта авлод билади. Морбозлар (илон ўйнатувчилар) бўларди. Илон билан шунақа ҳўнарлар кўрсатишардики, ёқангизни ушлардингиз. Кейин оловбардорлар. Биз чўғ устида яланг оёғи билан юрадиган ҳинд йогларига қойил қоламиз. Ўзимизда ёниб турган оловнинг устида бемалол юрадиган (мана шу нарсани ўғилларимдан иккитаси бажаришяпти ҳозир), ҳатто оғзида олов олиб юрадиган, олов пуркайдиганлар бўлган. Мушакчилар. Бу ўйин порох бино бўлгандан буён бор. Ҳали йўқолмаган. Масалан, Қўқонда ҳозиргача сақланган. Бир-иккита мушакчилар оиласини биламан. Тўй-пўйга таклиф этсангиз келиб мушакбозлик қилиб беришади. Баъзи жамшид роса қазиб турган бир пайтда «Энди навбат мушакбозликка» дейилади ўша заҳоти «парр, бум-м» этиб ёришиб дам у ёқдан, дам бу ёқдан, унис бошқа рангда, буниси бошқа рангда осмонга отилади. Бири пачоқ бўлиб ёрилиб кетади, бири оёғингиз тагида «бақа» бўлиб, парс-пурс ёниб сакраб юраверади. Одамлар вой-войлаб қочи юришади, лекин куйдирмайди. Ун дақиқалик қизиқчилик бўлади.

Кўғирчоқбозларни ҳам эслайман. Шулардан бири ҳўштак билан қилинадиган усул. У нима қилади? Кичкина ёғоч билан шойидан ясалган, оғизга солиб пуфлайдиган нарса бор эди, «саппл» дейди бизда. Пуфласангиз ҳўштакка ўхшаган овоз чиқаради. Лекин ҳўштакни одамнинг овозига ўхшатиб чиқаради. Ҳатто «гапиртириш» мумкин. Тушунса бўлади сўзларини. Кичик-кичик саҳналар қўйилади. Масалан: «Ҷиз билан йигит», «Бой билан камбағал», «Эр билан хотин жанжали», «Тўйдан олдин, тўйдан кейин», «Миршаблар билан ўйин» деган саҳналар жуда қизиқарли намойиш этиларди. Иккинчи хил кўғирчоқбозлар кўл билан кўғирчоқларни ўйнатишарди. Фақат иккита кўғирчоқни, ундан ортиғи сифмасди. Буям жуда қизиқ.

Муаллақчилар дедик. Баланд томдан пастга ҳавода кўлига ханжар ёки олов олиб икки-уч марта айланиб ерга тик оёқда тушишарди.

Базмларда бесуяк ўйинларини кўрганман. Гавдасини орқалдига тўла қайирадиганлар, масалан, пешонасини оёғининг учиға теккизганларни биламан.

Қосқон ўйин. Бу — одам ўтиб бўлмайдиган тўсиқли ёки кенг жойлардан ўтиш дегани. Ҳозир умуман йўқолиб кетди. Ханжар ютувчилар. Улардан баъзиларини биламан. 30 сантиметрдан 60 сантиметргача узунликдаги ханжарни осмонга қараб туриб оғзига секин туширади. Кейин... ютворади. Қизил-ўнгачдан то ошқозонгача тушади. Ханжарларнинг бир хили тўғри, бир хили эгилувчан металлдан ясалади. Сўнгра ошқозондан секин чиқариб олади яна. Бу ўйин билан ҳозир ҳам Ўзбекистонда 2-3 киши шуғулланади.

Тагин сув ўйин қилишарди. Бир тошкентлик киши бор эди, биз «Кувёв — 130» деб ўзимизча ҳазиллашардик. Худо раҳматли ўтиб кетди. Яна биттаси бор. У киши ҳозир саҳна циркида ишлаяпти. Пиёлалардан сувни ичади-да, яна сув пайдо бўлаверади. Ичади — ағдариб кўрсатади, яна сув тураверади. Бу — кўзбўямачиликнинг бир тури.

Яна бир хиллари бор эдики, кўп сув, у билан аралаштириб балиқ ва бақаниям ютворади-да, сўнг балиқни алоҳида, бақани алоҳида чиқариб беришарди. Бундан ташқари Бухорода тўксонлардан ошиб қолган бир чол бўларди. Морбоз эди. Ҳозир ҳаётми, ўтдими — билмайман. Кичкина кўзанинг ичидан илонни олиб ўйнади, ўйнаб бўлгач, оғзига тикарди. Илон-

ни оғзида йўқотвориб, кейин чиқариб берарди: ўрмалаб чиқиб кепқолди.

Табоқ — тоғора ўйининиям тилга олдик. Катта, 6-7 килолик сопол тоғорани елкасига тушириб ўйнаш. Баъзи раққослар уддалаяпти, бунни ҳозир.

Бироқ бундан қийинроқлари, масалан, қўлда қайроқ ўйна-тиб ўйнаб-ўйнаб, товоқни бошидан елкасига тушириб, энгашиб ўйнаб, тагин бошига чиқарадиганлар, орқага энгашиб бошидан кўкрагига туширадиганлари ҳозир йўқ. Марғилонда бир киши бор, лекин уям елкасида ўйнайди.

Қанчадан-қанча найрангбозлар бўлган. Самарқандда Ислом ота деганимиз бор эди. Доим ёш болалар чувалашди у кишининг орқасидан «Муслимахон, Муслимахон» деб эргашиб юришарди. Сабаби, Ислом отанинг шунга яраша ўйини бўларди; битта консерва банкасига ўхшаш идиш ичига кўғирчоқка солиб оларди-да, кафтига қўйиб шундоқ ушлаб туриб:

Муслимахон ўйнасин, Ўйнасин-о, ўйнасин

деб кўшиқ айтса, кўғирчоқ гўёки «ноз қилиб» ҳалиги банканинг ичиде «рақс» туша бошларди.

Эътиборсизлик оқибатида бўлса керак, энди бу ўйинлар бутунлай йўқолди ҳисоб. Бугун ҳар турли чет эл шоуларини, гајритабий рекордларига қизиқиб видеобарларга ўзларини ураётган, ёлғон-яшиқларга, енгил-елпи нарсаларга билиб-билмай қизиқаётган ука-сингилларимиз бу ўйинларни билмайдилар, яхшими, ёмонми, ўзимизда бор эди, ҳозир ҳам бор баъзилари. Ҳеч қандай «шоу»дан қолишмайди. Бизда тарғиботнинг йўқлиги ишимизни сусайтиради. Ота-боболаримизнинг миллий одат тусига кириб қолган энг яхши ўйинларини қайта жонлантиришимиз, халққа кўрсатишимиз керак. Ўзбек руҳига мос ҳар бир санъат турини ўзимиз сақлашимиз керак. Биров четдан келиб бунни тиклаб бермайди-ку, ахир.

Видеобарлар ёшларимизни бузаяпти дедяпми. Ҳақиқатан ҳам шундай — бузаяпти. Чунки у ерда қўйилаётган одамнинг ваҳшийлиги — одамхўрлар, каратейлар — одамни дўппослаб ўлдирувчилар ҳақидаги ғоявий юзак кинолар қандай қилиб ҳали оқ-қорани таниб улгурмаган болаларга згуликдан дарс бериши мумкин?

Япон каратэси ёки хитой ушуи ўша халқларнинг миллий руҳидан, қолаверса, динидан, яъни ўз худоларига сифинишдан келиб чиққан. Масалан, хитой фуқароси кексами, ёшми, ўз фалсафасига содиқ: инсон жисмонан бақувват бўлсагина руҳан кучли бўлади. Руҳан кучли одамларгина бутун шуури билан худого яқинлашади. Ҳаётда эса ўша жисмоний қувватдан ёвузликдан ҳимояланиш учун фойдаланиш лозим.

Бизда ҳозир каратэ ҳам, таэквондо, у-шу ҳам жуда тез ривожланипти. Лекин, афсуски, мазкур спўрт турлари пайдо бўлган мамлакатлар кўзда тутган мақсадда эмас, тамоман тескари. Ишончим комилки, бизнинг ёшларимиз кўпинча безорилик қилишда каратэ кўл келишини ўйлаб шуғулланишади. Бу эса бизнинг маърифатсизлик, маданиятсизлигимиздан ташқари ўша халқлар билан қиёсланганда жуда ожизлигимизни англатади.

Байрам кўрикларимизда ўзбек миллий ўйинларини бир четда қолдириб, ўзбек-ўрис (ҳар хил миллат) аралаш гуруҳ-гуруҳ каратейлар, таэквондочилару ушчиларни майдонга кўкрак кериб етаклаб чиқаётган мутасаддилар уялишса бўларди.

1989 йилнинг ўрталарида Қувайтда гастролда бўлдим. Шўро профессионал циркчилари ичиде Ўзбекистондан, миллий санъатдан бир ўзим эдим. Қувайтга бориб билдимки, бизнинг миллий цирк ўйинларимиздан биронтасиям дунё картокеасига кирмаган экан. Ниҳоятда афсусландим. Лекин улар бундан манфаатдор бўлишди. «Шўролар Иттифоқининг майда бир халқидан келган. Тош кўтаради, устидан машина юргизади», деб эълон ёзиб қўйишарди-ю, ўзлари бошқалар қолиб бизни роса видеого олишарди. Кейин билсам, видеоёзувлар уларга жуда катта даромад келтираркан.

Ўзбекистонда эса ўзбек миллий циркига муносабатни кўриб йиғлагинг келади.

Циркда тарификация деган гап бор: танлов. Икки йилда бир марта дорбозлар кўриги бўлиб туради. Шундан «омон-

эсон» ўтиб олган гуруҳлар вилоятдан тавсия қилиниб келади-да, комиссия текшириб жумҳуриятда томоша кўрсатиш ҳуқуқи берилади. Кўриқдан йигирмага яқин гуруҳ ўтган. Шу ерда учта кучли ўрин берилади. 1-, 2-, 3-ўринни олганлар жумҳуриятнинг ҳоҳлаган жойига бориб жаҳвал бўйича томоша кўрсатишади. Бироқ бу ҳақда матбуот ёки радио, телевизор лом-мим демайди.

Тошкентда эстрада ва цирк санъати студияси бор. У ерга ҳозир кирсангиз битта ё иккита ўзбек болани учратасиз. Рост, бизнинг болаларда қизиқиш кам, чунки имкони йўқ. Агар шу болаларга имконият яратилса: ётоқ билан таъминланса, моддий таъминоти, эътибор яхши бўлса, ундан кейин ўзбек гуруҳи тузиш мумкин. Тўғри, 4—5 йилдан буён Тошкент циркида ўзбек гуруҳи тузишга ҳаракат қилишяпти. Тузилаётган гуруҳнинг раҳбари армени. Ичида корейс ҳам, ўрис, белорус, украин ҳам бор. Энг ози ўзбек. Тагин денг, янги тузилаётган ЎЗБЕК гуруҳининг ичида. Қирғизларнинг ўз гуруҳи тузилди — бари қирғиз. Қозоқларники тузилди — бари қозоқ. Бизники эса...

Профессионал циркка бизнинг миллий циркимиздан танлайдиган бўлишса, жуда кўп йигитларни олиш мумкин. Қани энди бунга жон куйдирадиган шовво. Тошкентда очилган миллий ўзбек профессионал гуруҳининг ўзбек раҳбарини кўрган эмасмиз. Ҳайъат қаторидаям, акалли истеъодларни қидираётган жонкуярни ҳам кўрмайсиз. Қишлоқлар, туманларда мусобақаларни кўриб келишга чиққанларни-да учратмаганман. Фақат студиядан талантлар қаторлашиб чиқиб келишларини ёки циркдан биронтаси чиқиб шуларга қўшилишини кутишади, холос.

Мана, от спорти билан машқ қиладиган ўзбек йўқ деб бўйишлишяпти. Лекин осетинларни опкелиб ўйнатишяпти. Бирор циркнинг раҳбари ё бирор режиссёр от спорти яхши ривожланган туманларга бориб кўрибдими? Мутлақо. Ун тўрт ёшли улоқчи болалар бор, отнинг устида у ёнидан ўтиб бу ёнидан чиқади. Ахтарса топилади, ўшаларни опкелиб ўқитишсин, ўргатишсин. Қайси кўпқари чопиладиган қишлоқда «конний клуб» бор? Фақат шаҳарларда бор, холос, ундаям «қардошларимиз» машқ қилишади. Уша, ўн йил «конний клуб»да от миниб юрган билан ёшлигидан кўпқари чопиб юрган болани синаб кўрсин-чи, қай бири дурустрок эпларкан минишини. Уша «қишлоқи» бола ўқимасаям отнинг қачон ем, қачон емиш ейиши, қачон қантарилиши, қачон совутилиб, қачон қиздирилиши — барини ёддан билади. Унинг айби шуларни билишида ва... ўзбек бўлиб туғилганида!

Бу гапларни нега айтаяман? Цирк санъатида эрроз-шоғирд деган қоида жуда муҳим. Устозсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Мени ҳам ушбу катта майдонга етаклаб келган устозларим бор. Айниқса, дастлабки устозим водиллик Лочин полвондан бир умр қарздорман. Жуда кўп нарса ўрганганман у кишидан.

Биз ҳақимизда баъзан нотўғри тасаввурлар юрганини ҳам кўрамиз. «Ҳа-а, булар пул ҳисоб юришибди-да», деб қўйишади. Халқнинг ҳада этган пули чусобага яшашимиз тўғри. Биз шунга мажбуримиз. Масалан, мен етакчиллик қилаётган «Водил чинори» гуруҳи давлатга ҳар йили ўн саккиз минг сўм патент тўлаймиз. Ундан ташқари ўз оила аъзоларим, ўғилларимдан ташқари (оиламиздан 5 киши) карнайчи, сурнайчи, масхарабоз, шопирларимизгаям ўз кассамдан тўлаб рози қилишим керак.

Яна бир томони бор. Умуман, дорбозми у, полвонми — халқ кўз ўнгида ўйнайдиганлар олижаноб бўлишлари керак. Бу — ёзилмаган қонун. Агар полвон ождан ўламан деб турган бўлсаям оломоннинг олдида ўзини мард ва сахий тутishi керак. Майли, халқ унга бир сўм бермасин, лекин бунга ўзи айбдор. Агар бир сўм тушса, ўзининг ҳиммати билан унинг бир қисмини закот қилиши керак. Етим-есир, бева-бечораларга. Жуда кўп кўрганман, бусиз полвоннинг, дорбознинг иши юришмайди. Устозларимиздан қолган бу аънамага содиқ қолишга уринамиз доим. Хатолик билан омадсизлик мудом ёнма-ён юради. Мен ўзимдан мисол келтирсам, бачканалик бўлади. Бояги самарқандлик Ислом отанинг бир хангомасини айтиб берай.

У киши бир жойга томоша кўрсатишга борса, келишгангина йигит келиб: «Мен сизнинг у-бу ишларингизга қарашиб юрсам майлими?» дебди. Уста «хўп» дебди. Ҳалиги йигит то гастрол туғагунча хизматда бўлибди. Сафар туғашига икки-уч кун қолганида Ислом ота:

— Уғлим, сенинг ота-онанг борми?— деб сўрабди.

— Йўқ, етимчаман,— дебди йигит.

— Уйинг-чи?

— Уйимам йўқ.

— Ётиш-туриш жойинг қаерда?

— Ҳар жойда: чойхоналарда, мачитда, одамларнинг эшигида, тўй-пўй қилишса хизматларида бўламан, чопон-попон берса кияман, шу холос,— дебди.

— Ҳойнаҳой уйланмагандирсан?

— Йўқ, имкон бўлмапоти.

Уша кунги томошада у киши халққа мубоширлик қилади: «Халойик! Эртага бир маслаҳатли иш бор — махсус ўйинимиз бўлади, бою бадавлат борми, оқсоқолу кайвони — ўзини эркак деб юрганнинг бари келсин!»

Эртасига тумонат одам тўпланибди. У киши ҳар галгидай ўйин кўрсатибди-да, кейин йигитни етаклаб даврани айланбди:

— Халойик! Шу болани танийсизларми?

— Таниймиз, — дебди оломан.

— Ёшлигидан етим қолган экан, уй-жойи йўқ, ҳали уйланмаган экан. Замона қурсин, шу ҳолича кетадиган бўлса, яна эллик йилдаям уйланолмайди бу бола. Одамзот молидан, жонидан закот беради-да бари бир: биров йўл солади, биров кўприк солади, биров мачит қурдиради. Лекин бир ғарибни хурсанд қилиш ҳам савоб саналади. Бола-чақам шу боланинг кўйига тушмасин деган, шу савобга менам қўшилиш, шу болага нонимнинг бир бурдасини берсам қорним очқаб қолмайди — менам закот беришим керак-ку, деб яхши ният қилганлар бўлса, манови чорсини ёздим, шунга атаганини ташласан. Мана, мен унга хизмати ҳаққи, шунча пул бераман, — деб бир чангал пулни ўртага ташлабди. — Мана бу эса ўзимнинг дилимдан чиқариб ташлаганим, — дея яна бир чангал ташлабди-да, — қани бир бошдан қадам босаверингчи, ким қанча ҳиммат қилади. Уларнингнинг тўйларингда хизмат қилиб юрган бола экан, кўпчилик бир муштдан туширса ўлади, бир сўмдан берса бой бўлади.

Шундай қилиб даврани айланган, бола фақирнинг чорсини ҳадага берилган пулларга лик тўлиб кетибди.

— Энди, келинлар, шу болага ким қизини беради? — дебди.

Шунда бир одам чиқиб:

— Агар бола рози бўлса, ўн олти ёшли қизим бор, бердим, — дебди.

— Омин, қўша қаришсин, Оллоҳу ақбар! — деб дуо қилишибди: — Энди савобнинг устига яна бир савоб қилайлик, — дебди. — Бир бойман деб юрганнинг ортиқча, кичкина бўлсаям ери йўқми? Ортиқча бўлса, ҳиммати кўтариб очик кўнгилдан бердим шу болага деса, — дебди.

Айниқса, бизнинг бағрикенг ўзбек бундай нарсага бир қизикса қаттиқ киришиб кетади-да. Турган бойлардан бирининг сахийлиги кўзибди.

— Фалон даҳадаги фалон кўчада менинг ортиқча ҳовлим бор, қаровсиз, худонинг йўлига бердим, садақ, олсин, давлатли бўлсин, баракали бўлсин, — деб юборибди.

Уй ҳал бўлди — йигит жойли, фақат уни яхшилаб супуриб-сидириш, тузатиш керак.

— Эртага, — дебди Ислом ота, — ким ҳунарманд бўлса, шу боланинг уйини ҳашар қилиб тузатиб берамиз, келаверасизлар.

Халқ рози бўлибди.

— Энди, — дебди Ислом ота, — эртадан кейин тўй қиламиз. Биз шошиляпмиз, кетишимиз керак. Тўйнинг харажати-дан ким нимасини кўтаради?

Бир бой чиқиб сўйиладиган молини, бир бой чиқиб унини, ким бирови гуручини кўтараман дебди.

Эртасига халқ йиғилиб келиб ҳаммаёқни тузатиб, суваб-ямаб келаси кунга катта тўйни бошлаб юборишибди. Тўйни ўтказиб эртаси кунга йўлга тушишибди. Ушандан буён ўша элга неча марта дорбоз, ўйинчи борса, шу хонадонга кириб меҳмон бўлмасдан кетмас экан.

Бундай олийҳиммат ишлар халқ ўйинларини янада яшартиради, дорбозга, полвонга элнинг ҳурмати ошади, бир дуосини олсам дейди.

Баъзан менам шивирлабгина сўрашади: «Полвон, бу дейман, сизларда қоида жуда қаттиқ эмиш, агар мабодо фалокат босиб бирортаси майиб-пайиб бўлиб қолсаям ўйинни давом эттираверишади, дейди, ростми шу?»

Ҳақиқатан ҳам шундай. Худо кўрсатмасин-у, агарда бирорта

циркчи қалтис ҳаракат туфайли, нобуд бўлсам, устига бирор нарса ташлаб қўйиб ўйин охиригача давом эттирилиши керак. Мен шахсан бундай фалокатни ўз кўзим билан кўрмаганман. Худонинг ўзи асрасин.

Лекин баъзан нохуш ҳолатлар бўлиб қолади. Билсангиз, битта номеримиз бор: тишда икки пудлик тошни кўтариб турилади, бир киши 10 килолик босқон билан пастга зарб билан уради. Мен ёки ўғилларимдан бири шу номерни бажаришдан олдин шоир укаларимиздан бири ёзиб берган мана бу шеърни ўқийман:

Азалдан бу ўзбегим,
Ёқтирмайди ёлғонни.
Ёқтирса гар ёлғонни,
Бошга кўтармасди полвонни.
Кўксидаги шу тошга,
Қаттиқроқ ур босқонни.
Полвон полвон эмас ул,
Аяб ўтирса жонни.

Шундай деб бир гал тишимга тошни илдим. Томошабинлардан бирини ўртага чақирганман. У кучининг борича аямай урши, охири ўзи тан бериб босқонни қўйиб чиқиб кетиши керак. Ҳалиги барзанги шу, қарсиллатиб уряпти денг, ана қўяр дейман — йўк, мана қўяр — йўк. Жағ-пағим билан қўшилиб узилиб тушмасайди, деб кўркаман. Бари бир чидаш керак, бошида бояги шеърни айтиб катта кетиб қўйганмиз. Охири «қарс» этдию... тишимдаги белбоғ билан қўшилиб тўртта тишим ерга тушди. Жимиллаб оғзимга иссиқ қон қуйилди. Бўлди қарсак, бўлди қарсак.

Фарғонадан Алишер деган ўртоғим бор. Узимга тенгқур, шогирд қилиб олганман — менгаям ўргат деб юрди, охири ўйинларимнинг бир қанчасини ўрганиб олди. Бир куни Янги-ўйлга гастролга борадиган бўлдик, икковимиз.

Тишда 6—7 та тошни баравар кўтариш усулимиз бор. Бунда тошларнинг ичидан лом ўтказилади-да, унга занжир боғланади, занжир елкадан ошириб келтирилиб (кўтариш ўнғай бўлиши учун) тишлаб кўтарилади. Асосий оғирлик тишга тушади. Мен тишларга иккита одамниям қўшиб кўтараман, у — битта. Энди, уям мен тенги, шунинг учунми: «Нимага Турсун Али иккита кўтаради, мен битта кўтараман?» деган ҳаёл ўтган-да бошидан, «иккита кишини кўтараман», деб қолди. Мен биламанки, у ҳали тайёрмас бунга. Қўй десам, кўнмади. Икки одам ҳеч қанчмас деб уйлагандир, ҳолбуки, ўшалар ҳам камида 60 килодан бўлса, 120 килолик тош босади. Ахир, оғир атлетикада тошга граммлаб оғирлик қўшилади. Бежизга эмас-да бу. Шу, қараб турибман: бир умтилди — ололмади, икки умтилди — тагин ололмади. Халқ қараб турибди. Агар кўтаролмас, мен бориб кўтаришим керак, бўлмас халқ қарамай-

ди, лаънат айтиб юз буриб кетади. Шуни ўйлаган бўлса керак, «ум-м-м!...» деб бир чиранган эди, бир нарса «қарс» этдию тошнинг бир томони ерга тушиб қолди. «Нима бўлди?» десам, «тамом» деди. Борсам елкасидаги ўмров суяги синиб кетибди. Ориятни қаранг: суяги синиб кетгунча кучанибди, бу — ўзининг суягини ўзининг қўли билан қарс узиб юборган билан баробар-ку. Синган ўмрови елкасидан бўртиб чиқиб қолди. Бир елкаси жойида, бири — йўк, жуда даҳшатли кўринаркан.

Шундай бориб унинг елкасидан тутсам, кўнгли кетяпти. Ва-зият ёмон. Русум бузилса-да, томошабинлардан узр сўраб, ўртоғимни машинага ўтказиб беморхонага олиб кетдим.

Албатта, бу бизнинг ишимизда қийин ва жуда қалтис жиҳатлари борлигини кўрсатади. Лекин шу томонларига тан берган, рози бўлган кишиларгина дорбоз, полвон бўладилар.

Икки оғиз миллий уст-бошларимиз ҳақида. Ҳар бир халқнинг ўз табиатига, руҳиятига, бичимига мос либослари бор. Шу қатори бизнинг ҳам. Буям бизнинг урфу одатимиз. Лекин хоҳ шахар, хоҳ қишлоқда бўлсин, бошда ўзбеки дўппи, эгни-да оқ яқтагу беқасам чопон, белда шойи белбоғ, पोчада енгилгина шолвару оёққа маҳси-калиш кийиб юрган навқирон ўспиринни учратасизми? Учратмайсиз. Ҳолбуки, мен санаган матоҳлар энг арзон кийимлар ҳисобланади. Ўзбекка жуда ярашиб туришидан ташқари, ҳаракат қилишгаям жуда ўнғай. Яктагу шалворда ёз фаслида одам қизиб кетмайди, қишда маҳси-калишу чопонда совқотмайди. Ҳатто айни кунларда шундай кийинган ёш йигитни кўрсак, махара қилиб қулишдан ўзимизни тиймаймиз. Шу билан бирга этаги тиззасидан келадиган хипча қўйлак кийиб, сочини қулоқларини ҳам ёпмайдиган қилиб қирқтириб юрган ўзбек қиз-жувонларни кўриб ориятимиз кўзимайди. Нега бундай бўляпти? Ахир, улар ҳам сизу бизнинг фарзандларимиз, уларнинг ота-оналариям шу алфозда юрган қизлари учун лаънат олишни исташмаса керак. Бирдан бир сабаб — бизнинг миллий ғуруримиз, мусулмончилик одобимиз жуда пасайиб кетяпти. Биз дарҳол уларни қарғамайлик-да, даставвал тарбиячилар бўлган ўзимизга бир боқсак. Ўзимизни таҳлил қилсак. Уйлайманки, бу борада уялиб қолмайдиган киши кам бўлса керак.

Маданият институтида бир домламиниз бор эди. Бир куни, энди домланинг синовида ўтишимиз керак. Паттани олиб шундай ўтирсам, у киши дабдурустан:

— Йигит, студент деган сал маданиятли бўлиши керак, — деб қолди.

— Тушунмадим, домла, — дедим ҳайрон бўлиб.

— Нимага тушунмайсиз, кўриб турибсиз-ку?!

У менинг кийимимга қараб қўлини пахса қилди. Бирон жойимда йиртиқ ё лой-пой теккан жой бор эканми, деб хижолат бўлиб ҳамма ёғимга қараб чиқдим. Домламнинг эса баттар жаҳли чиқди.

— Чопон биланам келадими институтга? — деди у.

Менга алам қилди.

— Домла, мен кир ё йиртиқ кийим кийиб келганимда бу танбеҳингиз ўринли бўларди. Нима, ҳамма камзул-шим, жинси кийганларни маданиятли ҳисоблайсизми?

У киши эса гап қайтарганим учун бўлса керак, кўзини бақрайтириб қотиб тураверди.

— Шу учун синамайсизми мени? Унда бунақа ўқининг умуман кераги йўк менга! — дедиму шартта туриб чиқиб кетдим. Пастда мени шоир Мухаммад Юсуф кутиб турганди. Жигибийроним чиқиб келганимни кўриб ҳайрон бўлди. Воқеани айтиб бердим. Индамай бирга кетдик. У кейин шу воқеани шеърга солибди.

Менга қолса, ҳар бир мактаб, тарбия масканларида камида ҳафтада бир марта миллий уст-бошлар куни эълон қилинишни таклиф этардим. Миллий байрамларимизни, хусусан, Наврўзни ҳар қайсимиз ўзбек либосларимиз билан кутиб олсак, қандай чиройли бўларди.

Энди бундан буёғига биз фарзандларимизни ҳам мўмин, ҳам ғурурли, мард, уddaбурон кишилар қилиб тарбияламоғимиз керак. Бизнинг мардлигимиз, саховатимиз, эътиқодимиз уларга мёрос бўлиб ўтса, уларнинг фарзандлари — невараларимизга янада яхши бўлади. Бугун эса халқимизга тилак битта, у ҳам бўлса Навоий ҳазратлари айтгандек: «Ҳар кунинг Наврўз ўлсун».

Насрий матн муаллифи
СОБИР УНАР



ДАРСЛИКЛАР ТАЛАМЛАР НИГОЖИДА

Нихоят, ўзбек совет адабиёти тарихи бўйича яратилган илк дарслик («Ўзбек совет адабиёти тарихи», Тошкент, «Ўқитувчи», 1990 й.) нашрдан чиқди. Ўқувчилар ушбу дарсликни узоқ вақт кутишди. Шунданми, айниқса, талабалар уни ҳам чанқоклик, ҳам синчковлик билан муҳокама қила бошлади. Муҳокамалардан бири Тошкент Давлат дорил-фунунининг ўзбек филологияси куллиёти талабалари иштирокида бўлиб ўтди. Мухбиримиз унда ўз фикрлари билан катнашди.

Мухаммад Маматвалиев. Ўзбек совет адабиёти тарихи бўйича дарслик яратиш масаласи қачон кун тартибига кўйилди? Албатта, қайта қуриш бошланганидан сўнг. Нима сабабдан айнан қайта қуриш даврида? Чунки фақат қайта қуриш руҳи дарсликнинг ҳам шаклан, ҳам мазмунан янги сифатда бўлишини мажбурий қилиб қўйди. Демак, дарслик яратишга киришиш шу вақтгача адабиётшуносликда тинмай тақдорланаётган, ўқувчи ва талабаларнинг қулуғига қўйилаётган илмий қарашлар, билимлар эскирганлигини, тўғрироғи, ҳеч қачон ярқоли бўлмаганини тан олиш билан баробар эди. Энг йирик олимлар шу ишга қўл уришди. Дарслик муаллифлари адабий-танқидий мақолалари ва тадқиқотлари билан аввалдан кўпчиликка танилиб улгурган бўлсалар-да, адабиёт ихлосмандларининг кўнглида умид алангаланди. Ахир, қайта қуриш аллақачон бошланган, кишилар онгида туб ўзгаришлар содир бўлаётган, энг муҳими, ўзбек совет адабиётини янги талқин қилувчи дастлабки мақолалар матбуотда кўринган ва бу ҳодиса бутун бир жараёнга айланаётган эди-да, китоб ёзишга киришилган пайтда. Вунинг устига аччиқ тажриба — бутун бошли жилдлардан иборат бўлган тадқиқот ва очерклар мажмуаси ҳам бор эдики, булар дарсликнинг яхши чиқишига яна-да ишончни мустаҳкамларди. Дарсликка ёзилган нашриёт сўзбошини ўқиганимда ҳам бу ишонч шахсан менда йўқолмаган эди. Чунки сўзбошида «Унда (яъни дарсликда — М. М.) авторлар ўзбек совет адабиётининг етмиш йилдан орттироқ давр мобайнида босиб ўтган шонли, шу билан бирга мураккаб, машаққатли йўлини, адабиётимиз асосчилари, йирик намояндалари ижодини адабиётшуносликнинг мавжуд тажрибалари асосида объектив, ҳаққоний ёритишга ҳаракат қилдилар...

Бу китоб — олий ўқув юртлири учун ўзбек совет адабиёти тарихидан дарслик яратиш йўлидаги илк тажриба» деб ёзиб қўйилган.

Минг афсуски, ишончим сароб бўлиб чиқди. Кутганинг ёлғон эрса — кўрган кунинг не бўлар, деб тўғри айтган-да доно халқимиз!

Мен «Ўзбек совет адабиёти тарихи»ни шу соҳа бўйича дарслик яратишдаги илк тажриба деган фикрларга мутлақо қўшилмайман. Ушбу китобни янги қарашлар жамланган дарслик деб кўпчилик ҳукмига ҳавола қилиш, юмшоқ қилиб айтганда, иккиюзламачиликнинг ўзгинасидир. «Дарслик» сўзи бу ўринда ниқоб вазифасини ўтаган, холос. Аслида китоб муаллифларнинг аввалги «тажрибалари»нинг ҳосиласи сифатида юзага келган адабий-танқидий тўпламдан бошқа нарса эмас. Унинг композицион қурилиши ҳам аввалги қўлланмалардан фарқ қилмайди.

Баҳодир Қаримов. Дарслик муқовасидаги «Ўзбек совет адабиёти» бирикмасига эътибор беринг. Мен бу атама эрта-индин мунозараларга сабаб бўлиши мумкин деб ҳисоблайман. Тўғри, XX аср бошида бирикмадаги «совет» сўзи билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар содир бўлди. Ҳақиқатан ҳам шу ўзгаришдан кейинги адабиёт қандайдир бошқа ном билан аталиши шарт. Бироқ давлатнинг бошқариш усули номи билан эмас-да! Еки, дунё халқлари адабиётида «парламент адабиёти», «монархия адабиёти», «бундестаг адабиёти» каби тушунчалар борми? Йўқ, албатта. Менга, масалан, ҳозирги адабиётимизни соддагина қилиб «XX аср ўзбек адабиёти» номи билан аташ маъқул кўринади.

Олим Тўлабоев. Мен ҳам шу фикрдаман. Бу давр адабиёти, албатта, асримизнинг биринчи кунларидан бошланиши ва унинг илк босқичи «Миллий уйғониш даври адабиёти» деб аталиши лозим. Бироқ ҳозирча «совет» сўзидан қочиб кутулишимиз қийин. Чунки биз истаймизми-истамаймизми, барибир, Совет сиёсати басталаган «қуй»га айтилган «қўшиқ»ларимиз бор. Шунинг учун «Совет адабиёти» бирикмасини адабиётимиздаги маълум бир оқим ёки даврга нисбатан қўлланган маъқулроқ. Масалан, Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон» асарини «Совет адабиёти»га киритиш мумкин.

Бахтиёр Остонақулов. Қўлимиздаги дарсликни икки жилдлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи» (1968, 1971 йй.) қўлланма-очеркка солиштирсак, улардаги мазмуний яқинлик, такрорийлик яққол кўзга ташланади. Уларни «совет» сўзига мувофиқ келадиган партиявий-сиёсий таҳлил бирлаштириб туради. Фарқи шундаки, ҳозирги дарсликнинг «Қириш» қисмида бир неча бор «қайта қуриш», «ошқоралик» сўзлари такрорланган. Дарвоқе, «Қириш» ҳақида У Салоҳиддин Мамажонов томонидан ёзилган бўлиб, шундай бошланади: «Кўпмиллатли совет адабиёти ўзининг илк давридан бошлаб янги тузумнинг фаол ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқди, коммунистлар идеаллар учун собит қадам билан кураш олиб бораётган совет халқининг фикру зикрини, мақсадини ифодалашга киришди. У ҳар донм эскиликка қарши кескин кураш ва янгиликни, илғор нарсаларни астойдил ҳимоя қилиш истаги билан нафас олди» (4-бет)!. Нахотки, хурматли олимимиз бизнинг адабиёт келтирган кўчирмадагидек бўлгани учун ҳам умумжагон адабиёт тараккиётдан четда қолганлигини энди ҳам аналлаб етмаганлар?

Умуман, «Қириш»да В. И. Ленин асарлари зўрма-зўраки таҳлил қилиб берилган, холос. Бир неча ўринда эса М. С. Горбачев номи дарсликдан жой олган. Ахир, ўрни келса-келмаса Лениннинг, Маркснинг, янги раҳбарларнинг сўзларидан фойдаланиш шартми? Фақат уларнинг қарашларигагина тўғри келадиган асарларни таҳлил қилиш инсофданми?

Абдулманнон Чўтбеков. Бахтиёрнинг гапларини муаллифларнинг бирортаси ҳам инкор қилолмаса керак. Дарсликнинг «Қириш» қисмида адабиётлар рўйхатини билдирувчи 24 та белги турибди. Шулардан 9 таси В. И. Лениннинг Тўла асарлар тўпламидан келтирилган кўчирмаларга тегишли. Фирқанинг турли-туман қарорлари, янги таҳрирдаги Программаси, XXVIII съезидан келтирилган парчаларни-ку айтиб ўтирмай, «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» мақоласи ҳақида сўз юритилар экан, мазкур асарда адабиётнинг партиявийлиги, адабиётга партия раҳбарлиги каби муҳим масалалар ёритилганлиги алоҳида уқтирилади. Адабиёт ҳар кан-

¹ Дарсликдан кўчирма олинганда фақат бетлар кўрсатилади.

дай раҳбарликка муҳтож эмаслиги, уни ўз эригига қўйиш зарурлиги тўғрисидаги фикрлар муаллифнинг хаёлига ҳам келмайди. Бунинг ўрнига у «Марксча-ленинча дунёқараш социалистик реализм методи асосида ижод этаётган ёзувчи учун компас (!) вазифасини ўтайди» (9-бет) деб ёзади.

Музаффар Солижонов. Ўзбек совет адабиёти бўйича дарслик яратиш бир формулада, яъни мактов — кўчирма — хатола — мутлақ хулоса сингари стандарт шаклда давом этиб келаётирки, бу нарса ўқувчини чекланган доирада адабий мушоҳада юритишга олиб келмоқда. Бу фикрга эътироз билдиришлари, ҳар бир илмий-тадқиқий асар муаллиф томонидан мутлақ хулоса билан тугалланиши шарт-да, дейишлари мумкин. Бирок шундай ҳуқуқлари бўлган ҳолда таникли мунаққидларимиз, наҳотки, синфийлик, партиявийлик масаласига келганда, кескин мунозарага сабаб бўлаётган социалистик реализм методи хусусида сўз юритганда ўзлари мустақил хулоса чиқаришга ҳақли эмаслар. Биз ҳозирги кунда олимларимиз маълум иккёсада чиқарилажак ягона ҳужжат кўз тикиб ўтиришларини истамас эдик. Улар В. И. Лениннинг «Эркин ижод», «субъективлик» ҳақидаги фикрларини келтирадилару принципаал масалаларга келганда ўзларининг жиддий шахсий муносабатларини билдирмайдилар, нимагадир тобеликларини сездириб қўядилар. Муаллифларнинг қайта қуриш даврида ҳам шундай йўл тутишлари бизни таажжубга солди. Кучли шамол турса, кимдир девор қуради, кимдир тегиримон, деган гап рост экан-да!

Мусурмон Содиков. Буни қарангки, дарсликда янги адабиётнинг методи социалистик реализм бўлиши кераклиги айтилади-ю, бироқ социалистик реализм XVIII аср Европа адабиётида кенг тарқалган «Уч бирлик» қонуни сингари даҳшатли темир қолипчилиги ва бу қолипни тўлдирсанг ҳам бир бало, тўлдирмасанг ҳам бир бало эканлиги ҳатто йўлига ҳам эслатиб ўтилмайди.

Б. Қаримов. Марказий матбуотда нафақат социалистик реализм атамасининг ўзи, балки унинг моҳияти, тош-метин белгилари, дарсликда алоҳида таъкидлаб кўрсатилган принциплари ҳам анчадан бери баҳс туғдираётгани кўпчиликка маълум. Бизнинг матбуотда бу муаммо муносабати билан жиддийроқ чиқиш қилган олим — Умарали Норматов бўлди. Олим ўзининг «Методимизнинг моҳияти хусусида» номли мақоласида шундай ёзади: «Социалистик реализм тўғрисида марказий матбуотда бошланган ҳозирги мунозарада кўтарилган масалалар доираси жуда кенг, чунончи, бу борадаги назариянинг жонли адабий жараёндан ажралиб, оркада қолаётгани, «социалистик реализм» термини бадий ижод табиатиға мос келмаслиги, кўпроқ сиёсий-идеологик характерда экани, Ёзувчилар союзи устависида таърифнинг чекланганлиги... сингари муаммолар жиддий эътирозга сабаб бўлмоқда. Тўғри, замонавий фикрлар. Энди қиёсланг: мақола «Шарк юдузи» журналининг 1989 йил 5-сонисида эълон қилинган. Журнал эса уч ой аввал нашрга тайёрланади. Дарслик эса 18 апрел 1989 йилда теришга (беришга эмас!) берилган. Демак, Умарали ака ўз мақоласида илғор фикрларни ёзаётган бир пайтда дарсликдаги догматик қарашларга қўзи тушган... Демак, дарсликнинг яросизлигига ижтимоий шароит сабаб эмас. Демак, ҳамма айб Музаффар билан Мусурмон юқорида киноя қилиб ўтган, бироқ тилға олиғини истамаган 8-бетдаги кичик изоҳда! Еки Евгений Добренко айтмоқчи: «Санъаткорлар замони ўтди, адабиёт тоталитар давлат системасида қандай қиёфада бўлиши лозим бўлса, шу ҳолатға кирди, яъни у «паррак» ва «винчча»ға, «мияни тозалаш» ишида бақувват ускунаға айланди» («Новый мир», 1990, № 2). Агар шундай бўлмаганда эди муаллифлар «Ҳозир социалистик реализм методи хусусида кескин мунозара кетмоқда. Бир тўхтамаг қелишунча аввалги фикрга амал қиламиз» (8-бет) деб ёзишдан уялишарди.

Гулноз Худоёрова. Адабий жараёни даврлаштириш ҳақида дарсликда қуйидаги фикрларни ўқишимиз мумкин: «Адабий жараён тарихий даврларнинг шунчаки, тўғридан-тўғри инъикоси эмас. Шунинг учун адабиёт тарихини ўн йилликларға бўлиб ўрганиш мантикий асоссиздир». (12-бет). Мантикни қарангки, ўн йилликларға бўлиб ўрганиш асоссизу бир неча ўн йилликларни мажбурий қориштириб юбориш натижасида даврлаштириш мақсадға мувофиқ эмиш. Бу ерда ҳеч қанақа моҳият ўзгармаган-ку! Муаллифлар битта даврни ҳатто икки хил номлашган. 1956—1987 йиллардаги адабий жараён «Ки-

риш» қисмининг сўнггида «Социализмни тақомиллаштириш учун кураш йилларида ўзбек совет адабиёти», мундарижада эса «КПССнинг XX съезидан кейинги давр ўзбек совет адабиёти» деб кўрсатилади.

Чори Аҳматов. Дарсликда адабиётимиз тарихини даврлаштириш принциплари ва ўша даврларнинг номланишида эски тартибларға тўла риоя қилинган. Бобларнинг номланишиға диққат қилинг: «Социалистик революция. Граждандлар уруши. Халқ ҳўжалигини тиклаш ва қайта қуриш даврида ўзбек совет адабиёти», «Социализмнинг барпо бўлиш даври ўзбек совет адабиёти», «Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги тикланиш йилларида ўзбек совет адабиёти», «КПССнинг XX съезидан кейинги давр ўзбек совет адабиёти». Қўзларингға ишонмайсан киши. Ахир, бу сиёсий тарих дарслигини ёки адабиёт тарихи?

Б. Остонақулов. Мен адабий жараёни дарсликдагиға ўхшаб 4 даврга эмас, балки 2 даврга ажратган бўлардим:
1. Инқилобдан кейинги давр ўзбек адабиёти (1917—1985 йиллар).

2. Янги уйғониш даври ўзбек адабиёти (1986 йилдан кейинги давр). Ахир, нима учун классик адабиётни ўрганишда битта давр 2—3 асрни ташкил қилади-ю, ўзбек совет адабиётида бу микдор 10—15 йил, нари борса 30—40 йил, холос? Еки замонавий адабиётимизнинг «шоҳи» борми?!

Б. Қаримов. Илмий жамоатчилик халигача XX аср ўзбек адабиёти тарихини даврлаштиришнинг энг тўғри намунасини тақлиб этганича йўқ. Балки «Фикр қаҳатчилиги» мақоласининг муаллифи Абдулла Улуғовнинг «ўз-ўзидан адабиётимиз тарихи жамиятимиз тарихи билан, асосан, бир хил» деган фикрини тафаккур тарозусида тортиб кўрган ҳолда йиллар асосида даврлаштириш тақлифиға қўшилиса бўлар! Бирок бу ҳолатда ҳам, барибир, худди ушбу дарсликдаги даврлаштириш каби «Совет ҳуқумати тарихиға адабиётнинг илова қилинган»ни кўраемиз. Менимча, айна масалани бир-икки киши йўл-йўлақай ҳал қилолмайди.

Мухаммад Маматвалиев. Ўқувчидан ижозат сўраб, китобдан қаттигина парча кўчираман: «Умуман, характерлар тасвирида Абдулла Қодирий кўпроқ романтик мактабға хос усуллардан фойдаланади. Буларнинг бири ҳамда энг қўп тарқалгани шуки, ёзувчи тасвир этилаётган характерларни ривожланишда тасвирламайди, балки, асосан, статик ҳолда тасвирлайди... Бундан кейинги тасвирда Отабекнинг ички дунёси туб ўзгаришға учрамайди, балки биз унинг бизға маълум ички дунёсининг турли вазиятда турлича намоён бўлишини кўраемиз, холос. Романнинг боши билан давоми (?) ва айниқса, ахир бири-биридан фақат шу жиҳатдан фарқ этадики, қаҳрамонларнинг ички дунёси борган сарни теран ва ёркинрок очила боради» (170-бет). Услубдаги ғализликини, фикрдаги мантиксизликини, энг ачинарлиси, сўнгги жумладаги қулғули ўринларни дарсликни ўқишға жазм қилган ҳар қандай ўқувчи осонгина пайқайди.

Бизда дўшмини олиб кел деса, қаллани олиб келадиганлар ҳар вақт топилади. Емон томини шундаки, бундай кишилар, кўпинча, ё зиёлиларнинг бири қисмини ташкил қилишади, ёки ишбоши даражасиға кўтарилишади. Кейин эса... Бош бошлайди, орқа ташлайди-да! Утмишимизни зиндон дейиш, унинг ярамас иллатларидан, эскилик сарқитларидан, жумладан, паранжидан қутулиш тўғрисидаги фикр ҳам дастлаб шу тоифа зиёлилардан чиққаниға ишончим қомил. Жуда бўлмаганда уларға йўл-йўриқ кўрсатишган. Ахир, пахта мустақиллиги учун курашда аёлларнинг очилиши, уларнинг чаққон кўллари-ю, ҳар қандай огирликка бардош берувчи нозик беллари зарур эди. Биз бунди энди очик айта бошладик. «Қайтаман мен ёруғ жаҳонға — Зиндонға қайтаман, зиндонға» деб фиғон чеккан шоир изтиробларни энди тушундик. Бирок ўша даврнинг ишбоши зиёлиларидан бири бу кун ҳам ўзининг 30-йиллардаги қарашларидан воз кечмаган кўринади. У дарсликда шундай ёзибди: «Хотин-қизларни амалда овоз қилиш, жумладан, лаънати ўтмишнинг (!) мероси бўлган паранжини йўқотиш учун оммавий ҳаракат 1927 йилда Ўзбекистон ҳаётидаги жуда йирик воқеалардан бири эди» (148-бет).

Улуғбек Султонов. Дарсликни ёзилган йилиға қараб баҳолайдиган бўлсак, муаллифлар уни чўқур рухий аросатда яратишганиға амин бўламиз. Масалан, адабиётшунос И. Султон «Ўтган кунлар» романининг 20-йиллардаги сиёсий ва ахлоқий масалалар билан алоқадорлиги ҳақида шундай ёзади:

«А. Қодирий «Ўтган кунлар»да халқни душман гуруҳларга (XIX аср шароитида — «қора чопон» ва «кипчок»ларга) бўлиб, улар орасига низо солиш орқали «ажрат ва ҳукмронлик қил» шiori билан иш кўрувчи сиёсатчилар фаолиятининг халқ учун катта зарарини кўрсатишга алоҳида аҳамият берди... романда илғовгар ва ҳасадгўй Ҳомиднинг Отабекка қарши кирдиқорларнинг кенг ҳоли олгани ҳам бежиз эмас. Бу 20-йилларда сталинча бюрократия томонидан авж олдирилган бўхтончилик ҳамда чакимчиликнинг акс садоси, бешафкат жасуруна танкиди, бу ҳалокатли системага қарши дадил исён эди» (163-бет).

«Ўтган кунлар» 1918—1919 йилларда ёзила бошланган. Энди худди шу даврдаги Туркистоннинг ижтимоий, миллатнинг маиший аҳволини кўз олинганга келтиринг. «Қўқон мухторияти» билан Қизил Армия ўртасидаги жанг, минглаб бегуноҳларнинг қони, 1919 йил очарчилиги, Самарқанддаги террор, ҳуллас, «бузилган ўлка»даги аҳвол Қодирийни ўйлашга мажбур қилмадимикин?

Яна роман охирида ёзувчи Отабек авлоди ҳақида гапирди. Унинг ўғли Едгорбек «бу асрнинг ўн тўққиз ва йигирманчи очлик (!) йиллари миёнасида» вафот қилгани, ундан икки ўғли қолиб, биттаси масъул ишда (шўроларда — У. С.), иккинчиси Фарғона босмачилари орасида экани ҳақида маълумот беради. Бир отанинг икки фарзанди бир-бирига душман икки гуруҳга қўшилиб кетади. Бу ўз-ўзини англамаслик миллатнинг фожеаси эди. Шу боис Иззат Султоннинг Қодирий бу романда «ажрат, ҳукмронлик қил» сиёсатини қоралаган деган фикрига қўшилиш мумкин, бироқ уни сталинча бюрократия билан боғлаш кишини ишонтирмайди. «Ўтган кунлар» ўзбекининг тақдирини тўғрисидаги гоёт кайғули ўйди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, устоз мунаққиднинг Қодирий ижоди ҳақидаги фикрларининг айрим нуқталари янгиланган. Жадилизмга муносабатлари ўзгарган. Лекин «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён»нинг тадқиқи, асосан, эскича қолган. Муаллиф «Ўтган кунлар» тадқиқини айрим тузатишлар билан тўрт жилдлик асарлар тўпламининг 2-жилдидан (354—376-саҳифаларни) кўчириб олганлар. «Меҳробдан чаён»нинг таҳлили эса таҳрир қилинган ҳолда шу жилднинг 377—388-бетларидан кўчирилган. Яна такрорлайман, албатта, тузатишлар, тушириб қолдирилган ўринлар бор.

Муқаддас Тожибоева. Негадир шу пайтгача чиккан дарсликлару кўллалмаларда Ойбекнинг фақат насрий асарларига кўпроқ эътибор берилган. Ахир, у ажойиб шоир — гўзал шеърлар ва поэмалар яратган. Янги дарсликда ҳам шу ҳолат такрорланган. Масалан, адабиётшунос Б. Назаров томонидан Ойбек поэзиясининг гултожи бўлган шеър — «Наъматак»ка: «Наъматак» шеъри — ҳаёт ва абдиёт, масъум гўзаллик ҳамда безавол ирода шаънига битилган куй каби майин, дилрабо... Таровати эса қалбимизга фароғат бағишлайди» (202-бет) деган қисқа ва қуруқ таъриф берилди. Менинча, бу шеърда Ойбек шеърлятига хос барча хусусиятлар мужассам топган. Шу боис дарсликда унинг батафсил бадий-эстетик талқинини бериш мақсадга мувофиқ бўларди. Умуман, дарслик мундарижасига ҳамма ижодкорлар, ҳамма асарларни киритавериш шарт эмас. Масалан, «Наъматак»нинг бадий-эстетик моҳиятини англаган ўқувчи Ойбекнинг бошқа шеърларини бемалол тушунади, таҳлил қилади. Ойбек шеърлятини таҳлил қилишга ўрганган, ақли етган ўқувчи Уйғун ёки Зулфия шеърларини ўзи мустақил текшириш қобилиятига эга бўлади. Ҳар бир асарга, ижодкорга алоҳида-алоҳида берилган, умумлаштирилмаган, қисқа таърифу тавсиф, баёнлар ўқувчининг ҳафсаласини пир қилади, холос.

Б. Остонақулов. Менимча, Муқаддаснинг фикрлари фақат Ойбек ижодигагина тааллуқли эмас. Дарсликнинг Озод Шарафиддинов қаламига мансуб «Абдулла Қаҳҳор» боби ҳам қайтадан ёзилиши керак. Мана, муаллиф «Сароб» романининг бош қаҳрамони — Саидий образи таҳлилин қандай жумлалар билан бошлаганига эътибор беринг: «Романининг бош қаҳрамони — Раҳимжон Саидий. Унинг тақдирини ёзувчи халққа қарши борган, ҳаёт оқимиға қарши қурашган, даврнинг бош йўлидан четга бурилиб, боши берк кўчаларда тентираб, ўтмишни қайтаришга бехуда уринган кишиларнинг тақдирини умумлаштирилган» (268-бет). Майли, жумладаги гализликни, мослашув бузилганлигини тасодиф дейлик. Бироқ нима учун Саидий халққа қарши борди, аввало, халққа қарши борганми, 20—30-йиллардаги ҳаёт оқимиға қимлар қарши турди, қимлар ўша даврнинг бош йўлидан четга чик-

ди, деган саволлар очик қоладики, буни тасодиф деб бўлмайди. Айни мана шу саволларнинг жавоблари «Сароб» бадий таҳлилининг дастлабки қисми бўлиши керак эди.

М. Маматвалиев. «Лаънати ўтмиш»да ўзбек халқининг илмий ва бадий тафаккури бутун жаҳонни ҳайратга солган. Шоир ва олимлар айтлаётган сўзнинг гўзал, мантқиқли бўлишига катта аҳамият беришган. Муҳими, одамларда алдамчилик бўлмаган. Улар бирор нарсага аниқ билмасдан, узок ўйламасдан туриб гапирадиган кишиларни, яъни етти ўлчаб, бир кесмайдиганларни «қулоққа тепма», «лағмон чўзма», «тўққиз қўйма» қабилдаги сўзлар билан уялтиришган ёки устиларидан қулишган. Ҳозир эса замон ўзгарди, одамлар ўзгарди. Демак, олимлар ҳам, жумладан, ушбу дарслик муаллифлари ҳам «ўзгартиришган». Тилга олишга арзаймайдиган воқеаларни кўпиртириш, ўз шоғирларига илм санаб тавсия қилиш уларнинг кўлидан, бемалол, келади. Ишонмасангиз, ўқиниш мумкин:

«Шайхзоданинг «1870 йил 22 апрел» шеъри бошқа бир жиҳатдан, умуман, совет ва хусусан, ўзбек шеърлятида фикрий тақомилга (!) далил бўлиши жиҳатидан (?) ҳам диққатга лойиқдир. Маълумки, узок йиллар давомида шеърлятимизда Ленин образи, кўпинча, буюқ устознинг (!) вафотига бағишланган шеърларда гавдалантирилган. Шайхзода эса 1951 йилда ёзилган мазкур шеърда дохийнинг вафотини (!) эмас, балки туғилган кунини (!) мавзу объекти қилиб олади» (334-бет).

Мантқиқини қаранг, дохийнинг вафотини эмас, балки туғилган кунини шеърга мавзу қилиш фикрий тақомил экан. Бу гапларнинг қайта қуриш даврида ёзилганига шубҳангиз борми? Ҳа, балли? Муаллиф эса уни қайта қуриш даврининг махсули сифатида сизга тақдим қилмоқда. Ҳўш, муаллифларни бундай йўл туттишга нима мажбур қилди? Ортиқча меҳнатдан қочиши ёки яна ижтимоий шароитми?

М. Содиков. Биз Х. Х. Ниёзий руҳини қақшатиб, унинг бадий меросини инкилобни мадҳ этган алвон шеърлят деб ўрганиб келдик. Энди Ҳамид Олимжон ҳам ана шундай, яъни фақат сиёсий шоир сифатида дарсликда зикр этилибди. «Ҳамид Олимжоннинг ўз асарларини янги ҳаётни қуришга хизмат этадиган даражада гоёвий-бадий мукамал қилиб яратишининг боиси, асарларида фаол, дадил, жасур, қурашчан кишилар образларининг етакчилиги, унинг ўз сўзлари билан айтганда, «турмушни илгари етаклашга, тортишга, ўзгартиришга кучи этадиган» образлар яратишининг бош сабаби шу эди» (221-бет) деб ёзади муаллиф. Аввало, Бахтиёр тилга олган жумла гализликлари бу ерда ҳам яққол кўриниб турибди. Кейин юқоридаги гапларни ҳар қандай ижодкорга нисбатан ҳам қўллаверса бўлади. Ҳолбуки, Ҳ. Олимжон шеърлари ўзига хос ўхшатишлари, лиризмнинг кучлилиги билан бошқа шоирлар ижодидан тубдан фарқ қилади. С. Мамажонов эса унинг «Зайнаб ва Омон» достонини, «Бахтлар водийси», «Қўлингга қурол ол» каби шеърларини шох асарлар сифатида тилга олади. Умуман, биргина «Қўқон» тўплами тўғрисида фикр юритилганлиги тадқиқот тор доирада олиб борилганидан далолат беради.

Абдумурод Тилавов. Дарсликка А. Орипов, Э. Воҳидовларнинг киритилганлиги кишини қувонтиради. Аммо таҳлилга келганда юзакликка йўл қўйилган. Масалан, А. Орипов маҳоратини, истеъдодини шоир ижодининг «энг нури ва порлоқ саҳифаларидан бири» бўлган Ленин, Партия ҳақидаги ёки Бухоро газининг Москвага етиб бориши муносабати билан ёзилган «Совга» шеъри ва ундаги «ёркин мисралар» белгилаб бермайди-ку!

Шу боис дўстларимнинг дарсликнинг яроксиз эканлиги хусусидаги эътирозларига тўла қўшиламан. Муаллифлар ушбу эътирозлар ўрнига чексиз миннатдорчиликлар эшитишлари ҳам мумкин эди. Афсус...

Чори Аҳматов. Умуман, дарсликдан қандай ижодкорлар ўрин олишининг ўзига хос қонун-қоидалари бор. Миллий маданият тарихида ўчмас из қолдирган ижодкоргина бундай ҳуқуққа эга. Айни шу талаб билан ёндашганимизда баъзан боблар дарсликка нима мақсадда киритилганини англаш мушкул. Масалан, қимлар қайси хизматлари учун дарсликка киритилганига профессор Акрам Қаттабеков сизни ишонтирмайди.

М. Маматвалиев. Дарсликни ёзишда адабиётшуносликдаги мавжуд таърибалардан фойдаланилди, деган фикрлар ҳам,

менингча, бутунлай асоссиз. Ҳар бир муаллиф ўзининг эски илмий-эстетик қарашларидан чекинмаган. Масалан, 171-172-бетларда Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романининг тили тўғрисида фикр юритилади. Бироқ муаллиф «Романнинг тили айрим жойларда романтик бўёқдорлик, ҳатто безакдорлик касб этади, автор интонацияси жуда хаяжонли бир тус олади» деганга ўхшаш юзаки, дабдабали гапларни айтишдан нарига ўтмайди. Бунинг ўрнига ўзини қийнамай «Ўтган кунлар» романининг тили ҳуеусидаги Пиримқул Қодировнинг яхшигина тадқиқотидан фойдаланганда мантиқан тўғри иш қилган бўларди. Дарслик ёзувчи ишни аслида ўзи қойилмақом қилиб бажариши керак. Мабодо, бу иш қўлидан келмаса-ю, бировларнинг ўринли, мантикли гўзал фикрларидан фойдаланса, ҳеч ким буни унинг юзига солмайди.

Умуман, муаллифлар адабиётшуносликдаги мавжуд янгиликлардан фойдаланишмаган, уларнинг адабий жамоатчилик учун сир бўлган ижодий изланишлари, деярли, йўқ. Ахир, бўлар-бўлмасга янги дарслик яратишнинг, ўқувчи ва талабаларнинг қўйини пуч ёнғокка тўлдиретиши нима ҳожати бор эди?

Хулоса ўрнида нима десам экан? Фикримча, биз ўзбек адабиёти бўйича дарслик яратишдан аввал шу дарслик қандай тартибда бўлишини муҳокама қилишимиз, унинг қимлар томонидан ва қай тарзда ёзилишини чуқурроқ ўйлашимиз керакка ўхшайди. Айни тартиб ҳеч қачон муваффақият келтирмайди. Демак, ҳозирча ечимини қутаётган муаммо аниқ: дарслик қандай бўлиши керак?

Агар шу муаммони оқилона ҳал этсак, сўнгра дарслик ёзишда муаллифларнинг авлодлар алмашуви содир бўлса, ниҳоят, адабиётимизнинг эртанги кунига умид туғилади...

Б. Остонакулов. Хуллас, янги дарслик яратилиши шарт. Унинг мундарижаси қандай бўлиши эса бир қанча илмий-назарий масалаларнинг оқилона ҳал этилишига, мутасадди ташкилотлар ва раҳбарларнинг адолатли муносабатига ҳамда бўлажак муаллифларнинг Виждонига боғлиқ. Сўзимнинг сўнгида алам ва умид билан айтаман: бўлғуси Янги дарсликка XX аср туркий адабиётининг улкан сиймолари — Чўлпон ва Фитрат ижоди киритилармикин?!

Муҳаммад МАМАТВАЛИЕВ ёзиб олди.

Назми

Дилбар Ҳайдарова



Афросиёб йўли

Хосиятга

Минг-минг йиллаб пинҳон ётар йўл сирини,
Бу кўчадан гадо ўтган, ўтган шоҳ.
Гадонинг тўрваси, шоҳнинг шамшири —
Йўл бетига тушган чандиқлар гувоҳ.

Озодлик ҳақида қўшиқлар айтиб
Оёғини зўрға судраб ўтган қул.
Жангга кетган ёри келмасач қайтиб
Сочин юлган бахти қаро қайси тул.

Шу йўлдан бошланган илк бора сафар,
Шу йўлдан бошланган айрилиқ, висол.
Шум хабар келтиргач ногаҳон чопар,
«Во дариғ», деб йўлга йиқилгандир чол.

Минг-минг йиллаб пинҳон ётар йўл сирини,
Ёрилган товонга беролмай таъриф.
Гадонинг тўрваси, шоҳнинг шамшири —
Йўл бетига инграб ётади тарих...

Муаллифнинг тўғри иш

Машраб осилган кун

Гуноҳлардан фориг этмай дунёни,
Гуноҳларга ботиб қолди бугун дор.
Ажратолмай бугун йнгу рўёни,
Ҳалойиқ бағрини тиглайди зор-зор.

Дорда Машраб эмас, дорда ишқпараст,
Бўғзида қўшиғи — куйчи девона.
У гуноҳкор эмас, у қўшиқпараст,
Дордаги қўшиқдан қўрқар замона.

* * *

Термез яқинидаги «Султон Саодат»
харобаларида ёзилган шеър

Безга саодат шунчалик аянч,
Ғариб аҳволига тушгани ростми?
Пештоқида ёнган тиллолару ганж,
Ғанимлар юртига кетгани ростми?

Ҳатто Аму кетиб қолибди узоқ,
Бу ёқдан пахтазор келар бостриб.
Ахир яқингача, бордайн тузоқ
Ҳеч ким келолмасди сизга ботиниб.

Болалар жонини олганда «сариқ»,
Саодат дегани қоғозга дўнди.
Хиноли қўллари ёриқ, қабариқ,
Шарқнинг аёллари меҳнатга кўнди.

Раҳбарлар алмашди, султон алмашди,
Аёл юмушлари абадий, илло.
Дунёнинг ишлари бари чалкашди,
Ботқоқларга ботди қадимий тилло...

Худого шукрим, сина бошлади
Келгинди зотларнинг аробалари.
Мен сизга сиғиниб кўзим ёшладим
Султон Саодатнинг харобалари.

ДУТОРЧИ

ХОЛИМ



ҚИЗЛАР...



АУЛАК



Саодат Наим кизи



* * *

Умрим лаҳзалари ўтапти унсиз
 Сен келар йўлларга тикилиб бетин.
 Мен шунча йил яшадим сенсиз,
 Сўлгин умидларим ҳаққи, бир келгин.
 Эртақлар алдамоқ истайди яна,
 Қимга берай сенга аталган бахтни.
 Қайси бир юракдан атиргул узай,
 Сўнгсиз кўз ёшларга кўмилди вақтим.
 Қандайдир бир оғриқ сезаман. Мени
 Етакламоқ истар сен томон.
 Журъат дея гурурдан кечиб,
 Қиз боланинг боргани ёмон.
 Умрим лаҳзалари қалбингдаги йўл,
 Бу йўлдан муҳаббат югурар шошқин.
 Чорлаётган бедор ўйлар ҳаққи, кел,
 Бағримга бош ургин мисоли тошқин...

Самерканд вилоятининг Каттақўрғон туманида туғилган. Тошкент Давлат до-рилфунунининг журналистика куллиёти 5-курс талабаси. Жумҳурият ёш ижод-корлар VI кўрик-кенгаши иштирокчиси.

Кўклам

Қадами бенажот қиш салтанати
 Қуёш шамишлари пойида синди.
 Қаҳратон макридан озод борлиққа
 Муҳаббат тафтидек бир тугён инди.
 Боғлар нигоҳида ёнди ҳаяжон,
 Борлиқ вужудида бедор тараддуд.
 Замин сийнасида итқитиб армон,
 Бағридан юксалди бойчечак барқут.
 Ҳаётга жўр бўлар борлиқ, мавжудот,
 Тўкин келажакдан бу нишонадир,
 Яралиш, ёшариш умрига нажот,
 Бу қадам — табаррук умидхонадир,
 Бу — кўклам аталмиш бедор онадир.

ЗУЛФИЯ ЮНУСОВА. Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги Ражабберди қишлоғида туғилган. Қўқон педагогика институтини тугатган. Ҳозир болалар боғчасида мудир вази-фасида ишлаётир.

Зулфия Юнусова



Кечиккан муҳаббат

Кеч кузнинг аёзли саҳарларида
 Юзин шабнам эмас, қиров қучганча,
 Қиш бошин аёвсиз хатарларида
 Ногаҳон юз очди кечиккан гунча.
 Чорасиз хаёллар кўксин тиглайди,
 Хазонли даргоҳга ётдир бу чечак.
 Юраги ҳаётдан нажот тилайди,
 Тушлари баҳордан сўйлайди эртақ...

Нурдек ёруғ хаёллар эшигимни очади,
 Умидим кўз тикади оқ-ойдин йўлингизга.
 Ёлғизлик бошимиздан шубҳаларни сочади,
 Ташвиш кира бошлайди дилимга, дилингизга.

Келасиз бағрингизга босиб буюк ишончни,
 Келасиз шубҳаларни доғда қолдириб, ёниб.
 Мен гул қилиб сочаман йўлингизга қувончни,
 Мен сизни кутадирман тушларимдан қизғониб.

Туш

Тунни эзгилайди туёқлар саси,
 Енгил нафас олар дала-қир.
 Ёруғ хаёл билан, ёруғ юз билан
 Ёвни тирқиратиб келади ботир.
 Кўнги хуш,
 Сўғд эли қилар тантана,
 Гулхан атрофида бошланар базм.
 Нозик қўллар шароб тутар мардларга,
 Лочинлар гулларга ҳадя этар бахт.
 Бир қиз шароб эмас, дардин узатди,
 Нега ўйчан турдинг, азизим.
 Ўт ўрлар осмонга, орзулар ўрлар,
 Урлар қиз қалбида яшаган тутун,
 Урлар ул лаҳзани унутмаган кун—
 Овдан сўнги чарчоқ... бир пиёла сув,
 Сувга қўшиб қалбин узатди-ку қиз...
 Спитомин, қизни сев,
 Спитомин, мени сев...

Қўшон Абдулла



* * *

* * *

Дарахт...
Шохларида қор.
Буралиб кетган танасида
Кимдир пичоқ билан ўйган бир ёзув:
...+...=СЕВГИ.
Дарахт — Одам,
Сочлари оқарган киши.

Дарддан томирлари бўртган,
Манглайи ажин.
Кўксиди тақдир ёзуви:
«МУҲАББАТ»...
Унинг тили — Сукунат,
Кўзлари — Хотира.
Вужуди — Армон...
Одам — Дарахт,
Узилмаган сўнги яроғи.

Кузнинг сўнги кечасида
Қорларга кўмилиб турибди Дарахт.

Қоғозлар тугаб қолди,
Отай деб қолди тонг ҳам.
Бироқ тугамади дардларим,
Бироқ тугамади ғам.
Мени қайта бағрига олди
Мусофирлар ватани — шаҳар.
Қайта исён бошлади Соғинч,
Қайта бош кўтарди азоблар.
Юлдузлар кўзимга санчилди,
Михландим Ҳижроннинг чорпоясига.
Менинг сиғинганим — муҳаббат
Бу кеч ололмади ҳимоясига.
Энди шеър ёзолмам. Чопилди қўлим,
Кўзларим ўйилди, кесилди тилим.
Лек руҳим ахтари кетади сени
Олис қишлоғимда қолган севгилим.

* * *
Мен бу кеч кўмилиб қолдим
Мусофир шаҳарнинг ташвишларига.
Олисларда қолган етим Умиднинг
Ғарқ бўлдим аёвсиз қирғишларига.
Йўллар инграндилар товонларимда,
Кўлимдан тортқилаб судрар бекатлар.
Лек мени бўшатмас қучоқларидан
Ташвишлар, Ташвишлар, Ташвишлар.
Йиллар сониядек ўтади лип-лип,
Мусофир умр ҳам охир қарийди.
Соғинчнинг торгина деразасидан
Бир Умид ҳар кун ийўлга қарийди.
Мен бу кун бўлиндим минг бир бўлакка,
Шаҳар ҳам, Ташвиш ҳам бўлдилар унут.
Шўрлик бўлакларни бирма-бир босиб
Остонамдан ҳатлайди... УМИД.

Ҳусайн Бойқаро

Адолат, разолат тахт талошинда,
Не илму ҳунарнинг макри — бошингда,
Хайрият, шоир бор сенинг қошингда,
Қилич, шон, дабдаба Хуросон аро,
Шоҳлик бир давр экан, кўрдинг, Бойқаро.

Алишер ёлғиздир, дард, ташвишдадир,
Ҳарамда базм-ишрат, нозу ишвадир,
Маждиддин имони зару ришвадир.
Шоир адолатга чорлар, бепарво
Саман отни илдам сурдинг, Бойқаро.

Ҳирот Алишерга кенг даргоҳ бўлди,
Нотинч Астробод гоҳ паноҳ бўлди,
Ларзага тушган шоҳ нечук шоҳ бўлди?..
Дўстингни Ҳиротга кўролмай раво,
Ўзингни ҳар ёққа урдинг, Бойқаро.

Сармастсан, косанга шароб қуйдилар,
Во ажаб, пичоқсиз бағринг ўйдилар,
Неварангни эмас, сени сўйдилар.
Юзинг қаро айлаб, сен мотамсаро,
Таназзул эшигин очдинг, Бойқаро.

Ўтмишинг пинҳона жафоли бўлди,
Маишат ё кайфу сафоли бўлди,
Фақат шоир сенга вафоли бўлди.
Ишончин дафн этди аҳли фуқаро,
Кимга ишонасан энди, Бойқаро?..

Мўмин Аваз

* * *



Билмайман, кимдандир менинг илинжим,
Қадрдон гўшалар,
Шўхчан оҳанглар...
Қай бир куч етаклар,
Термуламан жим —
Сойда қат-қат музлик,
Кўкимтир ранглар.

Энди турғунликка бўйсунди руҳим,
Қалб шаффоф хаёллар домига тортар.
Зиёратли маскан,
Баҳор шуқуҳин
Ҳафиф, тароватли тонглари отар.

Дарахт шохларида юлдузлар ларзон,
Опоқ қор устиди қолади изим.
Мен-да бу ерларда юрибман сарсон,
Ой-да сой тубидан ахтарар ўзин...

Даврон донгдор

Қалитнинг ҳалқасида
Сталин — кўҳна суврат.
Итоаткор боқади
Ҳатто ҳар автомурват...

Пўнғиллайди серзарда,
Босадир мошин газин...
Моторнинг гув-гувидек
Замон қадами вазмин.

«Оғритарди ахир ким
Бир вақт бошлиқ дилини?
Кесмоқ керак буларнинг
Чиқиб қолган тилини...»

Кўкка чиқар фиғони
Ўтказганда хотирдан.
Барчасининг аламин
Олсамикан хотиндан?..

НАВОЙНИНГ «ТИЛ САНДИҒИ»ДАН

Ҳозирги ўзбек адабий тилида адабий сўз нима ва у миқдор жиғатдан қанча деган саволга ҳеч ким, ҳатто тилишунос, лугатишунос одимларнинг ўзлари ҳам тўлиқ жавоб бера олмайдилар. Биз ҳозирги тилимизда, турмушимизда, илмий, бадиий адабиётимизда истеъмолда бўлган сўзларнинг ҳам оз қисминигина адабий сўз деб айта оламиз. Бунинг сабаблари, биринчидан, бизнинг давримизда тузилган лугатларнинг камбағаллиғидир. Иккинчидан, ҳозирги ўзбек адабий тилимизнинг эски ўзбек ёзув тилидан, буюк бобомиз Алишер Навоий асарлари тилидан узилиб қолганлиғидир. Ана шундай узилишлар туфайли биз ўз меросимизни, Навоий асарларини махсус лугатлар ёрдамидагина ўқий оладиган бўлиб қолдик. Бола ўз бобосини танимаса, неча асрлардан бери узлуксиз, тадрижий равишда ривожланиб келаётган улғур бир халқнинг тили ўзининг илдиридан, асосидан бегоналашиб кетаверса? Наҳотки?! Ўзбек тили тарихининг турли тараққиёт давлари орасига раҳна солишга уриниш, унинг ҳозирги ривожига онгли аралашмаслик, тил меросимиздан фойдаланмаслик каби зарарли илатлар бош баъзилар Навоийнинг кўп сўзлари бизгача етиб келмаган, улар унутулиб, «ўлиб» кетган деган нотўғри таънадашномлар қилдилар.

Биз бир тажриба сифатида бобомиз Навоий «Тил сандиғи»ни кўздан кечирдик. Бунинг учун шоир асарлари бўйича тузилган тўрт томлик «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати» (I—IV том, Тошкент, 1983—1985 йиллар)даги сўзларни ҳозирча торроқ доирада бўлса-да, Қўйи Қашқадарё шаҳар ва қишлоқларидан йиғилган шева сўзлари билан солиштириб чиқдик. Чунки Навоий бобомизнинг ўзлари ҳам мансуб бўлган турк, барлос, арлот, қорлик, қовчин каби кўплаб қадимий уруғлар ва шевалар ҳозир ҳам кўпроқ шу ҳудудда жойлашган. Бу ишда биз кўпроқ ҳозирги ўзбек адабий тилида йўқ ёки жуда кам истеъмолда бўлган ва шева-диалект бўёғи анқиброқ турган сўзларни Навоий лугатидан изладик...

Қўйида шундай сўзларнинг бир қисмини келтирашим. Бу сўзларнинг баъзилари бошқа шеваларда ҳам учраши мумкин. Тартиб шундай: аввал Навоий лугатидан олинган сўз, унинг маъноси, мисол берилиб, сўнгра шу маънода диалект сўзи гап ичида берилади. (Шевада шу сўзнинг талаффузи ёки маъноси бироз бошқача бўлса, у ҳам кўрсатилади).

Навоий «Тил сандиғи»ни очамиз:
Аваллоқшом — кечқурун, тун бошланиши пайти: Шамъ авалоқшом — ўқ куйди фиғоним ўтидин (Навоий) — авалоқшом 1) кечқурун маъносида: Бу авалоқшом ухлайди. 2) ўтган кун кечқурун, «кеча кечқурун» маъносида: Авалоқшом мен борувдим (Нишон).

Авло — афзалроқ, яхшироқ: ...Офият аҳлига авлодур йўлмудин тарқамоқ (Навоий) — авло (шу маънода) Муннан авлорғ иш топсайиз бўмайди (Бешкент).

Айбгу, Айбғуй — бировнинг айбини айтувчи, камчилигини юзига солувчи: Улки санга элдин эрур айбғуй (Навоий) — айбғуй — бировнинг айбини қидириб топиб, айтиб юрүвчи: у жидаям айбғуй одамкан (Потрон); Айибгўйям, чүвчигўйям бир гўр. (Қовчин).

Аллоф — ғалла сотувчи, савдогар, тегирмончи: ...аллоф бозори андин иссиқ (Навоий) — аллоп, оллоп — ун, ғаллани майда торози билан сотувчи: аллопти қўли қаллоп дейиша (Қарши).

Алоло — шовқин-сурон, ғовға, можаро, овоз, қий-чув: Базмда ул лаҳза алолони кўр (Навоий) — алола, олола: Сувди шалоласи бачалони алоласи бўлади; бирон алола чиғармасайди (Бешкент).

Алоча — олача, маго номи: Алоча ҳошиялиқ тўн кийиб... (Навоий) — алача — бўзга ўхшаб тўқиладиган ола-була материал: алача тўн бўлайди (Бешкент).

Алочўғ — кўзнинг олачиғи: кўз алочўғларинг дуд еган ўғларидур (Навоий) — алачуғ — кўз олачиғи: Кўзийни алачуғи қизарипти (Бешкент).

Андом — қадди-қомат, тан, бўй, бадан, жисм: Савсани тўн бирла улкан сарвдек андоми бор. (Навоий) — андом, андам — «бадан», «тана». Андами оппоған (Қарши).

Арбоғ — авраш, афсун, ўралиб чирмашиб туриш: Ким журун гуфторидур ёхуд йилон арбоғи (Навоий — арбоғ — «авраш», «ёпишқоқлик»: Оч арвадан қоч арвағ (Қовчин).

Ахтачи — 1. отбоқар, отлар билан шуғулланувчи. 2. хабарчи: Ахтачи илгида эди Гулгун (Навоий) — ахтачи — молларни бичувчи, ахта қилувчи: ахтачини айтгим, келади. (Қовчин).

Баковул — бош ошпаз: Хизмат аро бор эди бир қул анга, Поля хизматда баковул анга (Навоий) — шу маънода: қозанди бўйида одам кўп, баковули қайси бири? (Қовчин).

Бўртоғ — пасту баланд, ўқур-чўқур, нотекис, бузуқ ер: Тунунг тийра, кўзунг хира, йўлинг бўртоғ, отинг оқсоқ (Навоий) — бўртағ, буртоғ: Ҳозир бўртағ-сўртағ ерам қомади, ҳаммасини ўзлаштирдик. (Қовчин).

Бурунчақ — рўмолча: Шарбати дасторин бошига бурунчақ қилгайлар (Навоий) — бурунчақ, мурунчақ, «бурун артандиган рўмолча»: Бурунчаги бурунди артатаған рўмолда (Эсовой).

Бута — бута, пута: Ул зулол атрофида ҳар муғилон бутаси гулшани нажот ниҳолидур (Навоий) — бута, пута (масалан, шувоқ бутаси): Молла қишта далада пақат пута йийди (Нишон).

Бутов — бутун, шикластанмаган, жафо кўрмаган: Борди ул ким дер эдилар эл мени бағри бутов (Навоий) — бутов, путов — сўйилган мол терисини тилмасдан бўйнидан суғириб олиш: путов терисидан гунсар (терини ҳаво тўлдириб, шишириб қайиқ қилиш) бўлади (Қовчин).

Бурчин — ўрдақнинг урғочиси: Тағи турк ўрдақнинг эркагини «сўна» ва тишисин «бурчин» дер (Навоий) — Бурчинди гўштини егаммисиз? (Қасби).

Бўғизлағу — бўғиз, халқум гўшти: ...ва ўрта илик ва бўғизлағунини туркча айтурлар (Навоий) — бўғизлов (халқум гўшти, бўғиз): Зўр кучугим борийди бир кун бир жондарди бўғизловидан чишлап босипти (Нишон).

Вусма — ўсма: Қариким соқолини вусма била бўлғай (Навоий) — вусма: Қошия вўсма қўйди (Кожор).

Гарм — иссиқ, қайноқ: Совуғ оҳиким чекарман гарм ўлур оқмоққа ашк (Навоий) — гармсел, гармсел: «иссиқ шамол»: Гармсел турди йенни қўймайди (Кожор).

Гиламандлиғ — ўлкаши, гина қилишлик: ...Ернинг ўзгаларга илтифотидин гиламандлиғи кўнглини мухтор қилиб... (Навоий) — гиламаллиғ — Буларни арасидан бир гиламаллиғ ўткан; Гиламаллиғ ёмон нерсада (Қовчин).

Гурезон — қочган, қочувчи: Лайлидин ўлуб тараб гурезон (Навоий) — чиллагурезон — «келинларнинг чилласи чиққандан кейин меҳмонликка чақириш». Кеча чиллагурезонини ўткардиг (Нишон).

Гурза — қатта заҳарли холдор илон: «Не хартум ким гурза мори замон» (Навоий) — гурза — «олачипор илон». Гурза илон ёмон қақди (Отчопар).

Дав — 1. югуриш, чопиш, елиш, навбат, сира; 2. қимор ўйинида қўйилган пул; Неча кун васл учун айлаб току дав... (Навоий); Жонни бир дав ила гар хаста Навоий ўйнар (Навоий) — дав — «омад»: Бу бечарани дави юрмапти (Қовчин).

Дилгир — дилни олувчи, озор топган, юракни сиқадиган, ғамгин, хафаланган: Фироқ шоми саводи не бало дилгир ва умрфарсо эмиш (Навоий) — дилгир — «хафа қилувчи», «озор берувчи»: Кемай кессин бу дилгир (Нишон).

Долбой — ов қушига бериладиган гўшт, бир бўлак гўшт: Долбой — ов қушига бериладиган гўшт, бир бўлак гўшт: не кўкка, чиқмоқ эрур долбою ўртоғи била (Навоий) — дол-

вой — «карзимган нарса», «озгина юмуш», «жундай эхтиёж»: Узини овига ярамаган, бировди долвойига ярайдими? (Қовчин).

Даримоқ — ҳозир бўлмоқ, келмоқ: Аммо бобо Хушкелди бўлур кентга доримайдур (Навоий) — дариди — «келди», «тегди»: Кеча бизди қўйлага жондар дариди. Бияғлада йўғ бизага ҳеч даримайди (Нишон).

Жўғи — лўғи: ...Ки жўғидин ўлган анга сарзаниш (Навоий) — жўғи — «лўғи», «найрангбоз киши»: Жўғилани тўйи жидайам зўр бўлади; Укангиз тоза жўғи (Нишон).

Зардак — сабзи: Ошига ким солса қилиб зийнат иш, зардагу шолғом киби олтурн кўмуш (Навоий) — зардаг — Ошнинг қовурилган ва қайнатилган гўшти, пиёз-сабзиси, зирваги: Ошти зардаги тайёр бўлган (Қашқадарё).

Илай — олд, олди: Дарё илайига келдиким, ...Бобо илайидин ўтмассен сабаб недур? (Навоий) — илай — олди, аввал, олдин: Ман уни илайига боддим. Илай сам богун, сўгин ман бораман (Қарши, Бешкент).

Ит, итмак — йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ: Меҳр ваъдаси ҳамано меҳри гуёҳдек итти (Навоий) — итти — йўқолди; итирдим — йўқотдим маъносиди: Эй бачам, мери шапқат диган несса итип кетти-ку (Қарши).

Итик, иттик — ўткир, кескир, тез; итик дос — ўткир ўртоқ; итиклик — ўткирлик, кескирлик: Итик досдан йўқки олмосдек (Навоий) — иттиг, иттий: Бичоғи итижкан, давучи иттиг. Жўрани покиси (устараси) иттиг эмасэкан (Бешкент).

Йўртоқ — қорчанга от: Юздин бириким, маъракага етиб йўртоқ чопиш билан... (Навоий) — 1. Йўртақи — йўртақи от — лўқиллаб чопадиган от; 2. Йўртақи — у уйдан бу уйга гап ташиб юрадиган шахс: Улсин бу йўртақи, ҳаммани жонига тегди (Қовчин).

Кажжа — тил билмас, соқов, кажжа лафзингни балағат соғиниб (Навоий) — кажжа — тилга тушунмас, «гап уқмас»: Бу кажжани ўзини тилида гапирсанг, тушунмади (Нишон).

Кажрав — тескари иш қилиб юрвчи, эгри юрвчи, ҳийлазар: Улки сув янглиғ эрур паст наҳоду кажрав (Навоий) — кажрав: Сан мундоғ кажрав йўрмагин (Денов).

Капанак — жундан қилинган устки кийим, дивешларнинг уст кийими: Судраса бода гадолиғида иртиқ капанак (Навоий) — капанаг, кепанаг, кепанай — асосан чўпонлар қишда киядиган усти тўқилган шол (чекмон), астари кизгидан бўлган кийим: Кишка кепанаг бўмаса бўмайди совуғда (Нишон).

Курта — кўйлик, кийим: Ул курта жубъани ул дарвешга бердим (Навоий) — курта — узун кийим: Курта камзил бўлади (Бешкент).

Лаванд — ишғамас, ялқов, тинбал: Мавлоно Нурий... кўп лаванддур (Навоий) — лаван, лаванг: Эринг лаванг бўса, кунинг ўтмайди (Бешкент).

Лачак — рўмол, дакана: Ваё сочингда бурунчак уза лачакму экан (Навоий) — лачаг, лочай, лачай — қўлдан ясалган келин-қўғирчоқ: лочай ўйнаймиз (Қарши). Хотинлар (кампирлар) бўйнига осадиган оқ мато.

Лош — ўлимтик жусса, ўлик тақ: ...Чун кўрсам ити оллида лошин соғинурмен (Навоий). — лош: Лошийни қарга-қуз-ғунлар есун (Қарши).

Мазаллат — хорлик, хўрлик: Иззат аҳлики мазаллатқа тушти, санғат аҳли йўқтур (Навоий) — мазаллат: Нима мазаллат кўрипти бу ёшла (Бешкент).

Мисвак — тиш тозаллагич: Мисваки тамаъ тишни элтурга сухон (Навоий) — мисваг: Мисвагимди обе менга (Қовчин).

Мучак — ўпич, бўса: ...лавлингни ёқтурур мутаоқиб мучакларим (Навоий) — муччи: Бир муччи бер (Нишон).

Нигин — узук, муҳр: Заҳр ниҳон қилибдурлар лаъли магар нигин аро; Чун нигин ичра ҳаммиша хат ёзилмоқ рафс эрур (Навоий) — нигин — бурун тешигининг ён томонида қадаб тақиладиган тугмасимон чиройли узук: Ҳозир нигин йўқалип кетияпти (Қовчин).

Никамак — қувмоқ, орқасидан тушмоқ: Андоқки... қизганмоқ ва никамак (Навоий) — ниқмамақ. Бизаям улани орқасидан ниқан турип хайдадик; Ниқаб бордиг. (Нишон).

Нопадид — кўримайдиган, кўринмас, маҳфий, ғойиб: Алардек яна юз минг ўлса падид ҳам алардек бўлғусидир нопадид (Навоий) — напайит — ўлмоқ, оламдан ўтмоқ: Карим бечара напайит бўпти (Қовчин).

Овурт — лунж: Не қолса овуртига барин тиқар (Навоий) — урт: Укангди екки урти шишип, кетипти (Нишон).

Олонг — тепалик, довок: Қатъ қилғунча риё дашти аро юз минг олонг (Навоий) — аланг — баландроқ, нотекис майдон: алангда мол бақи юрвдиг (Қовчин).

Паёнай — кетма-кет, орқама-орқа: То паёнай бўлғай ул афтодаларга дастагир (Навоий) — поймапой — Бизлайам поймапой келдий арқаларийнан (Таллиқўрон).

Пора — бўлак, парча, бир мунча, бир қисм: Бир пора мева олдим (Навоий) — пора — хил, қисм: Бир пора одамла гўш емайди (Қовчин).

Руда — ичак: ...кабоб этгай киби қўй рўдасини (Навоий) — рўда: Рўдая ўхшап мунча чўзасан гапти (Қарши).

Садоғ — ўқ соладиган халта: Садоғу қалқон ила... (Навоий) — садоғ, садаг: садаг мерганда бўлади (Нишон).

Сепич — ўрам, бошга айлантириб ўралган салла: Хуллаи зарбофтдин қилдим у ул ой сепич (Навоий) — сепич — ўралган салла: Сепичимни опке манга (Пандирон).

Сурук — тўда, гапа, гуруҳ: Яхши қолди бир сурук девонаи расвои забт (Навоий) — суруг: Саххўзди суриг-суриг қўйлари чўлда (Нишон).

Убр — ўтиш, кечиш жой: Бу иқлимдин ўзга сари убр (Навоий) — увир — қўй суруги (подаси)нинг ўтган изи: Суруг қўйди увиридан бордим (Қовчин).

Унгур — тўннинг этаги: Шайх ул енг била унгурни манга берди (Навоий) — ўнгур, ўнғир — тўн, ятак, чакмоннинг икки ён этаги: Бир унгур бодринг, ўнғирийни тут (Бешкент).

Уфунат — сассиқ ҳид, ўлимтик ҳид: Эл ўлар, топса ҳавога чун уфунат имтизож (Навоий) — упунати борақан (Қарши).

Уча — 1. орқа, елка; 2. биқин, гўшт: Учасин паст қилиб... семиз қўй учаси дағи эрмиш (Навоий) — уча — қўймиш, думғаза: Қўймишим оғриёпти (Қарши).

Чўбчурга — қамчининг ўралган қайиш қисми: ...ва чўбчургани туркча айтурлар (Навоий) — чипчурга — асосан қўй жуни ипидан соч ўрандай ўрилиб тайёрланган, учи попукли белбоғ: Чипчургани чўпан-чўлиғлар кўп қилади (Нишон).

Чурмамак — куймоқ, ёнмоқ, қовурилмоқ: ...тўлғаниб чурканди ул ўт ичра ул янглиғки қил (Навоий) — чурмамак — бирор кийимнинг ўт (олов)дан сарғайиб, куйимсираши: дазмолдан кўйлагим чуркапти (Қовчин).

Қав — қавла — қувмоқ, ҳайдамоқ: Ҳажр тошин ёндириб ким қавади ўлсам, эй рафик (Навоий) — қав-қав, қавлади (шу маънода): Қав-қав бошланди; мани қавлади (Миршикор).

Қулзум — чуқур дарё, денгиз: Бир келди уммону қулзум бири (Навоий) — қулзум: Қулзумга чуштингми, нимага йўқалип кеттинг (Қовчин).

Қуллуғчи — эғилиб таъзим қилувчи, қуллуқ қилувчи: Янги ою ийд икки қуллуғчинг ўлсун... (Навоий) — қуллуғчи — лаганбардор, ҳаммига таъзим қилувчи: Манови қуллуғчини қара (Бешкент).


Қўтон — лайлаксимон бир қуш: Қўтоннинг улуг қушаро сони бор (Навоий) — қўтан: Қўтан ови бўлайди бир маҳалларда (Нишон).

Уғ — ўтовнинг устки ёғочлари: Кўз олачўғларининг дуд еган уғларидур (Навоий) — ўғ, увиг: Қара уйди ўғлари (Қовчин).

Ғўла — қувур... Қилиб сув ғўлбига шер ошкора (Навоий) — ғўла — темир қувур: дарвозани тайидан ғўла ўткан; ғўла ётқиздим (Бешкент).

Ғаззол — кийик, оҳу: Ёшунди мушк ичинда Чин ғаззоли (Навоий) — ғаззол — урғочи кийик.

Тўпловчи ва тайёрловчилар:
Дўстмурод Абдураҳмонов,
Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими
М. Абдураҳмонова, Г. Усмонова,
ТошДД талабалари



Жалололиддин Румий

Рубойлар

- 1
Дедимки, кўзим, дедики, Жайхун этгум,
Дедим: юрагим, дедики, пурхун этгум.
Дедимки, танам, дедики, уч кундан сўнг
Расво қилибон, бадарға, сургун этгум...
- 2
Соқий қуядир бодаи ҳумро, на қилай?
Гар бўса талаб айласа жоно, на қилай?
Иқболи висол ҳозир экан, кутмасмен,
Кутмоққа яна бўлмаса маъно, на қилай?
- 3
Эй сарву равон, ҳеч хазонлиқ кўрма,
Эй чашми жаҳон, ҳеч ёмонлиқ кўрма.
Эй жон, ки жон дер сени осмону замин,
Роҳат бори кўргилки, зиёнлиқ кўрма...
- 4
Эй жону жаҳон, жону жаҳоним қайда?
Эй ой, замину осмоним қайда?
Сен майни қўлимгамас, лабимга тутқил,
Мастлик била билмасам: даҳоним қайда?
- 5
Жонон келадир чаманда танҳо-танҳо,
Наргис кўзи пурхумору раъно-раъно.
Тўсдим йўлини, дедимки, бир бўса олай,
Фарёд солиб, ҳайдади: яғмо-яғмо!..
- 6
Эй муниси рўзгор, нечуксан менсиз?
Эй ҳамдаму ғамгузор, нечуксан менсиз?
Мен бори хазонману харобман сенсиз,
Эй юзлари гулбаҳор, нечуксан менсиз?..
- 7
Хуршеди камарбаста фидойинг бўлсин,
Ул ой жигархаста фидойинг бўлсин.
Ул сарву гули раста фидойинг бўлсин,
Бу жон сенга пайваста, фидойинг бўлсин...
- 8
Мен зарраву хуршедлиқойим сенсан,
Бемор ғамингману давойим сенсан.
Учмоққа қанот йўқ, вале учгаймен,
Сомон бўлибман, каҳрабойим сенсан...
- 9
Дедим: санамо, магарки жононим ўзинг,
Жонимни нисор этай сенга, жоним ўзинг.
Муртад бўлайин, агарда тушсам айру,
Эй жону жаҳон, куфр ила иймоним ўзинг...

10
Хушидирки бугун жисминг аро жон бўлса,
Қаршингда дағи бир руҳи жонон бўлса.
Булбул каби дилда доғи ҳижрон бўлса,
Маскан сенга эрта-кеч гулистон бўлса...

11
Дерлар: ҳама ишқ — ҳавойи номдир, ёлғон,
Дерлар яна: ишқ-умиди хомдир, ёлғон.
Бахт юлдузи кўкдамас, шу жонимда яшар,
Дерларки, баландлик — неча томдир, ёлғон...

12
Гар бўлса умр, боз бергайди худо,
Гар умри фано бўлмаса, нақд умри бақо.
Ишқ оби ҳаёт эрур, унинг мавжига кир,
Хар қатраси бир ҳаёт эмиш, сенга фидо...

13
Эй ой, чиқиб келдингу тобон бўлдинг,
Сўнг сайри фалак этиб, хиромон бўлдинг.
Билдингни кейин, жонга баробар бўлибон,
Ногоҳ ботиб кетдингу пинҳон бўлдинг...

14
Умр ўтдию кўрмадим вале гулзоринг,
Ул наргиси пурхуморингу хумморинг.
Халқдан чу вафо каби магар пинҳонсен,
Кўп бўлдику кўрмадим пари рухсоринг.

15
Ишқ бўлди, кўринг, ҳамиша дамсоз менга,
Дунё ишидан этмади оғоз менга.
Жоним берадир ичимдан овоз менга,
Оч менга эшикни, деб қилур роз менга.

16
Кун ўтдию кун келди, харобмен, хароб,
Кўй ҳар неки андишани, ол қўлга рубоб.
Юз қатла намоз дурур, юз қатла сужуд —
Гар дўст жамоли сенга эрса меҳроб...

17
Келмиш менга бир ажаб шикорим, на қилай?
Бошимга тушибдир ул хуморим, на қилай?
Зоҳидман ўзим, вале мени йўлда кўриб,
Гар бўса берар бўлса нигорим, на қилай?

18
Гар балиқ эсанг, сузгали дарёинг ўзим,
Гар оҳу эсанг, кезгали саҳройинг ўзим.
Мен сенга асирману сен — менга нафас,
Сурнойингу сурнойингу сурнойинг ўзим...

19
Ишқ — авжи камол эмиш, санам — авжи
жамол,
Кўнги тўла сўзу сўз, тил айтгали дол.
Вой, менга ёронлар, бу не ҳолдир, бу не ҳол;
Мен ташнаю олдимдин оқар оби зилол...

20
Васлингни тилаб хастаю зорман куну тун,
Ишқинг майи бирла беқарорман куну тун.
Мастларга хумор аслида бир кун бўлгай,
Мен мастни кўрингизки, хуморман куну тун...

Форсийдан
ЖАМОЛ КАМОЛ таржималари.



Дадамни кўришни истамайман

Бу мактубни ёзишдан олдин кўп фикр-мулоҳазаларга бордим. Лекин жумҳуриятимизда мен каби отасидан ёки онасидан тирик етим бўлиб қолаётганлар оз эмаслигини ўйлаб ушбу хатни ёзишга қарор қилдим.

Ешим 13 да. Оиламиз икки кишидан иборат, яъни мен ва оyim. Oyim икки жойда фаррош бўлиб ишлайдилар. Мени оқ кийинтириб, оқ тарантириб дадамнинг йўқлигини ҳарчанд билинтирмасликка уринсалар-да, унинг маъюс кўзлари, чарчоқ, сўлғин юзларидан ҳаётнинг аччиқ қисматини уқиб қоламан, бу эса мурғак қалбимни тилка-пора қилади.

Биз асли Қашқадарёданмиз. Авваллари (oyim дадам билан ажраллишгандан сўнг) «Қашқадарёга кетайлик» деб хархаша қилардим, oyim турли баҳоналар қилиб унамасди. Энди билсам бу беўйлигим билан унинг қалбига фақат игна санчар эканман.

Oyim мактабни тугатгач, оиласидагиларнинг қаршилигига қарамай, ТошМига ўқишга келадилар. Қириш имтиҳонларидан ўтолмасча, уйга қандай бош кўтариб боришни билмай, шу ерда ишлаб қоладилар. Шу даврда аспирантурада ўқиб юрган дадам билан танишади ва турмуш қуришади. Билишимча, oyimни мактабда ўқиб юрган вақтидаёқ бир йигитга унаштириб қўйишган экан. Шунинг учун oyimнинг ота-онаси ундан норози бўлиб дадамга беришган. Дадам ҳозир бошқа аёл билан яшайпти. Энди билсам биз Қашқадарёга қайтиб кетолмас эканмиз. Oyim дадамни ҳечам қарғамайди, менга нуқул «даданг яхши одам» дейди, доим ўзини қоралайди. Баъзида дадам тушларимга кириб чиқадилар. Кўпинча бағрларига босганча «кечир, мени, оппоқ қизим» деб йиғлайдилар, мен ҳам хўрлигим келиб, дадамни маҳкам кучоқлаганча, ўқиб-ўқисиб йиғлайман ва уйғониб кетаман. Кўз олдимга дадамнинг oyimни жеркиб беришлари, бўлмағур сабаблар билан уруш-жанжал чиқаришлари келаверади. Шундай пайтда «дадамни ҳечам кўрмайман, кўринишни ҳам истамайман», деб қасам ичаман.

Мени доим бир нарса ўйлантириб келади, нега энди oyim билан дадам ажралиб кетишди, ахир улар севиб турмуш қуришган эди-ку? Мен уларнинг қувноқ, шўх-шодон юрганликларини, бир-бирига чексиз меҳр билан боқишларини эслай олмаман. Тўғри, бундай пайтлар ҳам бўлган, қачонки уйимизга меҳмон келганда. Лекин бу хурсандчиликлар назаримда вақтинча, юзаки эди... Кўз ўнгимда уларнинг асабий чехралари муҳрланиб қолган. Оиладаги бундай асабийликнинг сабаби нимада?

Дадам тез-тез мени кўриш учун мактабимизга келиб туради. Авваллари дадам келишини орзиқиб кутардим (чунки улар менга турли хил шириликлар олиб келарди) энди эса кўришни истамайман. Дарс пайтида ўқитувчимиздан сўраб чақириб олсалар, мен чиқиб тўғри уйга кетиб қоламан. Айтинг-чи, менинг бу хатти-ҳаракатларим тўғрими? Нима қилай, кўргим келмас. Мени яхши кўрар эканлар, нега бизни ташлаб кетадилар? Ахир, менда нима айб?

Менинг саволларимни жавобсиз қолдирмайсизлар деган умиддаман. Бу хатни oyimдан маслаҳатсиз ёздим, шунинг учун исимини ўзгартириб қўяяпман.

Мавжуда,
Тошкент шаҳри.

МУҲАРРИРИЯТДАН: Ҳа, Мавжуданинг гапларида аччиқ алам, изтироб бор. Бешиқдан то қабргача мураккаб бўлган бу ҳаётнинг сир-асрорларини англамоққа чоғланган ўсмир қалбининг тўлғанишлари, азоблари, бир кишининггина дардларидан иборат эмас. 1989 йил жумҳурият халқ суллари 24114 та ажралиш ишларини қондирди. Биргина Тошкент шаҳрида 1990 йилнинг 9 ойида 13500 оила бекор қилинди. Бошқача қилиб айтганда йил давомида никоҳдан ўтаётган оилаларнинг 60 фоизи ажралмоқда. Шу сабабдан Мавжуданинг мактубини сиз азиз ўқувчилар муҳокамасига ҳавола қилдик. Уйлаймиз-ки, бу мактуб эътиборингиздан четда қолмайди.

* * *

Ҳурматли «Ешлик» редакцияси.

Мен ойнаманинг ҳар бир сонини қизиқиш билан ўқиб бораман. Айниқса «Оила сирлари» рубрикаси билан берилаётган материаллар менга ёқади. Лекин кейинги пайтда негадир бу рубрика чиқмай қолди. Жумҳуриятимизда оилавий ажралишлар ошиб бораётган бир пайтда бу рубриканинг қайта тикланиши, давом эттирилишини истардим. «Оила сирлари» бизга кексалар тажрибаси ва ўғитини етказсин. Бахтли оилалар сирасрори ҳақида ҳикоя қилсин. Бахтсиз бўлиб қолаётганлар (агар лозим кўришса) аччиқ қисмати ҳақида сўзласин, токи улар ҳаётда йўл қўйган хатоларни биз қайтиб такрорламайлик. «Оила сирлари» бизнинг энг яқин сирдошимизга айланиб қолсин. Шояд бу савоб иш турмуш қуриш бўсағасида турган йигит-қизларга оила масъулиятини ҳис этадиган мактаб, ёш оилаларга тўғри йўл-йўриғ кўрсатадиган мураббий вазифасини ўтаса. Шу маънода ўзимдек ёш келинчакларга айтадиган гапим бор. Агар бахтли бўламан десангиз турмуш ўртоғинингизнинг кўнглини топиб, характериңизни ўргангиз ва унга мослашингиз. Шундай қилсангиз оғирингиз энгил кечади. Эрингиз сизга нисбатан ноҳўй ҳаракат у ёқда турсин, ҳатто ўринсиз гапирмайди, сизни ҳурмат қилади, оқибатда эса қайнонанингиз билан ўртангизда доимий илиқлик барқарор бўлади. Менимча оилада эркак киши устун яъни бошқарувчи, аёл киши эса унинг фариштаси бўлгани маъқул. Қайси оилада эркак киши устун бўлса, шу оилада тартиб, бир-бирига ҳурмат, эътибор кучли бўлади, ҳуда-беҳудода жанжал келиб чиқавермайди. Саранжом-саришта уйда файз бўлади. Ҳар йили жумҳуриятимизда 25 мингга яқин оила ажралар экан. Мен ҳам аёлман, ҳам онаман, ҳам талаба. Мен аёл сифатида бундай ажралишларни қоралайман. Тирик етим бўлиб қолаётган минглаб, ўн минглаб гўдакларга она сифатида ачинаман. Талаба сифатида жумҳуриятимизда рўй бераётган бундай ҳодисалардан қаттиқ ташвишдаман. Азиз дўстонажонлар, келинлар, ажралишлар арафасида турган оилаларни бу йўлдан қайтарайлик, тирик етим бўлиб қолаётган фарзандларимиз ҳаққи уларга ёрдам берайлик!

Мавлуда Эшмуродова,
Самарқанд шаҳри.

Мен туғруқхонада доя бўлиб ишлайман. Олдин «1230-Буйруқ» билан ишлар эдик, кейин «55-Буйруқ» қўшилди. Ҳозир эса яна янги «261-Буйруқ» билан ишлаймиз. Янги буйруқда «Аёлларимиз туғиш вақтида эрлари кириб, хотинлари ёнида туриши мумкин» дейилган. Айримлар бу тадбирни маъқул кў-

ришди, негаки шундай қилинса эрлар хотинлар қадрига етар-
миш. Мен бундай тadbирга қаршиман. Бу буйруқ юқоридан
келган, бизнинг мусулмон динимизга тўғри келмайди. Бир аёл-
дан сўрадим, «Туғишда бошингизда эрингиз тургандан нима
фойда?» У «Эрим бошимда туриб қийналганимни кўрса, менга
раҳми келиб кирларимни ювиб, овқатимни пишириб беради»,
деди. Мақсад нима, азиз сингиллар ва ақлли қизларим? Эр-
ларни уйга боғлаб қўйишимиз? Шусиз ҳам рўзгорнинг оғир иш-
лари уларнинг бўйида-ку. Агар эрингиз инсофли ва ақлли бўл-
са туғишингизни кўрмаса ҳам сизга кўмаклашади. Биз ўзбек
аёли номига содиқ бўлайлик, токи фарзандларимиз бизнинг
йўлимиздан борсинлар. Аёлларга хос ҳаёли, ибoли, диёнатли
бўлайлик.

Кўз очиб кўрган, азиз болажонларимизнинг отасини эъоз-
лайлик, қадрлайлик. Ишда аёл нима лавозимда бўлмасин,
оилада аёллигини унутмаслиги керак. Тўрт мучалимиз соғ
бўлсин, киримизни ўзимиз ювиб, ширин овқатларни ўзимиз
пишириб, умр йўлдошимизнинг ишдан қайтишини кутайлик.
Эрталаб боламизни кўтариб эшиккача «хайр адажониси» —
деб қузатайлик... кун бўйи эркаклар ҳам кўтаринки руҳ билан
ишлаб кечқурун уйига шошилишсин.

Мукаррама Каримова
Тошкент шаҳри.

МУҚАДДАС ҲАДИС ОИЛА ҲАҚИДА

Қачонки, эр ўз хотинига ва хотин ўз эрига караш-
са, Тангри ҳам уларга раҳмат назари билан қарайди.
Бордию кафтини кафтига қўйса, бармоқлари ораси-
дан гуноҳлари дув-дув тўкилади.

* * *

Имон жиҳатдан мўминларнинг комироғи — хул-
ки яхши бўлгани ва хотинларга яхши муомала қи-
ладиганидир.

* * *

Одамлар ичида хотин кишига нисбатан ҳақлироғи
унинг эридир. Эркак кишига нисбатан одамларнинг
ҳақлироғи — бу унинг онасидир.

* * *

Қизларни турмушга чиқариш тўғрисида оналари
билан маслаҳатлашинлар.

* * *

Икки кишига Тангри қиёмат куни раҳмат назари
билан боқмайди:

1. Қариндош-уруғидан узилиб кетган кишига.
2. Ёмон кўшнига.

* * *

Тангри наздида бандаларнинг энг яхшиси ўз аҳли-
аёлига фойдаси кўп тегадиган кишидир.

* * *

Хотинларнинг баракалироғи — сарф-харажатни
камрок талаб қиладиганидир.

* * *

Садақанинг афзали етарли бойлиги бўлатуриб
қилинадиганидир. Пастдаги олувчи қўлдан юқорида-
ги берувчи қўл яхшидир. Хайру садақани ўз оилан-
гиздан бошланг.



Фахриддин Ёш иқтисодчи эди, жум-
хурият Фанлар Академиясининг Иқти-
сод институти аспирантурасида таҳсил
олаётганди. Лекин унинг адабиётга,
шеърятга ихлоси баланд эди. Афсу-
ски, қисмат уни орамиздан жуда эрта
юлиб олди. Бошлаган илмий ишлари
ҳам, бадий машқлари ҳам хомаки
кўлёмалар ҳолича қолиб кетди.

Биз унинг шеър дафтарчасини варақ-
лаб, машқларида ўзининг бетакрор
дунёсини муҳраб кетганига амин бўл-
дик. Фахриддин ҳаётни, ҳаёт гўзаллиги-
ни нозик ҳис қиладиган ва айрича кадр-
лай оладиган йигит эди. У ҳазил-му-
тойибага жуда ўч, жуда уста эди. Унинг
дўстларига, курсдошларига, домлала-
рига ёзган ҳазил шеърлари ёш йигит та-
биатидаги мана шу ажойиб дилқаш-
ликнинг нишоналари бўлиб қолди.

Бу истеъдодли дўстимизни хотирлаб,
унинг азиз туйғулари, самимияти би-
лан ўқувчиларни ҳам ошно этиш мақса-
дида Эркин Воҳидовнинг машҳур «Ҳо-
зирги ёшлар»га ўхшатма қилиб битил-
ган ушбу шеърни эътиборингизга ҳа-
вола этаётимиз.

Мирзааҳмад Олимов

Фахриддин Ашуров

Ҳозирги қизлар

*Замонлар ўзгарди, ўзгарди дунё,
Улар-ла, албатта, ўзгардик бизлар.
Лек гоҳо ўтириб ёқа ушлайсан —
Анча бошқачадир ҳозирги қизлар.*

*Сиз — врач, инженер, сиз — олимасиз,
Сизнинг измингизда бугун юлдузлар.
Сиз — рассом, хонанда, сиз — шоирасиз,
Эҳ, ҳозирги қизлар, ҳозирги қизлар.*

*Фабрикада илғор, заводда илғор,
Ҳатто йигитлардан ҳам ўздингизлар.
Илғорсиз, бунинг ҳеч этмаймиз инкор,
Эҳ, ҳозирги қизлар, ҳозирги қизлар.*

*Ортада қолмайлик деб маданиятдан
Тирноқлар бўялар, бўялар кўзлар.
Ишдан қочишни ҳам қанда қилмайсиз,
Эҳ, ҳозирги қизлар, ҳозирги қизлар.*

*Баъзан ўзингизни осмонда билиб,
Гўёки кўкларда ҳур учасизлар.
Оёқ учида ҳам кўрмайсиз гоҳо,
Эҳ, ҳозирги қизлар, ҳозирги қизлар.*

*Ўлтириб-ўлтириб ўйлаймиз, нечун
Ширин тилларингиз оғули сўзлар?
Жавоб қайтарасиз истар-истамай,
Эҳ, ҳозирги қизлар, ҳозирги қизлар.*

*Барчаси учун ҳам майли деймиз биз,
Чунки, ахир, қизлар, қизлар-да, сизлар!
Майли, биз заминда, сиз — осмондасиз,
Эҳ, ҳозирги қизлар, ҳозирги қизлар...*

Юсуф Самад ўғли



Роман¹

Озарбойжон тилидан УСМОН ҚҶЧҚОР таржимаси

Ёлғиз мен эмасман тушларга ишонадиган. Ҳар ҳолда, жуда кўпчилик ишонади, аммо бундан гап очилганда худди ўзларини ишонмайдигандек тутишадди, яъни гўё тушни ҳам, рўёни ҳам аниқ-равшан изоҳланадиган масалалар деб ҳисоблайдилар, ё бўлмасам тан олишга уяладилар. Эсимда, авваллари уялиб-нетиб ўтирмасдилар... Аммо мен бўйнимга оламанки, тушга илгари ҳам ишонар эдим, ҳозир ҳам ишонаман — ҳарқалай, эътироф этишим лозим — илгари жуда қаттиқ ишонардим, чунки у пайтлар умидларим ҳам жуда кўп эди. Умид билан туш эса худди Сиём эгизакларига ўхшайди — бири ўлса, иккинчиси ҳам тирик қолмайди.

Бувим, сув — ойдинлик, от — жанжал-тўполон, илон — мол-дунё, дер эди. Қолганлари ёдимдан чиққан. Бувим менинг тушларимни, фақат меникинигина эмас, барча қариндош-уруғ, қўни-қўшниларнинг тушларини тескари талқин этарди. Унинг ёнига келиб, майда-чуйдалардан гапириб ўтиришгач, қарабсанки, ҳар қайсиси ўз тушини айта бошларди. Бувим диққат билан эшитар, сўнгра, афтидан, уларнинг юрагига ваҳима солмаслик, жаҳлини чиқармаслик, умидларидан айирмаслик учун тушларини тескари талқин қила бош-

ларди. Бизнинг хонадондан ҳеч ким норози, хайрдуосиз чиқиб кетмасди. Хусусан, уруш йиллари тушларни тескари талқин этиш одатий бир ҳол эди.

Бир ола мушугимиз бўлгучи эди, у бувимнинг овозини эшитган заҳоти югуриб келиб, унинг олдида туриб олганича палосни тирнай бошларди. Ҳамон шу икки сас қулоқларим остида янграйди: пайғамбарлик қилаётган бувимнинг ҳорғин, безовта овози ва мушук тирноқларининг саси.

Болаликда туш кўришга одатланган эдим. Ҳозир ҳам ҳар кеча тўшакка кириб, кўрпани устимга тортишим биланоқ — шайтоннинг қулоғи кар бўлсин — бу кеча албатта туш кўраман дея ўзимни тилсимлайман ва чиндан ҳам туш кўраман... Албатта, эрталаб хотинимга бу тушни айтмайман. Туш кўришга-ку кўраман, аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳар туннинг бир тонги бор, уйғониб, кўз очадиган дақиқаларинг бор.

Тонгда, олатўронликда тўшак узра қимирламасдан, муштарингни маҳкам қисиб, кўзларингни бир нуқтага қадаганча тушингни бир-бир эслай бошлайсан. Узун зинапояннинг қуйисига суянган кўйи юқорига тикилиб турганинг ёдингга тушади. У ерда, юқорида бир шуъла порларди. Ҳар бир кишининг тушида кўринадиган ўз бетакрор шуъласи бўлади. Менинг шуълам туманли кунда зўрға, қизариб-бўзариб ёнган фонус шуъласига ўхшайди... Ҳеч қачон бу шуъла юзини кўрмаган, унинг овозини эшитмаган бўлсанг-да, аминсанки, у албатта кўринади, чунки бошқача бўлиши мумкин эмас — шуъла бекор-беҳуда ёнмайди, ахир, у нигорончиликка, интизорликка чек қўйиш учун, сенга бир лаҳзалик мусоффо нафас бериш учун албатта келиши шарт... Келиб зинапояннинг тепасида тўхтайтиди, қуйига боқди, сени кўриб, юзида таажжуб, кўзлариде ҳайрат, секин пастга туша бошлайди. Сен ҳам аста-секин юқорига кўтариласан, зинапояннинг ўртасида рўбарў келасан. Унинг узун, тонг шабнаманинг ҳиди анқиб турган оппоқ сочларини силайсан, юзингни илиқ кўрақларига босасан, сўнг кўзларидан ўпа бошлайсан. Шундан кейин эса юрагинг ниманидир сезади, лабларингни зўрға очиб, фақат битта сўзни айта оласан: кетма... Вассалом. Сўнг ёлғиз қоласан, ўша заиф шуъланинг сарғиш, бўзимтир, қизғиш тумани оғушида тоқ-танҳо. Агар дунёда минг хил танҳолик бўлса, бу танҳолик минг биринчиси бўлади.

Туриб ошхонага борасан, жўмракни очиб, бир пиёла совуқ сувни бир нафасда ичиб тугатасан. Тамом-вассалом. Қайтиб тўшагингга чўзилгандан сўнг, худога ишонмасанг-да, кошки ўша тушнинг давомини, ҳеч бўлмаса, ўшанинг ўзини такрор кўрсайдим, дея яратганга ёлвора бошлайсан. Аммо кўзинг уйқуга кетгач, энди ҳеч нарсани кўрмайсан, балки тушингда илон, калтакесакларни кўрарсан — бу эса ҳисобга кирмайди. Яна бир карра тамом-вассалом.

Мен бир нарсага мутлақ аминманки, беш йилми, ўн йилми, борингки, роса эллик йилми кейин — бу толеингга боғлиқ — умр бўйи кўрган тушларинг бир-бир орқага қайта бошлайди. Буни мен бир неча дафъа синаганман. Кунларнинг бирида, эрталаб уйқудан уйғонасан, қарабсанки, сабабсиз, ўз-ўзидан болалигинг ёки йигитлигингда бўлиб ўтган бир воқеа ёдингга тушиб кетади, бутунлай унутганинг, йилларнинг зулматли оғушида эриб йўқ бўлиб кетган бир ҳодиса, бир нигоҳ, бир сас, бир сўзни аниқ-равшан хотирлайсан. Шунда тагин кечаси тушингда тарвуз еганинг, кимнингдир овозини эшитганинг эсингга келади, демак, миянгда қулфлоглиқ ётган эшиклардан бирини очган ҳам ана шу тарвузнинг таъми, эшитганинг ана шу сас

¹. Давоми. Боши ўтган сонда.

экан. Менинг энг севган нарсам — ана шу қабилдаги тушлар. Орамиздаги ўзаро гап, ўтмишга қайтишни, янгидан яшашни ким ҳам орзу қилмайди дейсиз?..

Ҳовлимизда, бир майка ва иштончада, оёқяланг, бошяланг, кўлимдаги нордон олмани карс-карс тишлаб Сайфулла амакини кузатаман. Сайфулла амаки кун бўйи ҳовлимизни, биномизнинг атрофини супуради, оқшомгача тинмайди, ҳали қоронғулик тушмаган бир пайтда, оқ пешбандини ечиб, қасмоқ боғлаб қорайиб кетган челаги билан узун чўлтоқ супургисини ертўлага яшириб, уруш тугагандан бир ой кейин олган «Кавказ мудофааси учун» медалини кўкрагига тақиб олади-да, ерга тикилганича муюлишдаги дўконга йўл олади. Бир шиша ширин вино, бир парча пишлоқ олиб ортига қайтади, ҳали тарқалиб кетмай, ҳовлининг бир бурчида турган биз балаларни кўриб, йўғон бармоғини нуқиб, пўпса оҳангида: «Ҳой тирранчалар, тарқалингларда энди уй-уйларингизга!», — дейди. Биз эса бу сўзларга парво ҳам қилмай, турган еримиздан қимирламай, бир-биримизга кўз қисиб, имо-ишоралар қилганча мароқ билан уни кузатиб турамыз. Чунки Сайфулла амаки қил кўприк каби омонат, тошлари кўчиб ётган зинапоядан иккинчи қаватга кўтарилиб, темир эшикка кириб кетганидан роса ярим соат кейин унинг баланд, ёниқ овози эшитиларди: Сайфулла амаки ёқимли бир овоз билан сеғоҳ оҳангида тоғлар, даралар, сойлар ҳақида куйлай бошларди... Сўнгра атроф тундлашиб, деразаларга қуёшнинг сўнги заиф шуълалари қизариб туша бошлаган бир пайтда бизнинг ҳовлига думбул бир лейтенант кириб келарди. Кеча бошқа лейтенант келган, ундан аввалги кун эса майор келган эди... Лейтенант ялтиллаб турган кўнжли ботинкаларини тапиллата-тапиллата ёнимиздан ўтиб кетаётганида бизга бир қирғий қараш қилар, ҳамма нарсадан бохабар биз «донишмандлар» эса ўз қадримизни туширмай, унинг юзига менсимай тикилишдан ҳам қайтмасдик. Лейтенант Сайфулла амакининг зинапоялари сари юрар, лекин телага чиқмай, пастда Зайнабни кутиб турарди. Зайнаб Сайфулла амакининг онадан етим қолган ёлғиз қизи, енгсиз чит куйлақда, кўлида «трофей» сумка, Тиқ-тиқ¹ хоним каби зинапоялардан салламно тушиб келар, ҳеч кимга парво қилмасдан, гўё ҳеч кимни танимайдигандай, дарвоза томон юрарди. Лейтенант ҳам унга эргашарди. Бироздан сўнг Сайфулла амакининг эшиги тагин очилиб, бу сафар унинг ўзи гандираклаганича чиқиб келар, қизил бурнини тарта-тарта бизга қичқириб берарди: «Ҳой қирилгурлар, ҳой фалон бўлгурнинг қорнидан чиққанлар! Кетсаларинг бўлмайдимиз энди харобаларингга! Нима, театр кўргани келганмисизлар?!» Тепадан туриб ана шунақанги сўзларни айтгач, бошини эгиб йиғлай бошларди.

Биз эса нуқул кулардик.

Тунда бувим менга яна жой солар, мен яна бувимга дори берар, унинг қўллари титраб дори ичишини кузатар эдим, сўнг бувим ҳам, мен ҳам ётар эдик. Тунда туш кўрар эдим. Тушимда Сайфулла амаки зинапоянинг тепасига суяниб менга тикиларди. Ажабо, Сайфулла амакининг кўзлари бениҳоя каттариб кетган, у кўзларнинг ҳар бирида биттадан каттакон юлдуз ёнар, амаки нималардир деб гапирар, аммо мен унинг оғзидан чиқаётган сўзларнинг ҳеч бирини эшитмас эдим. Фақат йиғидан қизарган, катталлашиб дум-думалоқ бўлиб қолган кўзларида ёнган юлдузларнинг шуълаларинигина кўрардим. Ва тагин қайдадир узоқларда гувиллаб эсаётган шамолнинг бўғиқ, ваҳимали

сасини эшитардим, холос. Бу қоришиқ воқеалар орасида нега Сайфулла амаки йўғон шаҳодат бармоғини ўйната-ўйната мени ёнига чақиряпти, дея таажжубга тушардим... Ойнинг парчаланган бўлакларига ўхшаш юлдузларнинг шуъласи тобора кучайиб борар ва мен олдларда эсаётган изғирини шамолдан титрай бошлардим.

Кундалик ёзадиганларга аҳенда бир ҳасадим келади. Аммо аслида бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Чунки инсон ҳеч нарсани бутунлай унутиб юбормайди, зеро, ҳар қандай хотиранинг ўз муддати бор: вақти-соати етганда мияннинг барча қўлфлоглик эшиклари ўз-ўзидан очилиб кетади. Аммо бу хотиралар қаршисида чидаб тура билмоғинг лозим. Хотиралар устингга ёпирилиб келганда, қўлфлоглик эшиклардан бири очилиб, бўғзингдан ичингга эриган кўрғошин қуйилганда, юрагингга азоб-алам чак-чак томганида ё ҳуштак чалиб, кўз қисиб ўзингни анойиллика солишинг, ё қўлларингни кўтариб таслим бўлишинг керак. Бошқа йўл йўқ. Чунки ўтмиш ҳамиша пистирмада туради, фурсат келиши биланок тепкини босади.

Бу ўққа учганда ҳолингга маймунлар йиғлайди.

Улгунингча ёдингдан чиқмайди бу...

Бу сафар айб Маҳмуддан ўтди. Эҳтимол, у Темир тотордан гап очиб мени кулдирмасайди, Сайфулла амаки менинг ёдимга тушмас эди. Ҳозир Зайнаб Бокудаги дорихоналардан бирида кассир бўлиб ишлайди, ёши ҳам, адашмасам, олтишлардан ошиб қолган.

— Зулфиқор отанинг қабри устига бирор нарса қўйишдими?

Маҳмуд ноқсимон стаканини доира стол устига қўйди, чўнтагидан дастрўмол чиқариб, пешонасини, гарданларини артди.

— Раҳмат, барака топсин... Салотинни айтяпман. Житомирдан мармар олдириди. Уста Аванес шунақанги ажойиб қабр тоши ясадики, кўрсанг пайғамбарнинг қабри дейсан. Ҳаммаси яхши бўлди, биродар—Маҳмуд тагин стаканни олиб, чойдан хўплаганича давом этди. — Сен ўзингни эҳтиёт қил, азизим, ҳаммамизнинг кўзимиз сенга тикилган. Ҳадеб дори-дармон ичавермай, тоза ҳавога чиқ. Сенинг дармонинг — тоза ҳаво.

Бемор кўзларини очди.

— Ҳуш, кардиаминус жартес-чи?

Маҳмуд бошини кейинга ташлаб, оппоқ тишларини кўрсатиб чунон кулдики, бемор чўчиб кетди.

— Гўри нурга тўлсин, — дея Маҳмуд кафтининг орқаси билан кулгидан ёшланган кўзларини артди. — Шўрлик ота ана шунақанги ҳазиллар қила-қила оламдан ўтди-кетди!

Шу пайт беморнинг хотини, боядан бери Маҳмуд келтирган беҳини ошхонада арчиш билан машғул бўлган Замина, эғнида узун халат, бошида рўмол, ичкари кирди. Халатнинг енглари шимарилган, бармоқлари орасида, билакларида қон доғлари бор эди.

— Ҳой Маҳмуд, худо ҳақи, тез-тез келиб туринг. Сиз келганда амакиваччангизнинг юраги ёзилади, — деди у.

Бемор жилмайиб Маҳмудга кўз қисди.

— Беҳи олиб келганинг учун шундай деяпти... Уша кардиаминус жартесдан бизнинг хотинга ҳам уриш керак, вақти етди.

Маҳмуд қаҳқаҳ урди, бемор ҳам кулди, айни пайтда унинг йўтали тутди, бироқ йўтали анча юмшоқлигидан севинди: қуруқ йўтал охирги вақтларда кўксини шу қадар оғритардики, кўз олди қоронғилашиб кетарди.

Замина эрининг оёқлари учида, каравот устига ўтир-

¹ Абдулла Шоикнинг «Тиқ-тиқ хоним» эртаги қаҳрамони.

ди, кула-кула, қўлларини ўйната-ўйната Маҳмудга нимадир деди, шунда маълум бўлдики, у, Салотиндан фарқли ўлароқ, «жартес»нинг маъносини билар экан... Маҳмуд боя беморга ҳикоя қилиб берган воқеаларни — Зулфиқор ота билан Салотиннинг бўлмағур нарсалар устида фикрлашиб қолишлари, Темир тотор, унинг қайиғи, Тамара ҳақида қайтадан Заминага гапириб бера бошлади. Бемор уларга қулоқ солмай қўйди, кўзларини ярим юмганча, юзларида бояги кулишмадан қолган масъуд табассум, чап қўлини узатиб, каравот ёнидаги ғаладон устидан сигарет олиб тутатди, бир-икки марта ютоқиб сўргандан кейин ўзини жуда яхши ҳис қилди: Замина ҳақ экан, Маҳмуд ҳар сафар уларникига келганда гўё ўзи билан Кур соҳилларининг сеҳрли об-ҳавосини, енгиллигини ва роҳат-фароғатини олиб келарди. Маҳмуд уларникига келганда беморнинг ҳаётга илинжи ортар, сўнгги икки ойда тез-тез ёдига тушадиган бемаъни воқеалар, кайфиятини бир пул қиладиган хотиралар, гарчи қисқа муддатга бўлса-да, эсидан чиқар, навбатини кутиб турган қулфлоглик эшиклар қулфлоглигича қоларди: бу эшиклар гўё Маҳмуднинг хайрлашиб чиқиб кетишини кутарди... Аммо ҳозир, сигаретини тутатганича Маҳмуд билан хотинининг суҳбатига қулоқ солмай қўйган бемор фақат бир нарса устида бош қотирарди: «Ҳали Маҳмуд Зулфиқор отанинг ўлими ҳақида гапирга туриб бир исми шарифни тилга олди, Салоҳов деди, шекилли... Одил Фалончиевич. Балки бу иккинчи подъезддаги Салоҳовдир. Чунки унинг ҳам ёши тўқсондан ошиб қолган, йигирма йилдан бери ҳукуматдан фахрий нафақа олар, оқшом чоғлари хиёбонни айлангани чиқар, айтишларига қараганда, ҳамиша катта вазифаларда ишлаб келган одам эди. Эҳ, фақат тезроқ соғайиб кетсайди, ҳовлига чиқиб, қўшнилardan бу масалани ойдинлаштириб оларди. Гап урядник воқеасига кўчиб ўтди: бемор бу номни ҳам қачондир, қаердадир эшитганига амин эди, бунга ҳеч шак-шубҳа йўқ эди. Аммо қаерда эшитган? Бу сафар бемор қанчалик жад қилмасин, қулфлоглик эшиклардан ҳеч бири очилмади. Бу урядник ҳам ўша қулфлоглик эшиклар ортига яшириниб, ўз навбатини кутаётганлигига бемор юз фоиз ишонар эди... Салоҳовнинг ориқ, узун гавдаси, сарғимтил юзи, бироз қийшиқ оғзи — айтишларига қараганда, у бир сафар енгилгина фалаж бўлган экан — бўртиб чиққан ёноғи ва мўғулларникидай қисқ кўзи беморнинг қаршисида намоён бўлди, кўз ўнгида Салоҳовнинг қиёфаси, нимдош пальтоси, кумуш билан қопланган қадимий ҳассаси худди ҳозир Маҳмудни кўриб тургани каби аниқ-таниқ жонланди. Беморнинг юраги ниманидир сизди: худо ҳақи, бу ўша Салоҳов бўлиши керак?

Маҳмуд беморга тикилганича Заминадан сўради: — Хўш, шаҳарлик дўхтирларингиз нима деяпти, синглим?

— Э, ҳар қайсиниси ҳар нарса дейди. Бири сурункали зотилжам асорати, шунинг учун тез-тез иссиғи чиқади, деса, иккинчиси зотилжамга тахикардия ҳам қўшилган дейди. Мен тушунмасам! — Аёл қўл силтади. — Аммо, Маҳмуд, ўзларини ҳеч асрамайдилар сизнинг оғайнингиз, ҳамма айб у кишининг ўзларида. Ҳамма нарсани кўнгилларига олаверадилар, гўё бутун дунёнинг дард-қайғуси шу кишига қолган. Дори ёзиб беришади, бу киши икки-уч кун ичгач, ташлаб юборадилар.

— Худо ҳақи, тўғри қилади! — Маҳмуд думалоқ стол устидаги чойнақдан яна ўзига чой қуйди, каллақандлардан бирини оғзига солиб, шу қадар қуртиллатиб чайнай бошладики, беморнинг эти жимирлаб кетди,

Маҳмуд оғзини тўлдириб чойни ҳўриллатиб, гапига давом этди: — Менга ишонавер, синглим, бунақа ишларда менинг тажрибам жуда катта. Биз томонларда профессор-профессор деганидан нишон ҳам йўқ. Мана менинг ўзим кун бўйи қишлоқма-қишлоқ юриб, ҳар хил касалларни кўраман... Доридан бемаъни нарсанинг ўзи йўқ, иложи борича яқинингизга йўлатманг.

Замина паст овозда маъюслик билан деди:

— Дорисиз ҳам бўлмайди-да, ахир...

— Э-э! Нега бўлмас экан, жудаям бўлади-да! Сен буни ёғу қаймоққа тут. Мен олиб келган беҳини ёққа қовуриб бер, есин. Худо ҳақи, ўн кунда туриб кетмаса, мен кафил!

Бемор жилмайди. Маҳмуднинг кўзи унинг сарғайган тишларига тушди, кўзлари остидаги чуқур ажинларга ичикиб тикилди. Бемор шунинг учун жилмайган эдики, афтидан, ёғ, қаймоқ, қўйнинг тоза гўшти, думба деган нарсаларни топиш масаласидан Маҳмуднинг хабари йўқ. Беморнинг қишлоқда яшайдиган барча қариндош-уруғлари, шаҳар жойида оз-моз ҳурмат қозонган кишининг пичоғи, шубҳасиз, мой устида бўлади, бундай киши ётиб қолганида ҳам, раҳматлик Зулфиқор ота айтгандек, ҳамма унинг олдида «слушу» деб тайёр туради, дея ўйлар эдилар...

Замина чойни янгилаш учун хонадан чиқиб кетгач, иккаласи — бемор ва Маҳмуд негадир бир-бирларига синчковлик билан тикилиб қолдилар, афтидан, ҳар қайсиси ўз кўнглида қандайдир зарур бир нарсани ўйларди. Буни Маҳмуд ҳам, бемор ҳам айна бир пайтда ҳис қилишди: иккисининг ҳам лабларида ҳазин бир табассум жилваланди, иккаласи ҳам гўё бир-биридан уялди. Агар ҳозир хонада учинчи бир одам бўлса ва албатта бу учинчи одам серфаҳм бўлса эди, бу икки одамнинг боқишларидан жуда кўп нарсаларни билиб оларди. Маҳмуднинг бемор қариндошига раҳми келар, боядан бери кулиб, қизиқ-қизиқ воқеалардан сўзлаб, ҳазил-ҳузул билан хонадон эгаларининг кўнглини овлаб ўтирса-да, шу нарсага амин эдики, қариндошининг дарди ўткинчи дардлардан эмас, бу қандайдир жиддий дард, фарёд солиб оламни оёққа турғазаш лозим бўлган дард эди. Аммо, табиийки, буни Маҳмуд на беморнинг ўзига айта оларди, на унинг хотинига. Бундай гапларни ҳеч кимга айтиб бўлмасди: умиднинг этақларига ёпишиб бир-икки йил яшашнинг ўзи ҳам катта гап эди. Маҳмуд бундай вазиятларга тушиб қолганида, яъни юраги сезган нарсанинг ҳақиқат эканлигига ишонганида ҳамиша ўзини йўқотиб қўяр, қўлларини қаерга яширишини, кимдан имдод тилашини, нажот сўраб кимларга боришини билмасди. Шундай пайтларда фақат яратганга ёлворар, ичидан тошиб келаётган фарёд, унинг ўзидан бошқа ким эшитмайдиган бир муножат гўё миясини, юрагини, баданининг ҳар бир ҳужайрасини куйдириб юборар, иродасини маҳв этарди. «Ё тангрим, ўзинг мадаккор бўл!» Аммо сўнгги истакнинг фарёдига тангри ҳозиргача қулоқ солгани йўқ эди. Тангрининг кўзлари кўради, юраги сезади, аммо қулоқлари эшитмайди, деб ўйларди баъзида Маҳмуд. Чунки унинг қулоғи эшитса, дунёда милён-милён болаларнинг жони омон қолган бўлур эди.

Бемор эса Маҳмуддан шунинг учун ҳам уялган, шунинг учун ҳам унинг кўзларига боқа олмас эдики, у ёлғон гапириши лозим эди. Маҳмудга бирон-бир уйдирмани важ қилиб, ундан пул сўраши керак эди. Чунки уйда ҳаммаси бўлиб йигирма тўрт сўм қолган, касаллик варақаси учун олинadиган маошга эса ҳали ўн беш кун бор эди... Бемор ҳаяжонини босиб, ўзини жилмайишга мажбур этиб, Маҳмудга деди:

— Маҳмуд, кейин эсимдан чиқиб қолиши мумкин... Аксига олиб, пулларнинг ҳаммасини омонат кассага ўз номимга қўйган эканман, болалар бориб олишолмаяпти. Ёнингда пул борми? — Беморнинг овози шу қадар ғариб чиқдики, гўё қаердадир мушук миёва-лагандек ёки кучук ғингшигандек бўлди.

Маҳмуд ўрнидан сапчиб турди, кўлини шимининг орқа киссасига тиқиб, пул чиқарди, иккита йигирма бешталикни ажратиб чўнтагига солди, қолганини беморнинг ёстиғи остига тиқиб, севинч билан деди:

— Дардингни олай, беш юз сўм. Етадимми?

Бемор қулоқларига ишонмади.

— Кўп-ку!

— Қўйсанг-чи, нимаси кўп беш юз сўмнинг? — дея чиндан таажжубланди Маҳмуд.

Бемор кўзларида ёш айланганини ҳис этди ва буни Маҳмуддан яширмади.

— Яна оғрияптими? — дея сўради Маҳмуд.

— Ҳа, жиндай... Ҳечқиси йўқ, ҳозир ўтиб кетади... Оёққа туришим биланоқ кассадан олиб жўнатаман. — Сўнгра гапини ҳазилга бурди. — Қазо қилсам, болалар узишади!

— Бас, ҳри, худо сақласин!... Сен ғирт Зулфиқор бувамга ўхшайсан, мени айтди дерсан, роса тўқсон олтига кирасан! — Маҳмуд фотиҳа торғди. Курсини илгари суриб беморга яқин ўтирди, янги чой дамлаб кириб келган Заминага кўз қирини ташлаб деди:

— Менга қара, ҳой Замина! Худо ҳақи, бунинг хаёл суришига йўл қўйма! Зиёлиларнинг калласи бироз кирди-чиқди бўлади! — Маҳмуд тағин хонани бошига кўтариб қаҳқақа урди.

Маҳмуд одати бўйича елдек келиб, селдек кетди. Кетаётганида қариндошининг юзидан қаттиқ-қаттиқ ўпди, Заминага у-бу маслаҳат берди, олиб келган кўкатларининг соғлиққа катта фойдаси борлигини таъкидлади. Заминанинг ҳам кўлидан ўпиб, ушбу хонадонга бир умрлик сихат-саломатлик, хайр-баракат тилаб чиқиб кетди: ўзининг айтишича, кечқурунги поездга патта олган, ҳали шаҳарда битириши лозим бўлган майда-чуйда ишлари бор экан. Келгуси ойнинг бошларида тағин тўлиб-тошиб келишга ваъда берди. У кетгач, бемор билан хотини секин оқ чекишди, кайфитлари бироз бузилди, чунки беморнинг ёнида уч соатча ўтирган Маҳмуд гўё бу уйнинг ҳавосини, зиёсини, руҳиятини ўзгартириб юборган эди. Бу хонадонга мўъжаз бир севинч, кўтаринкилик бахш этган эди... Бемор хотинига деди:

— Ёстиқнинг остига бир нима суқди, пул эди шекилли, қараб кўр-чи.

Аёл ёстиқ остидан пулларни олиб санаб кўрди, киприкларини пирпиратганича сўради:

— Беш юз сўм экан... Нега берганини айтмадимми?

— Маҳмудни билмайсанми?! Худо ҳақи, оғзимни ҳам очирмади.

— Ҳечқиси йўқ, аста-секин узармиз.

Бемор бошини сарак-сарак қилди.

— Йўқ... У менга берган пулини сираям қайтиб олмайдди. Ўрнига костюм-постюм совға қилармиз. Омонлик бўлса...

Бемор хотинининг кўзларига боқиб, Маҳмуд берган беш юз сўм мўъжиза яратганини пайқади: бу кўзларда қайғуга бегона, болаларга хос бир севинч, шодлик порларди. Бемор билардики, бу беш юз сўм икки ой, ҳеч бўлмаганда бир ярим ой рўзғорни ўз маромига солади, энди эрталаб ва кечқурунлари бу хонадонда эр билан хотин бир-бирларининг юзларига қийналиб, интизорлик ва илтижо билан боқмайдилар... Икки ой, ҳеч бўлмаганда бир ярим ой...

Хожа Анвар кичкина оташкурак билан узун чилимининг сархонасига чўлганган тарёк қўйиб, ютоқиб-ютоқиб сўрди, кўзларини юмганича тутунни бир оз ўпкасида тутиб турди, сўнг секин дўрдок, қип-қизил лабларини очиб, лаблари орасидан, бурнидан чиқара бошлади: наша дастлаб унинг қовоқларидаги оғирликни, чарчоқни тарқатиб юборди, сўнг илиқ ҳаво каби миясига ёйилди ва оёқларини қарахт қилиб қўйди. Хожа Анварга оёқлари қаттиқ азоб берарди: кўкимтир қурт сингари қавариб чиққан томирлари болдирларидан сув йиғилиб шишиб кетган тиззаларигача чўзилиб кетган, ириган бармоқларидаги оғриқни, азобни бутун баданига ёярди. Хожа Анвар шу фикрда эдики, оллоҳ унга дунёнинг энг оғир дардини, хусусан, кечалари оламнинг бутун махлуқоти ором оғушига киргандан сўнг, ҳаво саринлашгандан кейин роса хуруж қилиб, ёшли кўзларига қоп-қора туман олиб келадиган, аъзойи баданини нақ бўғзига қадар чулғаб оладиган жаҳаннам азобига чидамоқ балосини берган: худованди қарим ҳеч бир итга, ҳеч бир махлуққа раво кўрмаган азобини хожа Анварнинг пешонасига ёзган ва унга, то сўнги нафасинггача, жонинг оғзингдан «пуф» деб чиққунга қадар бу азобдан бошинг чиқмасин ва айна пайтда сени инсон қилиб яратганимга шукр қил, дея амр қилган. Хожа Анвар бу сафар кумуш қутидан тарёкнинг энг катта бўлагини олиб сархонага қўйган, ушбу оқшом у идрокини батамом заифлаштириш, оллоҳ мадади билан азоб-азиятдан батамом халос бўлиш орзусида эди: чунки бир оздан сўнг, кўналғада гулханлар ёқилганда у ҳукмдорнинг чодирига бориши лозим эди, боя вазир лашкар босиб олишга ҳозирланаётган қалъадан иккита сарой шоири чиқиб келганини, улар ўзлари билан жуда муҳим хабар олиб келганини айтган эди... Бунинг устига, ушбу кўналғада ҳукмдорнинг шунчаки дағдасидан кўрқиб ваҳимага тушган сарбозлардан бири бир тарсо қиз устига ўз туғишган акасини ўлдириб қўйган, энди, афтидан, ҳукмдор бу сарбознинг этини қийма-қийма қилиб ташлар эди: ҳали хожа Анвар ўз чодирига келаётганида қизил либос кийган жаллодни кўрган эди. Демак, ярим тунга қадар хожа Анварни ётгани қўймайдилар, ярим тунга қадар у ҳукмдор ҳузурда тик турганича оёғининг оғриқларига чидаб бериши лозим... «Ё худованди қарим, ожиз банданга раҳминг келсин. Етказган кунингга шукр!».

Кумуш қутидан олинган каттакон мунчоқдек ҳинд тарёки хожа Анварнинг бахтига жуда зўр чиққан эди: аста-секин миясини туман қоплаб, мушаклари бўшашиб борар, муҳими, оёқлари тобора қарахт тортиб, оғриқ сусайиб қолган эди. Юриш арафасида ҳукмдор на саркардаларига, на сарбозларига тарёк чекиш учун рухсат берарди — бу қатағон ҳамма учун қуръон каби муқаддас эди — чунки юриш олдидан ҳукмдорга пўлатдай қаттиқ мушаклар ва ғоят ўткир идрок лозим эди. Бу қатағоннинг ёлғиз хожа Анварга дахли йўқ эди. Чунки ҳукмдор хожа Анварнинг дарди осмон қулаб тушса ҳам тарёкни тарк эта олмайдиган дард эканлигини яхши биларди. Агар у тарёкни тарк этса, кўққисдан ўлиб қолиши аниқ эди, ҳукмдор эса узоқ йиллардан бери ити каби вафодор навқарига чин юракдан боғланиб қолган, у — буюк мамлакатнинг буюк ҳукмдори — ушбу мамлакатда, наинки мамлакатда, балки бутун арзу заминда ҳаммадан кўпроқ хожа Анварни яхши кўрар ва ҳаммадан кўпроқ хожа Анварга ишонар эди.

Мана ҳозир хожа Анвар пешонасига тепчинга илик, ёпишқоқ терни кафтининг орқаси билан силаганича гилам устида ипак ёстиқларга ёнбошлаб ётар, оёқларини узатганича, ташқаридан келаётган аралаш-қуралаш овозларни тинглаган кўйи — бу овозларда, ҳаммишаги каби, даҳшат ва фалокат ваҳми бор эди — кўнглида ўзини яратган оллоҳ ва ўзига шундай бир умр бахш этган ҳукмдор шаънига ҳамду сано ўқирди. Хожа Анварнинг олтмиш йиллик умрида чиқарган энг муҳим хулосаси шундан иборат эди: ҳукмдорнинг саломатлиги — унинг саломатлиги, ҳукмдорнинг ўлими эса — унинг ўлими! Уларни тангри бир-бирига занжирлаб боғлаб қўйган, ҳатто юрак зарбларини ҳам битта маромга солган эди. Хожа Анварнинг ўзи, ҳукмдор билан мен аслида икки танга бўлинган битта жонмиз, деган фикрда эди...

Гулханларнинг, шунингдек, ерга кўмилган дароз устунларнинг тепасидаги мойли идишларда ёнаётган машъалаларнинг алангаси шуъла сочиб, ҳукмдорнинг чодирни олдидаги каттакон саҳни ярим доира шаклда ёритиб турарди. Қурол-яроғли саркардалар ва сарбозлар чодир олдида тиззалари баробар қалқон тутганларича ҳукмдорнинг чиқиб келишини кутардилар: бир-оздан сўнг ҳукмдор чодирдан чиқиб келиши керак, ҳозир эса у чодир ичида вазир ва қози билан машварат олиб бормоқда эди. Акасини ўлдирган сарбоз эса қўл-оёқлари боғланган ҳолда тупроқ устида, қовжираб, сарғайиб қолган майсалар орасида юзтубан ётарди, ҳукмдорнинг амри ила, ҳали ҳукм ўқилишидан олдин, жаллод унинг икки қулоғини кесиб олиб, ярасига кул босган эди: эндиликда сарбознинг силлиқ ва қулоқсиз боши узокдан думалоқ, қизғиш ғўлага ўхшаб кўринарди.

Ичкарида вазир ва қозидан ташқари хожа Анвар ҳам бор эди, у чодирнинг бир кунжигга таяниб, бутун вужуди қулоққа айланиб, ҳукмдорнинг фикрини тинглар эди. Ҳукмдор душман қалъасидан чиқиб келган ўзлари олиб келган хабарни лашкарбошига етказишган, оқшом пайти ҳукмдор лашкарбошининг изоҳини эшитгандан сўнг, энди ортиқча суҳбатга, ортиқча савол-жавобга эҳтиёж йўқ, бемалол юриш бошлайверса бўлади, деган фикрда эди. Энди қалъа ҳукмдорнинг кўлида эди. Ҳукмдорнинг фикрича, бу оллоҳнинг бир мўъжизаси, худованди карим кўрсатган марҳамат нишониси эди. Тангри ҳукмдор томонида эди... Хожа Анвар қўлларини орқасига қилиб, оёқларида жун пайпоқ, гиламларнинг, палосларнинг устида у ёқдан-бу ёққа бориб келаётган, хожа Анварнинг наздида жуда камдан-кам пайтлардагина рўй берадиган бир ҳолни — ҳукмдорнинг жилмайганини кўриб, бугун нечанчи дафъа эдики, «шукр, шукр» деб қўярди. Фақат вазирнинг сўнги сўзларини эшитган ҳукмдор қўққисдан тўхтади, қошларини уйиб, таажжуб билан оғир бош тебратди.

— Нечун? — дея секин сўради ҳукмдор. Унинг овозидаги заҳардан хожа Анварнинг этлари жимирлаб кетди.

Вазир бош эгиб деди:

— Шундоқ, одил ҳукмдор, — унинг жағлари титрарди. — Шоирлар инъомдан воз кечишди.

— Сабаб?!

Вазир бир қадам илгари чиқиб, энди бутунлай икки букилди:

— Қалъада машҳур шоир бор эмиш, сендан ўшанинг бошини талаб қилмоқдалар, улуғ ҳукмдор.

Ҳукмдор хожа Анварга яқинлашди, темир каби оғир ва совуқ кўлини унинг елкасига қўйди.

— Демак, ҳар бири юлдуздай келадиган дур-гав-

харларни рад этмоқдалар. Ҳинд ферузасини олмаяптилар... Эвазига мендан қалъадаги шоирнинг бошини талаб қилмоқдалар. — Ҳукмдор бу сўзларни айтгач, сукутга кетди, сўнг даҳани қочиб, кула бошлади. Ҳамма, чодирда ким бўлса, барча, шу жумладан хожа Анвар ҳам ҳукмдорнинг кулгисига қўшилишди... Бироздан сўнг ҳукмдор кўлини кўтарган эди, кулгилар қўққисдан кесилди.

— Бундай мамлакатнинг битта қалъасини эмас, жамики қалъаларини олиш мумкин. Бундай мамлакатни ер билан яксон қилса бўлади.

Ҳукмдор чодирнинг ўртасига борди, тахтга ўтириб, бошини қуйи солди.

— Шоирларга айтинг, мен розиман, — деди у. Сўнг бошини кўтариб, териси буришиб қолган халқумини ўйнатганича, юзидан заҳар-заққум ёғилиб, ҳорғин ва кинояли табассум билан давом этди. — Мен жуда кўп мамлакатларни кўрдим, аммо шоири шоирининг бошини талаб қилган мамлакатни кўрмаган эдим... Етказган кунингга шукр, худойим, буни ҳам кўрдик.

Ҳамманинг елкасидан тоғ ағдарилди, ҳамма фориг, енгил нафас олди, ҳамманинг юраги аввалги маромига тушди: ҳукмдорнинг инъомидан шоирлар воз кечганлиги ҳақидаги хабарни унга айтиш бу ердаги ҳар бир кимсанинг боши билан тенг эди... Бунақанги машваратлар маҳали қизил либос кийиб олган жаллод ҳаммиша эшик олдида амрга мунтазир турарди...

Сўнг ҳукмдор чодирдан чиқди, чиққанда ҳам доимий одатига хилоф ўлароқ ҳаммадан олдин чиқди. Унг кўли билан юзини силаб жаллодга боқди: жаллоднинг килп-қизил либосидан қамашгани каби кўзлари қисилди. Жаллод илгари юрди ва басавлат гавдасини эгиб, ерда юзтубан ётган, қулоқлари кесиб олинган сарбознинг елкаларига икки кўли билан чанг солганича уни ўрнидан турғазди. Қон тутганиданми, ажалга бутунлай таслим бўлганиданми, сарбоз нигоҳини кўтариб ҳукмдорга боқа билмади: девор рангига кирган башараси маъносиз, унда на кин, на қўрқув, на илтижо бор эди. Унинг башараси тош каби жонсиз ва афтидан, тош каби совуқ эди.

Ҳукмдор лашкарбоши кўтариб чиққан тахтга ўтириб, қўлларини тахтнинг суянциқларига қўйди ва юзидаги бор заҳру қаҳр мужассамлашган кўзларини чақчайтириб бақирди:

— Олиб келинг у манжалақини!

Тарсо қизни олиб келишди. Қизнинг сочлари тилларанг бўлиб, бу сочлар шу қадар афиф ва кўркем эдики, атрофдаги ҳеч бир нарсага уйғунлашмай турарди. Ҳатто дастлаб ҳукмдор қизнинг бошидаги соч эканлигини ҳам пайқамади, унга гўё қиз бошига ҳарир ҳинд дуррасини ўраб олгандек туюлди. Фақат қизнинг бедорлик ва даҳшатдан қизариб кетган лоқайд кўзларига тикилгандан кейингина ҳукмдор унинг бошидаги рўмол эмас, тангрининг бир мўъжизаси эканлигини англади. Бу сочларда не-не ифорлар бор, худойим! Оллоҳ буларни қай қудрат ила яратган?.. Ҳукмдорнинг ўнг кўзидан сизиб чиққан бир томчи ёш юзидаги ажинларга илашиб, узоқ муддат қуримасдан ялтираб турди. Тарсо қиз бу ёш томчисини муз парчасига ўхшатди.

— Бу нотавоннинг оти Салимми?

Сарбоз ўз отини эшитгач, кўзларини очиб ҳукмдорга боқди. Мажол топиб ҳукмдордан имдод тиламоқчи бўлди, аммо дўрдоқ лаблари очилмади, сарбознинг бўғзидан нолага ўхшаш бир ингроқ чиқди. Ҳукмдор сарбознинг мурда нуқси орган башарасига худди илонга, калтакесақка боққани каби жирканиб кўз қирини ташлади, негадир димоғига саримсоқпёз ҳиди урилди.

Саркардалар, сарбозлар, вазир — ҳамма бу девон маросими¹нинг қандай туғашини олдиндан биларди: юриш олдидан бирон-бир сарбоз, бирон-бир саркарданинг номаҳрамга қўл теккизиш ихтиёри йўқ, бу қатағонни бузганларнинг ҳоли маълум эди — қип-қизил либос кийиб олган жаллоднинг ўткир ойболтаси кеча-кундуз қонсираб турар, бу ойболтанинг ёнидан ўтаётган кимсанинг дами ичига тушиб кетарди. Ҳукмдорнинг бу тақиқига қарши чиқиш оллонинг амрига қарши чиқиш демак эди. Энди Салим исми сарбознинг қисмати ҳеч кимни қизиқтирмай қўйган эди. Салим бир тарсо қизни деб туғишган акасини ўлдириб қўйганлиги ҳақидаги хабарни эшитган ҳукмдорнинг башараси сирка ичган каби буришиб кетган, вазирнинг елкасига мушт туширган, бироқ ғазаби босилмай, шўрлик вазирнинг соқолига ёпишиб, ундан бир тўтамини юлиб олган эди. Сўнг бўшашиб, ўзига келиб таттга ўтирган, кафтларини тиззасига қўйганича ҳорғин бундай деган эди: «Оллои таоло жонингизни олсин... Сиз мамлакатни адои тамом қиласиз!» Эндликда ҳамма болаларга хос қизиқиш билан тарсо қизнинг қисмати нима бўлишига қизиқарди. Ҳукмдорнинг бу борадаги фикрини ҳеч ким билмас, агар истаса у тарсо қизни сарбозларидан бирига инъом этиши, истаса бошини танидан жудо қилиш, истаса икки қўли ва икки оёғини тортиб чормих қилиб ўлдириш мумкин эди. Энди ҳар бир нарса фақат ҳукмдорнинг иродасига, унинг кайфиятига боғлиқ эди... Ҳукмдор қўл кўтариб, жаллодга имо қилди. Жаллод жони чиқиб, қуруқ жасади қолган сарбозни қатлгоҳга судраб чиқди ва совуққонлик билан ўз вазифасини ниҳоясига етказди — кўз очиб-юмгунча кесилган бош қовжироқ ўтлар устида думалаб кетди. Ҳамма кўникиб қолган бу сукунат оғушида фақат болта жарангию тарсо қизнинг юрагидан отилиб чиққан бир фарёд янгради, холос. Аммо тарсо қизга ҳеч ким журъат этиб қарай олмади, ёлғиз ҳукмдор салобат билан бурилиб, кўзларини қисиб, аввал тарсо қизнинг луччак оёқларига, кирли тирноқларига боқди, сўнг унинг нигоҳи тагин қизнинг тилларанг сочларига қадалиб қолди. Бу ранг ҳукмдорнинг қорайиб кетган юзидagi ажинларига кўчиб ўтди, унинг юзида оний бир нур жилваланди, бироқ бу нурни ҳеч ким пайқамади. Бу нурни ёлғиз тангрининг ўзи кўрди.

— Вазир!

Ҳукмдор оёққа қалқди. Ҳамма унинг амрига мунтазир икки букилди.

— Бу мочағарнинг халтасига нон солиб беринглар. Ўз мамлакатига қайтиб кетсин.

Ҳукмдор чодир томон ўгирилар экан, давом этди:

— Қалъани олгунга қадар, қалъадаги эркакларни қонга ғарқ этгунга қадар Салим сарбознинг бошини найзага ўтказиб, қуртлаб кетгунича кўтариб юринг!..

Шу кеча ҳукмдор тушида кумуш бир шуъла кўрди ва бу кумуш шуъла оғушида аёл алласини эшитди: бу — онасининг овози эди.

Шу кеча қўналғадан олис-олисларда, инсу жинслар қадами етмаган қадимий ўрмонда, кўпикланиб оққан улкан сойнинг соҳилида ялангоёқ тарсо қиз эман дарахтига суяниб, оёқлари остида чўнқайиб ўтирган қари бўрига халтасидан нон олиб едирарди. Ноннинг бир бурдасини ўзи еб, бир бурдасини бўрига бериб, совуқ ва даҳшатдан титраб-қақшаб, олислардаги шамолнинг гувиллашини тинглаган кўйи, қоп-қора, рутубатли туннинг юлдузлари катталаша-катталаша олмадек бўлган бир пайтда уйқуга кетди. Тарсо қиз ҳам бир туш кўрди: тушида боши узра қизариб ётган туман оғуши-

да бир чироқ ёниб турган эмиш, ўзи эса узун бир зинапоянинг энг тепасида эмиш. Бу узун зинапоянинг қуйисиди суяниб турган, бели жиндай букилган, юзлари сарғайиб кетган бир бемор қўлларини олдинга чўзиб, унга «кетма» дер эмиш... Тарсо қизнинг юраги ўйнаб кетди, кўз ёшлари ичига оқди...

* * *

Кунларнинг бирида бемор, ҳали ётиб қолишидан анча илгари, қўлида челақ, ҳуштак чалганича ахлат ташлаб келиш учун ҳовлига тушганида, тавақалари аскарлар каби елкама-елка турган ахлатхона эшиги олдида ғалати бир каламушга дуч келган эди: мушукдек келадиган кулранг, сийрак туқлари тикрайиб турган бу каламуш челақ кўтариб ахлатхонага кирган бўлғуси беморни кўриб кўзлари ёниб кетган, бир-икки йўталиб олгач, ютиниб, эҳтиром билан шундай деган эди:

— Салом, ҳой қўшни!

Бўлғуси бемор ўрнида бошқа киши бўлганида, эҳтимол, бақариб-чинқариб каламушни тепкилаган, ё бўлмасам, челақни ташлаганича ортига қарамай қочиб қолган бўларди. Чунки, барчага маълумки, бу замонда ҳамма гапиради, узундан-узоқ маърузалар ўқишади, оғиз кўпиртириб вайсашади, аммо каламушнинг гапириши, тагин кечаси соат ўн икки яримда соддадил бир шўровий ватандошининг қаршисида туриб олиб, унга «салом» дейиши, худо ҳақи, ҳар қандай кишининг эсхонасини чиқариб юбориши табиий эди. Бироқ бўлғуси бемор бундай нарсалардан кўрқадиганлар тоифасидан эмасди. Чиндан ҳам, эртами-кечки худди шундай воқеалар, балки бундан ҳам баттароқлари жуда кўп кимсаларнинг бошига тушади, аммо буни ҳеч ким тан олгиси келмайди, чунки тан олганларнинг ҳаммаси эндликда жиннихоналарда шифтга термулганича ётибди. Ростини айтганда, каламушдан бу сўзларни эшитгач, бўлғуси беморнинг аъзойи баданига енгил бир титроқ кирди, секин ютиниб қўйди, бироқ қўрқувга тушмади, челақни ахлат идишларидан бирига бўшатгач, ўзини йўқотиб қўймасликка уриниб сўради:

— Хўш, сен ўзинг кимсан... қўшни? — унинг овози жуда ғариб чиқди.

— Кирликир.

Каламуш чап кўзини қисиб, суҳбатдошига бир кўзи билан тикилганича изоҳ берди:

— Яъни кирлиларнинг кирлиси. Ўта ирkit. Чидаб бўлмас даражада исқирт. Сасиб-жийиб кетган ва ҳоказо... Лекин, қўшни, бу дунёда мендан покизаси йўқ. Қайси аъзоимни ҳидласанг ҳидлаб кўр, менинг топтоза эканлигимга амин бўласан. — Унинг овозида қандайдир ўкинч бор эди. — Орамизда бир-иккита ифлослар бор, бу отни менга ўшалар беришган. Ҳеч қиси йўқ. Қолаверса, ҳой қўшни, бизнинг замонамизда кимни ҳам, нима учун ҳам отига қараб ҳурмат қиладилар дейсан? Бу дунёда уч юз эллик йилдан бери яшайман, сизларнинг таъбирингиз билан айтганда, бир нав қария каламушман. Эҳтимол, бу мамлакатнинг энг кекса каламушидирман. Қўлимдан ҳамма нарса келади... Хоҳласанг сени копторгинтерлюкснинг раиси қилиб қўяман?

Бўлғуси бемор ҳайратланиб бошини сарак-сарак қилганича қўл силтади:

— Мен қаердан билай, худо ҳақи...

Кирликир бу сафар ўнг кўзини қисди ва тагин суҳбатдошига бир кўзи билан тикилганича давом этди:

¹ Девон маросими — суд қилиш.

— Истасанг, сени кўз очиб юмгунча Англиянинг лорди қилиб қўяман, а нима дединг? — у роса қизишди, орқа оёқларида туриб, олдинги оёқлари билан қорнини қашиганича ахлат қутилари орасида уёқдан буёққа бориб-кела бошлади. — Ё агар истасанг, биламан, бу нарса кўнглингдан ўтмаган бўлиши мумкин эмас, сени бош мунажжим қилиб қўяман, ҳалиги ажойиб жойга, а, братишжам! — Бўлғуси беморнинг ўзига ўта ҳайрат ва ишончсизлик билан боқаётганини кўриб, у кўққисдан тўхтаб қолди ва сўради:

— Ҳа, қўшни, менга ишонмаяпсанми?

Бўлғуси бемор челақни ерга қўйиб, кафтининг орқаси билан пешонасига тепчиган терни силди: гўё пешонасига ярим шиша елим тўкилгандек туюлди унга. Юзлари ловуллаб, боши айлана бошлади. «Оббо!» дея кўнглидан ўтказди у.

— Қўрқма, қўрқма! — деди Кирликир унинг фикрларини ўқиб турган каби. — Эсинг оғиб қолгани йўқ. Психиканг ҳам ўз жойида. Кўнглинг тинч бўлаверсин!.. Сен мендан қўрқмадингми, демак, ҳушёр одамсан. Баъзи нарсаларни англаб етган кишисан. Ўз қадрингни бил, жонингни асра, сигарет чекма, ҳар ёзда путёвка тўғирлаб санаторийга бориш ҳаракатини қил. — У югуриб келиб, суҳбатдошининг қаршисига чўнқайди. Донишмандона бир оҳангда гапира бошлади: — Ҳар кеча хотининг ёнига кирма, бу мендан сенга бир насиҳат. Хотинларни ёмон ўргатиб қўймаслик керак, азизим!.. Биласанми хонадонингни нима барбод қилади?

— Мен қаердан билай, худо ҳақи!

— Хотинлар ва ҳар куни радиода, телевизорда чалинадиган даранг-дурунглари! Ҳар қалай, илло-билло даранг-дурунгларга қулоқ солмаслик керак, қачонгача одам «эй менинг жоним, эй менинг фалоним» деган гапларни эшита олади?.. Утирсанг-чи ..ундоқ.—Кирликир челақка ишора қилди. Бўлғуси бемор таранг тортилган мушакларини зўрға енгиб, челақка тўнтариб қўйди ва устига ўтирди. Кирликир ҳам унинг қаршисига чўнқайди, у орқа оёқларида чордона қуриб ўтирар экан, челақ устида ўтирган бўлғуси бемор ўзини тутта олмай жилмайиб қўйди, чунки Кирликир чордона қурганида коптокчадай келадиган дум-думалоқ қорни дўппайиб чиққан эди.

— Офарин, шунақа гаплар... Ёдингда тут, қўшни, каламуш ҳам гапира билади, ҳам чордона қуриб ўтира олади. Қорин эса... — ўзи ҳам кулди. — Ёш қайтган сари катталашиб кетяпти, лаънати. Буларнинг ҳеч бирида сир йўқ. Биласанми, асл мўъжиза нима?

— Нима? — бўлғуси бемор елкаларини қисди.

— Сизларнинг учинчи йўлакдаги Самандаров. — Кирликир гапини тугатмай, иккала кўзларини юмганича бир муддат хаёлга толди, сўнг деди: — Қўшни, жуда ичким келяпти... Биламан, уйингда ароғинг бор. Кел, бундай қилайлик. Уйга бориб, бироз колбаса, нон-пон, кейин ўша ароқни олиб кел. Бемалол ўтириб бир отамлашайлик. Бунинг устига хотин, бола-чақанг ҳам уйда эмас. Давай, дорогой! — сўнг кўзларини очиб илова қилди: — Тавба, нега энди мен русча валдираб қолдим?..

Бўлғуси бемор ўрнидан туриб, кула-кула ахлатхонадан чиқди. Беш дақиқа ўтар-ўтмас Кирликир айтган нарсаларнинг барчасини олиб келди. Ахлатхонага кириб, турган жойида қотиб қолди: Кирликирнинг олдида оҳорли оппоқ дастурхон ёзиғлиқ эди. Ҳа, чиндан ҳам яп-янги дастурхон! Кирликир яна бир бор уни огоҳлантирди:

— Бу ҳам мўъжиза эмас, бу — оддий кўзбойлоқчилик. Жудаям осон. Вақти келганда сенга ҳам ўргатиб қўяман. Утир.

Бўлғуси бемор уйдан келтирган нарсаларини — колбаса, нон ва ароқни дастурхонга қўйди. Кирликир стаканинг иккита эканлигини кўриб бош тебратди:

— Мен ароқ ичмайман, фақат сен ичасан. Яъни, тўғрироғи, мен ҳам ичаман, аммо сенга ўхшаб эмас. — У юзларини буриштириб йўталди. — Агар мен ҳам сен каби ичсам, ўт пуфгагим ёрилиб, шу заҳотиёқ ўлиб қоламан, қўшни. Сен челақни бир оз ўннга суриб, мана бундоқ ўтир. — Бўлғуси бемор Кирликир айтгандай челақни ўннга сурди. — Ҳа, балли, энди ўтир. Офарин. Кўряпсанми, қўшни, иккаламиз ҳам юзма-юз ўтирибмиз, ҳам ёнма-ён. Тўғрироғи, орамизда... — У тагин кўзини юмди. — Ҳа, орамизда роса олтиш уч градусли учбурчак текислик вужудга келди. Демак, сен ароқ ичаётганингда мен ўзимга керакли алколоидларни ҳаводан сўриб оламан... — Бўлғуси бемор Кирликирга ошқора ҳайрат билан боқарди. — Бунинг сирини сенга тушунтириб беришим мумкин эди, бироқ, қўшни, ростини айтсам, биринчидан, ҳозир бунга ҳафсалам йўқ, иккинчидан эса... бунақанги нарсаларни англаш сенга бироз оғирлик қилади. Йўқ, бу на телекинез, на парапсихология. Маконнинг тўртинчи векторида гравитациянинг бошқа бир хусусияти ҳам намоён бўлади... Қўшни, кўзларингдан кўриб турибманки, бу фикрлар етти ухлаб тушингга ҳам кирмаган. — Бўлғуси беморнинг ҳақиқатан ҳам кўзлари катталашиб, ҳар бири олхўридай бўлиб кетган эди. — Сени-ку қўятурайлик! Сизларнинг ҳалиги машҳур олимларингиз бор-ку, физик, ҳалиги-чи, яқинда хотини ўз синглиси билан иккаласини ушлаб олган эди-ку, ҳа-ҳа, ўшани айтяпман... И-е, бундан хабаринг йўқми? Оббо, қўшни, сен ғирт дунёдан беҳабар экансан-ку! Бутун шаҳарда дув-дув гап-ку... Мен ўшанинг тушига кирдим. Гравитация ҳақида оддий савол берган эдим, худо ҳақи, жавоб бера олмади. Кимсан — машҳур академик, кўкси тўла орден! Қара, не кунларга қолдик!..

Бўлғуси бемор кўққисдан уйқудан уйғониб кетгандек бўлди: бу ҳодиса, унинг ахлат қутилари орасида, ҳавоси оғир ахлатхонада Кирликир билан юзма-юз туриб суҳбатлашиши, у кечираётган бу ҳислар, бу туйғулар қачон рўй берган эди, анча илгарими ёки шу яқин орадами — буни айтиб бера олмас, аммо бу воқеа аниқ содир бўлган эди. Ҳатто у ахлатхонага кириверишдаги симёғочда ёниб турган, заиф шуъласи ахлатхона эшикларини сарғиш ранга бўяган чироқни ҳам хотирлади. Бу чироқнинг шуъласини у тушларида тез-тез кўрадиган олис, кишини тўлқинлантириб юборадиган бир чироқ шуъласига ўхшатди: ўша чироқ шуълалари хотирида аниқ-равшан намоён бўлди ва шунда унинг юраги дукуллаб ура бошлади. «Тавба, — дея ўйлади у, — қачон кўрган эдим мен бу чироқни?» Кўзлари қаршисида оппоқ бир ранг пайдо бўлди — титраб турган, умид денгизи каби мусаффо, оппоқ бир ранг. Ва шу пайт жуда узоқларда, бу ахлатхонадан тасаввурга сизмас даражада олис бир ерда, эхтимол, дунёнинг нариги чеккасида эса бошланган шамолнинг гувиллашини эшитди. Бўлғуси бемор кўзларини юмди.

Кирликир:— Жуда теранлашиб кетма! — деди.

Бўлғуси бемор секин кўзларини очди.

— Чин сўзим, — дея давом этди Кирликир, аммо бу сафар унинг овозида аввалги қатъият йўқ эди: — Ҳар нарсани юрагингга олаверма, — дея у бошини қуйи солиб, қорнини қаший бошлади. — Кўп теранлашиб кетсанг, ўзингни адоий тамом қиласан... Шуъла, шамол, фалон-пистон, буларнинг барчасига бу замонда қўл силташ керак, йўқса ишинг пачава бўлади. Ке, қўя турайлик бу гапларни! Утир, қўшни, жиндай отайлик.

Бўлғуси бемор челақ устига Кирликир билан юзма-юз ўтирди ва ароқни очиб қўйди. Кирликир паррак қилиб тўғралган колбасадан бир бўлак олиб бўлғуси беморга боқди. Бемор ароқни бир кўтарганда бўшлатди. Кирликир колбаса бўлагини оғзига солиб, шоша-пиша чайнай бошлади.

— Кўп бўлиб кетибди, қўшни, — деди, — ярим-ярим қилиб қўй.

Бўлғуси бемор жиндай газак қилиб, бу сафар стаканни яримлатиб сузди.

Кирликир яна бир бўлак колбаса олиб деди:

— Қўшни, бир қадаҳ сўзи айтмоқчиман, бироқ кулмайсан, — у бурнини тортиб қўйди. — Чунки ушбу қадаҳ сўзи бу куннинг энг доно сўзи бўлади. Эътирозинг йўқми?

Бўлғуси беморнинг биринчи қадаҳдан сўнг қулфи дили очилиб кетган эди.

— Қанақа эътироз бўлиши мумкин, ҳой биродар, қани эшитайлик!

Кирликир тумшугини бўлғуси бемор томонга қадади.

— Шунинг учун ичайликки, энг ёмон кунимиз ана шундай бўлсин!

Бемор бу сафар ҳам қадаҳни бир кўтарганда бўшатди. Чиндан ҳам жуда доно ва оқилона қадаҳ сўзи айтилган эди.

Кирликир қобласасини еб бўлгач, ўнг қўли билан тикрайган мўйловларини силади.

— Хўш, — деди у, — энди битта сигарет тутат. Хумори тутди.

— Сен сигарет ҳам чекасанми?

— Ҳар доим эмас. Ичгандан кейин бир дона бўлса, ёмон бўлмайди.

Бўлғуси бемор шимининг киссасига қўл суқиб, ўша пайтларда урф бўлган, қутиси эзилган «Аврора» чиқарди. Битта сигарет тутатиб, биринчи сўримни ичига ютмай, Кирликир маза қилсин дея ҳавога пуфлади. Кирликир миннатдорчилик билан бош силкиди, бироқ қаттиқ йўтала бошлади.

— Буларнинг топган ҳунарига лаънат, — дея тўнғиллади у. — Тамакига шунчалик кўп заҳар қўшадиларки, одамнинг жигарини тешиб юборади... Биласанми, бу кимнинг иши?

— Кимнинг?

— Боя мен сенга айтган дунёнинг мўъжизаси Самандаровнинг иши!

— Наҳотки?

— Мен ўзим билмаган нарсани гапирмайман, бунга ўла-ўлгунча ёдинда тут. — Ароқдан сўнг Кирликир анча бийронлашиб қолган, тўғрироғи, гўё суҳбат тобора қизиб, орадаги бегоналик йўқолган сари у жасурлашиб борарди: боя, қўшниси билан танишган илк дақиқаларда унинг овозида жиндай ҳадик ва эҳтиёткорлик бўлиб, бунга бўлғуси бемор ҳам сезган эди. Аммо эндиликда Кирликир суҳбатнинг, ўтиришнинг жиловини ўз қўлига олган, росмана соқийлик қилар, қўшнисидан эса кўнгли тўқ, тепки тушишдан чўчимас эди. Бу замонда эса каламуш аталган бир махлуққа бундан ортиқ нима керак?.. Утириб бемалол колбаса есанг, майин-майин ароқ ичсанг, муҳими, бошингга, биқинларингга ҳеч қим тепмасан, бунга шукур қилмай бўладими? Бўлғуси беморнинг миясида бир-икки сўз гугуртнинг сири каби чирсиллаб ёнди. «Тепкиси нима, нега бу тепкидан қўрқадим?» — дея ўқинч билан ўйлади у ва шу ондаёқ ўзи ҳам Кирликирнинг баъзи фикрларини ўқиб ола бошлаганини англади.

— Бироқ фақат мен ижозат берсам, қўшни. Агар мен ижозат бермасам, миямдаги бирорта ҳарфни ҳам ўқий олмайсан! — Кирликир ўнг қўлидаги қийшиқ

тирноқларидан бирини тўғрилаб кўкка ниқтади. — Ҳозирча менинг қўлимдан интеллектнинг эволюциясини тезлаштириш, унга таъсир этишгина келмайди, холос, азизим.

Бўлғуси бемор ризолик аломати ила бош тебратди, Кирликир ҳам узунчоқ бошини силкитиб, унинг бу ҳаракатига қўшилди ва деди:

— Яна элликта суз!

— Бош устига! Сенинг соғлигинг учун, Кирликир! — У стаканни юқори кўтариб, ароқни бўғзига отди ва «култ» этиб бир ютум қилди. Кирликир «уф, уф» деганича катта бир бўлак колбасани шоша-пиша оғзига солиб, деди:

— Яхши сўз экан, «отмоқ»! Офарин, билмас эканман. Ичмоқ, ютмоқ ва отмоқ. Афтидан, бу сўзларни сизнинг даврларингизда кўп ишлатсалар керак, хўш, нима дединг, дардингни олай?

Бўлғуси бемор чўчиб кетиб, ён-верига қараб чиқди, чунки бу сўзларни гўё Кирликир эмас, Маҳмуд айтгандек бўлди. Табиийки, фельдшер Маҳмуд ҳозир бу ердан жуда олисларда бўлиб, Кирликир худди унинг гапириб оҳангида, энг нозик жиҳатларини ҳам Маҳмуднинг овозига ўхшатиб гапирди, гапирганда ҳам, афтидан, ҳазиллашги учун гапиргани йўқ эди. Ҳа, чиндан ҳам у ҳазиллашгани йўқ, бу билан Кирликир ўзининг бу дунёдаги барча нарсани биладиган ва ҳамма нарсага қодир ягона мавжудот эканлигини кўрсатиб қўймоқчи эди. Кирликир бу сафар доврдаб қолган бўлғуси беморга тасалли бериб ўтирмай, деди:

— Дарвоқе, боядан бери сенга учинчи йўлакда яшайдиган Самандаров ҳақида гапириб бермоқчи бўламан, сен эса нуқул майда-чуйдалар билан мени чапғитиб қўйяпсан. Бир бурда нон еб олсанг-чи! Йўқса кайфинг ошиб қолади.

Бўлғуси бемор нон ва бир бўлак колбаса олиб ея бошлади. Кирликир эса бир кўзини юмганича давом этди:

— Бундан уч кун илгари Самандаровнинг ўн икки бармоқли ичагининг пастки қисмида, шиллиқ пардасида нўхатдай шиш пайдо бўлди... У қовоқбошнинг эса ҳали хабари йўқ. — Кирликир юмуқ кўзини ҳам очиб, суҳбатдошига икки кўзлаб тикилди, бўлғуси хаста бу қарашларда қандайдир мазаммат борлигини сезди. — Мен кимни қовоқбош, кимни ақлли одам дейишни яхши биламан. Бундан безовта бўлмай қўяқол. Сен, масалан, у қадар ақлли бўлмасанг-да, ҳар ҳолда яхши одамсан. Самандаров эса қовоқбошнинг ўзгинаси. Отаси ҳам қовоқбош, ўзи ҳам... Нега? Буёғини эшит... Самандаровнинг уйида янги пул билан саккиз юз минг бор, ҳали мен тилла, гавҳарларини ҳисоблаганим йўқ, уларни Оғдомдаги отасиникига яшириб қўйган. Буларнинг ҳаммасини, айтиш мумкинки, тамаки фабрикасида ана шу «Аврора» ҳисобига топган. Заҳар ҳисобига. Халойиқни заҳарлай-заҳарлай топган... Илтимос, мени тўғри тушун. Эплаган қандини урсин!.. Одамлар цех очишади, пора олиб, пора беришади. Улар билан менинг бир пуллик ишим йўқ. Такрор айтаманки, эплаган қандини урсин! Замонанинг ўзи шунақа. Ахир ҳамма ҳам сен каби лақма эмас-да! Сен ўзингга мундоқ эплаб битта шим ола билмайсан. Майли, шим масаласини қўйиб турайлик, ифлос ҳар ёзда киссасига ўттиз мингни уриб кетади Сочию Кисловодскка, нима гап, юрагининг мазаси йўқ эмиш. Ун беш-ўн олти ёшли қизчаларни расво қилиб, кўрдингми пулнинг кучини, қайтиб келгач, хотинининг устига ўлигини ташлаб олади. Неча марта тушларига кирганман, менинг ҳам жоним жон, темир эмас, ахир, ҳой ифлос, одам бўл, ёшгина қизалоқларни бадбахт қилма, эртами ё кеч ўзингга қайтиши бор, дея айтганман, қўрқитиб ҳам кўрганман.

Ҳай-ҳай, ҳеч парвосига келмайди. Биласанми тушида у менга нима дейди? «Бемаъни гапни қўй, мени лақил-лата олмайсан, сен Шаумян районининг обехесисан, мендан гап олгани келгансан», дейди. Ҳой қўшни, бундай тўнқадан тағин нима кутасан?! Хўш, оқибати нима бўлди? Нўхатдай келадиган шиш олти ойдан сўнг каттариб тухумдай бўлади, метастазалар қорнини қоплаб олади, сўнг аста-секин жигарига ўтиб, бутун аъзойи баданига тарқаб кетади. Йўқ ердан фалокат келиб чиқади. Оллоҳу акбар!.. Қўйсанг-чи, тағин жаҳлим чиқа бошлади. — Кирликир асабий томоқ қиришга тушди.

Бўлғуси хаста эса қулоқларига ишонмас, бу тафсилотни Кирликирдан эмас, бошқа бировдан эшитганида, эҳтимол, ишонмаган, Самандаровга бўҳтон қияптилар, деб ўйлаган бўлурди. Чунки бу бинода яшайдиган Самандаров, бўлғуси беморнинг фикрича, дунёнинг энг камтарин ва ҳурматли одамларидан бири эди. Вой падарингга лаънат, саккиз юз минг-а! Бўлғуси беморнинг ичини ит тирнагандек, кирпини ютиб юборгандек бўлди. У стаканга ароқ қўйди, ошқора ҳавас билан оҳ уриб Кирликирга қаради ва Кирликирнинг эндигина куртақдан чиққан тут япроғи каби яшил кўзларига, сийрак тук қоплаган сарғиш қорнига боқар экан, бундай махлуқ ёлғон гапира олмаслигини, унинг Самандаров борасида эшитганлари ҳақиқат эканлигини батамом тушуниб етди.

— Ҳақиқат бўлганида ҳам инкор этиб бўлмайдиган муқаддас ҳақиқат!.. Қўшни, буни ҳам сенинг соғлигинг учун ичайлик! — Кирликир тағин тумшуғини инсон кўлидаги стакан томон ўгирди. — Бахтли бўл!

Дунёнинг икки жонзоти — бир инсон ва бир каламуш — йилнинг юмшоқ бир фаслида, юлдузлар парпар ёнаётган бир маҳалда бир шиша ароқни яримлатиб, ҳатто ярмидан ҳам камайтириб қўйишган эди. Бўлғуси бемор, афтидан, зўр кайф қилган, бўшаб, бир меш ҳавога айланиб қолгандек эди: агар ҳозир шамол эсса, мени кўтариб кетади, деб ўйларди у. Аммо ўзидаги бу ҳолат фақат ароқнинггина таъсиридан эмаслигига амин эди. Бу ғайриоддий учрашув, бу суҳбат гўё уни одамликдан чиқарган эди. У энди ахлатхонанинг уфунатини ҳис қилмай қўйганди, ҳолбуки, авваллари бу ерга келганида аксар ҳолларда бурнини кўллари билан беркитиб, атрофга жирканиб боққанича челлагини идишлардан бирига ағдарарди-да, шоша-пиша ташқарига қочиб чиқарди. Аммо эндиликда гўё ахлатхонанинг ҳиди бутунлай тарқаб кетиб, унинг ўрнини ҳиди-таъми йўқ бир ҳаво тўлдирган, ҳам илиқ, ҳам сарин бу ҳаво кишига роҳат бахш этарди. Бўлғуси бемор амин эдики, ушбу ҳавони бу ерга Кирликир олиб кирган, уфунатни ҳам бу ердан ўша ҳайдаб чиқарган эди.

— Мен айтмоқчиманки... — Кирликир бурнини қашиди. — Сен маърифатли, жуда кўп нарсаларни идрок этадиган кишисан. Аммо ҳаётӣ масалаларда... — У кўллари эзиб, елка қисди. — Лақмасан! Минг афсус...

— Нега лақма бўларканман?! Ўз нонимни ўзим топсам, бола-чақани эплаб турган бўлсам!

— Эплашга-ку эплайсан! Аммо гап бунда эмас. Гап шундаки, бошингда тегирмон тошлари айланиши ҳали олдинда. Ўз жонингни асра. Ҳар ёзда санаторийларга бориб тур.

Бўлғуси бемор жонига таҳдид солаётган хавфдан қўрқиб, асабийлашди ва норози бир оҳангда сўради: — Хўш, қаеримда нўхатдай шиш пайдо бўлади?

Кирликир бошини орқага ташлаб, тумшуғини симёғочда осилиб турган чироққа қадаганича қорнини қашлаб кула бошлади. Шу қадар мириқиб кулдики, бўлғуси беморнинг жаҳли чиқди, қошларини уйиб, бола каби бурнини тортиб қўйди.

— Жаҳлинг чиқмасин, қўшни, одамнинг ҳар нарсадан жаҳли чиқвермайди. — Кирликир ёшланган кўзларини силади. — Сенинг ҳеч қаерингда на нўхатдай, на тухумдай шиш пайдо бўлади. Юрагингни кенг тут. Аммо... — Кирликир кўққисдан тўхталиб, қулоқларини динг қилди, башараси ўзгариб, мўйловлари пир-пир учар экан, бурун паррақларидан симбоғичи очилган шампань шишасининг вишиллашига ўхшаш бир товуш чиқа бошлади. — Жим бўл... Менинг ўлжам келяпти.

— Қанақа ўлжанг? — Бўлғуси бемор шивирлаб сўради.

Кирликир туриб, ахлатхонанинг тешик-тирқиш эшиги сари юрди, ичкари тушаётган шуъладан яшириниб, ўзини қоронғуликка тортди.

— Худди ўзи... Салоҳов Одил Қамбарович.

Бўлғуси бемор бу исми шарифни илк бор эшитиши эди. Кирликир турган ерида пишиллаганича қўл силкиб уни ёнига қақирди:

— Бери кел, с-с-с...

Бўлғуси бемор ўрнидан туриб, оёқ учида унга яқинлашди. Ҳовлининг ўртасида қўлида ҳассали бир киши турарди. Афтидан у туннинг тоза ҳавосидан нафас олгани чиққан эди. Ҳовлидаги олисдан кема мачтасига ўхшайдиган темир устун тепасидаги чароғон чироқ ҳассали кишини прожектор шуъласи каби ёритиб турарди. Бу уларнинг янги қўшниси бўлиб, бундан бир ҳафтача бурун иккинчи йўлакдаги икки хонали уйга кўчиб келган эди. Қўшниларнинг айтишича, у илгари жуда катта одам бўлган, ҳозир пенсияда, ўзиям жуда аломат кишилар тоифасидан экан. Кирликир пичирлади:

— Ҳе, аломатлигидан ўргилдим! Бу — менинг одамим. Ниса десамикин, маълум маънода менинг шикорим ҳисобланади... Сен унинг гавдасига, мўйловларига учма! Умрида хотиннинг юзини кўрмаган. Онадан туғма эркаклиги йўқ эди маразнинг! Вой сенинг ўша мўйловларингдан!

Ҳовлида секин-секин, кексаларга хос эҳтиёткорлик билан у ёқдан бу ёққа бориб келаётган ҳассали кишининг чиндан ҳам оппоқ мўйловлари бўлиб, бу мўйловлар кучли чироқ шуъласида тиш дўхтирлари ишлатадиган пахта тампонларга ўхшарди.

Кирликир асабийлик билан кўкрагини, қорнини қашиди, уч-тўрт марта пишиллаганича оғир-оғир нафас олди ва ахлатхонадан чиқди. Тўрт оёқлаб, мушук сичқонни пойлаб боргани каби пуганича аста-секин ҳассали одамга яқинлашди. Унинг шундоқ қаршисига боргач, икки олдинги оёғини кўтарганича чийилдоқ товуш билан қичқирди:

— Будет сделано, товарищ Салахов!

Шу сўзларни айтгандан сўнг Кирликир пирилдоқ каби турган ерида гир-гир айланиб, тўзон кўтарди ва орқага бурилиб, яшин тезлигида ўзини ахлатхона томон отди. Ҳассали киши ўткир овози билан ҳовлини бошига кўтарди:

— Тфу, лаънати! Қанақа муттаҳамхона экан бу ҳовли! Бошдан охири антисанитария. Сволочи! — У ҳар эҳтимолга қарши ҳассасини бир-икки марта ғазаб билан ерга урди, қизиғи шу бўлдики, унинг қўрқувдан кўксидан отилиб чиққудек ўйноқланаётган юрагининг дукуллашини ахлатхонада бекиниб ўтирган, эндиликда Кирликир билан жипслашиб кетган бўлғуси бемор худди ўз юрагининг дукиллаши каби аниқ-равшан эшитди: юракнинг бунақанги ўйноқлашида ҳеч бир жонзот тирик қолмайдигандек, бундай юрак юз бўлаққа парча-парча бўлиб кетадигандек туюлди унга. Аммо ҳассали киши на ўлди, на йиқилиб қолди, у ҳассасини ерга ура-ура шоша-пиша йўлакнинг эшигидан ичкари кириб, қоронғулик оғушида кўздан ғойиб бўлди. У ердан, кимсасиз

қоронғулик оғушидан унинг ингичка, хотинчалиш овози эшитилди:

— Сволочи!

Кирликир дастурхон олдида ерга ёнбошлаб олиб, қорнини қашиганича мамнун бир ҳолда деди:

— Худо ҳақи, сенинг қадаминг қутлуғ келди, қўшни. Кўпдан бери бунчалик лаззатланмаган эдим. Бунинг шарафига ҳам элликта ичишимиз керак. Куй, ўргулай, куй!

Ажойботларга тўла дунё бугун бўлғуси беморни ақлга сиғмайдиган бир мўъжизага дуч қилган эди: йилларнинг бир маромидаги оқими бузилган, кўҳна соатнинг миллари қандайдир сеҳр касб этиб, вақтни терс оқишгами ёинки илгарилаб кетишгами мажбур қилган эди. Бўлғуси бемор боядан бери ўзини тутиб, иродасини, шуурини, асабларини жиловлаб, бир нуқтага жамлаб ўтирган бўлса-да, кўнглида, бу воқеаларнинг ҳаммаси, Кирликир билан бу учрашув уйқуда содир бўляпти, деган бир шубҳа бор эди, ҳозир у кўзларини оцади ва шунда буларнинг барчаси оддий туш эканлиги аён бўлади. Одамзот озмунча ажойиб-ғаройиб тушлар кўрадимиз, ахир? Бироқ агар булар ҳақиқат бўлса, унда...

— Унда жудаям ажойиб бўлади!.. — Кирликир унга илтижо билан боқди. — Биламан, — деди у, — бунақа нарсаларга ишониш ҳар бир марднинг иши эмас, сенинг ўрнингда бошқа биров бўлганида, ақлдан озиб қоларди... Салоҳов, мисол учун, ишонмайди, сираям ишонмайди. Салоҳов, ҳе унинг ўша ахта бўйини қора ерга тақай, ўзидан бўлак ҳеч кимга ишонмайди, фақат бир кишига ишонарди, уни ҳам тўнғиз қўлди. Кирликир жуда қаттиқ ранжиди. — Менга нима, ўзи? Ишонган ишонсин, ишонмаган ишонмасин. Худо ҳақи, менга нима дахли бор? Жамоатга эланишим керакми!

— Салоҳовнинг ўзи ким ахир?

Кирликир бўлғуси бемор кўзларининг ич-ичига тикилди.

— Салоҳов, — деди у, — бу дунёнинг балоси. Бу дунёнинг энг катта фалокати. — Бир оз сукутдан сўнг. — Ҳукмдорнинг тўрамаси, — деди, — зараза!

— Кимнинг?

— Ҳукмдорнинг... Сенга нима деган бўлсам, ҳаммасини унутушинг мумкин, бу — сенинг ишинг. Фақат Салоҳовни унутма. Ула-ўлгунча ёдингда тут!..

Кирликирнинг кайфи ошиб қолди, деб ўйлади бўлғуси бемор, чунки у айқаш-уйқаш, алмойи-алжойи гапларни айта бошлаган эди: ҳукмдорнинг тўрамаси?.. Кирликир тагин ахлат қутилари орасида кеза бошлади, сўнг қўққисидан тўхтаб, синчковлик билан унга тикилди.

— Эҳ! — алам билан қўл силкиди у. — Ордона қолсин бундай ҳаёт. Тупургинг келади бундай ҳаётга, эй қўшни. — Кирликир кўзларини қисди, бўлғуси беморнинг жисму жонига ўт тушиб, аъзойи бадани дазмол босилгандек ёна бошлади. — Ишонган тоғда кийик ётмас экан. Ишонмадинг-а?

Бўлғуси бемор бир қадам ортга чекиниб:

— Мен қаердан билай, худо ҳақи?.. — деди. Кирликир ўзининг барча уринишлари беҳуда кетганини тушунди, бўлғуси бемор миясининг ўнг ярим шаридаги чуқур дарзда нейронлар мушак каби учқун сачратиб, уч карра айтилган «ишонмайман» сўзини тасдиқлади: Кирликир иккала кўзини ҳам юмганича ўзини зулмат оғушига отди: узун умрида, уч юз эллик ҳаётида инсон боласи билан бу навбатдаги учрашувда ҳам у тагин мағлуб бўлган, инсон боласини тагин ишонтира олмаган эди.

...Замина эшикни очиб, эрини кўрган заҳоти, унинг

қизарган кўзларига, осилиб тушган пастки лабига боққан заҳоти кайфи борлигини пайқади.

— Қаердан отиб олдингиз? — деб сўради жилмайиб.

— Тез менга бир пиёла аччиқ чой бер!

Замина умрида ҳали эрини бу қадар хурсанд, бу қадар бахтиёр ҳолда кўрмаганлигига онт ичиш учун тайёр эди, эрининг юз-кўзларидан нур ёғарди.

— Бош устига! — Замина жилмайганича ошхона томон юрди.

У чой кўтариб овқат ейиладиган хонага кирганида эри оромкурсига ясланиб, кўйлагининг тугмаларини ечиб ташлаб, лаззат билан, ҳузур қилиб қорнини қаширди.

— Ё тавба, нега қорнингизни қашияпсиз?

— Худо ҳақи, бу дунё, дарҳақиқат, ҳам гўзал, ҳам ифлос бир дунё экан. — У чап қўли билан қорнини қашиганича, ўнг қўли билан пиёлани олиб, чойдан бир қултум ҳўплади. — Кирликирдай бир махлуқ... — у лабларини чапиллатиб қўйди. — Кирликир — бу менинг иним бўлади! — дея бақирди.

Замина ҳеч нарсага тушунмаса ҳам:

— Тўппа-тўғри, — деб қўйди, — Кирликирни кирагир деб эшитган эди. — Тўппа-тузуксиз, худо ҳақи. Кўз тегмасин!

— Энди тўппа-тузукман, худога шукр, отдайман, аммо ҳозирга қадар сенинг эринг итнинг орқа оёғи бўлиб юрган экан!

— Нега энди?

— Чунки бу дунёда қорин қашлашдан бошқа яхшироқ нарса йўқ экан, ўлай агар, — дея бир кўзини қисиб, хотинига бир кўзлаб боқди.

Боядан бери бу суҳбатни жилмайганича мароқ билан эшитиб турган ўғли отасига яқинлашиб, унинг қорнига тикилди.

— Мана, — деди у, — буни қара, папамнинг қорнига ғалати майин туклар чиқибди.

Замина яна келди.

— Во-о-ой ўла-ай! — деди у ҳайратланиб.

— Ҳали бу нима бўпти! Ишонган ишонсин, ишонмаган ишонмасин!

Бўлғуси бемор қўлларини юқори кўтарди.

* * *

«Ишонган ишонсин, ишонмаган ишонмасин!..» Маҳмуд чиқиб кетгандан сўнг Замина каравотнинг қуйисига ўтириб, эрига ҳайрон-ҳайрон қараб қўйганича пулларни санаётган, ўз хаёлида нималарнидир ҳисоб-китоб қилаётган бир пайтда бемор шу жумлани, қайдадир, кимдандир эшитгани шу жумлани кўнглида яна бир бор такрорлади. Қаердан эшитган эди буни, кимдан эшитган эди ва агар чиндан ҳам эшитган бўлса, нега энди келиб-келиб ҳозир ёдига тушиб қолди: ишонган ишонсин, ишонмаган ишонмасин. Тавба, нақадар сирли сўзлар! Бу ўткинчи таранглик, бу сўзларни ёдга солмоқ жаҳди, ҳарқалай, ўз таъсирини кўрсатмай қолмади, негадир унинг қони қайнади, пешонасига тер тепчиди ва оёқлари музлаб бораётганини ҳис қилди. У ҳар қанча жаҳд қилса ҳам, бошини деворларга урса ҳам, ҳозир ҳеч нарса ёдига тушмаслигини англади. Табиийки, у сирли, оллоҳнинг ваҳийси каби мавҳум бу сўзларни эшитишга эшитган эди. Аммо қаерда, қай маҳалда?.. Йўқ, буни эслаб бўлмайди: қулфлоглик эшикларни фалак шу қадар маҳкам бекитган эдики, улар исталган пайтда осонлик билан очилиб кетавермас эди!

— Жаҳлингиз чиқавермасин, — деди Замина эрига гинали боқиб. — Маҳмуд ўзимизники-ку, берса пул бе-

рибди-да, туриб кетганингиздан сўнг, худо хоҳласа, қайтарармиз. Қиёмат-қойим бўлаётгани йўқ-ку!

Бемор бепарволик билан:

— Албатта, — деди, — қайтармай нима қиламиз... Ҳеч бўлмаса Салима хонимдан олиб турармиз. Қолаверса, Маҳмуд ҳам қарзини қистаб келишига ишонмайман.

«Ишонган ишонсин, ишонмаган ишонмасин». Бемор жилмайди, юқори лаби чирик резина каби икки ёнга чўзилди, чаккаларидаги кўкимтир томирларга қон қўйиб келгандек бўлди, қулоқ пардалари жананглай бошлади. Астаффурулло, бу не синоат бўлди!.. Аммо, худо ҳақи, чиндан ҳам жуда топиб айтилган гап бу! Гардиши дун аслида шундан иборат — ишонган ишонади, ишонмаган ишонмайди. Сўнг у хотинига кутилмаган бир савол берди.

— Уйдаги ахлатларни ким ташлаб келади?

— Вой, қизиқ экансиз-ку, нега энди ахлат ташвишига тушиб қолдингиз, тавба? Нима, уйда сиздан бошқа киши йўқми?.. Болалар ташлаб келишади.

Бемор бошини силкиб қўйди, хотинига жилмайиб, миннатдорчилик билан боқди: ўзининг бу саволига ана шундай оддийгина жавоб эшитмаганида, эҳтимол, унинг миясига қон қўйилиши турган гап эди, чунки чакка томирлари ёрилиб кетгудек урар, гўё қулфлоглик эшиклардан қайсинисидир фирчиллаб очилишни истарди. Бемор ҳовлидаги ахлатхонага кираверишдаги симёғочда осилиб турган электр чироғининг шуълаларини эслади, бу шуълалар унинг кўзлари олдида олисдаги сариқ доғ янглиғ думалоқ ҳалқаларга айланди, беморнинг юраги сиқилди. Бир оппоқ ранг кўзларининг ичига оқиб кирди.

— Анави деразаларни очиб юбор. Юрагим ёрилиб кетай деяпти. Мундоқ бир тоза ҳаво ҳам олайлик, ахир, — деди.

Хотини унга норозилик билан қаради.

— Қўйсангиз-чи, худо ҳақи, тинг ўтирайлик. Кеча Марк Георгиевич бораман деб сўз берган эди. Келиб кўрсин-чи, нима дейди, деразаларни очиш қочиб кетмас.

* * *

Доктор Марк Бергман тахминан ўттизинчи йилларда ота-боболарининг юрти Житомирдан бош олиб кетиб, Бокуга келиб қолган, шаҳарни ўша пайтда «Бондарний» деб аталадиган маҳалласига жойлашган эди.

У-ку кўчиб келган, аммо бунинг аниқ сабабини биладиганлар кам, деярли йўқ эди. Ҳар ҳолда, докторнинг ўзи бу шошилини, нотинч ва таҳликали кўчиш сабабидан гап очишни ёқтирмас, бундан не-не замонлар илгари содир бўлган бу кўнгилсиз воқеани гўё бутунлай унутиб юборган, ёзув столи устидаги чангини нам латта билан артиб ташлаган каби, Житомир — Боку воқеасини ҳам хотирасидан мутлоқ ўчириб ташлаган эди. Унинг ўзига ҳам ахёнда, хусусан, сўнгги икки-уч йилда шундай туюлардики, гўё у ҳеч қачон Житомирда бўлмаган, гўё ўша ерда туғилмаган, гўё отонасининг қабри ҳам у ерда эмас, гўё Марк Бергман Бокуда туғилиб, Бокуда вояга етган, шунда ҳам уни онаси Дора Соломоновна туққан эмас, қандайдир мўъжиза рўй бериб, у мензуркага ўхшаш бир идишнинг ичида бунёд бўлган. Бир банди ожининг қаерда туғилгани, қайси қориндан чиққанлигининг бу дунёга, бу кунга, бу оқшомга нима дахли бор?.. Ҳар сафар бозор кунни, қишнинг совуғида, ёзнинг иссиғида уйда асрайдиган балиқлари учун хўрак олгани Бойил бозорига йўл олганида у бу фикрининг ҳақ эканлигига тобора

қаттиқ ишона бошларди. Бойил бозорига бориш учун такси тўхтатиб юрмасди. Бутун йўлни яёв босиб борар экан, атроф-жавонибга суқланиб боқар, тонгнинг гоҳ илиқ, гоҳ совуқ ҳавосидан жони роҳат олар эди, дунёга берадиганини бериб, оладиганини олган бу кекса яҳудий ҳар сона, ҳар дақиқанинг арзимас, ўткинчи саодатидан лаззатланар, кўнгли файзаларга тўларди. Дарҳақиқат, инсоннинг бахтиёр бўлиши учун кўп нарса керак эмас: бир лаҳзалик саодатнинг сахар ели каби илиқ бир илтифоти кифоя! Бошқа нарса шарт эмас. Юракни сиқадиған, қонни қайнатадиган воқеаларнинг ҳаммаси эса ана саодат шуъласида узайиб-қисқариб ётган соялардан бошқа нарса эмас, бу сояларга эътибор бермаслик, улар билан ҳисоблашмаслик лозим, улар билан ҳисоблашсанг, уларга эътибор берсанг, шу сояларнинг ўзига чалишиб қулаб тушишинг мумкин: чалиб йиқитишда бу дунёга сояга тенг келадиғани йўқ...

Бугун у уйига қайтар экан, бир оз ҳансираб қолган бўлса-да — ҳар ҳолда, етмишдан ошганди — боши осмонда эди. Энли зинапоаялардан — бу бино Бокунинг инқилобдан аввал қурилган биноларидан эди — хиргойи қилганича юқорига кўтарилиб, иккинчи қаватда тўхтади, оғзи берк банкани пастга, оёқлари остига қўйди, қўлини шимининг киссасига суқиб, оғир калитларни чиқарди ва темир эшигининг икки қулфини очди. Чеккадан кузатган киши унинг чеҳрасидаги шодлик, кўзларидаги нурни кўриб, афтидан, у ҳозиргина уй васиқаси олган, шунинг учун боши осмонда, деб ўйлаши мумкин эди. Ичкарига киргач, ҳар икки деворда том баробар устма-уст тахланган жиллоли тоқчалардаги китобларга қараб бурнини тортиб олди-да, туфлиларини ечиб, тартиб билан жуфтлади ва бир четга суриб қўйди, сўнг ранги униққан, товонлари ейилиб кетган яшил мовут шиппақларини кийиб, хонага кирди. Ёзув столининг ёнида ингичка темир қувурчалардан ясалган, деворга парчинланган таглик устига ўрнатилган икки йирик аквариумга яқин борди. Балиқлар шарпани сезиб қимирлаб қолишга, бемалол сузиб юрганлари тумшуғини шишага қадаганича юқори чиқиб пастга туша бошлади, тез сузиб юрганлари эса дамсоз сувга уриб турган ҳаво оқимида чирпирак бўлиб кетишди: балиқлар, афтидан, бугун ўзларига тоза хўрак берилишини, эгалари бозордан қайтганини, у сувнинг ичида кулча бўлиб ётган майда, қип-қизил чувалчанглар олиб келганини сезган эдилар. Марк Георгиевич жилмайди, худди болалардай севиниб, кафтининг орқаси билан аквариум ойнасини силар экан, ғалати бир овозда: «гули, гули вы мои!» — деб қўйди. Сўнг айвонга чиқди, банкадаги хўракни суви билан тўртбурчак идишга ағдарди: бозордан келтирилган хўракни дарҳол балиқларга бериб бўлмасди, аввал Марк Георгиевич лупа орқали чувалчангларни диққат билан назардан ўтказар, балиқлар учун зарарли баъзи бир ҳашаротларни қисқич билан ушлаб, ҳожатхонага ташлаб юборарди... Марк Георгиевич хонага кириб, эшикни беркитди, ошхонага бориб газни ёқди ва чой қўйди. Сўнг тагин қабинетга қайтди, аквариумларга кўз қирини ташлаб, кўрсига ўтирди ва телефон аппаратини олдига тортиб, дастакни қулоғига тутмасдан, кўпдан ёдига ўрнашиб қолган рақамларни тера бошлади.

— Замина хоним? Саломатмисан? — Марк Георгиевич Озарбойжонда яшаган йиллари мобайнида бу тилни пухта ўрганиб олган эди. — Катта раҳмат, менинг номимдан ҳам салом айт... Так... гомоглобиннинг ҳеч қандай зарари йўқ, безовта бўлма. — У рус тилида гапира бошлади. — Ты, ради бога, не беспокойся. Пока я не вижу веских причин для госпитализации.

Все связано с гормональными изменениями; и притом незначительными. — Яна озарбойжон тилига кўчди: — Тўғри, тўғри, қорнини тук босиши ҳам, асабларининг чатоқлиги ҳам, ҳаммаси фақат гормонал ўзгаришлар билан боғлиқ. Сира безовта бўлма. Эртага саккизлардан кейин бораман. Менинг номимдан кўпдан-кўп салом айт. Ҳозирча хайр. — Дастакни аппарат устига қўйди, бир нафас нималарнидир ўйлаганича дастак билан аппаратни боғлаб турган бурама елим симга тикилиб қолди. Ошхонада човгум ҳўштак чалгунга қадар шу аллозда ўтирди. Човгум «қайнадим, портлайман» қабилида ҳўштак чала бошлагандан кейингина ўрнидан турди, қотиб қолган умуртқасининг зирқираб оғришига парво қилмай ошхона томон юрди, даҳлиздан чиқаётганида жиндай оқсоқланаётганини ҳис қилди — оғриқ ҳамша ўнг оёғига азоб берарди — ҳўштак чалганича ошхонада бир стакан аччиқ чой қўйиб, ичига қанд ташлади, пиёниста винони қултумлаб ичгани каби (мясига келган бу муқоясадан кулиб қўйди) у ҳам чойни шошмасдан, таъмию ҳарорати аъзойи баданига лаззат бахш этётганини ҳис этган ҳолда ҳўплаб-ҳўплаб ича бошлади. Боя телефонда гаплашганидан бери мясида бир фикр чарх урарди: беморнинг барча анализлари, шунингдек, умумий клиник ахволи унинг диагнози тўғри эканлигини ҳар тарафлама тасдиқларди, аммо айна пайтда беморнинг қорнига нима сабабдан тук чиққанлигини ҳеч изоҳлаб бўлмасди. Ва ростини айтганда, Бокуда Марк Георгиевичнинг бу борада маслаҳат оладиган бирорта ҳам кишиси қолмаган эди. Марк Георгиевичнинг кўҳна дўсти, шаҳарнинг энг кучли эндиринология ҳисобланган профессор Қосимбейли ўтган йили вафот этган эди.

Қолганлари, очиғини айтганда, у қадар кучли мутахассислар эмас эди, ёш докторларнинг эса аксарияти чаласавод бўлиб, улар билан рўбарў келганда Марк Георгиевичнинг тепа сочи тикка бўлиб кетарди... Бергман бу беморни даволашда, шубҳасиз, тўғри йўлни танлаган, бироқ муолажа пайтида қандайдир хатоликка йўл қўйган эди. Чиндан ҳам хато қилдимикан?.. Ҳар ҳолда, Марк Георгиевичнинг ўзи хато қилганига ҳеч ишонмас эди. Ҳатто аҳён-аҳёнда унинг мясидан, агар уйимдаги барча китобларни, табиийки, тиббий китобларни титкилаб, қайта бошдан бетма-бет диққат билан ўқиб чиқсам ҳам, бу саволга жавоб тополмай, тағин чалкашиб кетаман, деган фикр кечар эди. Бу ерда қандайдир бошқа бир сир бор, бу метаморфозанинг илдири, афтидан, наинки тиббий, ҳатто ирсий муаммолар билан ҳам алоқадор эмас эди. Балки яратганининг ўзи, бемор фалон ёшга етганида қорнини тук боссин, буни кўрган Марк Георгиевич, ёши бир жойга бориб, саломатлиги ҳаминқадар бўлиб қолганида мувозанатдан чиқсин, ороми бўзилсин, дея амр этгандир?.. У ўзининг бу фикридан ҳам кулди, бошини тебратиб ҳали яримдан баланд стаканига қайноқ сув қўйди ва тағин бояги аллозда ўтириб, мясини ғовлатиб юборган саволларга жавоб топа олмай, чой ҳўплай бошлади. Қайрилиб ошхонанинг кенг деразасидан ташқарига боқди ва бўзимтир-мовий самонинг қоқ ўртасида футбол коптогидек келади думалоқ булутга кўзи тушди. Бу булут парчаси шунчаки тахминий эмас, балки аниқ дум-думалоқ, худди паргар билан чизиб олинди, само юзасига ёпиштириб қўйилгандек эди. Айна шу дақиқадан, булутни кўрган сониядан бошлаб Марк Георгиевич ҳамма нарсани — беморни ҳам, боя телефондаги суҳбатни ҳам, тараддулланиб қолганини ҳам унутди. Уша тутун каби тунд булут парчаси оғушида барча нарсалар мум каби эриб, хотира чархпалагининг паррақларидан оқа-оқа ғойибга кетди. Аммо бу паррақларнинг бирида, айлана-айлана хотира

қудуғининг энг тубига тушган паррақнинг учида, унинг энг куйсида бир булут, оқ матога томган сиёҳ томчиси янглиғ бир булут Марк Георгиевичнинг мясини тумандай қоплаб олди: бу булут унинг деразадан кўрган булутидан анча тунд ва қорамтир булут эди — бундан не-не замонлар илгари, бу ердан жуда олис-олисларда, Марк Георгиевич туғилган жойларда, қуюқ ўрмонда, дарахтлар орасида чалқанча ётганича кўрқиб, титраб-қақшаб кўкка боққан ўсмир бола ўзининг ягона илинжи, ёмғир рутубатидан тўйиниб оғирлашган, каттакон казак папоғига ўхшаш ана шу ягона булут билан қолган эди. Ана ўшанда, ўша олис йилларда ушбу ўсмир боланинг худодан тилаган ягона тилаги шу эдики, қошки шу булут ерга эниб, уни, дарахтлар орасида юраги ўйнаб, титраб-қақшаб ётган бу ўсмир болани қалин кўрпа каби қоплаб олса, отларнинг топташи ва қиличларнинг сермашидан асраб қолса! Қошки унинг қулоқлари «жидовское отродье» сўзларини эшитмай қолса. Чунки бу сўзларни эшитганидан унинг бола димоқларига уюган қон ҳиди уриларди.

Житомир поезд ғилдирақларининг тарақа-туруқ садолари оғушида йитиб кетган, вақт ўтиб Марк Георгиевич аста-секин ҳамма нарсани эсдан чиқарган, аммо афтидан, фақат ана шу булут парчасини унутгани йўқ эди... Марк Георгиевич стаканни ошхона столи устига қўйиб, судда ҳукми ўқилган жиноятчи каби бошини куйи эгди ва негадир ёзув столнинг ўрта ғаладолида, унинг энг тўрида неча йиллардан бери кўз қорачиғи каби асраб келаётган тўппончаси эсига тушди. Бу тўппончанинг биттаю битта ўқи бор эди. Марк Георгиевичнинг сўнгги умиди, сўнгги илинжи эди бу ўқ. «Дунёда аквариум балиқларидан кўра яхшироқ нима бор ўзи?» Марк Георгиевич жилмайиб қўйди.

* * *

Марго ошхонадан қайтиб чиқди. Унинг қаҳқаҳасини эшитиб кўзларимни очдим, билдимки, у чой қўйиб келди. Марго эснаганича:

— Чой бироз дам олсин, — деди.

Мен индамай кўзларимни юмдим.

— Турсанг-чи, нега ётибсан?

Сенга нима? Нега ётибсан, эмиш. Даф бўл бошимдан, демоқчи бўлдим. Аммо оғзимдан бошқа сўзлар чиқди:

— Чойни аччиқ қилиб дамла. Икки дона қанд ҳам солиб юбор, иссиқ-иссиқ чой ичгим келяпти.

Марго уйқусираб:

— Бу фармонлари ҳам бош устига! — деди.

Киприқларимни зўрға очдим: бедор туннинг ҳорғинлиги гўё ҳар бир кипригимда кўрғошин каби осилиб турарди. Гўзалларнинг ҳолига уйқудан турганида боқ, деб тўғри айтган эканлар. Ихтиёр менда бўлсайди, бутун аёлларга кечаси ухлашни ман қилиб қўйган бўлур эдим. Тонгда уйғонгач, чит рўмол каби эзилиб, ғижимланиб кетган аёлнинг афт-ангорини кўриш — худди оч қоринга сирка ичишдай бир гап. Марго билан танишганим ўша олис куз оқшомини эсладим.

Изғирин шамол эсар, жуда қаттиқ совуқ эди. Дарахтларнинг япроғи сарғайиб-сўлган кезлар. Дафъатан тушган Боку кузининг зерикарли, изғиринли, чанг-тўзонли оқшомларидан бири бўлиб, шаҳар гўзаллигини бу чанг-тўзон бир пул қилган эди. Бокунинг кузи ҳам кўққисдан бошланади, ёзи ва қиши ҳам... Думалоқ кўча чироқлари тинимсиз тебранар, асфальт йўлу йўлкаларда узун-қисқа, эгри-бугри соялар илон ўрмалагандек ўтиб борарди.

Мен уйга қайтишим керак эди, аммо поезд жўнаб кетгач, перрондан вокзал олдидаги хиёбонга чиққанимдан сўнг кўлларимни ёмғирпўшимнинг чўнтакларига тикқанимча қаққайиб қолган эдим. Қайгадир, кимгадир кўнғирок қилишим керак эди. Бироқ кимга, қаерга? Ҳарчанд тиришсам-да, эслай олмасдим. Бу шамол, бу чаңг-тўзон гўё миямни фалаж қилиб қўйган эди. Бувим телвасерак дерди бунақа ҳолларни...

Шунда мен уни кўриб қолдим. У мендан ўн-ўн беш қадам нарида, берк сув дўкончасининг ёнида турганича менга тикиларди. Сабабини-ку билмайман, аммо уни кўрганим заҳоти қайси ошённинг қуши эканлигини дарҳол англадим. Ва шу лаҳзадаёқ ушбу ўн-ўн беш қадамлик масофадан туриб аёл вужудининг ҳароратини ҳис қила бошладим. Дунёда катта мўъжизалар йўқ, аммо аҳён-аҳёнда баъзи бахтиёр-ку эмас, қайғусиз, лоуболи одамларнинг ҳаётида айрим кичик мўъжизалар содир бўлади. Бу ҳам ана шундай кичик мўъжизаларнинг бири эди...

Марго чой келтирди. Чой худди менинг кўнглимдагидек — қуюқ, ширин, иссиқ эди. Бундай дамланган чой наинки бир кишининг, бемалол ўн кишининг тунги чарчоғини ёзиб юборарди. У ўзига ноксимон стаканга чой қуйди. Иккимиз ҳам чойни ичиб бўлгунча лом-мим демардик.

Уша олис, чаңг-тўзонли куз оқшомидан сўнг менинг бўйдоқ ҳаётимда митти юлдуз пайдо бўлган эди. Бу юлдузнинг шуъласи жуда заиф, ҳарорати эса йўқ ҳисоби эди. Бироқ ҳар ҳолда у юлдуз, юлдуз бўлганда ҳам менинг юлдузим эди (Тағин беморнинг даҳани қочди, юқори лаби енгилгина титради: «Нега энди уни юлдуз деяпман, ё тавба?»— деган фикр кечди ҳаёлидан).

Илк танишган кунларимизда, кечалари у бошини кўкрагимга қўйиб ётганича ғаройиб нарсалардан сўз очарди.

— Бобомнинг бир қиличи бор эди,— дер эди у,— узун, шоп қилич эди. Бобом, бу — минг йиллик қилич, тошга урсанг иккига бўлиб юборади, дерди. Бувимнинг икки минг йиллик бозбанди бор эди. У пайтлар бизнинг эркаклар уйда ўтирмас, тез-тез жанг қилган кетар эканлар. Аёлларимиз то эркаклар қайтиб келгунча қора кийиб, бозбанд тақиб аза тутар эканлар. Ҳар уйда улкан думалоқ ноғора бўларкан. Эркаклар жангга кетишлари биланоқ қора кийиб, бозбанд тақиб олган аёллар ноғора чала бошлар эканлар. Ҳатто юз йил ўтса ҳам, қош қорая бошлаши билан аёллар бир ерга йиғилиб олиб ярим кечагача ноғора чалаверар эканлар... Бувимнинг айтишича, қайси аёл ноғора чалмаса, эри жангдан қайтгач уни ўлдираар экан...

Мен сўраб қолардим:

— Бувингнинг ҳам ноғораси бормиди?

— Йўғ-эй... Бу икки-уч минг йил илгариги гап.

... Чой мени қайта тирилтирди. Киприklarимдаги кўрғошин оғирлиги чекиниб, вужудимдаги ҳорғинлик аста-секин тарқай бошлади, гўё мушакларимда тикилиб ётган хилт чиқиб кетгандек хийла енгил тортидим. Чойдан сўнг Марго ҳам менинг кўзларимга бундан ўн беш дақиқа илгариги каби тароватсиз, қаримсиқ эмас, анча латофатли кўрина бошлади.

Бир гал ундан:

— Марго, сенинг миллатинг нима?— деб сўраган эдим, у елкаларини қисиб:

— Билмасам,— деди.

— Худога ишонасанми?

— Йўқ.

Ҳовлига очиладиган икки тавақали деразадан ташқарига боққанимда ҳаммиша парашют минорасига кўзим тушарди. У пайтлар парашют минорасининг устида ди-

рижаблъ бор эди, у пайтлар ҳали Марго йўқ эди, дирижаблнинг тепасида само, самонинг тепасида «худонинг уйи» бор эди. Чунки тонгда бувим дуо ўқиётганида ўша томонга юзланарди. У ерда нима бор, деб сўрардим мен, у томон қибла, деб жавоб берарди бувим. Мен қибла «худонинг уйи» бўлса керак, деб ўйлар эдим.

Тунда парашют минораси кўринмасди. Томларнинг устида, парашют минораси томондаги тубсиз зулмат оғушида, дирижаблъ осилиб турган нуқтада, ҳар тарафда юлдузлар порларди. Бокунинг хўрозқанд каби юлдузлари.

Тун кўпинча ўзи билан шамолни олиб келарди. Дастлаб томлар, йўлкалар узра шитирлаб суридан сарин шабада аста-секин зўрайиб, эшик-деразаларни кўпориб юборгудек хазрига айланарди. Мен ҳарчанд синчиклаб тикилсам-да, булутларни кўра олмасдим, шу боис юлдузларни икки-учталаб ўчираётган қудрат — худо бўлса керак деб ўйлардим. Қайдадир ўқиганманми, эшитганманми, аниғи эсимда йўқ, ҳар қалай, ҳар бир одамнинг, у ҳаётми ёки ўлиб кетганми — бундан қатъи назар, ўз йўли бор — худди ўрта мактабнинг ҳисоб дарсликларига каби «А» бекатидан чиқиб «Б» бекати сари кетаётган йўли. Ҳамма ўзининг «А» бекатидан чиқиб «Б» бекати сари, хўш, кўрайлик-чи, «Б» бекатининг у ёнида нима бор экан, деган бир хаёл билан кетади, чиндан ҳам оламда шунақанги ғаройиб нарсалар борки, уларнинг изоҳини, маъносини наинки ҳисоб дарсликларидан, ҳатто дунёнинг энг пурмазмун китобларидан ҳам топа олмайсан. Хўссан, Маргога берган оддий саволларимга баъзан мавҳум жавоблар олганимда менга шундай туюлардики, Марго ва унга ўхшаган бошқа аёллар «Б» бекатидан чиқиб бу томонга — «А» бекатида турган биз каби кимсаларга кичик бир мўъжиза бахш этиш, бир нафаслик мусаффо ҳаво бериш, қўлларимиздан ушлаб, қаддимизни ростлаб, «худо ҳақи, қуёшга тикилиш кўрқинчли эмас, чўчиманг, сиз ахир кўр эмассиз», дейиш учун келадилар.

— Ҳой қиз, одам ахир ўзининг қайси миллатдан эканлигини билмаслиги мумкин эмас.

— Нега энди?

Тавба, Маргонинг чунон гўзаллашиб, инсон ақлини шошириб қўядиган пайтлари бўлардики, шунда у билан бир ёстиққа бош қўйганимга ҳам ишонмай қолардинг. Бугдойранг чеҳрасидаги тубсиз кўзлари билан одамга қийғоч тикилганида, ё қудратингдан, бу осмондан тушган фаришта бўлса керак, деб ўйлар, гўё инсу жинслардан холи бир чаманзорга кириб қолгандек, сенга ҳали бани одам назари тушмагандек ҳис қилардинг ўзингни... Баъзан у менга боққанида ёхуд ёнимга узаниб, бошини кўксимга қўйганича беғам-бепарво ётганида, мен юрагимни куйдириб юбораётган интиҳо-сиз ғуссанинг сабабини англай олмай, не бахтки, бу дунёда Марго бор, не бахтки, дунёда шунақанги эхтиросли аёл лаблари бор, хуллас, не бахтки, энди мен ёлғиз эмасман, бу беҳудуд оламда мен ҳозир ёлғиз бўлганимда эҳтимол жинни бўлиб қолардим, дея ўйлардим. Жинни бўлиб қолганларнинг аксарияти, эҳтимолки, ҳаммаси «А» бекатидан чиқиб «Б» бекати сари йўл олган, аммо не сабабдандир Маргога дуч келмай қолган кимсалар эди.

...Беморнинг қулоғига бир товуш чалинди, олис-олисдан, зўр бериб гувиллаётган шамол оғушидан Зулфиқор отанинг овози эшитилди:

— Ҳой, бола, ҳар гапни ўзинга олаверма...

Шу гапни айтгач, Зулфиқор амаки жилмайди, ўсиқ қошлари киприklари билан қоришиб кетди, чубуғини тутата-тутата бемор кўзларининг ич-ичига тикилди.

Бирок бемор Зулфиқор ота билан ўзи орасидаги қоп-қора зулмат сарҳадини ва Зулфиқор отанинг боши узра юксалиб турган муз қояларни кўрмади. У кўзларини чирт юмиб, ортиқ ҳеч бир нарсани кўрмаслик ва ҳеч бир нарсани эшитмаслик учун ўзини қоронғулик оғушига отди. Ёлғиз юракка чиқса бир дақиқа ичида шунча хотира сиғадими, ахир!..

Бизнинг кенг, ёруғ ҳовлимизда март ойининг охирларидан бошлаб ҳаёт бутунлай ўзгариб кетади. Куз ва қишда қор, ёмғир ёғавериб, ҳаммаёқни зах ва рутубат анқиб турган кўлмакчалар босиб кетганида ҳовлининг файзи қолмайди. Тунд, юракни сиқиб юборувчи, қариянинг юз йиллаб сандиқда ётган куйлагига ўхшаш бир тусга кирадики, бу ерга йўлинг тушганида ён-верингга боқишдан ҳам чўйишсан. Агар тасқара девларнинг борлиги рост бўлса, қиш ойлари улар келиб бизнинг ҳовлимизда яшаса керак... Аммо кўклам бошланиб, бурчак-бурчакларда қимтиниб турган дарахтлар куртак ёзиши биланоқ уй бошқарувчимизнинг ишлари қозонда қайнаётган сув каби тўлиб тошиб кетади. У ер-бу ерда қалашиб ётган қувур парчалари, эски челақлар, латта-путта, ёғоч бўлақлари юк машиналарига ортилиб, ҳовлидан олиб чиқиб кетилади, асфальтга сув сепилади, столлар, ўриндиқлар бўялади, хулласи калом, бошқарувчимизнинг ўзи айтганидек, ҳовлимиз «люкс» бўлиб қолади. Юқори лабидаги кўнғиз мўйловини шаҳодат бармоғи билан силаганича ҳовлида у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб, ишчиларга, фаррошларга кўрсатма бераётган бошқарувчимизнинг гулдуррак овози янграйди: «Ғайрат қилинлар, йўқса, худо ҳақи, демагогларнинг таънасидан қутула олмаймиз. Уша тахталарни ҳам йўқот! Э, баракалла! Гурген, столнинг оёғини қизилга бўя, мавҳум бўлгани яхши. Бўёқни аяма, ҳукуматники. Қизхоним синглим, сен ҳам барака топ!»

Қизхоним — ҳовлимизнинг фарроши. Мана, менинг бу бинога кўчиб келганимга неча йиллар бўлдики, ҳар куни эрталаб соат олтида унинг ҳовли супуриб юрганини кўраман. Бизда бир нарса одат бўлиб қолган: кечаси соат ўн иккидан сўнг беш қаватли бинонинг ҳовлига қараган айвонларидаги эшиклар бирин-кетин очила бошлайди — кимдир ҳовлига кулдонини тўқади, кимдир ғажилдор суюқларни отади... Эрталабга бориб ҳовлимиз каттакон ахлатхонанинг ўзи бўлиб қолади. Қизхоним сопи узун супургисини ишга солишдан аввал тепага боқиб, яратганга фарёд қилгани каби, дийдиёсини бошлаб юборади: «Одамларда одамгарчилик деган нарса қолмади! Кечаси то эрталабгача ишлари ачок-кучоқ, муччи-муччи! Ҳа, ордона қолғурлар, тагин эркак эмиш булар. Ҳой, ноинсоф, ахлатни ҳовлига отгани қаерда кўргансан?! Худоё онагинанг, опагинанг мен тушган кунларга тушсин!» Бирдан нутқининг авж пардасида Қизхоним кўққисдан жимиб, ахлат уюми орасидаги алланимага эгилган кўйи диққат билан тикилиб қолади. Бу «алланима» шунақанги нарсаки, Қизхоним унинг номини тилга ола билмайди. Қоматини тиклаб, қарс этиб қўлини қўлига уради, афти бужмайиб кетади: «Ё тавба, ё тавба! Қани номус, қани ҳаё! Бунақа тарбия берган ота-онанинг падарига минг лъзнат. Бу тариха дунёга келган боладан нима кутиб бўлади, ахир?».

Ҳовлида зоғ ҳам кўринмайди. Соат олтида бошланиб, етти яримгача давом этадиган бу қора қарғишларни, дўқ-пўписаларни, афтидан, фақат мен эшитиб тураман. Марго ёнимда қолганида бу бинода ҳаммадан эрта турадигани — ўзим. Ҳаво яхши бўлса, айвонга чиқиб, бешинчи қаватнинг деразасидан бошимни чиқариб Қизхонимга салом бераман. Қизхоним овозимни эшитиши биланоқ тепага қарайди, супургисини найза каби

тик тутганича, гўё бояги болаҳонадор гапларни илло-билло оғзига олмагандай бутунлай бошқача оҳанг, бошқача товушда жавоб беради:

— Узинг яхши ётиб-турдингми, йигит... Бугун магазинга тоза гўшт келтиришади, хоҳласанг, сенга бир кило олиб келай. Тушда тухум ҳам бўлади, дейишяпти, парҳезчасидан.

Мен Қизхонимнинг юқоридан жуда кичик кўринадиган семиз, думалоқ гавдасига, ўзидан узун супургисига, қора калишларига тикилсам-да, хаёлларим бутунлай бошқа ёқда бўлади. Чунки ҳали уйқум бутунлай тарқаманган, боядан бери Қизхонимнинг қарғишини, энди эса гўшт, тухум ҳақидаги хабарларини эшитиб турсам-да, негадир бир гап топиб айтишга ҳафсалам бўлмайди. Қўққисдан миямга шундай фикр келади: «Қизхонимга бир миллион берсанг не ҳолга тушаркин?»

Кўшниларнинг айтишича, Қизхонимнинг ёлғиз ўғли урушдан қайтмаган экан, аёлнинг қўлида боқувчисини йўқотганлиги учун нафақа дафтарчаси бўлса-да, унга келадиган пулни олмас, ўғлимнинг қон пулига нон сотиб олмайман, дер эмиш. Троллейбусда паттачи бўлиб ишлайдиган олти болали қизи билан шу ҳовлининг нариги чеккасида, эски уйлардаги бир хонали квартирада турар, олти неварасига ҳам бувилик қиларди, ҳам оналик...

Бемор кўпдан бери Қизхонимнинг овозини эшитмай кўйган эди. Чунки энди уйдаги барча деразалар маҳкам бекитиб қўйилган эди. Бундан анча илгари бемор йўлакдаги бир хонали квартирасидан кимдир бўшатган уч хонали квартирага кўчиб ўтгач, тўй қилиб уйланган пайтларида, кунларнинг бирида йўлакка кираверишда Қизхонимга рўбарў келган эди. Қизхоним уни табриклагач, бемор ўша пайтда дарҳол унутиб юборган, мана эндиликда ёдига тушиб турган шу сўзларни айтган эди:

— Хафа бўлма, йигит... Аммо Марго сенга жудаям лойиқ киз эди. Увол бўлди...

Ушанда, бу сўзлар айtilган пайтда Бокуга тагин куз тушган, ҳаво совуқ эди. Қизхоним катак жун рўмолини бошига солиб, учларини бўйининг тагидан тортиб боғлаб олган, тинимсиз бурун тортарди. Бу ҳам беморнинг кўз олдида аниқ-равшан намоён бўлди. Қизхоним Маргонинг номини тилга олиши биланоқ гўё куз совуғи бу исмни муз парчасига дўндириб беморнинг бўғзига жойлади, халқумидан ичига қандайдир совуқ бир нарса оқиб тушгандай бўлди. Бемор елкаларини қисди, бош тебратди, аммо оғиз очиб бирон нарса дейишга мажол топмади.

Увол бўлди...

Беморни милиция бўлимига чақиришганида унинг ҳали ҳеч нарсадан хабари йўқ эди. Ёшгина лейтенантнинг кабинетида эшитган гаплардан сўнг у дастлаб ўзини йўқотиб қўйди, лейтенантнинг сирли ва бироз такаббурлик билан жилмайганини кўриб, жаҳли чиқиб кетди. Маълум бўлишича, Марго Боқунинг қайсидир меҳмонхонасида райондан келган масъул бир ходимнинг хонасида қўлга тушибди. Туғилган кунидан бери одоб-ахлоқ қоидалари нима эканлигини билмайдиган лейтенант жинойтнинг мағзини жуда яланғоч изоҳлади, ҳатто, бунинг устига баъзи воқеаларни жуда бепарда қилиб тасвирлади. Шундан маълум бўлдики, қонунга кўра тергов тугагунча ҳар бир шахс Маргони ўз кафилигига олиши мумкин экан ва ҳеч кимни бўлмагани учун Марго унинг номини тилга олибди.

— Менинг номимни?

— Ҳа-да, сенинг номингни! — Лейтенант кулди.

Сўнг суҳбат чўзилгандан-чўзилди, лейтенант портфелидан каттакон бир термос чиқариб, икки қатлан

стаканга чой қўйди — хонада занг ҳиди анқиб кетди — кирланиб кетган бир ҳовуч қандни газета парчасига солиб унинг олдига қўйди. Чой устида суҳбатни давом эттирдилар, лейтенант баъзи бир сирларни очди ва бу гапларни бошқаларга айтиш зинҳор мумкин эмас, дея уни огоҳлантириб қўйди. Беморнинг англашича, чекка райондан йиғилишга келган одамларнинг пулини шилиш мақсадида шаҳарда бутун бошли бир тўда ташкил топган эмиш ва бу тўданинг — худди шундай деди — «бу тўданинг энг фаол аъзоларидан бири Марго Фалончиевна экан». Бироздан сўнг лейтенант ўз қаршида ўтирган, юзлари сўлиб қолган бу кимсанинг машҳур қариндошлари номини тилга олди ва қўшиб қўйдики, агар ана шу нозик жиҳати бўлмаганда, у бунақанги суҳбатга беҳуда вақт сарфлаб, гапни чўзиб ўтирмаган бўлар экан. «Яхши эмас, акаси, ўртада ана шундай кишилар турибди». Бу вазиятдан чиқиб кетиш йўлини ҳам лейтенантнинг ўзи кўрсатди.

— Ҳаммамиз ҳам йигитмиз,— деди у,— баъзан ақлсизлик қилиб қўямиз, бўлади-да энди. Аммо... бу иш унақанги майда ишлардан эмас.

Лейтенант кўзлари кўнғир, елкалари кенг, умуман, жуда жуссадор йигит эди. Ҳар нафас олганида бурун парраклари шу қадар кенгайиб кетардики, гўё ҳозир бу парраклардан буғ чиқадию хонани паравознинг чинқириғи тутиб кетади, деб ўйларди киши. Бунақангилар, шубҳасиз, аёллар масаласида муҳтожлик чекмайдилар.

У оқшом ғира-ширалигида лейтенант ҳузуридан чиққач, юргани мажол топмади, милиция идорасининг орқа томонидаги кўчанинг хилват бурчагида турган телефон будкаларидан бирига кириб, эшикка орқа турганича йиғлаб юборди. Чунки у бундан атиги уч дақиқа илгари лейтенант берган оппоқ қоғозга бундай деб ёзган эди: «Мен Марго Фалончиева билан таниш эмасман». Шу сўзларни ёзиб, Остига имзо ҳам чеккан эди.

* * *

Бергман кўнғироқ тугмасини босди. Замина шошапиша очган эшикдан ичкари кирар экан, дастлаб дори ҳидини сезмади, ошхонадан келаётган қовурманинг ҳиди гуп этиб унинг димоғига урилди. Қўлтиғидаги боғланган пакетни никелли кийимилгичнинг устига қўйиб, Замина билан саломлашди. Аёлнинг қўли совуқ, дахлиз эса илиқ эди — ошхонада пишаётган таомнинг ҳовури дахлизни тутиб кетган эди — Бергманнинг кўзлари ачишди. Замина келиб-кетгувчи кишилардан минг марталаб эшитган сўзларни Бергман ҳам такрорлади:

— Хонангизнинг ҳавоси жуда оғир.

— Уйни шамоллатишга қўрқамиз.

— Нега?

— Ўзингиз ўтган сафар, совуқдан асранг... бронхларини, дегандингиз-ку, ахир, — Заминанинг кўзлари қизарган эди. — Мен билмасам...

Бергман жилмайди, кумуш гардишли кўзойнаги тагидаги қордек оппоқ киприклари пирпиради.

— Мени тўғри тушунмабсан, синглим... Хонанинг ҳавоси жуда оғир. Нафас олиб бўлмайди, — деди ва томоқ қириб бемор ётган хонага кирмоқчи бўлган эди, Замина уни тўхтатиб қолди, секин тирсакларидан ушлаб:

— Асаблари жойида эмас, — деди, — худди боладай бўлиб қолган.

— Масалан?

— Тунов кунни қишлоқдан қолвайтар қилиб юбориш-

ган экан. Олдига олиб кирган эдим, бир қошиқ еб, роса йиғлади.

— Иштаҳаси қалай?

Замина бош силкиди.

— Иштаҳаси ёмон эмас. Аммо ўзи жудаям ғалати бўлиб қолган. Бир қарасанг, бекордан бекорга кўзлари ёшланади, бир қарасанг, болаларни уришиб беради. Асаблари тамом бўлган, профессор.

Бергман аёлни кўлидан тутди.

— Ҳаммаси ўтиб кетади. Қўрқадиган жойи йўқ... Ҳар ҳолда, менинг фикрим шундай. Қолаверса, мен ҳали профессор эмасман, балки бирон ўттиз йиллардан кейин омадим келса, профессор бўлиб қоларман. Ҳозирча дўхтирман, — дея кулди, шу қадар бемалол кулдики, Заминанинг бутун шубҳаю хавотирлари тарқаб кетди, аёл кўксини тўлдириб энгил нафас олди. «Одамзот дегани нега уйланади ўзи?» — деган фикр кечди Марк Георгиевичнинг хаёлидан.

— Ўзи қаерда? — сўради у.

— Катта хонада.

Улар емакхона сари юрдилар. Бемор елкасига хотинининг попукли жун рўмолини ташлаганича оромкурсида телевизор томоша қилиб ўтирар, экранда кўкси орденларга тўла бир киши нималарнидир гапирмоқда эди. Остонадан ичкари кираётган Бергман экраннинг рангини аквариумнинг сувига ўхшатди. Қадам товушларини эшитиб бемор ортига ўгирилди, Бергманни кўриб ўрнидан турмоқчи бўлди, юзининг мушаклари ўйнаб қўқиди, бироқ Бергман қўл ишорати билан уни тургани қўймади, яқинига бориб қўл узатди.

— Ҳўш, қалай?

— Бир нав. Энди кечалари иссиғим чиқмаяпти. — Бу гапининг чинлигини тасдиқлатиш учун хотинига илинж билан тикилди. Замина ҳам бош силкиб уни тасдиқлади.

— Шукур, — деди у, — икки кундан бери иссиғи йўқ, — сўнг оромкурсининг суянигидан иккиқўллаб ушлаганича бироз илгари сурди ва докторни ўтиришга таклиф қилди. Бергман курсига ўтирди, беморнинг озғин қўлини тутиб, томирини топди ва чап қўлидаги соатини кўзига яқин олиб келиб, бир оз тикилиб тургач, розилик билан бош силкиди:

— Ҳў-ўш.. Тахикардия йўқ.

— Дўхтир, сизга бир стакан чой олиб келай, а? — Заминанинг овози шу қадар илтижоли чиқдики, Бергманнинг юраги орзиқиб кетди.

— Албатта, — деди у, — ўтган галги малина мураббосидан бўлса, янада зўр бўларди.

— Бўлмасам-чи! — Заминанинг кўзларида шуъла порлаб, юзларига қизиллик югурди, севинганича чой олиб келгани ошхона томон кетди. У хонадан чиққач, Бергман беморга бир-икки савол берди, дориларни мунтазам ичясанми ёки йўқми деб сўради, Замина стол устига қўйган анализ натижаларини олиб бирмабир кўздан кечирди, беморнинг жавобларини диққат билан тинглаган қўйи, ҳамшаки каби — беморни ҳар сафар кўрганида ўзича мушоҳадалар юритадиган бир алпозда, розилик аломати билан вазмин бош силкиганича унинг юзларига, узоқ давом этган иситмадан сўнг пўрсилдоқ бойлаган лабларига, ниҳоят, қисилиб, кичрайиб қолган кўзларига тикилар экан, ўзига умид билан боқиб турган бу кўзларнинг туб-тубидаги қўрқув, ваҳиманинг сабаби нима бўлдикин, дея ўйланиб қолди.

— Жуда яхши. Антибиотикларни қамайтирса бўлади. Модомики иситма йўқ экан, шундай қилиш лозим. — Бергман анализ натижаларини стол устига ташлади ва негадир ён-верига бир қараб олиб деди: — Қани, кўйлагингни кўтар-чи.

Бемор секин қўйлагини кўтарди, ботиб кетган қорни-

ни, қовурғалари мана мен деб турган кўкрагини уяла-уяла докторга кўрсатди. Кўйлагининг олдини очиб, майкасини юқори кўтарар экан, шу арзимас ҳаракатдан, жиндай зўрга тушганидан пешонасига тер тепчиди, кўллари-нинг салқи тортиб қолган мушаклари титради. Бергман кўлини беморнинг қорнига қўйиб, майин туқларни силади, гўё ноҳосдан дайди итга тегиб кетган каби кафтларида ёқимсиз бир туйғу пайдо бўлди. Сўнг сўл киссасидан ханжарнинг дамидай ялтираб турган кичкина бир болғача чиқариб, унинг дастаси билан беморнинг кўкрагига хочсимон икки чизиқ тортди: деярли ҳеч қандай рефлекс йўқ эди.

— Белинга оғриқ йўқми? — деб сўраганда, доктор нимани назарда тутаетганини англаган бемор шоша-пиша жавоб қилди:

— Йўқ, йўқ, ҳеч қандай оғриқ йўқ!

Бергман болғачани киссасига солди.

— Медицинадан хабардор одамни даволашдан ёмони йўқ, — деди у.

— Бирон нарса сўраганингга ҳам пушаймон бўласан киши. — Бергман жилмайиб, кўлини дўстона бир тарзда беморнинг елкасига қўйди.

Бемор ҳам жилмайди, Бергманнинг гап оҳангидаги самимият ва илиқликка тақлид қилган ҳолда:

— Шу қадар кўп тиббий журнал, рисола чиқарасизларки, ҳамма нарсани ўзимиз ўқиб-ўрганиб оламизда, — деди.

— Менга қолсайди, унақанги китоб ва журналлар чоп этишни бутунлай тақиқлаб қўйган бўлур эдим.

— Нега энди?

— Чунки сиз уларни ўқиб билимдон бўлиб кетасиз, бизнинг эса қўшимча адабиётларни ўқишга вақтимиз етмайди, — Бемор унинг гапларини мароқ билан тинглаётганини кўриб, тажрибали ва ҳассос ҳаким сифатида бемор боя ўзи қилиб келган пайтдаги безовталиқдан, асабий кайфиятдан анча халос бўлганини, шунинг учун ҳам суҳбатни худди шу тариқа — ярим ҳазил, ярим чин қабилда давом эттириш лозимлигини англади. — Сизларникига келишдан аввал Салима хонимникига кириб чиқдим. Айтганча, сен билан Заминага кўпдан-кўп салом айтди.

— Саломат бўлсин. — Беморнинг чеҳраси очилиб кетган, кўзлари осойишталашиб қолган эди.

— Ҳа, айтмоқчи Салима хоним гипертоник кризиснинг барча симптомларини менга бир-бир санаб берди. Сени ишонтириб айтаманки, ҳатто тиббий институтни битирган талаба ҳам унинг билганларини билмайди. Бутун фикру зикри қон босимида, жуда қаттиқ шубҳа чангалида қолганки, ундан қутула олмайди... Шунчалик кўп дорилар номини, машҳур невропатологларнинг оти, фамилиясини, қайси клиникада ишлашини, янги даволаш усулларини биладики, худо ҳақи, уларнинг кўпчилигини менинг ўзим ҳам билмайман, нима ҳам дердим, у аёлнинг билмайдиган нарсаси йўқ. Қандай дорини ёзиб берсам, қалин бир китоби бор — дорилар қомуси — аввал ўшани варақлаб кўради, сўнг бу дорини ичиш мумкинми ёки йўқлигини айтади. — Бергман қарс этиб кафтини кафтига урди, беморнинг кулганини кўриб унга қўшилди, сўнг кўзидан кўзойнагини олиб, ойналарига уҳ-уҳлаб дам урди, дастрўмоли билан яхшилаб артгач, тагин тақиб олди. — Ҳазил ўз йўлига, келинг, энди сиз менинг маслаҳатимга кўнинг.

— Нимани айтяпсиз?

Бергман курсида бир тўлғаниб қўйгач, оёқларини илгари узатди, электр қувват маромлагичи ғўнғиллаганича ниманидир кўрсатаётган телевизор экранига тикилса-да, хаёли бошқа ёқда бўлганлигидан ҳеч нарсани кўрмади.

— Боя Салима хонимга ҳам айтган эдим, энди сенга ҳам айтаман, — дея у ортига бурилиб, хонанинг берк эшигига қараб қўйди, гўё у бу суҳбат устига Заминанинг кириб қолишдан чўчирди. — Ҳалиги Каримли масаласини бас қилинглр энди.

— Нега? — Беморнинг кўзлари катталашиб кетди..

— У пайтлар ким кимга донос ёзган, ким кимни тугтиб берган, эндиликда буларни кавлаб юришнинг нима маъноси бор, азизим?

Бемор Бергманнинг бу сўзларига дастлаб таажжубланди, чунки унинг — Бергманнинг гап нишабини нега қўққисдан бу томонга буриб юборганини англамади. Тағин шунинг учун ҳам таажжубландики, узоқ йиллардан бери — қирқ-эллик йиллардан бери, ушбу беморнинг ҳали кичкина бола бўлган пайтларидан бери — бу икки оиланинг — Салима хоним билан бемор оиласининг кадрдони, оғир кунларда энг синалган дўсти саналган доктор Бергман ҳаммиша баъзи нозик масалалардан гап очилганда ўзини олиб қочар, ҳазил-ҳузул қилиб суҳбатни чалғитишга уринар, ўрнидан туриб кетиб, оппоқ киприкларини пирпиратганича хона бўйлаб у ёқдан бу ёққа безовта юра бошларди. Энди эса унинг ўзининг бу масаладан гап очиши чиндан ҳам таажжубли ҳол эди. Чунки Марк Георгиевич Бергман Каримлини ҳам яхши танир, ўша олис йиллардан Салима хонимнинг отаси бошига тушган мусибатдан ҳам яхши хабардор эди. Бемор негадир қўққисидан ўтиришларда биров ичиб олгач, юзлари гўдак ёноқлари каби қизарадиган Марк Георгиевичнинг тез-тез такрорлайдиган сўзларини эслади: «Менинг бу юришимга парво қилманг! Агар дунёда иккита айёр одам бўлса, биттаси мен бўламан!» Балки Марк Бергман бирон нарсани сезиб қолган бўлса, энди бизни огоҳлантирмоқчи бўлаётгандир?.. Каримли билан ҳазиллашиб бўладими? Олдиндан чоралар кўриб қўйишда бу ўлкада у шу қадар ном чиқарганки, унинг дастидан шайтонга дарс берадиганларнинг ҳам дами бир умр ичига тушиб кетган.

Бемор Бергманнинг оппоқ, узун киприкларига тикилди: шифтнинг ўртасида осилиб турган қандилдан — Заминанинг сепи эди бу — докторнинг кумуш гардишли кўзойнаги ўнг кўзининг қоқ ўртасига тушаётган мош катталигидан шуъла акси олмосдай товланиб кўзни қамаштирарди... Бергман беморнинг нимага буқадар диққат билан тикилиб турганини сезган каби ва уни бу завқдан маҳрум этиш ниятида бошини биров ёнга бурди: шу заҳоти порлаб турган олмос шуъла ясси ойнак сатхидан яшин тезлигидай ғойиб бўлди.

Шу асно бир муддат бир-бирларига тикилганларича жим қолдилар, бемор англадики, Бергманнинг юраги тўлиб турибди, у ниманидир билади, бироқ айтишни истамайпти, доктор ўзидаги кескинлик энди иккиланиш ва тараддуд билан алмашган эди — бемор буни яққол сезди... Биров сукутдан сўнг Бергман деди:

— Бошқани билмайман, аммо сен менга ишонининг керак. — «Сен» каломини айрича таъкид билан, чўзиброқ айтди. — Сен, азизим, энди фақат тузалиб кетишинг лозим. Бошқа ҳаммаси жаҳаннамга кетсин, сен асло эътибор берма. Ҳамма ўз жонини дейди. Мени айтди дерсан! Умр одамга бир марта берилади. Агар умр икки марта берилсайди, майли дердик, биттасини адоқ тантанаси учун курашга сарфлай қолай, халойиқ йўғилиб бизга чапак чалсин. «Суронли олқишлар ва ҳамма ўрнидан туради». — Бергманнинг афт-башараси буришиб кетди. — Буларнинг ҳаммаси бўлмағур нарсалар! Умр икки марта берилсайди, — дея яна такрорлади у.

Бемор ҳам эшикка қараб қўйди. Эшик берк эди. Агар Замина келиб бу суҳбатни эшитсайди, табиийки, у ҳам

Бергманнинг ёнини олган бўларди.

— Худо ҳақи, — деди бемор, — гоҳ-гоҳ менга шундай туюладики, оллоҳ бизга беш умр берсайди, Марк Георгиевич, сиз айтган адолат тантанаси учун курашга ана шу беш умр ҳам етмасди... Ростини айтсам, мен адолат учун кураш олиб бориш фикрида ҳам эмасман. Менинг бир орзум бор: талабаларим орасида беш-олтитаси борки, мен дарсга кирганимда ўшаларнинг кўзига тик боқа олишни истайман.

— Беъмани гап, — Марк Георгиевич асабийлик билан томоғини қашиди. — Бунинг масалага ҳеч алоқаси йўқ. Мен чиндан ҳам сени тушунолмайман. Бизнинг улкан мамлакатимизда Каримлига ўхшаганлар итнинг тукидан ҳам кўп, эҳ-ҳе, уларнинг санаб адо қилолмайсан. Унақалар бор эди, ҳозир ҳам бор, бундан кейин ҳам бўлаверади!..

Эшик очилиб, патнис кўтарган Замина кириб келди. Патнисни стол устига қўйиб, ундаги нарсаларни — катта чойнакни, мураббо солинган биллур вазани, ноқсимон стаканларни бир-бир дастурхонга териб чиқди. Сўнг стаканларга чой қўйиб, бирини Бергманнинг, иккинчисини эрининг олдига қўйди. Узи девор бўйлаб териб қўйилган каноп жилдлар кийдирилган курсилардан бирини тортиб, эрининг ёнига, Бергман билан юзма-юз ўтирди. Хонтахта паст бўлганлигидан Заминанинг тиззаларини бекитди. Бергман стаканни қирғоғидан ушлаб бурнига олиб келди ва чойни хидларкан, деди:

— Воҳ-воҳ! Мана буни чой дейдилар. Ажойиб! Худо ҳақи, жуда кўп жойларда чой ичганман, аммо Замина хоним дамлаган чойдақа чой кўрмаганман. Ҳар кун менга шундай чой дамлаб берсалар, бир умр касаллик нималигини билмай ўтардим.

Замина жилмайиб эрининг елкасига қўлини қўйди: — Бу гапни манави қаршингизда ўтирган одамга айтинг. Ҳеч менинг қадримга етмайди.

Бемор ҳам ҳазилга қўшилди:

— Қадрингга етмасайдим, — деди у, — аллақачон ҳайдаб юборардим. — У Заминанинг кириб келганидан жуда хурсанд эди, чунки Бергман билан суҳбатни давом эттириш раъийи йўқ эди. Зеро, у амин эдики, ҳарчанд уринишса-да, на у Бергманни ишонтира оларди, на Бергман уни. Афтидан, Бергман ҳам худди шу фикрда эди, у бемалол ўтириб олиб мураббони чой ича бошлади. Уртада бўлиб ўтган бояги суҳбатини ҳисобга олмганда, бу кимса бемор болалик чоғлариданоқ танийдиган ўша Марк Георгиевич Бергман — умрида эҳтимол ҳамма нарсадан кўра зўр қилиб дамланган чой билан мураббони афзал кўрадиган дунёнинг лоқайд ва фақир бир бандаси эди. Бу банда чоққина ликопчадаги мураббони қошиқ-қошиқ оғзига солиб, лабларини чапиллатганича лаззатланиб чой ҳўплаш билан машғул эди: ҳозир хонада бомба портласа ҳам, Бергман стаканни қўлидан қўймаса керак, деб ўйлади бемор.

— Доктор, тағин чой қўйиб берайми? — сўради Замина.

Бергман кумуш қошиқнинг орқасини ялаганича:

— Албатта, — деди. — Бундай нарсаларни сўраб ўтирмайдилар, синглим! — У беморга қараб кўз қисиб қўйди.

Замина туриб Бергманнинг стаканига янгидан чой қўйди ва унинг ликопчасини мураббога лиммо-лим тўлдириб қўйди. Сўнгра Бергман нимадир деди ва бемор билан Заминанинг бундан йигирма беш йил аввал бўлиб ўтган тўйидан гап очилиб кетди... Йигирма беш йил!.. Учаласи ҳам бараварига бош тебратди, бу воқеадан, тўй маросимидан, ўша бахтиёр, қайғусиз, куй-қўшиққа, ўйин-кулгига фарқ оқшомдан сўнг... орадан йигирма беш йил ўтиб кетганига учаласининг ҳам ишонгиси

келмасди, бундан ортик шафқатсизлик бўлмас, деб ўйларди учаласи ҳам, чунки ўша тўйнинг майда-чуйда ҳар бир тафсилоти учаласининг ҳам ҳали-ҳамон ёдида эди...

— Нега энди йигирма беш йил бўларкан, синглим? — Бергман тағин бошини сарак-сарак қилиб, дастурмоли билан пешонасидаги терни артди. — Кечагина эди-ку, ахир! — Учаласи ҳам жилмайди... Беморнинг раҳматлик отасининг яқин дўсти Марк Георгиевич Бергман ўша тўйда энг азиз меҳмон сифатида иштирок этган, ўтириб айни қизиб, меҳмонларнинг кайфи бир жойга бориб қолганида у тўйбошидан сўз сўраб, икки ёшни табриклаган эди. Доктор Бергман соф озарбойжон тилида гапирга бошлаганидан тўйда ўтирганларнинг барчаси, хусусан, мезбоннинг қишлоқдан келган қариндошлари ҳайратдан чапак чалиб юборишган эди. Яна шу нарса беморнинг ёдидаки, Зулфиқор ота беморга қараб баланд овозда деган эди: «Ё тавба, бу бизнинг тилимизни Темир тотордан ҳам яхши билар экан-ку!» Маҳмуд эса, Бергман сўзини тугатиб ўтиргандан сўнг унинг ёнига бориб, бағрига босганича юз-кўзларидан ўпган, сўнг бемордан: «Бу ҳам мусулмонми?» — деб сўраган эди.

Доктор билан Замина хаёлан ўша олис йилларда, январнинг изғиринли совуғида бўлиб ўтган тўйга қайтдилар, қайтганда ҳам кўнгиллари сурур ва фараҳларга тўлиб қайтдилар. Чунки ҳар иккаласи ҳам ўша тўйдан рози эди, тўйнинг югур-югурлари, ўйин-кулги, сурнай садолари уларни толиқтирмаган эди: бири ҳали ёшгина қиз бўлиб, келинлик либосига бурканганича ҳаяжондан гупиллаб ураётган юрак зарбларини тинглаган кўйи гевелисининг ёнида бош эгиб ўтирарди, иккинчиси эса яхшигина отиб олган, хусусан, айтган табригидан сўнг қарийб ўтиришининг қаҳрамонига айланган эди, олис-яқинда ўтирганлар қадаҳларини кўтарганича имо қилиб, унинг шарафига ичишар, у эса бу ажойиб, шод-хуррам ўтаётган тантананинг иложи борица узоқроқ, наинки узоқроқ, балки интиҳосиз давом этишини истарди, чунки бу туманли, сархуш оламдан ўз уйига танҳолик оғушига қайтишни хоҳламас, ўзгалар саодатидан тиланчи каби бир чимдим тиланиб олиб, ўз умрига улаш орзусида эди. Бемор эса Зулфиқор отанинг доктор Бергман ҳақида айтган сўзларини хотирлар экан, ёш келинчакнинг атир ҳиди анқиб турган вужудини, қиз юрагининг интизор дукуллашларини, табрик сўзларини, умуман, бу тантанани унутиб қўйди, ўсиқ қошли, паҳлавон келбатли бир кимсанинг тилсимига банди бўлди, хаёлида турли фикрлар, узуқ-юлуқ сўзлар, баланд-паст тоғлар, даралар, ўрмонларнинг манзаралари жонланди, мана, у келиб-келиб каттакон бир дарё қирғоғидан чиқиб қолди, унда чўмилиб, кўпириб ётган сувдан юзига, бошига ҳовучлаб сочди: сувнинг мусаффолиги ва бу сув, бу тоғ, бу ўрмонлар тепасидаги самонинг чидаб бўлмас даражадаги мовийлиги унинг вужудига сингди. Жону жаҳонини тўлдирди. У ёлғиз, тоқ-танҳо қолишни истади. Агар у ҳозир ёлғиз қола билса, яъни шундай бир мўъжиза рўй берса, гўё қулфлоглик эшиклардан ўзига керагини бемалол оча биладигандек, шу билан жуда кўп саволларга жавоб топа оладигандек туюлди... Инсоннинг қўлидан ҳамма нарсани тортиб олиш мумкин, бироқ унинг қўлидан ёлғиз қолиш ҳуқуқи тортиб олинса, у қафасга тушган қуш каби потирлай бошлайди: чунки у самони кўриб, ҳавони ҳис қилиб туради ва севиниб, чаппор уриб-уриб учмоқ истади, аммо ҳарчанд уринмасин, тор қафасдан қутулиб кетолмайди. Чунки у ушбу қафаснинг темир панжараларини кўра олмайди. Бундан минг йиллар илгари темир панжарани кашф этган номаълум устага офарин!

Бемор бувисини хотирлади. Бу хотира қулфлоглик

эшиклар ортида ўз навбатини кутиб турган хотиралардан эмас эди, бу — соҳил яқинидаги юзи кўпикланиб турадиган гирдоб каби, жуда юзада қалқиб юрган, шуъласи ҳеч қачон сўнмайдиган, ҳеч қачон хира тортмайдиган хотира эди. Бу хотира — беш қаватли уйнинг узун зинаполярларидан инқиллаб-синқиллаб чиққан, нафаси бўғзига тикилиб қолган, эшикнинг калитини топа олмаганидан жажли чиқиб, шаҳар солган, беш қаватли бинолар қурган кишиларни юраги бўшалгунча қарғаган, ёлғиз қизидан ажраб қолган солтоб бир аёлнинг — уни кампир деб бўлмасди, ҳар ҳолда беморнинг ўзи уни ҳеч қачон кампир деб атай олмасди — сиймоси худди кечагидай кўз олдида турган хотира эди. «Ҳой айланайлар! Ҳаммага паёк берадилар, лекин бизнинг лақмага ҳеч нарса бермайдилар!» «Лақма» — беморнинг отаси эди. Уруш пайтида улар яшайдиган бинодагиларнинг ҳаммаси паёк олар, фақат беморнинг отаси бундан мустасно эди. Беморнинг отаси каллаи сахарлаб ишга жўнарди, у пайтлар ҳали кичик, ориқина бола бўлган бемор баъзан уйғониб кетар, каравот устида чўккалаб ўтирганича кўзларини уқалай-уқалай ташқарига боқар, ғира-шира шаҳар тепасида қалин кўрпа каби уюлиб турган қоп-қора булутларга тикилар экан, одамлар нега бу маҳалда маза қилиб ухлаб ётмасдан, туриб ишга кетишларини ҳеч тушуна олмасди. Ниҳоят, бувиси калитни топарди, маълум бўлишича, калит не-не замонларни кўравериб сарғайиб кетган чарм халтанинг тагида, ярим чирик картошканинг остида қолган экан. Кўча эшиги очилганида ошиқ-мошиқлари шунақанги қаттиқ ғичирлаб кетардики, кинода кўрган танклари беихтиёр боланинг ёдига тушарди. Совуқ кўчага нисбатан бироз илиқроқ бўлган уйга кириб келган бувиси дастлаб бир саловат ўқир, сўнг ҳансираганича ошхонага йўл оларди, кўпинча ошхонага боришдан аввал хобхонага кириб, кўзининг оқу қораси бўлган ёлғиз неварасининг устини ёпиб қўяр, йўғон гавдасини зўрға эгиб, унинг юзидан ўпар, «ухла, ҳой етимча, ухла» деб қўярди... Бувиси ҳаммадан барвақт, ҳатто беморнинг отасидан ҳам эрта туриб сув қайнатар, ошхонадаги керосин пилтани тарақлатганича роса қарғанарди. Чунки урушдан анча олдин Кўмир майдонида бир мискардан олинган бу «Санкт-Петербург» пилтаси — бу пилта ҳозир ҳам беморнинг Шувалондаги боғида, ертўланинг бир кунжида ётибди.

— Боқунинг керосинида ишламасди. «Бошқаларнинг пилтаси ажалнинг ўқидай ёниб туради, ордона қолгур бу пилтани эса ёққунингча кўзинг ситилиб оқади!.. «Ҳой буви, сен нега нуқул чинқириб гапирасан? Чинқирмасанг бўлмайдимиз?» «Ҳой етим, чинқирмай бўладими, ахир?». Аёл неварасини қучиб бағрига босар, сочларини силар, ҳарорат билан боланинг юз-кўзларидан ўпиб, шу қадар гўзал, шу қадар ширин сўзлар айтардики, ўша олис йиллардаги ушоққина, камқонликдан ранг-рўйи сомондек сарғайган болакайнинг юраги севинчларга тўлиб кетарди: энди ҳеч қачон қайтиб келмайдиган бу севинчда бувисининг кўйлагидан, бошидаги шол рўмолидан аниқ турган керосин ҳиди бор эди.

Агар инсон ўзи истаган пайтда ёлғиз қола билса, эҳтимол, умрини узайтирадиган жуда кўп ишлар қилган бўлур эди!.. Масалан, машинага ўтириб, нақ ярим тунда Боқудан ўттиз-қирқ чақирим нарида жойлашган, деворлари бузилиб ётган боғининг ҳавоси оғир, пастаккина ертўласига кириб борган, шам ёқиб, ҳеч кимга даркор бўлмаган қадимий пилта ёнида бошини тиззалари устига қўйиб ўтирган ва балки ушбу шам шуълалари остида бир мўъжиза рўй бериб, ертўланинг тахтаси чирик эшигини очганича ичкарига бир аёл кириб келиб, пилта ёнида ўтирган, сочлари оқара бошлаган бу кимсанинг бошини силаганича атиги икки-уч калима айтган бўлур

эди: «Тур, ҳой етим, бориб ухла!» Уйқуда эмас, иситма элитганида эмас, зулмат бешигида тебранаётган туннинг бедор оғушида бу сўзларни эшитмоқ учун инсон фақат ёлғиз қолиши лозим эди. Бироқ ўша пайтлар, яъни ҳали бувиси тирик эканлигида, отаси ишдан кеч қайтадиган пайтларда Боқунинг ўша кўҳна, томи тептекис уйлардан бирида яшайдиган озғингина болакай ёлғиз қолишдан жуда кўрқар эди. Дарвоқе, у пайтлар ҳеч ким ёлғиз қолишни истамас, чунки қаттиқ уруш борар, ўша даврнинг барча кундузлари ва барча кечалари совуқ, изғиринли эди: уруш йилларининг баҳорлари, ёзлари ҳақида бемор ҳеч нарсани эслай олмасди. Фақат уруш йилларида қор ҳозиргига қараганда жуда кўп ёғарди... Аммо ўша йиллардаги ноннинг, тахир чойнинг таъми ҳозирга қадар беморнинг оғзидан кетмасди.

Бемор боя, бундан икки-уч дақиқа аввал, хотини унга мураббо солиб бермоқчи бўлганида, керак эмас, ширинлик есам кўнглим айнийди, деган эди. Бергман унга таажжуб билан қараб:

— Аксинча, кўпроқ ширинлик ейиш керак, — деган эди. — Гемоглобинни нормага солиб олсак, ишларимиз жўнашиб кетади!..

У пайтлар ушбу томи теп-текис бинода яшовчи «паёк» оладиган қўшнилари баъзилари ҳар замонда беморнинг бувисига «қўшни товоқ» чиқаришарди. Тунука товоқларда олиб чиқилган сариқ, қизил, яшил обакилар ҳам ширин, ҳам нордон бўларди. Бувиси бу обакиларни емас, товоқ ичида уларни бирма-бир санаб икки қисмга ажратар, кўпроқ қисмини беморнинг отасига асраб қўярди. «Чунки у лақма шўрлик ишлайди, зора бу жиндай мадор бўлса!» Узи эса ҳамиша шакардан пиширган сарғимтил кандидан ер, тунука сархумда булганлиб турган, ранги зўрға чиққан чойдан иссиқ-иссиқ хўплар экан, тез-тез кафтини ялаб қўярди. Чунки боя у сарғимтил қанднинг кичкинагина бўлагини бироз кафтида тутиб турган, энди кафтида қолган ширани ҳам зое қилгиси келмасди. «Молим чиққунча жоним чиксин!» — дерди у кулиб. Ҳар икки-уч ойда улардан икки қават пастда яшайдиган Фалончиев шунақанги бир «қўшни товоқ» чиқарардики, севинганидан бувисининг кўзлари чақнаб кетарди. Бу «қўшни товоқ»ни эрталаб дарҳол бозорга олиб бориб бир буханка оқ нонга алиштириб келарди. Беморнинг отаси на ароқ ичарди, на коньяк.

Кейинчалик, орадан анча замонлар ўтиб, беморнинг бувиси вафот этганидан кейин ота ва ўғил узун ёз кечаларида юзма-юз ўтириб олиб суҳбат қурганларида отаси авваллари ароқ ҳам, пиво ҳам ичганлигини айтарди. Ичишни урушдан аввал, баъзи бир воқеаларнинг шоҳиди бўлгандан сўнг ташлаб юборган экан. Баъзи қўни-қўшнилари, маҳрам одамларнинг ўзаро суҳбатига қараганда, у пайтлар озодликка юрганда, қамалмай қолганда, ичкилик ичиш, папирос чекишга одатланиб қолган кишиларнинг охир-оқибат ҳоли вой бўлар экан. Кишилар ярим стакан ароқ учун бир-бирларини қонга бўяр эканлар... Ўша ойдин ёз тунларидан беморнинг ёдига қаттиқ муҳрланиб қолган нарса — отасининг кўмирдек қорайиб кетган ранг-рўйи эди. Отаси ҳамиша урушдан аввалги воқеаларни хотирлар экан, башараси кўмирдек қорайиб, овози қўрғошиндек оғирлашиб кетарди: «Сув сенинг сиру савдонгга, эй дунё!..» Ўша қайғусиз ёз тунларида отасининг гапларига диққат билан қулоқ солиб ўтириган болакайнинг дунё ва унинг сиру савдосига, умуман жуда кўп нарсаларга ҳали ақли етмасди. Унинг фаҳмлагани, эҳтимол, фақат шу эдики, ўзидан ва отасидан олис-олисларда дунё деб аталадиган бир жой бор — дунё болакайнинг тасаввурда боғларига қудуққа ўхшарди — бу дунёга тушганлар асло

ортга қайтмайдилар, сиру савдо деган жойда тутқун бўлиб, бир умр ўша ерда қоладилар... У пайтлар кечалари электр чироқлари ток қуввати пастлигидан тез-тез хиралашиб турар, чарақлаб турган оппоқ шуъла қўққисдан қизариб қолар, бу қизғин шуъла оғушида чакка сочлари, соқол-мўйлови муддатидан илгари оқарган отасининг кўмирдек юзи ташқаридаги зулматнинг аксига ўхшаб кетарди. Гўё ўша оғир, ҳазин зулматнинг бир парчаси йиртилиб, деразадан ёпирилиб кириб, отасининг юзини қоплаб олгандек эди.

«Суф сенинг сиру савдонга, эй дунё!»

...Марк Георгиевич Замина билан ширингина суҳбатлашиб ўтирар, афтидан у болалар ҳақида неларнидир сўрамоқда эди. Марк Георгиевичнинг овози, гарчи улар юзма-юз ўтирган бўлсалар-да, жуда олислардан келаётгандек туюлар, гўё бу овоз ана шу қисқа масофанинг қайсидир нуқтасидаги кўринмас ғовга тўқиниб пасайиб кетарди. Бу овознинг оҳанги негадир бемор ўша олис йилларда эшитган ва ҳозир ёдига тушган, олис йиллар ғовига тўқиниб пасайиб қолган бошқа бир сўзлар оҳангига ўхшаб кетарди: «Жаллоддан тўраган жаллод, қириб тамом қилди мамлакатни!» Нариги хонадан бувисининг ҳадикли овози эшитиларди: «Вой тавба, тағин сўкдилар!» Шўрлик аёл нима қилсин, охирги пайтларда «Жаллоддан тўраган жаллод»ни сўкканлар нонсиз қолмоқда эди...

* * *

Дунёда энг кўрқадиган нарсам — хусусан шу кунларда — тунги телефон кўнғироқларидир. Чунки сўнги пайтларда, худо ҳақи, бир оғиз ширин сўзга, бир қувончли хабарга зорман. Ишонган ишонсин, ишонмаган ишонмасин!

Марк Георгиевич кетгандан сўнг хийла вақт ўтгач, болалар кўшнимиз Хирдабонуларниқидан чиқиб келиб, ширин чой ичиб, пишлоқ ва нон еб, ухлаб қолганларидан кейин мен маликаи дилозорнинг ижозатлари билан мириқиб бир дона сигарет чекдим. Сўнг бир стакан нимтатир чой ичдим, бироқ чой сигаретчалик лаззат бермади. Ошхонада идиш-товоқларни ювиб бўлган хотиним хонага кириб келди ва жавон устидаги термометрни олиб, лом-мим демай менга узатди. Мен ҳам ҳеч нарсга демай уни кўлтигимга сўкдим. Роса уч дақиқа хотин билан рўбарў бир-биримизга илтижоли тикилиб ўтирдик, бу уч дақиқа мобайнида хотиним мундоқ бемалол нафас олишга ҳам кўрқаётгандек туюлди менга. Роса уч дақиқа ўтгач, мен боягидек лом-мим демай термометрни олиб хотинимга узатдим. Чунки хотин менинг ўзимни термометр кўргани қўймас, сенинг кўлинг оғир, дер эди. У термометрга кўзларини бир оз қисиб тикилар экан:

— Шукр! — деди. — Ўттиз олтию етти.

У бу сўзларни шундай оҳангда айтдики, ўзимга ўзи-ўзимнинг раҳмим келиб кетди: гўё иссиғим ўттиз олтию етти эмас, ўттиз етти бўлиб қолса, шу заҳоти чўзилиб жон берадигандек эдим.

Бурчакдаги соат — бу ҳам хотинимнинг сепи эди — кечаси ўн икки яримга занг урганида телефон шунақанги қаттиқ жирингладики, юрагим қинидан чиқиб кетаёзди. Хотиним мени ҳар қанча авайлаб асраса-да, ҳарчанд эҳтиёт қилса-да, дастакни кўтаришга журъат эта олмади. Мен чўзилиб дастакни олдим, телефонда Марк Георгиевичнинг хишиллоқ овози эшитилди:

— Ҳали сенга айтиш ёдимдан кўтарилибди. Даҳлиздаги кийимилгич устига Салима хоним бериб юборган

бир пакет қўйган эдим. Афтидан, отасининг кундалиги бўлса керак. Хайр. Яхши ётиб тур.

Вассалом.

— Ким экан у?!

— Ҳа, Марк Георгиевич!.. Барака топкур таскин берди. — Қўлим билан даҳлизга ишора қилдим. — Анави ерда пакет бор экан, менга келтириб бер. — Хотиним ўрнидан туриб истар-истамас эшик томон юрганида уни тўхтатдим. — Яна бир хайрли иш қил, бир қадаҳ коньяк бер. — Хотин менга ўқрайиб қаради, аммо ҳеч нарсга демади, пакетни олиб келишдан аввал жавоннинг ойнаванд эшигини очиб, арман коньягидан бир қадаҳ қуйиб берди. Мен коньякни бир кўтаришда бўшатдим.

* * *

Қуёш музли қоялар узра, шамсия янглиғ кўк гумбазининг қоқ ўртасида улкан сариғ доғ каби қотиб қолган эди. Бу улкан сариғ доғ ғалати сариқ шуъла сочарди: бу оғир шуъладан тоғ-тош инграб ётар, бу шуъла муз каби совуқ эди. Оппоқ музликларга бир сариқ ранг сингиб кетган. Уфқлар қадар узаниб ётган бу музли қояларнинг тошу тупроғини ана шу сариқ қуёшнинг охи қотириб ташлаганидан дунёда ҳеч бир кимсанинг хабари йўқ эди. Бундан не-не замонлар олдин қуёш шундай бир ўтли оҳ чеккан эдики, бу оҳдан дунёнинг сувлари қуриб, япроқлари қовжираб қолган эди: бир кўр ошиқ¹ соч-соқолини силар экан, жисму жонини тўлдирган музлик баробарида соч-соқолида бир дона ҳам қора тук қолмаганини ҳис қилган эди. Ошиқ хўн-хўн йиғлаган, кўзларидан ёш ўрнига дум-думалоқ муз парчалари тўкилган эди. Кейин у мажол топиб, дунёнинг сўнги баёти² сини айтган, бу сўнги баётининг сўзлари ҳавода музга айланиб, жаранглай-жаранглай, оламини қоплаб олган сариқ ранг оғушида бир фарёдга айланган эди: Бобо Коҳо, бандаларингдан адолатингни дариғ тутма!

— Наслингиз қирилсин сизнинг, эй икки оёқли махлуқлар!

Бобо Коҳонинг зулматдан бошланиб зулмат сари кетган, дунёнинг барча — оқ, қизил, яшил рангларини эритиб тим қора рангга айлантириб юборган қаъридан бир ҳансираш эшитиларди. Бу қаърнинг бир учи мағрибда эди, бир учи машриқда, бу қаър дунёнинг қоқ ўртасидан ўтарди. Бобо Коҳонинг ҳансирашидан миллион-миллион ёруғлик йили қадар олисдаги улкан юлдузларнинг шуъласи сароб каби жимирлар, кўзи йўлга интизор қолганларнинг умидини йўққа чиқариб, бирини мард қиларди, бирини номард. Бобо Коҳонинг тубсиз оғушидан бир шамол бош кўтармоқда эди. Бу шамолнинг мағрибдаги ҳансирашидан машриқда бўронлар пайдо бўлар, яшнаб турган дарахтар илди-пилдизи билан кўпорилиб кетарди. Бу тўфондан дунёни қўлида сопқондек ўйнатганларнинг юраги ёрилгудек бўлар, жони бўғзига келганларнинг эса кўзларида умид ёна бошларди... Бу таҳдидли гирдибод, бу фалокатли гувиллаш ётоғидан бош кўтариб ҳамлага шайланаётган шамолнинг ҳали оддий хўрсиниши эди, холос.

Дард ҳам оғриқ каби бир келса ботмонлаб келади, синглим!

Ҳукмдорнинг устига иккита кўрпа ташланган бўлса-да, бироқ унинг иситма аралаш қалт-қалт титраши босилмас эди. Хожа Анвар энли тахтнинг қуйисида, гилам устида итдай ғужанак бўлиб ётарди. У туш кўрар,

¹ Ошиқ — бахши.

² Баёти — халқ қўшиғи.

тушида хўроз гўшти ер эди. Агар ҳукмдор бундан хабар топса, яъни содиқ навкарининг тушда хўроз гўшти еганидан огоҳ бўлса, эҳтимол, дарҳол унинг бошини танидан жудо қилган бўлур эди. Чунки ҳукмдор икки кундан бери бир парча нонга маҳтал ётар, томоғидан сув ҳам ўтмас эди. Бу дарад унга қаердан илашди, эй танграм!.. Наҳотки ҳукмдор қалъани ололмади, хирсини қондирилмай, ўз мамлакатидан олисда, чўл-биёбонда қора безгақдан итдай ўлиб кетаверса, наҳотки худованди каримнинг унга раҳми келмасе? Ахир у, буюк мамлакатнинг буюк ҳукмдори, кимга нима ёмонлик қилган экан? Наҳотки, келиб-келиб тангри унга ана шундай адолатсизликни раво кўрса?..

Ҳукмдор заифлик ва иситма оғушида оғир-оғир, қисқа-қисқа нафас оларкан, кўзларини зўрага очиб, қоқ ўртасига ҳафсала билан йўниб силлиқланган устун ўрнатилган чодирнинг учбурчак шифтига тикиларди: чодирнинг бу қабарик учбурчак шифти иситмалаб ётган ҳукмдор наздида кўк гумбазига ўхшаб кетарди. Ҳукмдорнинг ичига гўё чўғланиб турган косов текилгандек, аъзойи бадани ёниб борар, аммо пешонаси муздай совуқ эди. У ҳар замонда кўрпа остидан ориқ қўлини чиқариб пешонасига қўяр, манглайдаги совуқлик аста-секин кафтига, бармоқларига, бутун вужудига тарқар, шунда томирларида қайнаб ётган қон бироз сокинлашгандек бўларди. Алҳол, ҳукмдор ботиний бир роҳат билан ўз-ўзича «воҳ-ҳей!» деб қўярди. Аслида ҳукмдори ёқиб-ёндирган, андазадан чиқарган нарса ёлғиз бу иситма эмас, яна қандайдир бошқа бир сабаб ҳам бор эди, бироқ ҳукмдор унинг нима эканлигини ҳеч англай олмади... У тагин кўзларини очди, хожа Анварнинг бир неча бор хўрсиниб қўйганини эшитиб ётгач, тилга кирди:

— Анвар, ҳой Анвар!

Хожа Анварнинг қулоқлари титради, семиз, миқти гавдасини гиламдан кўтариб, сапчиб турди:

— Дарду балойингни олай, нима гап?

Бегоналар, шоҳидлар бўлмаган бундай пайтларда ҳукмдор ўз навкарини захарли атамалар билан эмас, балки отини айтиб чақирар, бундай пайтларда содиқ навкар ҳам ўз ҳукмдорини пайғамбар буюргани каби «одил ҳукмдор» деб атамас, меҳрибончилигини она ўз боласига мурожаат қилгани каби жуда оддий ва ширин сўзлар билан изҳор этарди:

— Нима гап, қурбонинг бўлай, тинчликми?

Хожа Анвар тахтнинг бош томонига яқинлашиб, кўзларини қисганича ҳукмдорнинг олхўриқоқидай бужмайган юзларига тикилди: бу юзлардаги бит кўзларнинг ич-ичида чақнаб турган учқунларни қўриб севинчларга тўлди... Хожа Анварнинг мудроқ шуурига, хўроз гўшти еб чиққан тотли тушидан сўнг, уйғонгач, оғирлашган, ланж вужудига лаззат ёйилди: боя ҳали фалокат доримаган, тугилган ой сарғимтир уфқда қотибтурган бир маҳалда қўналгани ларзага солган хунук хабар — ҳукмдорнинг оғриб қолгани, эҳтимол, ҳаммадан кўра кўпроқ хожа Анварни гангитиб қўйган эди. У ҳовлиқанича чодирга отилиб кириб, ҳукмдорнинг вазиру вазирлар, саркардаю сарбозлар қўршовида тахтга чўзилганича инграб ётганини кўрганда юраги қинидан чиқиб кетаёзди. Ичида фақат шундай дея олди, холос: «Ё худованди карим, агар унинг жонини олар бўлсанг, аввал меникини ол!» Боя ҳукмдорнинг кўзлари бўғизланган қўй кўзлари каби жонсиз ва совуқ эди, ҳали фалокат доришдан аввал, ҳукмдорнинг юзига ўлим ўзининг қора шарпасини солган, унинг чодирда, эҳтимол, совуқ ажал аломатини ҳам барчадан олдин хожа Анвар очиқ-ошкор ҳис қилган эди.

Энди эса у ҳукмдорнинг кўзларида чақнаётган қаҳрли учқунларни кўргач, бу балокаш дунёда ҳатто ўлим ҳам

ҳамиша ўз истагига эришавермаслигини, ажал билан юзма-юз олишувда ўзининг, яъни хожа Анварнинг ҳамда буюк бир мамлакат ҳукмдорининг ғолиб чиққанлигини англади...

— Қурбонинг бўлай, балки чой ичарсан? — Хожа Анвар эгилиб дўрдоқ лабларини ҳукмдорнинг пешонасига босди. — Иссиғинг тушибди, — деди у. — Пайғамбарнинг июнатидан айланай, берган кунингга шукр, ё худованди олам! — Хожа Анвар қад ростлаб, қўлларини илтижо билан кўкка чўзди.

Ҳукмдор кўзларини очди.

— Йўқ, — деди у, — чой керакмас. Ҳеч нарса керакмас. — Бир оз сукутдан сўнг: — Қайдадир гувиллаб бир шамол эсмоқда, Анвар! — деди. — Бу тагин худойимнинг не сиру асрори бўлди экан?.. Балки фолбинни чақирин лозимдир?!

Хожа Анвар теварак-атрофга аланглади, бурчакда лип-лип ёнаётган чироқнинг заиф шуъласи остида палосга тушаётган кўлкаларга безовталаниб тикилди.

— Дармонсизликдан бу, балойингни олай. Шамолдан асар ҳам йўқ, — деди ва шу заҳоти унинг вужудига бир титроқ кириб, эти жимирлаб кетди. — Сенга шундай туюляпти. — У ҳукмдорнинг очиқ кўзларига тикилганича давом этди: — Эрталаб, худо хоҳласа, илиқ бия сути бераман сенга, отдай бўлиб кетасан.

Ҳукмдор кўзларини юмди. Ҳатто у хожа Анварга ёстиқ устидан бошини ишорати ризо астагина силкиб қўйгандек туюлди. Ҳукмдор, кўзлари юмуқ, қисқа-қисқа нафас олганича деди:

— Йўқ, Анвар, йўқ... Эсмоқда. Жуда олисда, билмайман қайси жаҳаннамда... Эсмоқда, Анвар, эсмоқда. Бир шамол гувиллаб биз томон келаётир. — Тагин кўзларини очди, хожа Анвар ҳукмдорнинг нигоҳларида заиф умидсизлик аломатини кўрди. — Кошки қалъани олсайдиқ, сўнг нима бўлса бўлсин эди. Ҳар ҳолда, оллоҳнинг амри шу! — Ҳукмдор оҳ чекди.

— Оллоҳга ҳам қурбон бўлай, унинг амрига ҳам! Сен юрагингни кенг тут. Фалакда оллоҳ бор, ерда эса — сен. Оллоҳнинг амри — сенинг амринг... Ухлашга ҳаракат қил. Ухла, балойингни олай, ухла. Барча дардларнинг дармони — уйқу.

Бу сўзларни эшитган ҳукмдор ортиқ кўзларини очмай, қошиқ каби учбурчак ияги дир-дир титраб ётаверди.

— Қалъани олмоқ шарт, Анвар. Мен мамлакатимга тулки каби қайта билмайман. Мен пайғамбар ҳузурда бадном бўла олмайман.

Сўнг ҳукмдори тер босди. Тириш пешонасига тепчиган реза-реза тер томчиларга айланиб юз-кўзларига оқди. Хожа Анвар сочиқ олиб, ҳукмдорнинг юзларини артди, қўп-қўруқ сочиқ дарҳол исланиб нам бўлди, бироқ бу совуқ нам эмас, қандайдир иссиқ нам эди: ҳукмдорнинг вужудига аланга тер билан ташқарига чиқмоқда эди. Хожа Анварнинг севинчдан кўзлари ёшланди. У калима ўғирди, ҳукмдорнинг тердан сўнг энгил тортиб мудрай бошлаганини, энгил-енгил нафас олаётганини кўриб, хожа Анвар ҳам кўксини тўлдириб нафас олди, ёшланган кўзларини кафтининг орқаси билан силиб, бир-икки қадам ортга чекинди, боя ётган ерида, гилам устига чордона қуриб ўтирди. Ҳукмдорнинг терини артган сочиқни тиззалари устига қўйиб, бошини ҳорғин-ҳорғин кўйи эгар экан, нимагадир кўзи тушиб, бутун вжудини қўрқув аралаш ҳайрат қоплаб олди: бояги илиқ ва нам сочиқнинг майин туқлари орасида майда муз парчалари шиша синиқлари каби ялтираб турарди. Хожа Анвар дастлаб, булар чиндан ҳам шиша синиқлари бўлса керак, деб ўйлади. Улардан бири эҳтиёткорлик билан қўлга олар экан, муз парчаси

бармоқлари орасида эриб сувга айланди ва худди лаҳзада хожа Анвар олисдан, жуда-жуда олисдан гувиллаб келаётган бир шамол саси эшитилди — гўё қайдадир ўрмон томонда қари Ёир бўри бўғиқ овозда увлади — хожа Анвар қинидан чиққудек потирлаётган юрагининг дук-дукини тинглаган кўйи бошини кўтариб, ширин мудраб ётган ҳукмдорининг юзига тикилди: ҳукмдорнинг пешонаси муз боғлаган эди, чодирнинг бир кунжида ёнаётган чироқ шуълаларида ял-ял товланаётган бу муз парчасидан хожа Анварнинг кўзларига бир совуқлик оқиб кира бошлади, унинг оёқлари, қорни увишиб, бўғзига қадар бутун вужуди муз билан тўлди. Хожа Анвар қамирлашга, оғиз очишга мажол топмай ўтирар экан, юрагида бир фарёд кўпди: «Эй улуг тангрим, эй арзу самони яратган қудрат эгаси, эй ушбу туннинг соҳиби, сен менинг умримдан кесиб ҳукмдоримнинг умрига қўшгайсан! Агар унинг жонини олар бўлсанг, аввал менинг жонимни ол. Мени жаҳаннамга солсанг ҳам, уни жаннати қил!» Сўнг у тагин бошини секин-аста қўйи солиб, сассиз-садосиз йиғлади.

Ташқарида тонг отиб келар, чодирга алвон-алвон шуълалар оқиб кирмоқда эди.

* * *

Хотининг қўлимдан тутиб силкалади, кўзларимни очиб қарасам, у ёнимда Бергман олиб келган оқ пакетни менга чўзиб турарди.

— Коньяк мазангни қочириб қўйди, шекилли? — деди у. Унинг боқишларида тагин хавотир, ваҳима бор эди. Хотинимнинг кўзларида ўринли-ўринсиз пайдо бўладиган бу хавотир сўнги пайтларда менинг асабимни буза бошлаган эди... Мен «хавотир олма» деган маънода бош тебратиб, пакетни олдим, кутганимнинг акси ўлароқ пакет юпқа ва. енгил эди. Афтидан, Салима хоним кундалики тўлиғича бериб юбормаганга ўхшайди. Салима хоним отасининг — Саъди Афандининг рўзгорининг не-не машаққатларига чидаб, авайлаб-асраб келаётган кундалигини менга беришни неча йиллардан бери камида минг марта ваъда қилган эди. Ва ҳар сафар ён-верига ҳадиқсираб қараб қўяр экан, овозини пасайтириб айни бир жумлани такрорларди: «Аммо ҳеч кимга зинҳор-базинҳор оғиз очмайсан!» Албатта, деб жавоб берардим мен, бу ҳақда умрбод ҳеч кимга лом-мим демайман. Мен Салима хонимдан бу кундалик ҳозирга қадар сақланиб қолганлигини, тўс-тўполонларда йўқолиб кетмаганини илк дафъа эшитганимда, чиндан ҳам севинчдан бошим осмонга етган эди, чунки Саъди Афанди қўл-ёзмаларидан жуда оз нарса сақланиб қолганини, ўзи тирик эканлигида атиги учта китоби чиққанини билардим... Аммо ойлар, йиллар ўтиб борар, хотиним билан иккимиз ҳол-аҳвол сўрагани Салима хонимникига борганимизда у аксар ҳолларда бу мавзудан гап очмас, ўзини гўё бу кундалик йўқ ва бўлмаган каби тутарди. Мен ҳам сўрагани тортинардим. Бироқ, қарасангки, кунларнинг бирида ё саҳар мардонлаб, ё ярим тунда у қўқсдан бизникига телефон қилиб қоларди.

— Автоматдан гапиряпман.

— Телефонингиз ишламаяптими?

— С-с-с...

Бу «с-с-с»дан англардимки, Салима хоним ёши элликдан ошганига анча бўлган эди — тагин бошига заррўмол ташлаб, тўлиқ, лорсиллаб турган гавдасига худди бошидаги каби ялтираб кўзни қамаштирадиган зарбоф халат кийиб олган ва бунинг устига... ялангоёқ ҳолида

шундай бемаҳал бир пайтда бешинчи қаватдан пастга тушиб, хилват кўчаларнинг биридаги автомат будқадан менга телефон қилаётган бўларди. Уни бундай қиёфада кўрганлар кула-кула бу ғалати аёлга такрор-такрор бурилиб боқар, эҳтимол, ҳар хил хаёлларга ҳам борардилар.

— Бир-икки кун ичида кундалики сенга етказаман. Бўптими? — У гўё илтижо қилар, телефондан эшитилаётган овоз шу қадар ҳазин чиқардики, одамнинг кўнгли бузилиб кетарди. — Узим олиб борсам бўларди, — дерди, — бироқ шу кунларда мени сизларнинг уйингизда кўрмаганлари яхши.

— Нега энди, Салима хоним? — Мен унга далда беришга уринардим. — Биз ахир неча йиллардан бери оилавий дўстмиз-ку. Бир томондан, Саъди Афандининг юбилеи арафасида...

— Ҳа-да!.. — гапимни бўларди у. — Худди ана шу юбилей арафасида кўрмаганлари яхши. — Сўнг дастакдан эшитилаётган ҳазин товуш ўрнини ҳадиқсираётган шошилич овоз эгалларди: — Бу ерда шубҳали одамлар юрибди, мени кузатишяпти. Хайр. Ҳеч кимга зинҳор-базинҳор оғиз очмайсан!

Салима хоним чалинган касалнинг номини Бергман жуда узун ва мавҳум қилиб айтарди. Аёлга бу дард илашганига уч-тўрт йилча бўлган, афтидан, унинг давоси йўқ эди. Қўни-қўшни, таниш-билишлар ундан ўзларини олиб қочишарди. Отасининг ҳурмати учун баъзи доирадаги кишилар у руҳий хасталиклар касалхонасига тушиб қолмаслиги учун роса куйиниб-пишарди. Бунинг сабаби аён эди: халойиқнинг, Саъди Афандининг яккаю ягона қизи бор эди, у ҳам ёши бир жойга бориб қолганида жиннихонага тушди, деган маломати ёмон эди. Аслида биз — Салима хонимнинг яқин кишилари ҳам ана шундай вазиятларда, унинг касаллиги такрорланган пайтларда у билан кўришишдан, тасодифан юзма-юз келиб қолишдан чўчирдик. Ҳатто мен ҳам шундай дамларда ўзимни йўқотиб қўярдим, қўл-оёқларим оғирлашиб, гавдамга ортиқча юк каби туюла бошларди. Ё гапни ҳазилга бурар, ёки вазисиз-сабабсиз ўта жиддийлашиб қолардим, шунда алмойи-алжойи валдираб қўйганимни, Салима хоним ҳам худди шу сабабли мендан ранжиганини кейинроқ англаб етардим. Салима хонимнинг упу-элик сурилган юзига ҳам, бу юзларга анча кейин ўрнатилган каби туюладиган қоп-қора кўзларига ҳам тик қарай олмасдим. Менга шундай туюлардики, Салима хоним бу дунёда на қадар ёмонлик кўрган бўлса, гўё ҳаммасига мен, менинг хотиним, бола-чақаларим айбдордек эди. Болаларим унга «кулди-йиғлади хола» деб ном қўйган эдилар. Чиндан ҳам унинг қачон кулиб, қачон йиғлаётганини билиб бўлмасди. Сигаретга сигаретни улаб чекар экан, гоҳ кўзларига ёш тўлар, гоҳ никотин тўлиб кетган ўпкаси хирқираб, бор овози билан кула бошларди.

— Оч, кўрайлик-чи, нима бор экан у ерда. — Замина ҳамон ёнимда жилмайиб турар, афтидан, у, Саъди Афандининг кундалиги ҳам Салима хоним каби кулгили бир нарса бўлса керак, деб ўйларди.

— Яхшиси, сен чой қўйиб кел, — дедим. Хотиним хонадан чиққач, ҳафсала билан боғланган пакетни очиб, ичидан учта юпқа, муқоваси, саҳифалари сарғайиб, моғорлаган дафтар чиқардим: шу заҳоти димоғимга қандайдир ёқимсиз бир ҳид урилди ва ҳовлимиздаги ахлатхонанинг ёзги ҳиди ёдимга тушди. Дафтарларнинг юзига қизил сиёҳ билан I, II, III деган рим рақамлари ёзилган, буни, шубҳасиз, Салима хоним ёзган, чунки сиёҳ яп-янги эди. Шу пайт хотиним чой олиб кирди, мен чойдан бир қўлтум хўплаб — коньякдан сўнг бир оз мадорга кирган эдим — биринчи дафтарни

очдим ва дастлабки саҳифада эски алифбода ёзилган илк сўзларни ўқидим: «Суф сенинг сирру савдоларингга, эй дунё!»

Мен қиламан ўттиз, фалак қилади тўққиз, деб тўғри айтган эканлар! Абулқосимга офарин, яқин орада унинг китобида бу доно мақолга яна кўзим тушиб қолган эди, мана, Саъди Афандининг саҳифалари ҳазондай шилдираб қолган биринчи дафтариининг илк саҳифаларида ушбу мақолга дуч келганимда ғалати аҳволга тушиб қолдим, гап шундаки, нигоҳларим сатрлар узра ўнгдан чапга сирғалиб, ҳарфларни ҳижжалай бошлаганимда қулоқларим остида таниш, олисларда қолиб кетган бир овоз янгради — отамнинг овози.

— Сенга нима бўлди? — деб сўради Замина. Мен бошимни кўтариб:

— Ҳеч нарса, — дедим. — Бундан сўнг энди мени ҳеч бало урмайди.

— Худо ҳақи, баландроқ ўқи, мен ҳам эшитай, — деди лабларини чапиллатганича чой ичиб, пирог еяётган Замина. Бергман кетгандан сўнг, афтидан, маликаи дилозорнинг иштаҳалари очилиб кетган эди.

— Хатини яхши ўқий олмаяпман, — ёлғонладим мен. Чунки, негадир, отамнинг овозини эсга солиб юборган бу сўзлардан сўнг дафтarda ёзилган нарсаларни дунёда мендан бўлак ҳеч бир кимса билмаслиги керак, деган фикрга келган эдим. — Яхшиси, сен бориб ухла, мен ҳижжалаб кўрай-чи, нималар ёзилган экан. Хати ҳам жуда хунук экан раҳматлининг.

— Ухла деганим нимаси, жоним? — Хотиним финжонини тақсимчанинг устига қўйди. — Мен бориб ухлай, сен эса эрталаб олтигача ўтир экан-да? Тагин ўпкандан қон келишини истаяпсанми?

— Қанақасига олтигача, жоним... Узоғи билан бир соат ичида ўқиб тугатаман учаласиниям, — мен дафтारларни очик пакет устидан олиб Заминага кўрсатдим.

Замина норози қиёфада бош тебратди, бироқ оғиз очиб ҳеч нарса демади. Туриб боя қия очиб қўйгани дарчани бекитди, кейин ёнимга келиб, билимдон ҳақим қиёфасида, худди Бергман сингари, билагимдан тутиб, томиримни ушлаб кўрди. Сўнг:

— Шукур, — деди-да, юзимдан ўпиб эшик сари юрди. Остонада тўхтаб, деди:—Иккидан узоқ ўтирма.

— Бош устига, — дедим мен.

Замина хонадан чиқиб секингина эшикни бекитганида қадимий соатимиз тунги бир тугаганлигини кўрсатиб занг урди. Мен дафтар сари эгилдим.

* * *

«... энди мен не қилай, бу воқеотдан сўнг, ҳой яхшилар, кимнинг ёнига бориб, кимларга арзи ҳол этмагимни ҳам, худо ҳақи, билмай қолдим. Ҳушимни шул қадар йўқотиб қўйдимки, тез орада телба бўлиб қолмасам деб кўрқаман. Мухтор Каримлининг ҳузуриндан чиққонимда жун бўйинбоғим унинг лаънати хонасинда қолиб кетибдир. Ул бўйинбоғни мундин етти йил аввал «торгсина»дан олиб эрдим. Ҳайф кетдинг, эй жун бўйинбоғ. Мана кимга насиб қилғон экансан.

Кечқурун аёлим ўмоч пиширғон экан, бир-икки қошиқ тотинғон бўлдим, иштаҳам бўғилди, ўзга нарсалар ила чалғимак илинжида ёзув усталимга бориб ўтирдим, давот-қалам ҳозирлаб, дурустроқ қоғоз қолмағонидин мактаб дафтариининдан бирини очиб олдимга қўйдим.

— Нелар битмақдасиз, адаси? — деб сўрди аёлим. Бир аёлимга боқдим, бир қаршимдоғи дафтarda, ҳарчанд ўзимни тутмакка жаҳд қилдим, афсуским, шайтони

лаин тилимни қичитмақдин қўймади. «Жаҳаннамга бир арзи ҳол битиб жўнатмак тарадудиндамен, токим дўзахдин ким биров келиб маним жонимни бул қиёмат-қойимдин халос этсин», — дедим. Аёлим йиғлади. Дарҳақиқат, энди мен не қилайин, ҳой яхшилар?! Кўчада Мухтор Каримли чақириб ҳол-жонимга қўймайдир, уйда эса аёлим йиғлаб юрагимни эзадир! Маним бул ғавғоларга асло тобу тоқатим қолмади! Хулласи калом, ўрнимдин туриб борғоним асно хотинимни қучдим, анча таскинлар берғон бўлдим ва «онаси, мундин аввал маним ёзғон-чизғоним ила зинҳор парвойинг бўлмасди, нечун энди сўраб-суриштирмакни одат қилдинг, ба-хайр?», деб сўрадим. Аёлим, аввал неки биткан бўлсангиз, шул ўзи бизга кифоят, худо ҳақи, энди зинҳор ҳеч нарса ёзмагиз, деди. Суҳбат ушбу асносиға етғонда мен хаёлға толдим, сўнг тагин қўлларимни аёлимнинг елкасига қўйиб дедим:

— Онаси, сен-да Мухтор Каримли айтғон гапларни такрор этмақдасен.

— Мухтор Каримли не дейдир, адаси? — деб сўради аёлим. Бизим аёл, наинки бизим аёл, шаҳардағи жами аёллар эндиликда, билмадим бу не сирру савдо, Мухтор Каримлининг отини эшитғонда гўё олабўжининг отини эшитғон каби бўладирлар. Нечундир мен ҳам кул титкилаб ўтирмакни истамадим, тўғриси, аёлимнинг баъзи бир нозик масалалардин огоҳ бўлмагини хоҳламас эрдим, невчунким, анинг юраги бир қадар заиф эрди, «яхшиси, зўр бир чой дамлағил, маним бул ёзғонларим на роман, на драма, шунчаки бир кундалик битмақдамен, яъни ҳар кўрғон-кечирғонларимни мухтасар қоралаб қўймақдамен, маълумингким, хотирам бир қадар заиф тортиб қолғон, бул воқеотлар мутлоқ ёдимдин чиқиб кетмасин дейман, чунки, бул чархи кажрафторнинг ишлариға тушуниб бўлмағай, балким вақтсоати етиб бир кун булар-да асқотиб қолғуси», дедим. Аёлим сурур ила юзларимдин силади, «хўб» деган кўйи чой қўйғали чиқиб кетди...

Бу кун — тўртинчи январь кечасидир. Бокуда ажиб бир шамол эсмақда, гўё бул шамол курраи арзни меҳваридан чиқориб, қайғадир тубсиз бир қудуқнинг комиға элтиб тикадирғонга ўхшайдир. Аммо на илож!.. Минг лаънат шайтоннинг аъмолиға, ҳой яхшилар, бул шамол биз фақир у фуқаролардин не истайдир ўзи? Аёлим тунука финжондин чой симирғон кўйи безовталик ила эшик-деразаларға боқадир, сўнг девор ёнида ис босиб қорайғон печнинг лип-лип қилиб беҳол ёниб турғон оловиға тикилар экан, илкисдан, адаси, бул шамол худди сиз тасвир қилғон шамолға ўхшайдир, сиз шул қадар башорат этғон экансизким, охир-оқибат ул ўз бошимизға тушди, деди. Во ажаб! Худо ҳақи, умримда мундоқ очилиб кулмағон эрдим, андоқ мириқиб кулдимким, бор хижиллиғим тарқаб кетди, аёлимнинг кўзлариға боқиб хотирим жам бўлди. Мошоллох, эр вазир — хотин, рўзғор оғири — ўтин, деб рост айтибдирлар!..

Алқисса, аёл ила бир оз эзмаландик, ўтғон-кетғондин лақиллашиб ўтирдик, аёлим, «худой хоҳласа, келгуси оининг йигирма биринда Салима етти ёшни тўлдирадир, қўни-қўшнилари чорламак лозим, ҳар ҳолда, боланинг кўнгли ёзилади, охирги вақтларда қизимизнинг ранг-рўйи бир қадар сўлиқиб қолди, ҳақимларнинг фикриға қарағонда, бул ўзгариш асабдан эмиш», деди. Мен ҳам қизимизнинг асаблари дуруст эмаслиғини сезғон эрдим, бул гапдан сўнг таъбим хийла хира тортиди, онаси, қизимизнинг тез-тез кўчага чиқмағиға изн бер, кашшоф болалар ила ўйнаб-кулсин, кўнгли ёзилсин, дедим. Аёлим, ҳар нарсани ҳазил сори бурманг, жамоат олдинда шарманда бўлмайлик, деди...

Бирок мен унга, қиз бола — қиз бола-да, етти ёшда бўлса не қилибдир, йигит-қизларга хиёбонга чиқиб, панжарали боғда барабан чалмакни ким кўйибдир, дея билмадим... Бола дегони уйда ўлтириб дарс қилмоғи, ота-онаси ила меҳмонга бормоғи лозим, ширин-қулча, қанд-қурс еб, сўнг тўшагинда гум-гурс ётмоғи раводир. Илло, бу гапни ҳам, дилимдаги шул янглиғ бўлак жуда кўп сўзларни ҳам аёлимга айта олмадим... Зеро, аёлимга бугун эрталаб мен Мухтор Каримлининг ҳузурига йўл олғонимда биз ила бир ҳовлида истиқомат қиладиргон Акоп Мирзаян қаршимга кўндаланг бўлиб, кайфи бисёр баландлиғи боис менга, Мирза, ты жулик, дегонини қай тил ила айта олар эдим?.. Ҳой итдан тарқагон, нечун мени жулик дейсан, сенга не ёмонлиғим ўтибдир, дедим. Ул эса кўзларини лўқ қилиб, тишларини тиржайтирғон кўйи, сен жулик бўлғонинг учун ҳам юрибсен, аслинда сени фош этмак лозим, деди. Бул ҳам камлик қилғондек, сен андоқ-мундоқ жулик эмассен, буржуй жулигисен, деди, бул «буржуй» номини менга таққаннинг падарига минг лаънат! Каримли, авваламбор сенинг падарингга лаънат, илло жами фатволар сендин келаётир! Бул гапларни мен аёлимга қай тил ила айтамен, ахир, бул сўзларни, тағин бул каби не-не нарсаларни атайин ҳазилга бурмақдин ўзга на иложим бор? Худойим, аслида бутун бул қиёматқойимлар ҳазилга ўхшаш қалтис бир нарса эдиким, ажал шарпаси янглиғ бошимиз узра муаллақ турарди. Ҳой Акоп, падарингга лаънат сенинг!.. Қўйгин-да энди, мен ҳам бирпас нафасимни ростлаб олай, мундоқ бемалол ёзайин, ахир, шундоғ ҳам ёзғоним сори бўлғонимча бўлмакдамен...

Бироздан сўнг аёлим ётмак учун кетди, мен печкага бир-икки ўтин қаладим. Шамол борҳо кучайгандан кучаяр, эшик-деразани кўпориб юборгудек бир важоҳат-ла ув тортар, гўё қиёмат-қойим кўпмақда эди. Бирпас нафас ростламак мақсадинда мактаб дафтаримни бекитдим, усталимнинг ғаладонини тортиб, бахтиёр ва осуда дамларимда ёзғоним... номини не деб аташни-да билмайман, романми, улкан ҳикоятми, ҳарқалай, айтайлик, ёзгон ёзиқларимни олиб, тағин бир бор назардин кечирдим, аёлим ушбу хонада йўқлиғи боис ўзимни тутта билмадим, кўнглим андоғ бузилдиким, кўзларимга ёш келди. Бу андоғ бир аҳволот эдиким, ушмундоғ нарсаларни ҳазилга буриб бўлмағай, ушмундоғ нарсаларни ҳазилга бурсанг, оллоҳнинг қаҳри келгай. Бирпас ёзғонларимнинг ул ер-бул еридин титкиладим, ўн беш-йигирма саҳифа ўқидим ва худо ҳақи, ёзғонларим ўзимга хуш келди. Маним битгонларим Каримлига маъқул бўлмаса — жаҳаннамга, аммо ўзимга бисёр маъқулдир, на илож?! Ҳали омон бўлсак, не деган одам бўлғонингни кўргаймиз, ҳой Каримли! Қандоқ фалокат рўй бериб шундоқ бир ғамхўр-меҳрибон ҳукуматимизнинг кўзиға хас бўлиб тушди экан асти бу лаънати?! Негадир ёзгон ёзиқларимни тағин ғаладонга кўйдим, ғаладонни қулфлаб, калидини чўнтагимга солдим ва хийла ўйланиб қолдим. Энди бу ёзғонларимни қаерда асрасам экан, дея хаёлға чўмдим... «Тутдим рўзани мен рамазонда, муллам урадир ёзув ёзғонда»... Отангга минг раҳмат, шоир!.. Ёзувларни бекитадирғон замон ҳам етиб келғонга ўхшайдир, ҳой яхшилар!»

Бу сўнги сўзларнинг остига ҳам қизил сиёҳ билан қалин бир чизиқ тортилган эди, бемор бу чизиқни ҳам Салима хоним ўз қўли билан тортиб кўйганини англади. У бошини кўтариб, пардалар орасидан дераза ортидаги зулматга тикилди. Унинг юраги билинар-билимас санчаётган эди. Замина ётгани кетаётиб стол устига, эрининг шундоқ ёнига кўйиб кетган дорини олиб тилининг остига ташлади ва шимий бошлади. «Демак, бу Са-

лима хонимнинг сафсатаси эмас эканда, ҳақиқатан ҳам Саъди Афандининг сўнги романи бор экан-да!» Бу фикр гўё қайдандир ташқаридан оқиб кириб, беморнинг қулоқларига куйилди. Сўнг бемор соатга қаради, бироқ даставвал тунчиरोқнинг хира ёғдусида соат миллирини яхши фарқлай олмади, фақат бир оз муддат ўтиб, кўзи олатўронликка кўниккандан кейингина бирдан йигирма дақиқа ўтганини кўрди, демак, ҳали ўқиса бўлади. Эгилиб, оромкурсининг остидан боя Заминадан яширик қолган икки дона сигаретидан бирини олди ва эшикка яқин бориб, даҳлизга қулоқ солганича тутатди.

«18 январ, қиш кечаси.

Боқуда аввал мундоғ қор келғонини эслай олмаймен. Шукрим, шамолнинг дами кесилди. Бугун управдомға ўн саккиз сўм бериб, анча-мунча ўтин олдим, оллоҳ етти пуштини раҳмат қилсин, ўзи жуда яхши киши, менга қуруқ ўтин берди. Мана, энди темир печка андоғ гурлаб, уйни чунон иситмоқдаким, гўё ўзингни «Фантозиё» ҳаммомининг авваллари Мирзақули савдогар чўмиладирғон хосхоналариндан бирида ўлтирғондек ҳис этасен. Икки кундирким, А. Г. дан дом-дарак йўқ, шўрлик аёли сарсон-саргардон бўлиб, қай эшикка бош урмасин, кутгин, сенга хабарини ўзимиз етказурмиз, деган жавобни эшитадир. Бугун оқшом келиб биздан беш сўм қарз сўради, унинг зулқндай қора сочларига анча-мунча оқ оралагонини, афт-ангори ҳам оқаринқирагонини кўрдим, мен ўн сўм чиқариб бердим, шул асно оёқларига қора калиш илиб олғонига кўзим тушди ва бул қора калишлар маним хафсаламни пир қилди, бизим аёлнинг-да кўнгли бузилиб кетди. Ул кетғондин сўнг аёлим менга не деди денг, ҳой адаси, худо ҳақи, энди ёзмакни бас қилинг, ёзадирғон бўлсангиз, майли, М. Каримли нимани буюрса, шуни ёзинг, деди. Бул дафъа мен аёлимга ҳеч нарса демадим, мактаб дафтарини боғлаб бир канорға кўйдим ва мундин сўнг зинҳор кечалари ёзадурмен, токим аёлим кўрмасин, дея қатъий аҳд этдим. Хўш, ёзғонда неларни ёзурмен, ахир?.. Узим учун шунчаки бир машғулот, бекорлиғдан безорлиғнинг баҳонаси-ку.

21 январ, қиш кечаси.

Наврўзға ҳам оз қолди. Кичик чилладан бир амаллаб чиқиб олсак, фаҳмимча, худо хоҳласа, ишлар жўнашиб кетадир, жўнашмағонда не ғам! Яратғоннинг ўзиға шукр, емакка бир бурда нонимиз, турмакка ёпиғлиқ томимиз бор, Салима қизим эса саломат, кундузлари ҳовлида қортўп ўйнайдир. Фақат мен ўзимни ҳовлига чинқмақдан аҳтиёт этамен, мухтасари калом, Акоп Мирзаянға рост келмақдан кўрқамен.

Омад дегони бир қайтса, қайтаверар экан. Кейинги вақтларда юрагим маним тинка-мадоримни қурутди, аҳён-аҳёнда андоғ оғриқлар ружу қиладирким, паймонам тўлғонға, калимани шаҳодатни ўқимак муддати етғонға ўхшайдир, дегон хаёлларға борамен. Бандасини ўз кулбасида ором ўлтириб, топғони бир бурда нонни баҳузур емакка кўйсайдилар, тангри шоҳид, ҳеч бир мўминға хасталиғ яқин йўламас эрди.

Эрталаб тўққизлар чамасинда менга занг уриб, бугун ё эртан Каримлининг ҳузурига бормоғинг вожибдур, ул зот мажлис қиладир, бул мажлисда сенинг иштирок этмагинг беистисно шартдир, дедилар. Қаттиғ дилгир бўлдим, ҳаёт-умрим қуриб қолғон каби эрди, аммо на илож, «бош устиға» деб жавоб қилдим телефондин. Аёлим ҳам хийла ташвишға тушиб, телефонни кашф этғоннинг етти пуштиға лаънат ўқиди. Мен аёлимга таскин бермак ниятинда, кўрқиб-неғиб юрмағил, бул шунчаки бир мажлисдир-да, ўзингга маълумдирким, улар мажлиссиз тура олмайдирлар, мажлис чақириб тур-

маса Мухтор Каримлининг нафаси қайтиб ўладир, дедим. Алҳол, соч-соқолимни тарошладим, Каримлининг қасдиға энг яхши камзулимни кийиб, бошимға ҳам, дағи ул нокасға аччиғма-аччиғ, бухори папоғимни қўндирдим ва ўн бирлар чамасинда уйдин чиқиб, қорда тийғониб йиқилмаслик мақсадинда йўлни юқори маҳалладин солдим. Олгинский сори чиқиб, бир муддатдин сўнг Каримлининг бойқуш хароботиға дохил бўлдим. Вазген отлиғ гардеробчидин, бахайр, қахратоннинг бул аҳволотинда не мақсадда чақиришди, деб сўрғон эрдим, Вазген, буни ҳеч кимса билмайди, ёлғиз ул зотнинг ўзиға аён, деб жавоб қилди. Мен ортиғ бир сўз айтмай, иккинчи қабатға кўтарилиб, золға кирдим ва ҳамиша ўтирдигим жойға, охирғи қаторнинг ўнг томониға ўрнашдим. Золға хийла жамоат йиғилғон бўлиб, мендин бўлак ҳамма бошяланг эрди. Дарвоқе, мен қишнинг қирчиллама чоғинда, алалхусус, мундоқ совуқ бир ерда зинҳор папоқсиз ўтира билмас, папоқсиз ўлтирсам хасталаниб қолар эрдим. Каримли эса маним хасталиғимни оллоҳдан сўрайди.

Мажлисға уч-тўрт жавон шоир ҳам келғон бўлиб, улар дераза рафиға таянган кўйи узун папирос чекишар, ортға ўгирилиб, менга терс-терс қараб қўймакда эдилар. Мен аларға парво қилмай, папоғимни бир оз қийшайтиб қўйдим ва шўрлик А. Г. ҳам бул жамоатнинг орасинда бормикан, агар бўлса, аёлимға занг урай, аёлим А. Г.нинг хотинидин суюнчи олсин, деган илинж ила тағин золға кўз югуртирдим. Кўп изладим, хўп синча солдим, таассуфким, биродаримни бунда кўрмадим ва юрагим хийла сиқилиб, оғриқ ружу қилди. Ул шўрлик кўкка учдим, ерға кирдим — буниси ёлғиз оллоҳға аён!.. Алқисса, ярим соатлардин сўнг, жамоат совуқдан қунишиб, тиззаларини уқаламакка тушганида Каримли қабатинда уч-тўрт шотири бирлан орқа эшикдин кириб келди ва саҳнаға қўйилғон усталға бориб ўлтиришди. Қўрбақазор кўлға тош отилғони каби барчанинги дами ичигға тушди. Мажлис асносинда шул нарса аён бўлдики, жумҳуриятимизнинг бир қанча қишлоқларинда норасида бола-бақралар трахома хасталиғиға дучор бўлибдирлар ва ҳукумат мазкур хасталиғни илдизи билан маҳв этмак борасинда қарор қабул қилибди. Жамоатға бул хабарни эълон этмак учун М. Каримли бир даста қоғозни қўлтиқлағон ҳолинда ўрнидин туриб, минбарға ўтди, унинг хийла узоқ қилғон маърузасиндан аён бўлдики, болаларимизға озор берғон бул трахома хасталиғи фақат оллоҳнинг офати эмас, бинобарин, манфур синфий душманларнинг ярамас кирдикорлариндан бири эмиш. Ва мундин сўнг бизнинг барчамиз ўбдон ҳушёр бўлмоғимиз, кечаю кундуз сиёсий саводимизни оширмоғимиз лозим эркан. Ул ўз маърузасининг адоғинда, биз қалам аҳллари ажойиб асарлар ёзмагимиз, гўзал шеърлар, ҳикоялар яратмагимиз лозимким, бизнинг норасида бола-бақраларимиз бул асарларни ўқиб файзиёб бўлсинлар, деди.

Оқилона сўзға тараф йўқ, бул сўзлар Каримлидин чиқса не тонг. Ҳамма чапак чалди шул жумладин, жамоатға қўшилиб мен ҳам чалдим. Ўлтирғон ериндан «офарин!» деб қичқирғонлар ҳам бўлди. Андин сўнг қалам аҳли навбат ила маъруза қила бошлади. Локин гап шунда эдиким, бул маърузаларнинг матлабиндин менинғ муроғодим ҳосил бўлмади. Трахома хасталиғи бир канорға қолғони ҳолда, маърузаға чиққан ҳар бир кимса, вазиятимиз ғоят мушкулдир, бул манфур синфий душманларнинг дастиндан не этмагимизни-да билмай қолдик, алар ҳаммомда, дўконда, хуллас, дуч келғон жойда оғизларига келғонни қайтармайди, дер эди. Ҳатто улардин бири, алар одам эмас, сволочдирлар, аларнинг-да илдинини трахома хасталиғи

каби тағ-тубиндан қуритмак лозим, деди. Золда андоғ чапаквозлиқ бўлдики, мен, бул гўзал бинонинг заррин нақшлари бошимизға қулаб тушмаса яхши эрди, деб қўрқувга тушдим. Ҳали булар ҳам ҳалво экан! Каримлининг қабатинда ўлтирғон бир ёш шоир, саҳв этмасам, оти Қодир Пинҳон эди, ҳа, ўша, ўрниндан туриб, мен уч кун ичинда бир поэма ёзиб, тараққиётимизға ғов бўлғонларнинг ҳаммасини маҳв этмакка сўз берурмен, деди. Бул издиҳомда, ҳой балойингни олай, бул гапларнинг ҳаммаси хўб яхши, бироқ ушбу мажлисининг трахома хасталиғи ила оғриғон болаларға не дахли бор, деб сўрайдиғон кимса йўқ эрди. Мен ўлтирғон еримдин бир луқма сўқмоқчи бўлдим, аммо аёлимнинг суврати келди-турди кўз олдимға, Каримлининг захил башараси келди-турди кўз олдимға, ҳирсимни босдим, даммимни ичимға ютдим, гапирмадим, гунг бўлдим...

Шул асно Каримлининг овози чиқиб қолди. Ул зот мен ўлтирғон тарафға бўйлиниб, хўш, бугун бизнинг мажлисимизда оқсоқол ёзғувчиларимиздин ўртоқ Саъди шитроқ этмакда, ул ҳам бир-икки калима сўз айтса яхши бўлур эди, кўрайлик-чи, ул нималар дер экан, деди. Вой сенинғ падарингға лаънат, вой илоннинг мойини ялағон баттол!..

На илож, ўрнимдин туриб, кичик пиллапоярларни бир-бир босиб минбарға чиқдим. Минбарға чиққан ҳар бир маърузачиға чапак чалғучи эдилар, илло мен саҳнаға чиққанымда ҳеч кимса чапак чалмади, бильакс, жамоатнинг мен сори терс-терс боқмагини кўрдим. Э-воҳ, деб ўйладим, бир бошға бир ўлим бор экан, бул бошни эгиб мингирламакдин не фойда. Чапак чалмасангиз, жаҳаннамға!..

Бунда маъруза қилғон ўртоқлар кўп оқилона сўзларни, бисёр фойдали фикрларни айтдилар, дедим мен, барча болалар бизнинг болаларимиздир, уларнинг соғломлиғи миллатнинг соғломлиғи демакдир, бунга шакшубҳа йўқдир. Аммо, маним фикримча, биз бир савоб иш ҳам қилмоғимиз лозим, бул савоб иш шундан иборатким, барчамиз пул йиғиб, иона тўплаб, комхозға берайлик, комхозлар эрса ҳам ҳакимларнинг маошини оширсинлар, ҳам кўпрак дори-дармон олиб, трахома хасталиғи ила оғриғон болаларимизға берсинлар. Бул гапдан сўнг золда ўлтирғонларнинг бир-икки нафари чапак чалди, бир-икки нафари йўталиб қўйди. Аммо Мухтор Каримли ўрнидан тураркан, аввал «аҳ-ҳа» дея менга қаради, сўнг золға тараф юз бурди. Энди анинг шаллоқилиғини кўрин! Сиёсий бесаводлиғининг энг ашаддий намунаси — бу ўртоқ Саъдидир, деди у. Нега энди ҳакимларимизнинг маошини оширмак лозим экан, нима, бизнинг ҳакимларимиз очдин ўлмак даражасинда эканларми, нима, ҳукумат аларға пул бермас эканми? Ҳозир айнан не дегани ёдимда йўқ, илло ул кас оғзиға келғонни қайтармади. Золда чунон кулгу кўпдики, папоғим бошимдин учиб тушгудек бўлди. Астағфуруллоҳ, тоза балоға қолдим-ку! Кўзларимни жовдиратиб минбарға суяндим, чунки тилим калимаға айланмай қолғон эрди, зеро, гапирғонимда ҳам бул шовқин-суронда, эҳтимол, мени тинглайдирғон кимса йўқ эди. Халойиқ хийла сокинлашғондин сўнг Каримли такрор мен сори юз буриб, хўш, ижодий планларинг қандай, яъни бул мажлисдин чиқиб уйингға борғоч, неларни ёзмак ниятидасан, деб сўради. Мен ортиқ ўзимни тутта билмадим, одамнинг сабр косаси тўлғонда қуюшқондин чиқиб кетадир. Каримлиға боқиб овозимнинг борича, мен ҳали ҳар мажлисдан сўнг уйға бориб қўлимға қалам олмакни, асар ёзмакни одат қилғоним йўқ, одамда бир қадар маърифат бўлмоғи лозим, не боисдин шундоғ бир жамоат олдинда сен мени бесавод дейсан, бесаводнинг энг каттаси ўзингсан, бўғзимизға

тиктили қолғон туғи лаънатсан, деб бақирдим... Маним бул жавобим қурбақазор кўлга улқандан улкан бир тош отилғон каби бўлди. Зол мисоли ўликхонага айланди. Ўликдин бир садо чиқмағони каби жамоатнинг ҳам дами ичиға тушиб кетди.

Саҳнадан қандоқ тушиб, золдин қандоқ чиққоним, қоним қайнаб кетғонидин ўзимни сўка-сўка Вазгендан — ранг-рўйимни кўриб ул ҳам хийла пажмурда бўлди — пўстинимни қандоқ олғоним ёлғиз оллоҳга аён. Кўчаға чиқиб қарасам, тагин қор ёғмоқда, аммо бу нам қор эди, юз-кўзларим ҳўл бўлди...

Уйда ҳам мухтасар дилгирлик содир бўлди. Аёлим мендан, бахай, адаси, нима масала экан, сизни Мухтор Каримли ҳузурига не мақсад ила чақиришғон экан, деб сўрғон эди, мен ўзимни тута билмай, бор овозим ила, мени саҳнада маймун каби ўйнатмак учун чорлашғон экан, жамоат жиртак чалди, мен эса бошимға бухори папоғимни дол қўйиб хийла ўйинға тушдим, барча йиғилғонлар файзиёб бўлишди, деб қичқирдим... Бу гапларни Салима қизим ҳам эшитиб турғон экан, лаззатланиб, ўбдон қичқираб кулди. Кулмай не қилсин, бола дегани куладирғон нарсаларға кулади-да! Қизимға қўшилиб менинг ҳам кулғонимни кўргач, аёлимнинг-да чехраси ёришди ва шул баҳона, ҳўш, жун бўйинбоғ нима бўлди, Каримли уни сизға қайтариб бермадим, деб сўради. Ул қайтармоқчи бўлғон эди, мен бўйинбоғни унга инҳом этдим, деб жавоб қилдим. Сўнг хаёлимға, қошки бир қадар осойишталик бўлса эди, мен ҳам ўлтириб бир ҳикоя битар эдим ва номини «Жун бўйинбоғ» деб қўяр эдим, деган фикр келди. Аммо афсус, минг афсуским...»

«31 январь, ҳамон совуқ қиш кечалариндан бири.

Соат тунги бир ярим, уйдағилар ухлаб ётибдир, фақат мен мойчиноқ ёғдусинда майда-чўйдалар борасинда хаёл сурмақдамен. Электр чироғи ёнмайдир, управдомнинг айтишиға кўра қайдадир симларни йилдирим урибдир. Зинҳор маним қўлларим титрамас эди, ажабо, энди нега титрайдир? Хўш, мен шул қадар юраксиз, шул қадар қўрқоқ эканманми?.. Нима бўлганда ҳам, ҳар ҳолда, ёзмоғим вожибдир, ёзмас бўлсам, кўп тафсилотлар ёдимдан фаромуш бўладир, деган фикрдамен.

Эрталаб қайға боришимни аёлимға айтмадим, ундан пинҳон тутдим, нечунким унинг юраги оғрир эди. Ё оллоҳ, сен менинг умримдан олиб, аёлимнинг умриға қўшгил, зеро, қиз болаға она лозимдир, зинҳор сен менинг Салима қизимни онасиз қолдирмағил, ё раб-бим!..

Мени чақиришғони идораға келиб, эшикни очиб ичкари кирдим, пештахта янглиғ бир нимарсанинг ортинда бир кимса ўлтирибдир, «Ассалому алайкум!» дедим, у ҳам мен сори қоқиб бош силкиди, авзойидин бир сўз айтадирғонға ўхшамайдир. Соат нечада қақирғон бўлсалар, айна муддатинда келғон эрдим. Девордағи думалоқ соат роппа-роса ўн бўлғонини кўрсатур эди. Ниҳоят, бояги кимса исму шарифимни сўради, паспортимни олиб ўқиди, сўнг хийла муддат паспортдағи сувратимға, хийла муддат маним юзимға тикилди. Аввал, эҳтимол, шошғоним боис уйдан ўз паспортим эвазига аёлимнинг паспортини кўтариб келғонға ўхшаймен, деган хаёлда андак саросимаға тушдим. Аммо, худоға шукр, саросимаға тушмагим беҳуда экан, ул кимса, ўтавергил, пустину папоғингни ечиб, иккинчи қабатға чиққил, ул ерда сенинг қайси хонаға кирмагинг лозимлиғини айтадирлар, деди. Пўстин ила папоғимни илмоқлардин бириға илғоним асно ул кимса қайғадир занг уриб, маним исму шарифимни айтди. Гардеробдин чиқиб иккинчи қабатға кўтарилдим, унда узундан-

узун бир даҳлиз бўлиб, бул даҳлизнинг шифт қадар эшикларни бор ва бу эшикларнинг ҳаммаси ёпиғ эрди. Мундин кўнглимда бир ғашлиғ пайдо бўлди, кеча тунда тушимға кирғон вагон ёдимға тушди. Билониҳоя бемаъни бир туш эрди, бандаси ушмундоғ тушларни кўрмағони яхши, нечунким, бул тахлит рўёлар эртамикечми одамни андазадан чиқарадир. Тушимда бир вагоннинг тору танг даҳлизда суялиб турғон эмишман, жамиъ бўлмаларнинг эшиги маҳкам берк эмиш ва бул қулфлоглиғ эшиклардин қайси биринингдир ичкарисинда бир эркак бетиним йиғлар, бир аёл эса унга, қўйинг, бегим, йиғламангиз, худо хоҳласа, ҳамма нарса ўз измиға тушиб кетадир, дер эмиш. Мен эрсам, ҳарқанд ортимға ўгирилиб қарамак истасам-да, зинҳор бурилла олмас эмишман, нигоҳим қаршимдоғи қоп-қоронғу ойнаға михланиб қолғон эмиш... Бул тушим нечун энди илкис ёдимға тушғонини ўзим ҳам билмаймен. Алқисса, даҳлиздан кираверишда устал ортинда ўзга бир кимса ўлтирар, ул ҳам худди мени қуйида кутиб олғон кимсаға ўхшарди, мен даставвал бул иккиси оғани бўлса керак, деган ўйға бордим. Иккисининг ҳам эғнида қора камзул бор эди, иккиси ҳам оқ қўйлак кийиб, бўйниға қора галстук таққан эди. Бул ҳам маним исму шарифимни суриштирди, бул ҳам маним паспортимни олиб, хийла вақт гоҳ сувратимға, гоҳ юзимға тикилди, сўнг қуйидағи кимса берғон бир парча қоғозни устал устиға қўйиб, паспортни ўзимға қайтарди ва, ўттиз учинчи хонаға кирмагинг лозим, ўзлари чорлайдир, ҳозирча ўтиб манави курсиларнинг биринда ўлтиргин, деди. Мен ўтиб, девор бўйлаб терилғон курсиларнинг биринда тизимға тирсақларимни тираб ўлтирғон кўйи нафасимни ростладим ва шунда боя тушимни хотирлагондин бери ҳўшим жойида эмаслиғини, шул боис юрагим қинидан чиққудек дукуллаб урмакка бошлағонини ҳис этдим, Салима қизимнинг суврати келдигурди кўз олдимға. Оёғим остинда қиялатиб терилғон антиқа паркетларни сўлдан ўнг сори, ўнгдан сўл сори бирма-бир санамакка тушдим, ўнгдан сўл сори санағонимда, билмадим нечундир, аксига олғон каби, икки донаси ортиғ чиқди ва бул ҳам мени хийла дилгир этди. Ёнимда ўлтирғон кимса сезмасин дея оҳиста бош силкидим. Қулоғиға сув кирғон одам ўзини нақадар безовта ҳис қилса, мен ҳам ҳозир қулоқларимни тешгудек бир жарангос сасдан шул қадар безовта, ўзимни қўйғали жой топмас эдим. Бул туш қайдин ҳам менинг хотиримға тушди, эй худойим? Томдин тушғон тарошадек бул тушға бало борми эди?.. Шул аллоптада бир ярим соат ўтиди ва бул бир ярим соат мобайнида ушбу эшикларни берк узун даҳлизда ҳатто пашша-да пар урмади, на мендан бир садо чиқди, на қора камзулли кимсадан. Ниҳоят, ул кимса ўлтирғон устал устиндағи телефон майин занг урди, ул кимса дарҳол дастакни кўтариб, бир муддат қулоқ тутиб турғач, «будет сделано, товарищ Салахов!», деди. Сўнг дастакни жойиға қўйиб, ўрнидин турди, менга ёвуқ келиб, тур, кетдик, сени ўттиз учинчи хонаға элтаман, ул ерда сени кутмақдалар, деди. Кўнглимда «бисмиллоҳ!» дея ўрнидан туриб, ул кимсаға эргашдим. Ўттиз учинчи хонаға етғонимизда ул кимса тўхтади, бошини сарак-сарак қилиб кулимсинди ва эшикни очиб, «пройдите» деди.

Мен бул хонаға, яъни ўттиз учинчи хонаға кирмак тараддудинда эканман, ўзимни бир қадар дадил, бардам тутсам яхши бўлғай, деган хаёлға бордим. Аммо ўзимни на қадар дадил, бардам тутмакка жаҳд этмайин, фойдаси бўлмади. Ичкари кириб, Рустами Золға ўхшағон келбатли, басавлат бир кимсани кўрғон асно дамим ичимға тушиб кетди ва хийла суст тортиб қолдим. Бул кимса ҳам басавлат эрди, бундайларни биз тарафлар-

да гуппон дер эдилар, ҳам мандин анча ёш эрди...

Негадир бул кимса мени кўриши биланоқ гўё азиз биродариға дуч келгон каби, шод-хуррам кулиб урнидин турмакка чоғланди. Ҳозир, ҳойнаҳой, боши шифтга тегадир, деб ўйладим мен. Сўнг қўлларини хўроз янглиғ очди, мени оғушламак истайдир, деган хаёлға бордим. Ул кимса қийқириб юборди, овози ғоят нозик, кўпрак аёлларнинг овозиға менгзар эди:

— Ий-е, Саъди Афанди, ажойиб, ғоят ажойиб!..

Худо ҳақи, бу сўзларни андоғ оҳангда айтдиким, менга жуда ёқиб тушди ва беҳад мамнун бўлдим. Сўнг ул кимса усталнинг ортиндан айланиб ўтиб, менинг ёнимға келди ва қўл узатди, бир муддат қўлларимни сиқиб турди. Саъди Афанди, деди, сизни бул қадар узоқ куттириб, ранжитиб қўйғоним учун минг бор узр, худо шохид, юмушин шул қадар кўпким, тасаввур этмак-да қийин. Шундан сўнг тағин у, бугун маним энг бахтиёр куним экан, чунки Саъди Афанди каби халқимизнинг фахри бўлгон бир инсон ила танишмак шарафига ноийл бўлдим, деди. Бул сўзлар менга лаззат бахш этмади, деса, ноинсофлик бўладир. Аммо тағин бир томондин ўйладимки, магарким бул кимса мен ила танишмак ниятинда экан, не боисдан мени бул ерларға чақириб юрибдир, не учун уйимға бормайдир ёинким мажлис-маърузаларда танишиб олмайдир? Бироқ бул борада узоқ бош қотириб ўлтирмадим, ул мендан ҳол-аҳвол сўради, мен эса ундан, сўнг унинг исму шарифини сўрадим, Салоҳов Одил Қамбарович, деди ул ва шул заҳоти, мени шунчаки Одил деб атайверинг, нечунким мен сиздан кичикман, дея илова қилди. Яхши, дедим мен, «ажойиб, самимий, ориф кимсалар ҳар жиҳатдин ҳурмат-эҳтиромға лойиқдирлар». Бу гапларни мен баландлаб айтмадим, шунчаки кўнглимдин кечди. Салоҳов маним қўлимдан тутиб, ўз қаршисиға ўтказди, шу сония эшик очилиб, қўлиға мўъжазгина патнис кўтаргон аёл кириб келди ва патнисдағи чинни қойнак, ажойиб, нақшли истаконларни, шунингдек, маним Салима қизим жуда хуш кўрадиргон усти чакичлангон думалоқ печеньеларни устал устиға қўйди. Салоҳов маним бул печеньеларға суқ ила боқмагимни пайқади шекилли, Саъди Афанди, нега бул қадар диққат ила тикилиб қолдингиз, деб сўрди. Очиғи, уёлиб кетдим, кулимсинган асно, авваллари бу печеньелар дўконларда мўл бўлгувчи эди, энди негадир чиқмай қўйди, маним бир қизалоғим бор, ул буни бағоят хуш кўрадир, дедим. Салоҳов буни эшитгон заҳоти, шундоғми, дея ўрнидин туриб, эшик олдинда амрға мунтазир тургон аёлға нимарсадир деб пичирлади, тағин печенье олиб келмакни буюрмакда, деган хаёлда мен, шул ўзи кифоятдир, қорним оч эмас, дедим, Салоҳов қўл силтаб, мен бошқа нарса борасинда гаплашдим, сиз зинҳор безовта бўлманг, деди. Сўнг қайтиб ўз ўрниға ўлтирди ва билмадим не сабабдин бир муддат кўзларимнинг ич-ичиға тикилиб турди, тикилгонда ҳам гўё ҳақим беморға тикилгони каби зеҳн ила тикилди, сўнг жилмайган асно чойнакни олиб истаконларға чой қўйди ва, Саъди Афанди, келинг, чой ичиб бир гурунглашайлик, кўрайлик-чи, бошимизға қандоқ фикрлар келар экан, деди. Бағоят ажойиб фикр, дедим мен, чунки ташқари жуда қаттиқ совуқ бўлиб, бул ерға келмак мобайнида этим увишиб қолгон эди.

Ушбу сонияда, кундалигимға бул сўзларни ёзмак баробаринда нуқул бир нарсани ўйламакдамен ва ҳарчанд ўйламайин, бул мушкул жумбоққа бир оқилона жавоб топа олмай ҳайронмен: ажабо, Салоҳов бул қиш кунда мени нега ўз ҳузурига чорлади экан, яратганинг не сиру асрори бўлди бул, зеро, бўйнимға олмоғим лозимки, маним кутғонимнинг акси ўлароқ, бул

кимса менга таъруфлиғ ва назокат не эканлигини очиг-ойдин намоиш этарди.

Истаконларимизға иккинчи маротаба чой қуйилгонда Салоҳов маним охирги романимни тилға олди ва мен бул кимса ул романин ўқиб чиққонини, ўқигонда ҳам диққат ила ўқигонини, асаримни унга ўқимак учун, шубҳасиз, Мухтор Каримли бергонини англадим. Бул асарни Салоҳовга ундан бўлак ҳеч кимса бериши мумкин эмас эрди. Чунки мен дастхатни ҳали янги алифбода мошинкаламаган эдим, уни не-не машаққатлар ила, тунлари бедор ўлтириб, Кўмир майдонинда бир жуҳуддан тилла баҳосинда олғоним оппоқ қоғозларға эски алифбода кўчириб чиққан ва чоп эттирмак мақсадинда Каримлиға ўқиб чиқсин учун бергон эдим. Чунки янги таомилға кўра мундин сўнг эътиборан ким ёзғонини чоп эттирмак истаса, даставвал шайтонлар пири бўлмиш Мухтор Каримлиға бермаги шарт эди, ул кимса ўқиб чиқиб, имзо қўйғонидин сўнг асарни ношир ва муҳаррирға топширмак мумкин эди. Негадир мен кул қовлаб ўтирмадим, яъники Салоҳовдан, ҳой одам, Каримли маним асаримни нега сенга ўқимак учун берди, мундин ул не мақсадни кўзда тутди экан, деб сўрмадим. Зеро, маним бул асаримда на болшовоий бор эди, на мусовотчи¹ ва на анархистичи. Юрагимни ёқиб-ёндиргон, мамлакатнинг олис кечмишиндан баҳс этувчи бир тарихий воқеани қаламға олгон эрдим. Аммо гап шунда эдиким, Каримлидан фарқли ўлароқ, Салоҳов маним бул ёзғонларимни хийла таъриф-тавсиф айлади, бул таърифлар жонимға мой каби ёқди, оллоҳ етти пуштингни шоҳистаи жаннат қилсин, ҳой Салоҳов, сени туққон волиданга раҳмат, дедим ичимда... Чунки маним бул асарим Каримлининг кўнглиға ўтирмагон, наинки кўнглиға ўтирмагон, ҳар бир мажлисда ул ўрнидин туриб бул асар ҳақинда оғзиға келгон номаъқулни демакдин тоймас, жамоат орасинда меним обрўйимни тўкмагини қўймас эди. Унинг мулоҳазалари ҳам асосан мундин иборат эдиким, гўё мен сафсатаға менгзар бир нимарса ёзғон эмишман, анинг на боши бор эмиш, на фалон ери, ажойиб, гўзал мавзулар турғони бир ҳолда мен бир тарихи нодирға ёпишиб олгон эмишман ва бул тарихи нодирға маним муносабатим синфий муносабат эмас, жуда аблаҳ бир синфнинг муносабати эмиш. Шул сабабдин, табиийким, асарни чоп этмак борасинда сўз бўлуви мумкин эмас ва ҳоказо-ҳоказо дея қонни қайнатадиргон, кўнглини айнатадиргон гапларни айтар эди. Ушбу боисдан ҳам Салоҳовнинг айтгон фикрлари мени бир қадар шоштириб қўйди, андоқ шоштирдиким, бошимға оғрик кирди.

Салоҳов менинг ёзғоним борасинда узундан-узоқ, майда-чуйда тафсилотлари бирлан гапиргондин сўнг, ниҳоят, суҳбатимизнинг адоғинда, Мухтор Каримли ҳам асарингизни ўқиб хийла файзиёб бўлибдир, бул юксак фикрни унинг ўзи менга айтди, деди. Шул гапни айтгондин сўнг Салоҳов ичиға ўт кетгон каби чойдин катта бир қултум ҳўпладиким, истакон яримлаб қолди, ул тағин бояги каби кўзларимнинг ич-ичиға тикилди. Агар мундин сўнг кимда-ким менга, бул замона одамларининг феълу атвориға, қору амалиға тушунамен, деса, мен ул кимсани масҳара қилиб куламен. Ҳой яхшилар, наҳотки, маним асарим Мухтор Каримлининг кўнглиға ўтирибдир ва ул зот бу фикрни Салоҳовга айтибдир?! Шайтоннинг амалиға минг лаънат, яхшиким, Салоҳов чой келтирғизгон эди, магарким бул чойнак бўлма-

¹ Мусовотчи — Озарбойжонда 1912 йилда вужудга келиб, 1920 йилда тугатилган озарбойжон буржуазияси ва ер эгалари аксиляинқилобчилар партиясининг аъзоси (тарж.).

ғонда ва сұхбат ушбу маромига етгон махалинда мен чой ичиб ўзимни чалғитмағонимда телба бўлмагим тайин эди. Бунчалар хийла-найранг, бунчалар қалтис ўйин бўладими, ахир? Эвоҳ, наҳот бул қадар риёкорлиғ, бул қадар ҳаёсизлиғ! Мундоғ риёкорлиғ, мундоғ ҳаёсизлиғ ҳатто шайтонга ҳам юк бўлмағайми? Во ажаб, биз яшағонимиз, умргузаронлиғ қилғонимиз бу не дунёи дун бўлди ўзи? Бядан бери ўзимни нақадар эҳтиёткор, нақадар тадбиркор тутиб келғон, айтғоним ҳар сўзни минг ўлчаб-биғон бўлсам-да, сұхбат бул мақомига етгонда ўзимни тутта билмадим, ахир, бирон-бир мажлис, бирон-бир машварат йўқим, унда Уртоқ Мухтор Каримли маним асаримни танқид қилмағон, ўзимни ҳақорат этмағон бўлсин, дедим. Салоҳов менинг сўзларимга тузатиш киритди, танқид қилар эди, сўкар эди, яъни буларнинг ҳаммаси ўтгон замонда бўлғон, аммо мундин сўнг зинҳор бундай бўлмажак, деди. Биз унга айтдик, унинг ҳам романга муносабати бир тарафлама эканлиғини, баъзи қарашлари янглиш эканлиғини тушунтирдик, бинобарин, биз Саъди Афанди каби миллатимизнинг фахри бўлғон бир инсоннинг бошига жузъий икир-чикирлар бос турфа савдолар тушмагига изн бермаяжакмиз, деди. Шундай дея Салоҳов менга тағин бир истакон чой қуйди, қаршимдағи талинкаға икки-уч дона чакичланғон печеньедан солди. Мен алардин бирини олиб едим. Салоҳов маним печеньеени еб тугатмагимни кутди, шекилли, тағин маним асаримга қайтди. Романда бир масхара бор, Уфлама Қосим деган, ул сувратни яратғонда кимни назарда тутиб эдингиз, деб сўради. Астағфуруллох, дедим ичимда, ўз-ўзимни огоҳ этиб дедимки, ҳой одам, ҳушёр бўл, асардағи барча воқеалар бир канорға қолиб, нега бу фақат Уфлама Қосимни сўраётир, балки мени тилимдан илинтирмак истайдир? Ўзимни йўқотиб қўймадим, яъни Салоҳов маним саросимаға тушиб қолғонимни сезмасин деган мақсад ила печеньеелардин тағин бирини олиб тишладим, чойдан ҳам бир хўпплам ичғонимдин сўнг, ҳеч кимни назарда тутғоним йўқ, Шўродин аввал Истамбулға борғонимда ул ерда лозим қадар тарихий манбаъларни кўриб чиққон эрдим, уларда қайд этилишча, чиндан ҳам мамлакат хонининг Уфлама Қосим отлиғ масхараси бўлғон экан, дедим. Сўнг Салоҳов, Истамбул жуда гўзал шаҳар деб айтадирлар, шул ростми, деб сўргон эди, мен, ҳақиқатан ҳам гўзал шаҳардир, зотан, дунёда не-не гўзал шаҳарлар бор, Истамбул-да, шубҳасиз, аларнинг биридир, деб жавоб қилдим. Мундин сўнг Салоҳов мен билан ортиғ рўбарў ўтирмади, ўрнидин туриб, хона бўйлаб у ёндин бу ёнға юрмакка бошлади, бир оздин сўнг бориб ўзининг усталиға ўлтирди, усталға тирсақларини тираб, тағин учинчи дафъа кўзларимнинг ич-ичиға тикилди ва мен ҳали ўзимни босиб олғунча бўлмай, хўш, Саъди Афанди, сизнинг А. Г. ҳақинда фикрингиз қандоқ, ул қандоғ одам, деб сўради...

Мана гапнинг индаллоси қаерда, ҳой ғофил Саъди, кўпни кўргон бир одам бўлғонинг ҳолда сени бул жойға не мақсад ила қақиршғонини нечук пайқамадинг?! Офарин сенга! Роман андоғ эмиш, Уфлама Қосим ундоғ эмиш, Каримли бундоғ эмиш! Энди ўзингни қўлға ол, мардлик фурсати келиб етгонга ўхшайдир, ҳазилингни бир канорға қўй, энди номус ила виждонни намоеън этмак мурддати келди, дедим кўнглимда. А. Г. мамлакатимизнинг, гўзал, фаровон жумхуриятимизнинг энг номусли, покиза ва фидойи ватандошларидан биридир, мен ул зот ҳақинда фақат яхши сўзлар айтмоғим мумкин, бизнинг мамлакатда А. Г. каби саводли, истеъдодли бошқа бир зиёлини топмак мушкулдир, дедим. Бул сўзларни айтмак асносинда бисёр

ғазабга миндим, учинчи печеньеени олиб оғзимға солдим, гўё тишларим остинда печеньеени эмас, Салоҳовнинг ўзини эзиб чайнамакда эдим ва мундин жонимға бир роҳат атрқалар эди, нечунким, мен юрагимни бўшатиб олғон, айна лозим пайтида ҳушёр тортғон эдим. Сичқон бир тешик топиб, мушукнинг чангалидин озод бўлғон каби, мен-да энди қопғонға қайта тушадирғон лақма эмас эрдим. Ҳатто ўз фаросатимға қойил қолиб, кўнглимда «боракалло!» деб кўйдим. Салоҳов маним айтғон сўзларимдин хийла кулди, тағин такрор-такрор узрхоҳлик сўради, маъзур тутғайсиз, деди ул, вақтингизни олмақдаман, бироқ на илож, ҳар кимсанинг ўз вазифаси бор ва ҳар кимса ўзининг бул вазифасини ҳалол адо этмоғи лозим. Албатта, дедим мен, ушмундоқ оқилона сўзға эътироз йўқ! Сўнгра Салоҳов, гап А. Г.нинг саводли ёхуд саводсизлиғи борасинда эмас, гап шул ҳақиндаким, А. Г. оғзиға кучи етмасдин дуч келғон ерда ҳуда-беҳуда валдираб юрибдир, деди. Биродар, дедим мен, уни мен неча йиллардин бери биладурмен, аёлларимиз ҳам бир-бири ила эгачисингиллардек яқиндир, бироқ бул давр мобайнида мен унинг ортиқча ул-бул гап айтғонини эшитгон эмасмен, ҳамиша бошини эгиб, ўз ёзув-чизуви бирлан бўладир, зинҳор бир кимсаға, кўзинг устинда қошинг бор, деб айғон одам эмас! Салоҳов таажжубға тушғон каби бўлди, бир қоши оқори кўтарилди, бир қоши қўйи тушди, мен сизларнинг дўст эканлиғингизни билмас эканмен, деди у ва илова қилди: «афсус», Тағин бир мурдат ўтғач ул, хўш, наҳотки, ул кимса бир бор бўлса-да оғзиндан гуллаб қўймағон, деб сўради. Йўқ, бирор марта, ҳатто ярим маротаба ҳам беҳуда гап айтғони йўқ, шоҳид сифатинда онт ҳам ичмагим мумкин, дедим мен, қўлиға тушғон пулларнинг ярмини етим-есирларға, фақир-фуқароларға бўлиб берарди.

Салоҳов тағин менга илк бор кўриб турғони каби диққат ила боқди ва андоқ қийқириб кулдиким, гўё юз хўроз бир ерға йиғилиб, баравариға қичқиргон каби бўлди. Мен, очиги, бул алпозда кулгон кимсани кўрмағон эдим, бул кимса не боисдин кулди, маним қайси гапимға кулди, деб ҳайрон бўлдим. Ҳарчанд ўйламайин, зинҳор буни фаҳмлай олмадим, нечундир бул қийқириқ кулгудан сўнг Салоҳов бўлак мавзуға кўчди, об-ҳаводин, канорда ёғаётган қордин гап очди ва мундоқ ҳавода ўз уйинда бўлмағонларнинг аҳволиға вой, мундоқ ҳавода ўз уйинда ўлтириб чой ичмакка не етсин, деди. Сўнг усталнинг ёниндағи тугмасини босди. Эшик очилиб, боя чой олиб киргон аёл қўлинда бир бойлам нарса ила ичкари кирди ва ул бойламни маним ёнимға келтириб қўйди. Бул бояги печеньеелардан, деди Салоҳов, бизнинг қизалоққа элтиб бергайсиз, маза қилиб еб, Одил амакисиндан миннатдор бўлсин. Худо ҳақи, овора бўлманг, дедим мен, ўзим топиб оламан. Оворагарчилиғи бор эканми, деди ул, печенье дегани не бўлибдирким, ўлканинг буюк бир ёзувчиси уни излаб дўконма-дўкон сарсон бўлсин ва ҳоказо-ҳоказо. Сўнг қўлининг тегидағи қоғозлардан бирини олиб менга узатди ва, Саъди Афанди, сиздан бир ўтинч бор, бул ўтинч шундан иборатким, ҳозир А. Г. ҳақинда нимаки айтғон бўлсангиз, ушбу қоғозға битинг, деди. Ахир нимани битамен, ул шўрлик ҳақинда нима дедим ўзи, дея ташвиш ила сўрадим мен... Бул дафъа юз хўроз эмас, минг хўроз бир ерға йиғилиб, баравариға қичқиргон каби бўлди, қулоқларим тешилмагига бир баҳа қолди. Неки айтғон бўлсангиз, шуни ёзинг, деди ул. Яъни ул кимса маним энг яқин дўстимдир, неча йиллар мобайнида ўзимиз ва аёлларимиз борди-келди қилурмиз, кўп маротаба бирга бўлғонимиз ва ул зот ҳеч қачон, ҳеч жойда беҳуда, бўлар-бўлмас гапларни валдирағон

эмас, деб ёзинг. Атиги шул кифоятми, сўрдим мен. Бўлмасам-чи!

Хой яхшилар, бул каснинг ниятига боқинг, бир жуфт кўз, бироқ, бири ғилай, бири соғ! Қоғозни олдимга олиб, давотни сиёҳга ботирдим ва Салоҳов не айтган бўлса, барчасини ёздим. Остига имохо чекдим ва санани битиб қўйдим. Андин сўнг Салоҳов қўлини чўзиб қоғозни олди, ўқиб чиққач, «кўп яхши» деди, мен ниҳоят кетмак фурсати етганини англаб ўрнимдан турдим, Салоҳов ила қўл қиспишиб хайрлашдик, ул мени остонага қадар кузатиб қўйди, мен шод-хуррам даҳлизга чиқиб, қора камзулли кимсадан ҳалиги бир парча қоғозни олиб пасгга тушдим. Қўйида ўлтирган кимса, қўлтиғимдаги бойламини кўриб, сўради: «Что это?» «Это есть печенье, которое подарил мне товарищ Салохов»,— дедим мен. Ул кимса жилмайган эди, мен-да жилмайдим...

Соат тунги уч ярим, мойчиروق липиллаб ёнадир, мен мактаб дафтарига бул кун бошимдин кечган ғалати воқеатни ёзмакдамен ва нечун бул басавлат кимсанинг саси кўнглимга ботмоғони ҳақинда ўйламакдамен. Кўнглимга ботмади дегоним шул боисданким, ул кимсанинг саси жуда нозик, ҳаддин зиёда ингичка эди. Агар кўзларингни юмсанг, гўёким эркак эмас, заифа зоти гапирмакда, деган хаёлга борар эрдинг. Одамнинг қитиғи келарди бу сасдан. Энди бир муддат нафас ростламак лозимдир, ҳовлига чиқмагим маъқул, нечунким, ҳавосиз хонада бўғилиб ўлтирмакдин ёмони йўқ, нечунким, бунинг устига кўнглим ҳам бир қадар безовта, билмайман менга не қору ҳол бўлди ўзи?.. Балким бул аҳволот севинганим важиндандир. Зеро, мен ул қоғозга бояги сўзларни ёзганим боис, эҳтимол, А. Г. қай ерда бўлмасин, иншооллох, уйиға чиқиб келадир. Эй худованди олам, етказган кунингга шукр!»

«Агар тунги икки яримда, аҳли шаҳар ширин уйқуда ётган бир маҳалда мен ҳовлида Акоп Мирзаянға рост келмагимни билсам эрдим, зинҳор ўрнимдан жилмагон бўлур эдим. Ҳар ҳолда, қаттиқ қорғоним боис, туриб пўстинини, папогимни кийдим ва бир оз мусаффо нафас олғоч, қайтиб келиб гум-гурс ётмак ниятинда ҳовлига тушдим.

Хулласи калом, ҳовлига чиқдим, ой шуъласинда мафтункор жимираб ётган қордан файзиёб бўлиб, муздек ҳаводин ютоқиб-ютоқиб симирдим. Нақадар гўзал кеча эрди бул, худойим! Яшамак на буюк неъматдир, бул дунё бошингга не-не тегирмонлар юргизса-да, фақат ушмундоқ кечанинг, ушмундоқ қорнинг эвазига яшамак суруриға не етгай! Ҳовли саҳни бўйлаб гоҳ ул сори, гоҳ бул сориға юрдим, пойимда фирчиллагон қор кўнглимга олам-олам фараҳ солди; шул асно ортимдан илкис бир сас эшитилди. Мирза, тунинг хайрли бўлсин, деди кимдир. Билдимки, бул Акоп Мирзаяннинг сасидир, ул шайтони лаиннинг сасини танимагоннинг падариға лаънат! Ортимга бурилмакдин аввал, магарким бул дафъа ҳам ул бетавфиқ нодуруст гаплар айтар бўлса, бир калла қўйиб оғзи-бурнини қора қонга бўягаймен, деган фикр кечди кўнглимдин. Ортимга бурилиб, дарҳақиқат, Акоп Мирзаянни кўрдим, ул ғоят юпун кийиниб олгон, афтидан, ҳовлидаги ҳожатхонадан келмакда эди, нечунким, ўнг қўлинда офтоба бор эди. Арманининг қўлинда бул офтобани кўриб, «боракалло» дедим ичимда. Акоп Мирзаянға ҳурматим бир қадар ортди. Хайрли тун, Акоп, дедим, тинчликми? Тинчлик, деди ул, сендан бир ўтинчим бор, арвоҳларнинг ҳаққи-ҳурмати, сўзимни ерда қолдирмағил. Арвоҳлар ҳаққи-ҳурмати онт ичаманким, сўзингни ерда қолдирмасликка ҳаракат қиламен, дедим мен. Акоп бир-икки бор йўталиб олғоч, бирпас бизнинг уйға кирайлик,

худо ҳақи, йўқ демағил, деди. Хой одамзот, дедим мен, соат уч бўлиб қолди, аёлинг, бола-бақраларинг ухламакдадир, мен сенинг уйингга кириб, аларнинг уйқусини пароканда этмагим ҳеч инсофдан бўлурми? Акоп бир одим илгари юрди, тагин йўталиб олғоч, болалар ичкари хонада ётурлар, биз эса ойнаванд айвонда ўлтирурмиз, агар маним бул ўтинчимни ерда қолдирсанг, худо ҳақи, ушбу тунда юрагим сиқилиб ўламан, дея ёлбормакка тушди. Унинг бул сўзлариндан кейин маним бўлак важ-карсон топмакка иложим қолмади, бир пойимдаги қорга, бир осмондаги ойға, бир эса қўлинда офтоба кўтариб олгон Акопға боқдим ва, ихтиёринг, бормоқ вожиб экан, борайлик, дедим».

Қадимий соат тунги иккига занг урди, бемор Саъди Афандининг эски алифбода чиройли қилиб ёзилган кундалигидан бош кўтарди. Соат тунги иккига занг чалмаганда ҳам, бемор мутолаа орасида жиндай танаффус қилиб олмоқчи, Саъди Афанди айтганидек, «нафас ростламакчи» эди, чунки у негадир Саъди Афанди қорли кечанинг нақ ўша қаттиқ совуғи оғушида, қўлига офтоба кўтариб олган Акоп Мирзаян билан юзма-юз қолдирмоқ, вақтни ўша мақомда тўхтатиб қўймоқ истагиди эди. Зеро, бемор ўша қорли кеча эҳтимол Саъди Афанди ҳаётидаги энг бахтиёр, энг файзиёб кечалардан бири эканлигини ҳис этар, кундаликнинг давомини ўқишга тутинса, Саъди Афандини ўша соҳир тундан, ғарчиллаб турган қордан, шуълалари ила оламни ҳазин бир рангга бўяб ётган қумуш ойдан ажратиб қўйишига имони комил эди...

Бемор дафтарни стол устига қўйди ва вақт ҳам шу асно тўхтаб қолди: Саъди Афанди билан Акоп Мирзаян қорли тунда, ой шуълалари қўйнида ҳайкалдек қотиб қолдилар. Бемор секин ўрнимдан турди, заифлиги ва узоқ муддат бир жойда ўлтиргани учун боши енгилгина айланар эди, лекин барибир қайтиб ўтирмади, уч-тўрт одим отиб дераза олдиға борди, пардаларни айлариб, ўнг кафтини дераза шишасига босган эди, эти жунжикиб кетди: шиша муздек бўлиб, беморнинг кафтига худди бир бўлак ях ёпишгандек бўлди, кўксини ёқимли бир саринлик тўлдирди, гўё қандайдир мўъжиза рўй бердию, бу иссиқ, димиққан хонадан чиқиб, баланд-баланд тоғлар тепасига бориб қолгандек, мусаффо ҳаводан бағрини тўлдириб-тўлдириб нафас олгандек, ҳис қилди ўзини. Салоҳов Одил Қамбарович... Бу ўша Маҳмуд айтган, Зулфиқор амакининг ғаними бўлмиш Салоҳов эмасмикан, ахир иккинчи йўлакда яшайдиган мўйловдор кимсанинг ҳам фамилияси Салоҳов эмасмиди?.. Вой шўрлик Саъди Афанди. Ахир одам кўра-била туриб ҳам ўзини ўтга отадими?.. Бемор оқ чекканича бармоқларини жуфтлаб, кўзларини уқалади. Зеро, Салоҳовга Саъди Афанди ёзиб берган ўша уч-тўрт жумладан бўлак нарса керак эмас эди, бу беморга беш қўлдай аён эди. Зотан, А. Г. билан узоқ йиллардан бери дўст эканлигингизни, тез-тез кўришиб турганлигингизни эътироф этдингми, демак, учрашганларингизда эски кадрдонлар каби нималар борасида гаплашганларингизни, бир-бирларингизга нималар деганингни фаҳмлаб олиш қийин эмас. Бемор Саъди Афанди кўрган тушни эслади. Кўз олдида мўлтир-мўлтир йиғлаётган бир кимса намоён бўлди, ҳатто бу кимса қоп-қора дераза ортидан ўгирилиб унга қўл ҳам силкиди ва бир муддатдан сўнг шуъласиз, ҳавосиз бир бўшлиққа сингиб, кўздан ғойиб бўлди...

Давоми келгуси сонда.

Чингиз Долимов

ПАНЖАРА

Кўшним ўғил уйлантирди. Ўзиям, тўймисан — тўй бўлди-да. Кайфим чоғ, бир-бир босиб аста кулбамга равона бўлдим. Остона ҳатлаб уйга киришим билан хотиним:

— Қаёқларда юрибсиз ўзи? — деб бобиллай кетса бўладими.

— Қаёқда бўлардим, кўшнимизникида, тўйда-да,— дедим жеркиб.

— Сабзи тўғрарга, ошга чиқдингиз — бўлди-да, никоҳда бало борми сўлоқмондай кишига?

— Ҳе, эсингни йиғ, хотин. Ахир, Тоҳиржон кўздек кўшнимиз-а.

— Кўздек кўшни, кўздек кўшни... Балконнинг деразасини кўздек қилиб кетишди. Чиқиб қаранг. Уйда бўлсангиз анча далда бўлармиди... Нақ ўтакам ёрилаёзди-я.

Югуриб балконга отилдим. Не кўз билан кўрайки, деразанинг икки катта кўзи чил-чил бўлиб синиб ётарди.

— Кимдан чиққан ҳунар бу? — дедим таъбим бузилиб.

Тўйдан олган бир чимдим кайфим учди-кетди.

— Сўраб келсангиз, айтиб бераман,— деди хотиним тумтайиб. Сўнг безорини қарғай кетди: — Ҳаҳ, қўлгинанг акашак бўлгур, тифпарроннинг ўқиға учрагур, йигит ўлмасанг, асти рози эмасман...

— Бўлди, бўлди, ўзингни бос,— дейман-у, ўзим ҳам безорининг гўрига фишт қалайман. Қани энди шу тобда қўлимга тушса-ю, товонини шиша билан тилиб, туз сепсам. Йўқ, йўқ, бу ҳам оз. Тилиб, шиша синиғини товонига қадасам, сўнг қувиб ҳақкалаб қочишини томоша қилсам.

Жаҳл устида участковойга сим қоқдим. Ҳа-ҳу дегунча, участкавойимиз Соли тирпаррон билан ДНД инспектори Тўхташ етиб келишди. Сўрашиб, уларни вайрона балконида бошладим. Тирпаррон ён дафтарида ёзган-чизган бўлди.

— Чатоқ, чатоқ,— дея ўзича ҳамдардлик билдирди.

— Мана буни биласиз-а? — деди Тўхташ қўлидаги узун қора таёқни кўрсатиб.

— Биламан, сизларнинг тилда «дубинка» дейилади бу.

— Ҳа, баракалла. Милиция ходимларига ана шу «дубинка»ни ишлатишга ижозат берилди.

— Буёғига безориларнинг туҳумини қуритамиз,— дея гап суқди Тирпаррон. Сўнгра деразадан кўчага қараб, тош қай томдан отилганини аниқлаган бўлишди.

— Уч-тўрт кун шу атрофга «кўнгилли»ларни ташласангиз бўлармиди,— дедим.

— Ҳақ гап,— дея илиб кетди Тирпаррон.— Бироқ, тайин қилгунимизча ўзингиз ҳам ишдан кейин пастга тушиб айланинг. Битта-ярим тасини тутиб берсангиз нур устига нур.

— Яна бир маслаҳат,— деб сўзга қўшилди Тўхташ.— Балконингизга хира ёнадиган чироқ ўрнатинг. Иложи бўлса ёқманг умуман. Ҳам назардан йироқ, ҳам ток тежалади — кармонга фойда. А, лаббай?..

Хуллас, улар қўйнимни пуч ён-ғоққа тўлдиришиб жуфтакни ростлашди. Ойнани бутлашга бутладим-у, кўнглим хира. Ишдан келгач, бироз дам олган бўламан-у, пастга, «сайр»га тушаман. Шом қоронғусида уй атрофида айланаман. Уйқуда ҳам ҳаловат йўқ. Кимдир пана-пастқамда яшириниб ётибди-ю, кўзимни шамғалат қилиб тош отадигандай.

Бошга иш тушса мия ишлайди, деганлари рост экан. Уйлай-уйлай, бир «ихтиро» яратдим. Учта кўриқчи ясадим. Қоронғи тушиши билан учта кўриқчинини балконнинг учта ерига ўрнатиб, рафиқам билан пастга йўрғаладим.

Кўча қоронғи, тепада ой мўра-

лар, ғира-шира нури деразада синарди. Пастдан ўз кашфимга қараб, ёқа ушладим. Хотиним ҳам ҳайрон. Балкондан учта тирик жонзот қараб тургандек эди.

Кўнглимиз бироз жойига тушгандек бўлди. Кўриқчиларни тонг ёришар-ёришмас йиғиштириб оламиз. Қош қорайиши билан яна жой ростонига қўямиз. Шуйтиб, уч-тўрт кун бежавотир яшадим.

Юрак ўйноғи босилгандай эди. Бир кеч «чарс-чарас» деган товудан сапчиб тушдим. Кўзимдан олов чиқиб кетгандай бўлди. Қарасам мусичанинг бошидан қаттароқ тош деразанинг кичик кўзини синдириб ўтиб, меҳмонхона ойнасига ҳам тегибди. Бу ойнанинг ҳам бир қавати чил-чил, иккинчи қавати дарз кетганди. Жонсараклик билан чор тарафга боқдим. Қани, топиб кўричи... Кўриқчи ҳам фойда бермади. Югуриб-елиб панжара қидиришга тушдим. Анқонинг уруғи. Охири савдода ишлайдиган бир танишим мушкулимни осон қилди. Ҳамма деразаларга пластмасса панжара қопладим.

Қош қорайгач, пастдан кузатдим. Авваллари разм солмаган эканман, бутун бошли «дом»да биттагина панжарасиз балкон қолибди. У ҳам бўлса Соли тирпарронники. Чироқ нурида кўзга оловдек ташланаётган балкони кўриб ҳавасим келди. «Отингни сот, тўнингни сот, ҳукумат бўл», дедим ич-ичдан ўқисиб.

Тўқайга ўт етса ҳўлу қуруқ баравар ёнади, деганларидек, хийла ўтмай тирпарроннинг балкони деразасининг ҳам кўзини чиқариб кетишди.

Ишонмайсизми?

Бунга тунов кунни Соли тирпарронникига ҳам ўрнатилган темир панжара гувоҳ.

Мундарижа

НАСР

Ойдин ҲОЖИЕВА. Болалик байрамлари. Бадиа	4
Намоз ЭРГАШЕВ. Ой билан суҳбат. Ҳикоя	12
Юсуф САМАД ўғли. Қатл куни. Роман	51

НАЗМ

Усмон АЗИМОВ	2
Улмас ҲУСАЙН	11
Музаффар Усмон АҲМАД	16
Муҳаммад ИСМОИЛ	22
Исмоил ТУЛАКОВ	29

НИГОҲ

Абдурахмат НОРҚОБИЛОВ. Наврӯз — ян- гиланиш, покланиш байрами	33
Турсун Али МУҲАММАД. «Ҳар кунинг Наврӯз ўлсун»	34
Дарсликлар талабалар нигоҳида	38
Дилбар ҲАЙДАРОВА. Шеърлар	41
Дуторчи кизлар ансамбли	42
Саодат НАИМ қизи. Шеърлар	44
Зулфия ЮНУСОВА. Шеърлар	44
Қўшон АБДУЛЛА. Шеърлар	45
Мўмин АВАЗ. Шеърлар	45
Навойнинг «Тил сандиғи»дан	46
Жалолиддин РУМИЙ	48

МАҚОЛАНАВИСЛИК

Уюшган жиноятчилар, мафия ва унинг қомийлари	18
Дадамни кўришни истамайман. Оила сирлари	49

АДАБИЙ ТАНҚИД

Шерали ТУРДИЕВ. Тонг юлдузи қисмати	23
Замира ЭШОНОВА. Ҳақ йўли, албатта, бир ўтилгуси	25
Мунаввар ФАРМОНОВА. «Баҳор зеби олам бўлғай»	32

ТАНИШУВ

Ҳабиба ҚУРБОНБОЕВА. Шеърлар	21
Шухрат ДЕҲҚОН. Қалдирғочлар қайт- маган баҳор. Ҳикоя	30

БЕБАҚТ УЧГАН ЮЛДУЗЛАР

Фахриддин АШУРОВ. Шеърлар	50
-------------------------------------	----

ЕЛПИҒИЧ

Чингиз ДОЛИМОВ. Панжара. Ҳажвия	79
---	----



«ЕШЛИК»

(«Молодость»)
ежемесячный
литературно-художественный
общественно-политический журнал
на узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и
Союза писателей Узбекской ССР

Мусаввир: Н. АКРОМОВ
Техник муҳаррир: О. РАҲИМОВ
Мусахҳиҳ: М. ТУРСУНОВА

Манзилгоҳимиз:
700113, Тошкент, Қатортол кўчаси,
60-уй.

Телефонлар:

Бош муҳаррир — 78-94-05
Бош муҳаррир ўринбосари — 78-49-83
Масъул котиб — 78-97-07
Наср бўлими — 78-97-58
Назм бўлими — 78-77-16
Мақоланавислик, адабий танқид ва
санъат бўлими — 78-17-47
Фотомуҳбир — 78-97-58

Таҳририят ҳажми 12 босма табақдан ортиқ
роман ва 8 босма табақдан зиёд қиссалар
қўлёзмасини қабул қилмайди.
Бир босма табаққача бўлган асарлар муал-
лифларга қайтарилмайди. Таҳририят ўз тав-
сиясига кўра амалга оширилган таржима
асарлар қўлёзмасинигина қабул қилади. Ой-
битикдан кўчириб босилганда «Ешлик»дан
олинди, деб изоҳланиши шарт.

Босмахонага 23. 01. 91 й да туширилди.
Босишга 4.03.91 й. да рухсат берилди.
Офсет босма. 1-офсет қоғози.
Қоғоз формати 84×108¹/₁₆.
Қоғоз ҳажми 5,00 босма табақ
Шартли босма табақ — 8,4
Нашриёт ҳисоб босма табағи — 12,1.
Шартли бўёқли босмада нашр ҳажми 11,76.
150000 нусхада чоп этилади.
Буюртма № 4772.
Баҳоси обуначига 80 тийин.
Сотувда 1 сўм.

Узбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси
«Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси.
Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли
босмахонаси.

© «Ешлик» № 3. 1991.